

1482 ✓  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ AДЛИЯ BАЗИРЛИГИ  
TOШKENT ДAВЛAТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ХУДОЁР МАМАТОВ

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА  
ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
МУАММОЛАРИ



Тошкент – 2009

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ХУДОЁР МАМАТОВ

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА  
ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
МУАММОЛАРИ**

20148

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi



«YURIST-MEDIA MARKAZI» нашриёти  
ТОШКЕНТ-2009

67.0  
M23

**Маматов, Худоёр.**

Хуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Монография. Т.: YURIST-MEDIA MARKAZI, 2009. – 256 б.

ББК 67.0

**Масъул муҳаррир:**

**А.Х. Саидов**

*юримдик фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**

**М.М. Файзиев**

*юримдик фанлари доктори, профессор;*

**И. Саифназаров**

*фалсафа фанлари доктори, профессор;*

**Н. Сабуrow**

*юримдик фанлари номзоди, доцент.*

№34-2569/2009.

ISBN 978-9943-337-27-5

© Х.Маматов,  
«YURIST-MEDIA MARKAZI» нашриёти

Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммоларига бағишланган мазкур монографияда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиш муаммоларини яхлит илмий-назарий тадқиқот тарзида таҳлил этиш орқали – тарихий, хорижий ва миллий давлатчилик тажрибаси ҳамда бу борадаги тегишли амалиёт умумлаштирилган. Босқичма-босқич шаклланиб бораётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги табиатини теран ўрганиш билан замонавий ҳуқуқшунослик ютуқлари асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданият ҳодисаларининг мазмун-моҳияти комплекс таҳлил этилган, уларга турли ёндашувлар, баҳсли нуқтаи назарларни умумлаштириш асосида илмий ечим топишга ҳаракат қилинган. Фуқаролик жамияти тарихий ривожланишининг, хусусан, унинг мамлакатимизда шаклланишининг объектив қонуниятлари аниқланиб, маънавий-маданий асослари табиатини очиб беришга, фуқаролик жамияти билан юксак ҳуқуқий маданият ўртасидаги диалектик алоқадорликни кўрсатиб беришга эришилган. Мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданият узвийлиги муаммолари таҳлил этилган, шунингдек ҳуқуқий маданиятнинг намоён бўлиш хусусиятлари очиб берилган. Жамиятни изчил демократлаштириш шароитида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, самарали ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш, аҳоли ҳуқуқий билим савиясини янада оширишга йўналтирилган илмий-амалий тавсиялар берилган.

Мазкур монография давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, шу жумладан, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданият муаммолари билан шуғулланувчи мутахассисларга, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига ҳамда мазкур мавзу билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## МУҚАДДИМА

Фуқаролик жамияти тарихий тараққиётнинг, инсоният тамаддуни маданий-маърифий юксалишининг етуклик даражасидир. Мазкур жамият ижтимоий муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий тартибга солинганлиги, умуминсоний демократик қадриятлар ва институтлар қарор топганлиги, адолатли қонунлар тизими шаклланганлиги, давлат ва барча сиёсий институтлар халқ ва фуқаролар манфаати учунгина фаолият кўрсатадиган, фуқаролари комилликка, юксак маънавий сифатларга эришганлиги билан таърифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масалалар юзасидан тўхталиб ўтар экан, жумладан, куйидагиларни таъкидлайди: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интиломқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, давлатчилик демократик тарзда ривожланиб, тобора жамиятга яқинлашиб, унинг халқчил табиати, яъни халққа хизмат қилиш хусусияти ҳокимиятнинг моҳият белгисига айланиб боради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан оқ, давлат сиёсатининг устувор йўналиши мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз, аввалгича қолади, — бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш, бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>2</sup>.

Бинобарин, фуқаролик жамиятини барпо этиш — бу, энг аввало, инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро маърифий алоқадорлиги бўлиб, унда инсон, унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор аҳамиятга эга бўлади. Бундай жамиятда мавжуд бўладиган ижтимоий муҳит давлатнинг қонунлар доирасида фаолият кўрсатишига, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла-тўқис таъминланишига шароит яратади, асосий омил бўлиб хизмат қилади. «...Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. —Б.11

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. —Б.34

камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади»<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз истиқболи унинг келгусида эришадиган буюк мақоми нафақат халқимизнинг юксак муваффақиятларига ҳамда жамиятимизнинг белгиланган марраларга ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлидан қатъий бориш қобилятига, балки миллатнинг маънавий куч-қудрати, интеллектуал салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Халқнинг маънавий ва маданий қадриятларини қайта тиклаш, ўз навбатида белгиланган эзгу мақсадлар сари сабр-матонат билан интилишни, ҳозирги ва келгусида эришилиши мўлжалланаётган маданият даражасини чуқур таҳлил этишни ҳамда унга илмий асосланган холис баҳо беришни тақозо этади.

Маълумки, маданият шундай қудратли ҳодисаки, у халқнинг ижтимоий онгини, руҳиятини, маънавий дунёсини акс эттиради, унинг ўзлигини англашга, маънавий қадриятларини тиклашга кўмак беради. Маданият жамият, шахс фаолиятининг (кайфиятининг) нафақат кўтаринки юксак соҳаси, балки у бутун халқни улкан ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга руҳлантирадиган ҳамда сафарбар этадиган қудратли кучдир. Бугунги кунда жамиятнинг умумий маданиятини, жумладан, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини барпо этиш, шунинг баробарида ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқмоқда. Шу сабабли, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий маданиятнинг беқиёс роли ва аҳамиятини илмий жиҳатдан кенг тадқиқ этиш ҳуқуқшунослик фанимиз олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш концепцияси марказида миллий маънавий-маданий меросга, халқимизнинг ахлоқ, одоб, инсонпарварлик анъаналарига асосланиш масаласи туради. Янги ижтимоий воқелик — фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларига миллий, тарихий-маданий тажрибани мустақил тараққиётимиз даврида вужудга келган маданий қадриятлар ва тажриба билан уйғунлаштириш учун илмий асосланган, қиёсий таҳлиллар билан бойитилган, замонавий демократик тараққиётга мос тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим<sup>2</sup>.

Юксак ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий давлатнинг зарурий белгиси. Ушбу муҳим назарий-методологик ҳамда катта амалий аҳами-

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. —Б.151

<sup>2</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат куришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.—Тошкент: «Ozbekiston», 2007. —Б.8

ятга эга бўлган қоида ўзбек жамияти томонидан ўз вақтида чуқур англаб етилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан махсус учрашув ўтказиб (1997 йил 20 май), халқнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини жиддий тарзда кун тартибига қўйди. Бу бежиз эмас эди, чунки айнан аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали халқни демократик янгилашлар ва ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш мумкин. Учрашувда давлатимиз раҳбари қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Ўзбекистон... ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролар жамиятини қуриш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир»<sup>1</sup>. Бунга эришиш учун, аввало, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо қилинади, иккинчидан, «аҳолига чуқур ҳуқуқий билимлар беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятни оширишга эришиш, ... том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарурдир»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»<sup>4</sup> қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги муносабат, ўзаро алоқалар тизими ҳозирга қадар юридик фанимиз томонидан жиддий таҳлил этилмаган соҳа ҳисобланади. Кўпчилик илмий тадқиқотларда давлатнинг жамият ишларини бошқаришдаги роли ва имкониятларини очишга устуворлик

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. —Б.25-26

<sup>2</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. —Б.26

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони // Халқ сўзи. 1997 йил 26-июнь.

<sup>4</sup> Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. —№9. —227-модда.

бериб келинмоқда. Бунда давлатнинг бош ислохотчилик ролига урғу берилиб, жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш хусусияти, ижтимоий муносабатларни жамиятнинг ўз ички имкониятлари, ижтимоий механизмлари воситасида тартибга солиш қобилияти эътибордан четда қолмоқда.

Фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни боғловчи восита сифатида мамлакатимизда шаклланаётган кўппартиявийлик тизими (сиёсий партиялар) алоҳида ўрин тутади. Сиёсий партиялар жамият билан давлат идоралари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни мунтазам таъминловчи ижтимоий тузилмалар ҳисобланади. Улар жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар (қатламлар)нинг сиёсий эҳтиёж ва манфаатларини шакллантиради ҳамда акс эттиради. Бундай муҳим институтларнинг Ўзбекистонда шаклланиш жараёнлари, хусусиятлари ва тенденцияларини ҳуқуқий жиҳатдан илмий-назарий таҳлил қилиш алоҳида диққатга лойиқдир. Бу жараёнлар жамиятда рўй бераётган аҳолининг сиёсий фаоллашуви, сиёсий институтлашуви (табақалашуви)ни, айниқса, ҳуқуқий ижтимоийлашувини бевосита акс эттиради.

Мамлакатимизда қарор топаётган демократик фуқаролик жамиятининг хусусиятларидан бири – унинг таркибий институтлари бўлмиш – нодавлат нотижорат ташкилотларининг, жамоат бирлашмаларининг жадал шаклланаётганлигидир. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган мазкур тузилмаларнинг фуқаролик жамияти институтлари сифатида шаклланиш ва мустаҳкамланиш хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб вазифалардан биридир. Айниқса, уларнинг давлат органлари билан муносабати, фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимидаги иштироқи самарасини аниқлаш каби масалаларни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамияти институтлари мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор, яъни демократик қонунлар асосида, муайян ҳуқуқий муҳитда фаолият юритадилар. Улар ўз ҳуқуқий мақомини тўла-тўқис англаб етиши, қонун билан ўзларига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиш савияси, қолаверса, давлат органлари билан бўладиган турли-туман алоқаларда намоён бўладиган ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни, табиати, механизми ҳам ҳали юридик адабиётда илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган мавзу ҳисобланади. Ушбу масалаларни пухта таҳлил этиш, уларнинг моҳиятига етиб бориш фуқаролик жамиятини барпо этишдек муҳим вазифани муваффақиятли ҳал қилишга кўмаклашади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти, аввало, аҳолининг ҳуқуқий



онги, маданияти даражаси билан боғлиқдир. Бунда шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, Конституция ва қонун устуворлиги, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, халқ суверенитети ва дунёвий конституционализм каби қадриятлар ижтимоий ҳуқуқий онгдаги замонавий ҳуқуқий қадриятлар саналади. Таъкидлаш жоизки, ушбу қадриятлар аллақачон бизнинг конституциявий қонунчиликка кирди. Бинобарин, мазкур қадриятлар бугунги кунда Ўзбекистоннинг суверен ва ҳуқуқий давлат сифатида ривожланишини белгилаб бермоқда.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксак бўлиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланишига, фуқаролик жамияти қурилиши йўлидаги барча ўзгартиришларни юридик жиҳатдан таъминланишига хизмат қилади.

Ҳозирги босқичда ҳуқуқий маданият ҳолатининг Ўзбекистонда ўзига хос жиҳати шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганидан бошлаб юридик қадриятларимизни, ҳуқуқий маданиятимизни замонавий конституциявий талаблар даражасига мос тарзда юксалтириш зарурати туғилди. Бугунги кунда эса ҳуқуқий тарбия тизимини янада такомиллаштириш эҳтиёжи сезилмоқда. Чунки давлат органлари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг ҳуқуқий тарбия жараёнидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш етарлича эмас. Шу каби масалаларни янги асосда, мамлакат ривожланишининг ҳозирги модернизация ва демократлаштириш босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури жорий этилгач, юридик кадрлар тайёрлашга янгича ёндашувлар пайдо бўлди. Мамлакатда юридик таълим ривожланмоқда, бу табиий равишда юридик кадрларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимдонлиги юксалишига маълум даражада ижобий таъсир этмоқда. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат — профессионал ҳуқуқий маданият шаклланишини, илғор юридик тафаккур қарор топишини назарда тутати. Зеро, бу жараён муаммосиз кечмайди. Сир эмаски, баъзи бир ҳуқуқий муаммоларни ечишда ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқга риоя этмаслик, ҳуқуқбузарликлар ҳалақит бермоқда. Ҳуқуқий онгнинг ғайритабиий кўринишлари демократик давлатчилик шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий инфантелизмнинг зарари ҳуқуқий нигилизм оқибатларидан кам эмас. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлар сонини жадал кўпайтириш муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш имконини бермайди. Бунинг учун аввало, зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитлар яратилиши лозим. Акс ҳолда бундай

ҳолат қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қадрсизланишига олиб келиши мумкин. Бинобарин, Ўзбекистондаги ҳуқуқий модернизация ва ислоҳотларнинг изчил олиб борилиши тегишли мустаҳкам ҳуқуқий база яратишни тақозо этади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг маънавий-ҳуқуқий асосларини теран шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини юксалтириш, замонавий-маърифий ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамияти барпо этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, ушбу жамиятнинг ҳуқуқий маданияти, маънавий-ахлоқий асосларига оид муаммолар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида барча ижтимоий гуманитар йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг диққат марказида турибди. Сўнги йилларда фуқаролик жамиятининг моҳияти, табиати ҳамда уни шакллантириш жараёнларига бағишланган, шунингдек тегишли ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий мафкура таҳлилига доир бир қатор сиёсий-назарий, фалсафий, ҳуқуқий, тарихий йўналишдаги асарлар чоп этилди.

Мазкур муаммолар хусусида тадқиқот олиб борган кўпгина ҳуқуқшунос, файласуф, сиёсатшунос олимларимизнинг асарлари диққатга сазовордир. Хусусан, Ш.Ўразаев, М.Шарифхўжаев, А.Азизхўжаев, С.Адилходжаева, Д.Ахмедов, Х.Бобоев, Ш.Жалилов, З.Исломов, У.Таджиханов, А.Саидов, Х.Одилқориев, А.Турсунов, Э.Ҳалилов, О.Ҳусанов, М.Файзиев, Ф.Рахимов, А.Ҳамраев, С.Жўраев, Р.Жумаев, М.Қирғизбоев, М.Фуломов, Ф.Мусаев, Ҳ.Ғойибназаров каби олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти ҳақида сўз юритганда У.Таджиханов ва А.Саидовларнинг ҳуқуқий маданият назариясига оид дарслик ва монографияларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг моҳияти, тушунчаси, функциялари, услубларига оид изланишлар, шунингдек, куйидаги хорижлик муаллифлар томонидан ҳам амалга оширилган: Е.В.Аграновская, Л.А.Ершова, Н.М.Кейзеров, А.Л.Ликас, М.Н.Марченко, Н.И.Матузов, В.М.Межуев, В.С.Нерсесянц, А.Р.Рашинов, Ю.М.Резник, В.П.Сальников, В.А.Четвернин ва бошқалар.

Мавжуд тадқиқотлар фуқаролик жамияти ва унинг маънавий пойдевори ҳисобланган ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти ҳамда мазмунини ўрганишга муҳим ҳисса қўшганлигини эътироф этиш лозим. Айни вақтда, юқоридаги тадқиқотларда бу икки ҳодиса ало-

ҳида-алоҳида таҳлил этилган, шунингдек, уларга хусусий ёки жузъий масала сифатида ёндашилгани кўзга ташланади. Бироқ фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти, моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари ва қонуниятлари юридик фанимизда комплекс тарзда тадқиқ этилмаган.

Мавжуд адабиётларда фуқаролик жамиятининг генезиси, тарихий ғоявий илдишлари, шарқона концепцияси, Ўзбекистонда шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий омиллари, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида фуқаролик жамиятига хос ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш муаммолари, шунингдек юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш хусусиятлари, замонавий ҳуқуқий мафкураининг назарий ва амалий талқинини яратиш масалалари ўзининг етарли ифодасини топмаган. Демак, бу борада жиддий илмий-назарий тадқиқотлар ўтказилиши лозим.

Мазкур тадқиқотимизнинг методологик ва назарий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бундай жамиятни шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва аҳамиятига оид фикрлари, кўрсатмалари, асарлари ҳамда ушбу мавзунинг турли жиҳатлари бўйича изланишлар олиб бораётган мамлакатимиз ва хорижлик ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва файласуф олимларнинг асарлари ташкил қилди.

Мазкур монография шу соҳадаги илк комплекс тадқиқотлардан биридир. Унда учраши мумкин бўлган айрим камчиликларни тузатиш, уни янада такомиллаштириш бўйича бериладиган таклиф ҳамда тавсияларни мамнуният билан қабул қиламиз ва бунинг учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

# I БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

## 1.1. Фуқаролик жамияти: тарихи, тушунчаси ва юридик табиати

Давлат ва жамият қадимдан бир-бири билан ўзаро уйғунликда ривожланиб келаётган ижтимоий ҳаёт бирликлари ҳисобланади. Бинобарин, кишилиқ жамияти шаклланишининг муайян босқичида давлат вужудга келган. Ўз ўрнида фуқаролик жамияти инсоният томонидан асос солинган давлат ва жамият ҳаётининг энг олий шаклидир.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши асосан қуйидаги икки мезон билан ўлчанади. *Биринчиси*, фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар ва таълимотларнинг ривожланиши бўлса, *иккинчиси*, халқларнинг давлатчиликни қандай шаклини ўз ҳудудида бунёд этишга бўлган интилишида ҳамда бу борадаги амалий фаолиятида намоён бўлади.

Инсоният учун ҳар томонлама мақбул келадиган ижтимоий ҳаётни қарор топтириш билан боғлиқ муаммолар давлат ва ҳуқуқ юзага келган даврдан бошлаб олимлар ва мутафаккирларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз ва МДХ давлатлари олимлари томонидан кейинги йилларда фуқаролик жамиятининг моҳияти, ривожланиш тарихи ва босқичларини тадқиқ этишга оид қатор ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар нашр этилганлигини қайд этиш лозим<sup>1</sup>. Юқоридагилар билан бирга, мазкур масала юзасидан номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилинганлигини кўрсатиб

<sup>1</sup> Қаранг: Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. — Ташкент: ТГЮИ, 2007. — 129 с.; Эволюция политико-правовых идей либерализма, проблемы их реализации на современном этапе: вопросы теории и практики.: Автореф. дис...докт.юрид.наук. — Ташкент, 2003.— 51 с.; Азизходжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. — Тошкент: Шарқ, 1996. —226 б.; Бобоев Ҳ.Б. Узбек давлатчилиқ тарихи. — Тошкент: Фан. 2004. — 294 б.; Бобоев Ҳ., Қаҳҳаров А. Демократик конституциянинг ижтимоий-ҳуқуқий қирралари. — Тошкент, 1998. — 77 б.; Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан — кучли жамият сари. — Тошкент, 2001. — 160 б.; Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага.—Тошкент, 2002. — 87 б.; Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий—ҳуқуқий асослари.—Тошкент, 2007. — 272 б.; Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Тошкент: Шарқ, 2002. —320 б; Рахимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан.: Автореф. дис....докт.юрид.наук. — Тошкент, 2001.— 43 с.; Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-2 том.—Тошкент, 1998; Турсунов А.С. Давлат ва суверен тенглик // Ҳаёт ва қонун.—Тошкент, 2002. —№1. —Б.7-9; Файзиев М.М. Миллий давлатчилик та-

ўтиш мумкин. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари юзасидан доимий тарзда халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Мазкур масалалар илмий жамоатчиликнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётганлигига қарамасдан, мамлакатимиз ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бошқа давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг асарларида «фуқаролик жамияти» тушунчаси юзасидан турлича нуқтаи назарлар мавжуд эканлигини қайд этиш жоиз.

Маълумки, фуқаролик жамияти инсоният тарихий тараққиётининг алоҳида етуклик даври сифатида унинг маърифий шаклланиш, комилликка эришиш ва равнақ топиш босқичларини ўз қамровига олади. Бундай идеал жамият ҳақидаги ғоянинг юзага келишидан тортиб, то унинг ҳаётий воқеликка айланишигача бўлган амалиётни илмий жиҳатдан таҳлил этиш ҳозирги кунда олимлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу билан бирга, башарият ўз тамаддунида улкан тараққиёт даражасига эришганлигига қарамасдан, бугунга қадар фуқаролик

---

раққиёти. — Тошкент: ЖИДУ, 2002. — 33 б.; Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Тошкент, 2003. — 510 б.; Уразаев Ш.З. Власть и закон. — Ташкент: Фан, 1992. — 52 с.; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. — Тошкент, 2006. — 160 б.; Одилқориев Х., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. — Тошкент, 2004. — 304 б.; Ҳалилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: соҳта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2001. — 45 б.; Ҳамраев А.У. Правовая культура личности. Автореф. дисс... канд.юрид.наук. — Ташкент, 1999. — 21 с.; Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари. — Тошкент: Университет. 1994. — 132 б. Козлихин И.Ю. Идея правового государства. История и современность. — СПб., 1993.; Соколов А.Н. Правовое государство: идея, теория, практика. — Курск, 1994.; Воротилин Е.А. Идеи правового государства в истории политической мысли / Политология / Отв. ред. М.Н.Марченко. — М., 1997. — С.76-91.; Генезис личности, демократической семьи, гражданского общества и правового государства. В 2-х т. — СПб., 1999.; Четвернин В.А. Демократическое правовое государство. — М., 1993.; Гражданское общество: теория, история и современность. — М., 1999.; Гуторов В.А. Современные концепции гражданского общества // Гражданский форум. — 2001. — №1. — С.47-56.; Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. — Тошкент, 1999. — 120 б.; Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан — кучли жамият сари. — Тошкент, 2001. — 160 б. ва ҳоказо. Рахимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан. Автореф. дис. ... докт. юрид.наук. — Ташкент, 2001.; Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар). Юрид. фан. ном. ... дис. автореф. — Тошкент, 2008. — 27 б.; Якубов Ш.У. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий кадрият ва тамойилларнинг шаклланиши. Юрид.фан.номзоди... Автореф. — Тошкент, 2008. — 25 б. ва бошқалар.

**жамияти** ғоясининг туб маъноси, моҳияти юзасидан ягона нуқтаи назарга келинмаганлигини ҳамда унинг ягона илмий таърифи яратилмаганлигини қайд этиш жоиз. «Фуқаролик жамияти» тушунчасининг мазмун-маъноси, илмий талқини, моҳиятига оид хусусият-белгилари нималардан иборат? Шу хусусда адабиётларда, жумладан, ҳуқуқшунослик соҳасидаги адабиётларда қандай фикр-мулоҳазалар мавжуд, деган саволлар ўзининг илмий ечимини кутмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, фуқаролик жамияти қадимдан аллома-мутафаккирлар наздида ижтимоий ва давлат-сиёсий тузумнинг адолат, эркинлик, тафаккур замирида қурилган идеал намунаси тарзида ифодаланиб келинган. Хусусан, Аристотель жамиятни давлатдан алоҳида тасаввур этмаган. Давлатни фуқароларнинг умумий жамоаси, деб таърифлаган. Яъни унинг фикрича, «давлат фуқароларнинг ўз эҳтиёжларини етарли даражада қондириш қобилиятига эга бўлиб яшашидир»<sup>1</sup>. Марк Туллий Цицерон жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини исботлашга уринган: «...қонун фуқаролик жамиятини боғловчи бўғини, ҳуқуқ эса қонун билан ўрнатилиб, барча учун бир хил бўлади»<sup>2</sup>. Тараққиётнинг бу босқичида «фуқаролик» жамияти давлат билан айнан бир ҳодиса, деб эътироф этилган.

«Фуқаролик жамияти» тушунчаси тарихан инсоният тараққиётининг турли даврларида яшаган мутафаккирларнинг ...адолатли ижтимоий тузум моделини яратиш йўлидаги интилишлари билан тавсифланадиган алоҳида бир даврни акс эттиради<sup>3</sup>. Фуқаролик жамияти ҳодисасининг ғоявий асосларига, тарихий илдиэларига тадқиқотимизнинг кейинги қисмларида батафсил тўхталамиз. Изланишларимизнинг аввалида эса фуқаролик жамиятининг генезиси, этимологик талқини ва моҳиятига оид таҳлилларни баён этамиз.

Ҳозирги замон шароитида фуқаролик жамиятини барпо этиш дунёдаги аксарият давлатларнинг интилиши бўлиб, ушбу ҳолат уларнинг сиёсий дастурларида, конституцияларида мустақамланган мақсадига айланган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўз олдида адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини стратегик мақсад қилиб белгилади. Зотан, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият — демократия ва адолат принципларига таянувчи эркин инсонлар

<sup>1</sup> Қаранг: Аристотель. Политика. Соч. в 4-х томах. Т.4.—М.: Мысль, 1984. — С.379

<sup>2</sup> Цицерон. Диалоги.—М., 1966. —С.24

<sup>3</sup> Жўраев С. Фуқаролик жамияти.: назария ва амалиёт.—Тошкент: ТДШИ наشريёти, 2003. —Б.40

жамияти бўлмоғи лозим<sup>1</sup>. Албатта, фуқаролик жамияти бос-қичма-босқич барпо этиладиган, тарихан узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканлиги барчага аён.

Белгиланган улкан ижтимоий вазифани муваффақиятли уddа-лаш ҳамда эзгу мақсадга эришиш учун фуқаролик жамияти аслида қандай жамият эканлигини, унинг моҳияти нимадан иборат, ижтимоий белгилари, хусусиятлари, табиати қандайлигини аниқлаб олиш мазкур ишнинг методологиясига оид муҳим масаладир.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик жамияти ҳақида ниҳоятда ранг-баранг фикрлар, таҳлиллар, хулосалар билдирилганлигига қарамасдан, ҳанузгача ушбу ҳодисанинг моҳиятини тўла қамраб оладиган ягона таърифи яратилгани йўқ. Шу боис, ижтимоий-сиёсий ва юридик адабиётларда билдирилган фикрларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Академик М.Шарифхўжаев ўтмишдаги алломаларнинг фикрига таянган ҳолда «Фуқаролик жамиятини, энг аввало, давлатдан маълум маънода мустақил бўлган мулккий, бозор, оилавий, ахлоқий муносабатларнинг алоҳида махсус соҳаси», деб ҳисоблайди. Шу маънода фуқаролик жамияти, деганда, расмий давлат институтлари қаторида алоҳида шахслар ва улар уюшмалари, товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатларини таъминловчи давлатга номансуб тизимлар мавжуд бўлган жамиятни тушуниш лозимлигини қайд этади<sup>2</sup>.

Шунингдек олим, фуқаролик жамиятининг классик таълимотларда кўрсатиб ўтилган уч асосий белгиси: иқтисодий, сиёсий, маънавий асосларига алоҳида тўхталиб ўтар экан, айниқса, унинг иқтисодий асосларига урғу беради. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий белгиси хусусий мулкчиликка асосланган. Хусусий мулк фақат эркин, очик, ботинан ривожланишга қодир, сиёсийлашмаган, ҳар қандай мафкурадан, яъни мафкуравий монополизмдан холи жамиятда шаклланади ва мавжуд бўлади. Ушбу устувор хусусиятдан келиб чиқиб муаллиф: «фуқаролик жамияти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил эркин харидор, мустақил озод фуқаро жамиятидир»<sup>3</sup>, деб хулоса қилади.

Академик М.Шарифхўжаевнинг ушбу тезисига нисбатан файласуф олим Ф.Мусаев қуйидагиларни таъкидлайди: «Бироқ бу

<sup>1</sup> Одиқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Тошкент: 2002. — Б. 164; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Тошкент: Адолат, 2007. — Б. 59

<sup>2</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Тошкент: «Шарқ», 2003. — Б. 16

<sup>3</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Тошкент: «Шарқ», 2003. — Б. 10—11

**«мус-тақиллик» ҳолатларини мутлақ тарзда тушунмаслик даркор. Зеро, яхши аёнки, ишлаб чиқарувчи харидордан (фуқародан) мустақил бўла олмаганидек, харидор ҳам ишлаб чиқарувчидан мустақил бўлиши мумкин эмас. Аслида улар ўзларининг ҳаётини белгилаш ва фаолиятини йўлга қўйишда, режаларини амалга оширишда давлатнинг ноқонуний аралашувидан мустақилдирлар»<sup>1</sup>. Фикримизча, Ф.Мусаев фуқаролик жамияти иқтисодий механизмидаги субъект-ларнинг мустақиллиги масаласини уларнинг ўзаро алоқадорлиги тушунчаси билан чалкаштирган кўринади. Ўз-ўзидан маълумки, ишлаб чиқарувчи қонун доирасида мустақил эркин иқтисодий фаолият юритади (албатта, у бозордаги талаб билан таклифни инobatга олиб иш тутади), харидор маҳсулот сотиб олиш ёки олмасликда эркин ва мустақилдир. Шу боис, биз М.Шарифхўжаевнинг Г.Гегель фикрига ҳамоҳанг хулосасини фуқаролик жамиятининг мантиғини ҳаққоний очувчи тезис сифатида маъқуллаймиз.**

Шу ўринда машҳур немис файласуфи Г.Гегелнинг ёндашувини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти – бу биринчи навбатда, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизимидир, шунингдек дин, оила, сулола, давлат қурилиши, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, маърифат, қонунлар ва улардан келиб чиқадиган ўзаро юридик алоқалардир<sup>2</sup>. Гегелнинг таъкидлашича, фуқаролик жамиятида инсон ўз меҳнати билан фароғат топади, шунингдек хусусий манфаатлар устувор тарзда рўёбга чиқарилади<sup>3</sup>. Мутафаккир фуқаролик жамиятини буржуача хусусий мулкчилик муносабатлари тизимидан иборат, деб талқин қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Г.Гегелнинг ушбу талқинини ҳозирги замон файласуфлари, социологлари, сиёсатшунослари, юристлари ҳали-ҳануз охиригача муфассал англаганларича йўқ. Шу сабабдан кўпчилик Г.Гегель томонидан фанга қиритилган «фуқаролик жамияти» иборасини механик тарзда тушуниб, уни «фуқаролар йиғиндисидан иборат жамият», деб талқин этадилар. Бироқ масаланинг моҳияти кўпчилик ўйлаганчалик оддий эмас. Бинобарин, «фуқаролик жамияти» феномени анъанавий жамият тушунчаси билан айнан бир эмаслигини таъкидлаш лозим. Ушбу фикрни

---

<sup>1</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. – Б.76

<sup>2</sup> Қаранг: Гегель Г.В. Философия права. – М., 1990. – Б.279

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша асар. – Б.286



мамлакатимиздаги кўпчилик тадқиқотчилар қўллаб-қувватламоқдалар<sup>1</sup>.

«Фуқаролик жамияти» ҳодисасининг туб моҳиятини тўла англаб, ажратиб олиш учун таҳлилни аввало, «жамият» тушунчасидан бошлаш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

«Маълумки, «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари ўртасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди», – дейди сиёсатшунос олим С.Жўраев. Унинг фикрича, «жамиятнинг ўзи индивидларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Бу – мураккаб ижтимоий организм, одамлар ўзаро муносабатлари маҳсули, уларнинг, энг аввало, ишлаб чиқаришни, ҳаёт неъматларини ўзаро алмашиш, истеъмол қилиш билан боғлиқ муайян тарзда уюшган ташкилотидир. Жамият – ўзаро оилавий ришталар билан, гуруҳий, табақавий муносабатлар билан бирлашган одамларнинг мураккаб тизимидир»<sup>2</sup>. М.Шарифхўжаев талқинида «жамият оилавий қавмқариндошлик, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, синфий муносабатлар алоқаларидан иборат мураккаб динамик тизимдир. Бошқача айтганда, жамият биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар устувор бўлган индивидлар муштараклиги, бирлигидир... Жамият – ижтимоий муносабатлар мажмуи, йиғиндисидир»<sup>3</sup>.

Академик М.И.Байтиннинг нуқтаи назарига кўра, жамият инсонларнинг муайян ишлаб чиқариш типи асосида қарор топадиган биргаликдаги фаолиятининг ҳар қандай шакли, барча турдаги ижтимоий муносабатларнинг йиғиндисидир<sup>4</sup>. Ушбу таъриф моҳиятан тўғри, бунда муаллиф «муайян ишлаб чиқариш типи»ни, яъни жамиятга нисбатан ижтимоий-иқтисодий формациявий ёндашувни акс эттиради. Бироқ «жамият»нинг таърифи ҳозирги замонда мавжуд юқори технологик, кўп укладли жамият хусусиятларини ҳам қамраб олиши лозим.

«Жамият» тушунчасига берилган янада батафсил бўлган таърифни профессор В.М.Корельскийнинг асарларида учратиш мумкин. Яъни унинг фикрича, «жамият – бу кишилар ўртасидаги

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент: «Шарқ», 2003. – Б.9; Одиқориев Х. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва қадриятлари тизими. // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.22–24; Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТДШИ, 2003. – Б.40

<sup>2</sup> Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТДШИ нашриёти, 2003. – Б.39

<sup>3</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: «Шарқ», 2003. – Б.8

<sup>4</sup> Қаранг: Теория государства и права. / Подред.Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М.: «Юристь», 2000. – С.23

Ўзаро алоқадорлик маҳсули, улар ҳаётининг муайян ташкилий шакли, ўз ички қарама-қаршиликларига эга вужуд (организм) бўлиб, унинг моҳияти инсонларнинг, улар уюшмалари ҳамда бирликларининг турли-туман иқтисодий, ахлоқий, диний ва бошқа алоқа ва муносабатларида намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Профессор Х.Одилқориев фалсафий қомусий луғатдаги талқинларга таяниб қуйидагича илмий хулоса қилади: «жамият шахслар (индивидлар)нинг оддий, Ўзаро боғланмаган йиғиндиси эмас, балки у кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг мужассам мажмуи, муштарак маҳсули сифатида майдонга чиқади. Жамият – бу инсонларнинг умумий манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари бирлиги асосида, уларни қондириш мақсадидаги бирикуви ва кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, алоқадорлик; ҳамкорлик ифодасидир»<sup>2</sup>.

Гарбий Европалик файласуф ва сиёсатшунослардан Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, Г.Гегель, М.Вебер кабилар жамиятни табиий-тарихий жараён, мураккаб ижтимоий система, деб таърифлайдилар<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган таъриф ва иқтибослардан кўриниб турибдики, ижтимоий-фалсафий маънодаги анъанавий «жамият» тушунчаси билан Г.Гегель томонидан рамзий номланган «фуқаролик жамияти» категориялари бир хил тушунчалар эмас экан. Шу жиҳатдан олганда, «жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларини айнан бир хил, деб талқин қилмаслик лозим. Айнан улар ўртасидаги ўзига хос хусусиятларни, фарқларни аниқлаш бизнинг тадқиқотимиз объектини тўлароқ ва мукамалроқ ёритиш имконини беради.

Назарий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда «фуқаролик жамияти»нинг моҳиятини тушуниш юзасидан икки хил ёндашув илгари сурилади. Биринчи анъанавий ёндашувга кўра, «фуқаролик жамияти» хусусий мулк ва давлат вужудга келиши билан юзага келган. Ушбу ўринда «фуқаролик жамияти» тушунчасидан жамиятнинг муайян ҳолатини тавсифлаш учун фойдаланилади ва шахснинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари сиёсий-юримдик жиҳатдан таъминланган, муҳофазаланган, шу боис у фуқаровий жамият деб талқин этиладиган алоҳида давлат билан айнан бир деб эътироф этилади.

Фуқаролик жамиятининг иккинчи талқини: уни жамият ҳаётининг муайян жабҳаси – давлат таъсиридан ташқари муносабатлар

<sup>1</sup> Қаранг: Теория государства и права. / Отв. ред. В.М.Корельский и В.Д.Первалов. – М.: «Норма», 1998. – С.27

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари. / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, И.Рамазонов. – Тошкент, 1997, – Б.28

<sup>3</sup> Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Ша

ва нодавлат тузилмалар соҳаси, деб тушунтириш билан боғлиқ. Бу ерда фуқаролик жамияти, *биринчидан*, умуман анъанавий жамият билан тенглаштирилади; *иккинчидан*, жамиятнинг алоҳида қисми, *учинчидан*, жамият барча аъзоларининг ижтимоий тавсифи сифатида талқин этилади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларда «фуқаролик жамияти» атамаси илк бор қачон қўлланилганлиги юзасидан турли хил қарашлар мавжуд. Айрим муаллифлар «фуқаролик жамияти» тушунчаси Платоннинг жамият-давлат ғояси, Аристотельнинг полиси, Цицероннинг фуқаролик жамияти, Форобийнинг фозил одамлар шаҳри ва бошқа таърифларга бориб тақалади, деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Аристотель ушбу жамиятни «*politik koinonia*», «сиёсий бирликлар ҳамжамияти», деб атаган эди. Мазкур иборанинг латинчадан таржимаси «*societas civilis*» (фуқаролик жамияти) тарзида қабул қилинган. Ушбу категория «полисни» ифодалаш учун қўлланилиб, унинг замирида «сиёсий мавжудот» сифатидаги инсон мақсади тушунилган. У даврда «фуқаролик жамияти» ҳодисаси «сиёсий жамият» билан синоним сифатида ишлатилган. Қадимги Юнонистонда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сиёсийлаштирилган эди. Қолаверса, алоҳида индивид ўзини шу жамиятдан айри ҳолда тасаввур эта олмасди<sup>2</sup>.

Ушбу иборани илк бор 1767 йилда А.Фергюсон «Фуқаролик жамияти тарихи тажрибаси» асарида ишлатган ҳамда уни фуқаролик (гражданлик) ҳолати ва маърифатлилиқ белгиси сифатида талқин қилган. Фуқаролик жамияти хусусидаги фикрларни шакллантиришда немис файласуфи Гегелнинг хизматлари катта. Унинг талқинига кўра: «Одамлар фақат ўз манфаатларига таяниб иш қўрадилар ва улар ўртасида шундай ижтимоий муносабатлар вужудга келадикки, бунда ҳар бир киши бошқасига боғлиқ бўлади»<sup>3</sup>. Гегель фуқаролик жамиятини буржуача хусусий мулкчилик (иктисодий) муносабатлари тизимидан иборат, деб талқин этади.

«Фуқаролик жамияти» иборасининг этимологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, юқоридаги хулосанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиламиз. Немисча «*Bürgerliche Gesellschaft*» (Бюргерлеске бешеллшафт) сўзи икки маънога эга, яъни, бюргер (буржуа) – бу ҳам фуқаро, ҳам буржуа деганидир. Демак, хусусий мулкчиликка

<sup>1</sup> Қаранг: Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политико-правовое исследование. Автореф. дисс... канд.юр.наук. – Казань, 2005. – С.12

<sup>2</sup> Қаранг: Аристотель. Политика. Соч. в 4-х томах. Т.4. – М., 1984. – С.481; Коэн Л.Ж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. – М.: «Весь Мир», 2003. – С.134

<sup>3</sup> Қаранг: Гегель Г. Философия права. – М., 1990. – С.279

асосланган ижтимоий тузилма сифатида майдонга чиқаркан, фуқаролик жамияти, энг аввало, бозор муносабатлари тизимини ўзида ифода этади<sup>1</sup>. Ушбу тизим маъмурий ҳоқимият бошқара олмайдиган жараёнларни, жумладан, турли хил рақобатларга бардош бера оладиган бозор муносабатларининг ўз табиий ички талаб ва қонуниятлари асосида ривожланишини таъминлайди. Демак, инсон фаолиятида ижодий изланиш, тадбиркорлик аниқ намоён бўлганда ҳамда шахс эркинлиги ҳақидаги орзулар чинакам воқеликка айлангандагина фуқаролик жамияти барпо этилиши мумкин<sup>2</sup>.

Фуқаролик институти «инсоннинг табиий ҳуқуқлари» таълимоти туфайли буржуа тузуми даврида вужудга келди ва сиёсий-ҳуқуқий эътирофга сазовор бўлди. Зеро, мазкур таълимотнинг асосий мақсади инсон ва фуқаро ҳуқуқларини юридик жиҳатдан ҳимоясини таъминлашдан иборат эди. «Фуқаролик жамияти» ибораси эса шу даврдан бошлаб, адабиётларда том маънодаги ўзининг алоҳида мазмуни талқинига эга бўлди. У ҳозирги замонавий талқинда жамиятнинг муайян ҳолатини, алоҳида тамаддун типини, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий табиатини, етуклик даражасини акс эттиради. Бошқача айтганда, мазкур тушунча воситасида инсониятнинг тарихий тажрибаси асосида шакллантирилган эҳтиёжлари мезонларига жавоб берувчи жамият, ижтимоий тараққиёт даражаси ифодаланadi.

«Фуқаролик жамияти» — ҳозирги замон ҳаёт тарзи усулининг шартли номланиши бўлиб, у бозор иқтисодиёти ва демократия билан узвий боғлиқ цивилизациянинг муайян типини характерловчи муҳим хусусиятлар мажмуини акс эттиради... Фуқаролик жамиятининг асосини хусусий мулк ташкил қилади. Бундай жамият қарор топиши учун, — дейди тарихчи Кара-Мурза, — Европада инсонни индивидга ва мулкдорга айлантирган XVI—XVII аср реформацияси талаб этилди»<sup>3</sup>.

Таъкидлаш жоизки, жамиятни ифодалаш учун «фуқаролик» деган сифат қўлланилиши, ўз навбатида унга бой маъно ва мазмун бахш этади. Ушбу феноменнинг туб маъноси серқирра бўлиб, уни олимлар турлича шарҳлайдилар. Аммо бир нарса аниқ, яъни ҳудудида ҳуқуқ амал қилувчи ҳар қандай давлат ҳуқуқий давлат, деб

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.—Тошкент: «Адолат», 2007. —Б.62

<sup>2</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши.—Тошкент: Шарқ, 2003. —Б.10

<sup>3</sup> Қаранг: Кара-Мурза. Интеллигенция на пепелище России.—М., 1997. —С.244-245

эътироф этилмаганидек, фуқаролар истиқомат қилувчи ҳар қандай жамият ҳам фуқаролик жамияти, деб ҳисобланмайди<sup>1</sup>.

XVII–XIX асрларда амалга оширилган изланиш ва тадқиқотлар натижасида (Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, В.Гумбольдт, И.Кант, Г.Гегель, К.Маркс, Ф.Энгельс, М.Вебер ва бошқалар) фуқаролик жамияти моҳиятини ифодаловчи қуйидаги умумий жиҳатларга эга бўлган тўхтамга келинди, яъни фуқаролик жамияти деганда, муносабатларнинг алоҳида соҳасини — мулкӣ, бозор-иқтисодӣ, оилавий, маънавий-ахлоқӣ муносабатлар соҳасини тушуниб, улар давлатдан муайян даражада мустақил ҳисобланади. Шу маънода илмӣ адабиётларда фуқаролик жамияти хусусӣ, ғайрирасмӣ — яъни алоҳида индивидлар ва улар ташкилотларининг давлат назоратидан холи бўлган манфаатлари соҳаси сифатида талқин этиладиган бўлди.

Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев бу борада тўғри таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик жамиятининг ҳозирги замон талқини қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

— фуқаролик жамияти эркин инсонларнинг ҳамжамиятидир. Бунинг маъноси иқтисодӣ жиҳатдан шуни англатадики, бунда индивид мулкдор сифатида майдонга чиқади. Унда инсоннинг бемалол яшаш ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларга эга бўлиши назарда тутилади. Шахс фаолият (меҳнат) турини танлашда эркиндир. Шунингдек, фуқаро барча сиёсий ҳуқуқлар (шу жумладан, сайлов ҳуқуқи) соҳиби ҳисобланади. У сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эга;

— фуқаролик жамияти очиқ ижтимоӣ организмдир. Унда сўз эркинлиги, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ахборот олиш эркинлиги, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари эътироф этилади;

— фуқаролик жамияти ҳурфикрлилик ўрнатилган жамиятдир. Турли манфаат ва нуқтаи назарларни ифодаловчи ижтимоӣ институт ва шакллар (касаба уюшмалари, партиялар, тадбиркорлар уюшмалари, матлубот жамиятлари, клублар ва ҳ.к.) мавжуд бўлади;

<sup>1</sup> Теория государства и права. / Под.ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько.—2-е. изд.—М.: Юристь, 2000. —С.201

<sup>2</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар.—Тошкент: «Шарқ», 1998. —Б.10-11

– фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш тизимига эга жамиятдир. Ушбу жамият давлатдан мустақил ҳолда ўзини ривожлантира олувчи ички салоҳият ва манбаларга эгадир. Шу боис, у давлат ҳокимиятини чегаралаш воситаларига эга бўлади. Бунда фуқаролар ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллиги рағбатлантирилади;

– фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик жамиятдир. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги таъминланади. Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти қарор топиши натижасидагина ривожланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятига қарама-қарши қўйилмайди. Улар бир-бирини тўлдиради.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти билан давлатнинг нисбати, муносабати масаласини ўрганиш ўта муҳим назарий аҳамиятга эга масаладир. Ҳозирги замон либертар-юримдик таълимоти либерализм анъаналарига мувофиқ, фуқаролик жамияти ва давлатни хусусий ва умумий манфаатларнинг нисбатан мустақил, бир-бирига тобе бўлмаган соҳаси, деб эътироф этади. Башарти, фуқаролик жамияти хусусий манфаатларни кўзловчи мулкӣ ва товар айирбошлаш муносабатлари тизими бўлса, давлат оммавий-ҳокимият муносабатлари соҳаси сифатида майдонга чиқади. Сиёсий ҳокимият ваколатлари субъекти бўлиб эса давлат аппарати ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти фаолиятида сиёсий иштирок этиш соҳаси ҳам мавжуддир. Бунда ўз хусусий манфаатлари асосида уюшган индивидлар айна вақтда давлат ҳокимияти (идоралари)ни шакллантирадилар. Зотан, фуқаролик жамияти носий сиёсий ҳамжамият бўлса-да, унинг таркибида фуқаролик жамияти билан давлатнинг алоқаларини таъминловчи сиёсий бирлашмалар фаолият юритади. Сиёсий иштирок этиш соҳаси носий сиёсий фуқаролик жамиятини сиёсий давлат билан боғловчи муносабатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ҳокимиятини фуқароларнинг ялпи жамулжами, йиғиндиси эмас, фақат давлат аппарати амалга оширади. Фуқароларга келсак, улар (фуқаролар, уларнинг бирлашмалари) давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этадилар. Ҳар қандай давлат ягона марказдан бошқариладиган вертикал тизим, ўзаро бўйсунуш муносабатларидаги давлат идораларининг уюшган ташкилотидир. Ўз навбатида, давлат зиммасига жамиятни бошқариш ва муҳофаза этиш вазифаси юклатилади.

Фуқаролик жамияти эса давлатдан фарқли равишда фуқароларнинг, улар уюшмалари, бирлашмалари ҳамда жамоаларининг турли-туман алоқалари ва муносабатларининг горизонтал тизими сифатида намоён бўлади. Мазкур муносабатлар фуқароларнинг тенглиги ва шахсий ташаббусига таянади. Фуқаролар ва улар бирлашмаларининг мақсадлари уларнинг эҳтиёж ҳамда манфаатларига мувофиқ тарзда ўзгарувчандир.

Ҳуқуқшунос олим Х.Одилқориевнинг фикрича, сиёсий давлат билан фуқаролик жамияти ўзаро қарама-қарши, лекин бирга фаолият юритувчи, амал қилувчи диалектик жуфтликдир<sup>1</sup>. Яъни унинг фикрича, фуқаролик жамияти — давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ҳамда воситалар тизимидир<sup>2</sup>. Лекин фалсафий-ҳуқуқий адабиёт саҳифаларида баъзан фуқаролик жамиятининг моҳиятини ўзгача талқин этиш ҳоллари ҳам учрайди: «Фуқаролик жамиятини «давлатдан мустақил ва холи» ҳолда тасаввур қилиш қийин, чунки ижтимоий ҳаётни бутунлигича, кенг кўламда фақат давлат йўлга қўйиши ва бошқариши мумкин. Бу — аксиома»<sup>3</sup>.

Маълумки, давлат сиёсий ҳокимиятнинг алоҳида тури сифатида фуқаролик жамияти тушунчаси билан айнан бир нарса эмас, унинг таркибий қисми ҳам эмас<sup>4</sup>. Фуқаролик жамияти моҳиятидаги энг муҳим ҳолат унинг хусусий манфаатлар билан боғлиқ муносабатлар ва уларни таъминлаш механизм (тартиб, усул)ларини қамраб олувчи жабҳа эканлигидадир.

Фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги фарқни янада аниқроқ ифодалаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли, деб ҳисоблаймиз: «ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин — барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волонтаристик қарорларни қабул қилишнинг олди ни олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва қадриятлари тизими. // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар.— Тошкент: ТДЮИ, 2004. —Б.23

<sup>2</sup> Ўша асар. —Б.23

<sup>3</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий—ҳуқуқий асослари.— Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. —Б.50

<sup>4</sup> Қаранг: Одилқориев Х. Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий принциплари ва қонуниятлари. / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.—Тошкент: ТДЮИ, 2007. —Б.28-30

<sup>5</sup> Каримов И.А. Янгилашиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. / Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. —Б.325-326

Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро таъсири ва белги-хусусиятлари, муносабатларининг моҳиятини янада чуқурроқ очиш учун Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги хулосаларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Жумладан: «Маърифатли дунёда «фуқаролар давлати», деб гапирилмайди. «Фуқаролар жамияти» дейилади. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият органлари давлат ташкилотлари тизимига киради. Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, фуқаролик жамиятида ушбу жамиятни ташкил этувчи таркибий тузилмалар билан давлат институтлари ўртасида нафақат институционал ва функционал фарқлар, балки моҳият жиҳатдан турли фарқлар мавжуд.

Фуқаролик жамияти билан давлат ўртасида диалектик қарама-қаршилиқ мавжудлиги аниқ факт, бундай қарама-қаршилиқлар, ҳатто ягона давлат ҳокимиятининг ичида ҳам мавжуд бўлади. Чунки ҳокимиятлар бўлиниши (ваколатлар тақсимланиши) тамойили айнан шундай қарама-қаршилиқни назарда тутади. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов идоралари «ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими» асосида ташкил этилиши, ўз навбатида, уларнинг диалектик қарама-қаршилиқ замирида фаолият кўрсатишини билдиради.

Россия Федерациясида чоп этиладиган «Государство и право» ҳамда «Вопросы философии» номли журналлар таҳририятлари томонидан «Фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ» мавзuida ўтказилган давра суҳбатида биз тадқиқ этаётган масалалар юзасидан бир қатор эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Хусусан, академик Б.Н.Топорнин: «Фуқаролик жамиятининг зарурлиги ва унинг давлатга нисбатан мустақиллиги бугунги кундаги ҳаётимизда ҳам назария, ҳам амалиёт шаклланадиган асосий, «таянч» конструкция бўлиб қолмоқда»<sup>2</sup>.

В.А.Четверниннинг фикрича, «Фуқаролик жамияти (товар айирбошлаш муносабатлари тизими) — бу хусусий мақсад ва манфаатларни кўзловчи шахс ҳамда жамоаларнинг эркин фаолияти соҳасидир. Бу тизимда давлат умумий манфаатлардан келиб чиқувчи, давлат аппаратига эга бўлган оммавий-ҳокимият ваколатлари соҳиби сифатида намоён бўлади»<sup>3</sup>. Мабодо, давлат умумий манфа-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. — Б.80

<sup>2</sup> Қиранг: Гражданское общество, правовое государство и право. // «Государство и право», 2002. —№1. —С.12

<sup>3</sup> Қиранг: Ўша жойда. —С.18



атларни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти соҳасига аралашган тақдирда ҳам хусусий манфаатларга путур етказиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Профессор В.С.Нерсисяннинг талқинига кўра: «Фуқаролик жамияти хусусий манфаатларни кўзловчи инсоннинг мустақил фаоллиги соҳасидир. Бунда ижтимоий мулоқотнинг иштирокчилари ўз манфаатларини амалга оширувчи ва ҳимоя қилувчи эркин ва расман тенг субъектлар сифатида майдонга чиқадилар..., зеро, ҳуқуқий муносабатлар фақат мустақил хусусий шахслар — яъни мулкдорлар ўртасида вужудга келади (пировардида айнан мулк ижтимоий алоқаларнинг эркин ва ҳуқуқий мазмунга эга бўлишини кафолатлайди)»<sup>2</sup>.

А.В.Миронова ва П.А.Цыганков «фуқаролик жамиятини давлатдан холи муносабатлар ҳамда индивидлар, уларнинг ташкилотлари ва уюшмаларининг эркин фаолияти соҳаси», — деб эътироф қиладилар<sup>3</sup>. Профессор П.К.Гречко: «Фуқаролик жамияти — ўз фаолиятида давлатга қарам бўлмаган хусусий шахс, гуруҳ ва институтларнинг тизими, ...фуқаролик жамияти мамлакатнинг давлат ҳокимияти тузилмаларидан ташқари ижтимоий муносабатлар, яъни носий муносабатлар йиғиндиси»<sup>4</sup>, деб таърифлайди.

Н.И.Матузов ва А.В.Малько юқоридаги фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда фуқаролик жамияти тушунчасини қуйидагича таърифлайдилар: «Фуқаролик жамияти — эркин индивидлар ва улар бирлашмаларининг алоҳида манфаатлари соҳасини ташкил этувчи нодавлат ва носий муносабатларнинг (иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, маънавий, корпоратив оилавий, диний муносабатларнинг) йиғиндиси»<sup>5</sup>.

Ўз ўрнида, «нодавлат» ва «носий» иборалари фуқаролик жамиятидаги муносабатлар сийосатни ва давлатни инкор этиш маъносида тушунилмаслиги лозим. Юқоридаги таърифларда улар фуқаролик жамиятининг давлатдан нисбий мустақиллиги, автономлиги ҳамда давлат органларининг ўзбошимча аралашувидан муҳофазаланганлигини англатиш маъносида ишлатилмоқда. Айни вақтда, юқоридаги муносабатлар маълум маънода ҳокимият тузилма-

<sup>1</sup> Четвернин В.А. Демократическое конституционное государство: в ведение в теорию—М., 1993. —С.35

<sup>2</sup> Каранг: Нерсисян В.С. Право—математика свободы.— М., 1996. —С.17; Варламов Н.В. Государство и гражданское общество (§2 гл. 1 раздел IX).—Проблемы общей теории права и государства.—М., 1999. —С.720-721.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: «Государство и право». —М, 2002. —№1. —С.21

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўша жойда. —С.21

<sup>5</sup>Теория государства и права: Курс лекций / Под.ред.Н.И.Матузова, А.В.-Малько. —М.:Юристь, 1999. —С.672

**лари**га боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади ва ривожланади.

Фуқаролик жамияти феноменининг моҳиятига аниқлик киритишда сиёсатшунос М. Қирғизбоевнинг қуйидаги фикрларига асосланиш мумкин: «...фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимиятнинг мутлақ кучга айланиб кетмаслигининг кафолати сифатида сиёсий ҳокимият билан жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаб келмоқда»<sup>1</sup>. Шу ўринда, келтирилган мазкур иқтибосдаги муҳим нуқталарни ажратиб кўрсатиш лозим: *биринчидан*, сиёсий (давлат) ҳокимият мутлақ кучга айланиб кетмаслиги учун унга фуқаролик жамияти қарама-қарши қўйилади, яъни мувозанатловчи восита ҳисобланади; *иккинчидан*, фуқаролик жамияти давлат билан анъанавий жамият ўртасидаги корпоратив, демократик муносабатларни сақловчи омилдир.

М. Қирғизбоев ўзининг бошқа бир асарида фуқаролик жамиятини шундай тавсифлайди: «...аввало, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир; иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир; учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли давлат органлар тазйиқлари, аралаштирилган ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар»<sup>2</sup>.

Профессор А. Рахмонов ҳам фуқаролик жамиятининг давлатдан мустақиллигини эътироф этади. «Фуқаролик жамияти, — дейди у, — ижтимоий-маданий ва маънавий соҳадаги ҳаёт фаолиятни таъминловчи, унинг қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи тизимдир. Бу тизим давлатдан мустақил бўлиб ва унга тобе бўлмаган ижтимоий институтлар ва муносабатлар йиғиндиси ҳисобланиб, унинг вазифаси — шахс ва жамоалар ўзини ўзи намоён этиши, хусусий ва коллектив манфаат ва эҳтиёжларни қондиришдан иборат»<sup>3</sup>. Олимнинг мулоҳазаларида фуқаролик жамияти анъанавий маънодаги жамиятдан бошқа ҳодиса эканлиги сезилиб туради: «фуқаролик жамияти эркин индивидлар билан марказлашган давлат ҳокимияти ўртасидаги мустақам боғловчи бўғиндир... . Фуқаролик жамиятининг ажратилиши шартли ҳол. Бу ижтимоий ҳаёт

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Тошкент: Шарқ, 1998. — Б.4-5

<sup>2</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. — Б.100

<sup>3</sup> Қаранг: Рахмонов А.Р. Гражданское общество. — Ташкент, 2007. — С.95-96

механизмини, индивиднинг эркин ёки эркин эмаслиги, сиёсий ривожланиш даражасини тушуниш учун қилинади»<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятининг давлатдан мустақил ва унинг аралашувидан холи ҳаёт соҳаси эканлиги тўғрисидаги фикрнинг тасдиғи, шунингдек З.М.Исломов<sup>2</sup>, М.Шарифхўжаев<sup>3</sup>, Г.М.Тансиқбоева, М.Ахмадшоева, Н.Сабуров ва бошқаларнинг<sup>4</sup> асарларида ўз ифодасини топган.

Тегишли адабиётлардаги фуқаролик жамиятининг тушунчаси, моҳияти, тавсифи ҳақидаги турли-туман фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунгача ушбу ҳодисага яқдил, умумий ёндашув шаклланимаган. Бир ёндашувга мувофиқ, фуқаролик жамиятига хусусий манфаатларни кўзловчи индивид билан давлат ўртасидаги муносабатлар соҳасини акс эттирувчи таркибий тузилмалар мажмуи сифатида ёндашилса, иккинчи ёндашувда – бутун анъанавий жамият фуқаролик жамияти деб тушунилади; учинчи ёндашувда – солиқ тўловчилар йиғиндиси; тўртинчи ёндашувда – сиёсий ҳаётнинг нодавлат соҳаси, яъни кўппартиявийликнинг, корпоративликнинг намоён бўлиши; бешинчи ёндашувда – фуқаролик ташаббуси типидagi ижтимоий фаолликнинг носийёсий шакли, деб қаралади. Сиёсатшунос М.Қирғизбоевнинг кузатувларига кўра, кейинги ўн йилликда фуқаролик жамияти моҳияти юзасидан икки хил талқин этилиши авж олмоқда: «замонавий фуқаролик жамияти ва дискурсив (воқеликни ўзаро боғлиқликда ва кетма-кетликда идрок этишга асосланган) этика нуқтаи назаридан баҳолашлар. Улардан биринчиси классик либерализм мавзуси билан боғлиқ бўлиб, улар «фуқаролик жамияти» тушунчаси ҳозирги даврда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, ижтимоий ҳаёт эркинлиги (сўз ва уюшмалар эркинлиги), қонун олдида тенглик, мулкка бўлган ҳуқуқларни эслашга мажбур этади. Иккинчиси эса, баҳсталаб меъёрларни очиқ муҳокама қилишда барчанинг тенг иштирок этишига алоҳида урғу беради, шунингдек, уларнинг ечимини демократия тамойилларига ҳавола қилади»<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, умумлаштирилган тарзда фуқаролик жамияти, аввало кишилиқ жамиятининг энг мукамал, энг юқори босқичи эканлигини таъкидлаш жоиз. Унинг таркибий унсурлари

<sup>1</sup> Қаранг: Рахмонов А.Р. Гражданское общество.—Ташкент, 2007. —С.95-96

<sup>2</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.—Тошкент: «Адолат», 2007. —Б.59-60

<sup>3</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши.—Тошкент: Шарқ, 2003. —Б.18-26

<sup>4</sup> Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар.—Тошкент: ТДЮИ, 2004. —Б.59-76

<sup>5</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти.: назария ва хорижий тажриба.—Тошкент, 2006. —Б.87-88

ҳамда моҳияти юзасидан қуйидаги мулоҳазаларни илгари суриш мумкин:

*Биринчидан*, унинг таркибига кишиларнинг азалдан қўнғилил жамоаси бўлмиш оила, кооперация, ассоциациялар, ҳўжалик корпорациялари, жамоат ташкилотлари, касаба, ижодий, спорт ва бошқа уюшмалар, шунингдек ижтимоий жамоалар қиради;

*Иккинчидан*, фуқаролик жамияти нодавлат, носийсий муносабатлар, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, руҳий-ахлоқий, диний муносабатлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Одамларнинг ишлаб чиқариш ва шахсий ҳаётлари, одатлари, анъаналари ҳам шулар жумласига қиради;

*Учинчидан*, фуқаролик жамияти эркин индивидлар ташкилотларининг ўзини ўзи намоён қилиш қоидалари асосида шаклланади. Фуқаролар эркинлигига давлат ҳокимиятининг ўзбошимчалик билан аралашшига, тўғридан-тўғри тазйиқ ўтказишига қонун асосида йўл қўйилмайди<sup>1</sup>;

*Тўртинчидан*, фуқаролик жамияти — бу ижтимоий муносабатлар, фуқаролар ўртасидаги муайян алоқалар шакли ва моҳият-эътибори билан маданият маҳсулидир, чунки «фуқаролик» сифати иқтисодий маданият, сийсий маданият ва ҳуқуқий маданиятнинг тарихда маълум барча кўринишларидан энг юксак даражаси эканлигини англатади. Фуқаролик жамияти равнақ топган кишилик жамияти ва улар юксак маданиятининг оқилона уйғунлигидир.

## **1.2. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги сийсий-ҳуқуқий ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши**

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар ва таълимотлар фақатгина ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳаётга жорий этилаётган бўлса-да, ушбу ҳодиса ва уни ташкил этган таркибий унсурлари азал-азалдан инсоният тафаккурига бегона бўлмаган. Таъкидлаш жоизки, Шарқ диний таълимотларида ва мутафаккирларнинг қарашларида фуқаролик жамияти атамаси бевосита қўлланилган эмас. Лекин айнан шу минтақада инсонни эъзозлаш, инсонпарварлик, умумманфаат билан шахс манфаатини уйғунлаштириш, эзгулик, комил инсонни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу ғоялар кишилик жамиятининг умуминсоний қадриятлари сифатида инсонлар ўртасидаги муносабатларда ва уларнинг турмуш тарзида мужассамланган.

Шарқда қадимдан бошлаб инсонлар ўртасидаги муносабатлар эзгулик, яхшилик, тинч-тотув яшаш, фаровонликка интилиш,

<sup>1</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Тошкент: Шарқ, 2003. — Б.39

яқинларга қўмак бериш, ўзини ўзи бошқариш негизида барпо этилган. Ушбу қоидалар фақат ғоя, таълимот шаклида мавжуд бўлиб қолмасдан, балки аждодларимизнинг турмуш тарзида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топиб келган.

Фуқаролик жамиятининг ноёб қирралари Шарқда, жумладан Марказий Осиёда бундан уч минг йил аввал мавжуд бўлган зардуштийлик дини таълимотларида, хусусан унинг муқаддас китоби «Авесто»да ўз аксини топган: Унга кўра, бутун борлиқ бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутбга: «яхшилик дунёси ва ёмонлик дунёсига бўлинади». Ёруғлик, яхшилик ва адолат дунёсини Ахурамазда намоён этса, қоронғилик, ёвузлик, ноҳақлик дунёсини Ахриман ифодалайди. «Авесто» диний қоидаларни ўрнатиш билан бирга, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, турмуш тарзларини белгиловчи жуда кенг ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни ўзида мужассам этади. Зардуштийлик манбаи инсоннинг камолотга етиши, комил инсонни тарбиялаш, эзгулик ва яхшилик уруғини сочиш билан, қора кучларга қарши курашни олий мақсад қилиб қўяди. «Турли ғоялар, ақидалар авж олган, улар таъсиридаги одамлар муносабатлари бир-бирига зид бўлган, кўпхудолик шаклидаги ғоявий курашлар таъсирида тараққиёт ва инсон ҳаёти чигал ҳолга келиб қолган бир пайтда «Авесто» яккахудолик ғояси остида мақсадлар муштараклиги, манфаатлар уйғунлиги, яхлит жамиятни вужудга келтириш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга даъват этувчи инсонпарвар фалсафа сифатида дунёга келди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан ХХХ аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»<sup>2</sup>.

«Авесто»да инсон камолотига эришишда илмни эгаллаш ва билимли бўлишнинг аҳамияти беқиёс эканлигига урғу берилади. Унинг қатор бандларида инсон туну-кун илмга интилиши, билимини ошириши, айниқса, ўтмиш аждодлар қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганиши лозимлиги уқтирилади. «...У куннинг

<sup>1</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. —Тошкент: «Шарқ», 2001. —Б.5

<sup>2</sup> КаримовИ.А.Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. —Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. —Б.137-138

ибтидоси ва интиҳосида, у туннинг аввали ва охирида билим олоғи, тафаккур ва донишга лиммо-лим бўлмоғи, ниҳоят ашаванлик йўлида шундай манзалатга етмоғи керакки, илоҳлар шаънига ҳамду санолар айтсин, уларни эзгу каломлар билан ардоқласин. Ва шу йўсинда ўз билимини зиёда қилсин. ...У илм ортидан шу қадар жидду-жаҳд этмоғи керакки, ўтмиш донишмандлар қолдирган ҳамма нарсани жону дилдан ўрганиб олсин»<sup>1</sup>.

«Авесто» жисмоний, ахлоқий, маънавий покликни улуғлайди. Сўзлашда, хатти-ҳаракатда ва фикрда ёвузлик бўлишини қоралайди. Тўғрилик, яхши сўз, яхши ишларни эгрилик, ёмон сўз ва ёмон ҳаракатларга қарши қўяди. Адолатни тарғиб этади. Адолат — энг яхши иш. Адолатни ҳимоя этиш ҳам яхши ва ҳам мақтовга сазовор ишдир. «Мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жамий эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишланаман, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман»<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти ғояларининг кейинги тараққиёти қадимги Хитой мутафаккирлари номи билан боғлиқ. Эрамиздан аввалги VI-III асрларда Хитойнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда ерга хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши ўз навбатида, жамиятда чуқур сиёсий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келди. Худди шу пайтда Хитойда турли оқим ва мактаблар шаклланди. Ушбу оқимлардан бири даосизм номи билан машҳурдир. Даосизмнинг вужудга келиши Лао-цзы номи билан боғлиқ. У эрамиздан аввал VI асрда яшаб ўтган. Унинг асосий асари «Дао дэ цзин», деб номланади. Унга кўра, Дао – бу мутлақ дунёвий асос. Дао бутун мавжудотнинг манбаи, барча ҳодисаларнинг табиий вужудга келиши ва ўзгаришининг чексиз давомидир.

Даосизм асосчисининг таълимотига кўра, донишманд ҳукмдор мамлакатни «ҳаракатсизлик», яъни жамият аъзоларининг ишига фаол аралашмаслик усули ёрдамида бошқаради. Лао Цзы ўз замондошлари бўлган ҳукмдорлар ўта ҳаракатчанлиги, солиқлар ва тақиқловчи қонунларни кўп ўрнатиши, тўхтовсиз урушлар олиб боришини қоралайди.

Шу билан бирга, Лао Цзы жамият тараққиётини эмас, балки олдин ўтиб кетган даврларга қайтишни, патриархал ҳаётни, кичик ва тарқоқ қишлоқларда турмуш кечиришни ёқлаб чиқади.

Хитой мутафаккири Конфуций (эр.ав. 551–479 й.й.) ва унинг

<sup>1</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. —Тошкент: «Шарқ», 2001. —Б.121

<sup>2</sup> Ўша асар. —Б.166

номи билан боғлиқ конфуцийлик таълимотида инсон камолоти ва фаровонлиги ҳамда адолатли жамият қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Конфуций жамият ва давлатда мавжуд бўлган иллатлар, инсонлар ўртасида ҳукм сураётган адолатсизлик, ўзбошимчалик, ўзаро курашларни бартараф этишга қодир бўлган ахлоқий қоидалар мажмуасини тузиб чиқади.

Адолат ғояси Конфуций таълимотида асосий ўринни эгаллайди. Жамият ва давлатни бошқаришда ҳукмдор ва амалдорлар адолат ғояларига қатъий риоя этишлари лозим. Адолат олий ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаган комил инсонлар томонидан амалга оширилади. Конфуций таълимотидаги комил инсон ўзида «...мажбурий ва мутгасил равишда рўй бериб турадиган маросимлар (ли) меъёрларига мос ҳаётий тамойилларга эга бўлган, ўзини доимо такомиллаштириб турувчи, комилликка (дэ) эришган, инсонларга муҳаббат билан қаровчи, яъни инсоний (жэнь), бурч ва адолатни ҳис этувчи (и) инсондир. У билимга интилувчан, ёши улуғларни ҳурмат этувчи (сяо ва ди), ўз садоқатини (чжун) намойиш этиб туришга мойил, шу билан бирга, ён беришни ҳам биладиган юмшоқ (жан), обрўли (цзин) бўлиши лозим»<sup>1</sup>.

Конфуций инсонпарварлик ғоясини илгари суради. «Инсонпарварлик – бу шуки уни омма амалга ошира олмайди. Агарда ҳукмдорлар инсонпарварликни эъзозласа, унда бу дунёда унинг душманлари бўлмайди»<sup>2</sup>, – дейди мутафаккир. Конфуцийлик таълимотининг асосини «ота-онани эъзозлаш» тамойили ташкил этади.

Конфуцийнинг фикрича, ўтмиш аждодлар томонидан яратилган ахлоқий қоидалар тизимини ўрганиш ва уларни тиклаш жамиятни таназулга юз тутишидан сақлаб қолади. «Мен яратаётганим йўқ, мен (ўтмишдаги меросни) сизларга етказмоқдаман. Қадимни севаман ва унга ишонаман»<sup>3</sup>, деган эди Конфуций. Шундан маълум бўладики, Конфуцийнинг ушбу ғоялари қадимги муғларнинг илоҳий китоби «Авесто»да мужассамлашган таълимотлар билан суртилгандир.

Қадимги Хитойда Конфуций ва унинг таълимотларини танқид этувчи мактаблар ҳам мавжуд бўлган. Эрамиздан аввалги V асрда яшаб ўтган Мо-цзы ва унинг мактаби шундай оқимлардан бири ҳисобланади. Мо-цзы ва унинг издошлари мавжуд сиёсий тузумни, жамият тартибларини кескин танқид қилади. Инсонлар-

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. – Б.13

<sup>2</sup> Титаренко М.Л. Древнекитайский философ Мо Ди, его школа и учение. – М., «Наука», 1985. – С.132

<sup>3</sup> Древнекитайская философия. Т.1. – М., 1972. – С.164-165

нинг ҳаёт тарзи, ваҳшийлиги, ғаразгўйлиги, ўз манфаатларининг кули эканликларини таъкидлайди. Улар Конфуций ва унинг та- рафдорларини қоралайди. Уларнинг фикрича, Конфуций ва кон- фуцийлик фақат оғиздагина ҳукмдорларни ёмонлайди, амалда эса уруғ задогонларининг манфаатларини ва уларнинг имтиёзларини ҳимоя қилади.

Ҳокимиятни бошқариш масаласида ҳам Мо-цзы Конфуций фикрини рад этади. Унга кўра, ҳокимиятни туғма задогонлар эмас, балки ақл, билим соҳиблари бошқариши лозим. Агарда деҳқон ёки хунарманд катта лаёқатга эга бўлса, уларни юқори мансабларга тайинлаб, қўл остига ёрдамчилар ажратиш лозим<sup>1</sup>.

Мо-цзы таълимотида инсонлар орасидаги ўзаро дўстлик (цзянь сянь ай) ва манфаат (цзяо сянь ли) олий ахлоқий тамойил ҳисобланади. Унга кўра, ушбу тамойил барча иллатлардан қутулишнинг йўлидир. Агарда ҳукмдорлар халққа нисбатан юқоридаги тамойил асосида сиёсат юритса, унда халқ ҳам уларни қўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб, ҳукмдорлар ва халқ баробар фойда кўради, ҳам жамият- да ўзаро барқарорлик ва ҳамдўстлик қарор топади.

Мо-цзы таълимотида манфаатлар уйғунлиги масаласига алоҳи- да эътибор қаратилади. Унинг фикрича, ўзаро барқарорлик ва ҳамд- ўстлик ғоясига асосланувчи ҳукмдор, энг аввало, халқ тўғрисида қайғуриши ва ундан кейин эса ўзининг ғамини ейиши лозим. Бун- дай адолатли ҳукмдор давлатида «оч киши озиқ-овқатга, яланғоч инсон кийим-кечакка, касал киши дори-дармон ва қаровга эга бўла- ди, вафот этган ўз вақтида кўмилади, зодагон ва бой киши камба- ғал ва оддий одамлар орасида ўзига бино қўймайди, кучли кучсизга ёрдам беради, айёр киши содда одамни алдамайди»<sup>2</sup>.

У хусусий манфаатни инкор этмайди. Лекин хусусий манфаат жамият манфаатига зид келмаслиги, шахс истаги жамоа эҳтиё- жи, умум фаровонлигига қарама-қарши бўлмаслиги лозим, улар ҳисобидан қондирилиши мумкин эмас. Агар шахсий манфаат умум- манфаатига номувофиқ бўлганда, шахс умумманфаати фойдасига ўз хусусий манфаатини қурбон қилиши керак, деб ҳисоблаган.

Конфуцийлик таълимотида инсонларга бўлган муҳаббат ҳисси қариндошлик даражасига боғлиқ бўлиши уқтирилади. Ўз навбати- да, Мо-цзы ушбу ғояни танқид қилади. Унинг фикрича, инсон- ларга нисбатан фақат соф муҳаббат мавжуд. Муҳаббатнинг даража- лари бўлиши мумкин эмас. Бутун жамиятга барабар фойда келти- риш ва буни ўзи учун фойда деб ҳисоблаш керак. Жамиятда ҳар

<sup>1</sup> Титаренко М.Л. Древнекитайский философ Мо Ди, его школа и учение. — М., «Наука», 1985. —С.90

<sup>2</sup> Ўша асар. — С.135



бир инсонни ўзига тенг деб билиш, худди ўзини яхши кўргандек, уни ҳам яхши кўриш лозим.

Урта асрларда фозил жамият, унга эришиш йўллари, инсон камолоти масаласи Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий таълимотларида муҳим ўрин тутади.

Шарқда «муаллим ус соний» деб ном таратган, ўз даврининг етук дониши Абу Наср Форобий (870–950 й.й.) давлат, сиёсат, фозил шаҳар, инсон тарбияси масаласида яхлит таълимот ярата олган. Унинг ғоялари «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари», «Фуқаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришиш йўллари тўғрисида фикрлар» каби асарларида ўз ифодасини топган.

Агарда Афлотун ғояларида «жамият» ва «давлат» тушунчаси бирикиб кетган бўлса, Форобий ушбу икки тушунчани фарқлайди. Унинг фикрича, жамият давлатга нисбатан бирламчидир. Давлат ташкилоти бўлмаган жамият бўлмагани ҳолда жамиятсиз давлатнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Давлат ёки шаҳар бирлашмаси, муайян ҳудуддаги аҳолини бошқарувчи, кишилар орасида ижтимоий ва ҳўжалик алоқаларини мувофиқлаштирувчи ва фуқароларнинг юриш-туриш қоидаларини ўрнатувчи ҳокимият тузилмасидир. Давлат фақатгина инсонларнинг жисмоний мавжуд бўлиш усули бўлмасдан, шу билан бирга, инсоннинг ижодкор мавжудот эканлигини, тараққий этишга қодир эканлигини намоён қилиш воситаси ҳамдир. Давлат инсон табиатига мос бўлиб, у инсон учун тўла қонли мавжуд бўлишнинг яккаю-ягона имкониятидир.

Форобий жамиятнинг келиб чиқиши тўғрисида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтожлик сезади, унинг бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, шу боис уларга эга бўлишда кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли, яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бири-бирига етказиб берувчи ва ўзаро қўмақлашувчи инсонларнинг бирлашувигина одамнинг табиатига кўра интиланган етукликка эришишга имкон беради. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шундан инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашди, натижада инсонлар жамоаси вужудга келди»<sup>1</sup>.

Аҳолиси бахтиёр ва фаровон бўлган фозил шаҳарни барпо этиш

<sup>1</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: «Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси» нашриёти, 1993. –Б.186

Форобий фалсафий таълимотининг бош ғоясидир. Унинг фозил жамият тўғрисидаги ғоялари кўп ҳолларда Афлотун ва Арасту ғояларига жуда яқин. Унинг фикрича, инсон моҳиятини онг ташкил этгани учун ҳам, индивид билимга ва камолотга эришиш мақсадида интилиши лозим. Инсон мавжудоти нафақат онгли, шу билан бирга у ижтимоий ҳамдир. Шахс алоҳида, якка ҳолда бахтга эришиши мумкин эмас. Ҳақиқий бахтга бошқа инсонлар билан жамиятга уюшиб яшаш орқали эришилади. Идеал жамиятда индивиднинг ижтимоий ҳолати бойлик билан эмас, балки билим билан ўлчанади ва белгиланади.

Унинг фозил шаҳри — барча органлари ўзаро боғланган ва ўзаро ҳаракатда бўлган такомиллашган инсон организмга ўхшайди. Фозил шаҳарнинг энг мукамал, муҳим органи ва юраги бошлиқ ҳисобланади. Давлатнинг амалда бўлиши, жамиятда турли табақалар ўзаро муносабатларининг мувофиқлиги, улар орасида муросаи-мадоранинг бўлиши кўп жиҳатдан бошлиқнинг мукамаллигига боғлиқ. Унинг вазифаси ижтимоий организмнинг у ёки бу камчиликларини ўз вақтида бартараф этишдир. Ҳукмдор бахт-саодат ва унга эришиш йўллари тўғрисида билимга эга бўлиб, қолган барча аҳолини ўқитиш ва тарбиялаш воситасида ўз орқасидан эргаштириб боради. Шунинг учун ҳам у — комил инсон — шаҳарнинг барча аҳолиси учун намуна бўлади. Аҳоли кундалик турмушда, жамиятдаги ўз ҳолати ва ижтимоий мажбуриятига қараб унга тақлид қилади ва унга эргашади.

Ҳақиқат фозил жамият ва давлат мавжудлигининг муҳим шартидир. Форобий учун ҳақиқат нафақат умумдавлат белги бўлиб чиқмасдан, шу билан бирга, барча шахслараро муносабатлар, тақсимот ва айирбошлаш соҳаларини ҳам қамраб олади. Ҳақиқат, бир томондан, идеал жамиятнинг ижтимоий тузилмасини мустаҳкамлаш ва бахт-саодатга эришишга имконият яратувчи бўлса, иккинчи томондан, шахс ва шахслараро муносабатларнинг ахлоқий тавсифи ҳамдир: «Ҳақиқат — энг аввало, барча шаҳар аҳолисига тарқатилган ижтимоий неъматларни тақсимлаш ва кейин, тарқатилган неъматларни сақлашдир. Бу неъматлар — иззат-эҳтиром, бойлик, жамиятдаги мавқе ва бошқалар бўлиши мумкин. Ҳар бир шаҳарлик ўз лаёқати ва хизматига мос равишда шу неъматлардан тенг улушга эга, бу неъматлар унда кам бўлса, бу унга нисбатан ноҳақликдир. Бу неъматлар унда кўп бўлса — шаҳар аҳолисига нисбатан ноҳақликдир»<sup>1</sup>.

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида де-

<sup>1</sup> Қаранг: Сатибекова Г.Г. Гуманизм ал - Фараби. А.:Наука. 1975. -С.47

мократик давлат бошқаруви арконлари ва фуқаролик жамияти фазилатлари, маънавий-ахлоқий жиҳатлари муфассал баён этилганлиги эътиборга молик. Алломанинг зикр этишича, билим ва тафаккур саодатга ва фозилликка эришишнинг ягона калитидир. Шу ғоя ва илғор билим инсонларни бирлаштириб эзгуликка сарфарбар этади. Ҳақиқий бахтга, комилликка эришиш мақсадида кишиларни бирлаштирган жамият (Форобий — уни шаҳар дейди) фозил жамиятдир. бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси — фазилатли жамоадир<sup>1</sup>. Очиқ-равшан кўриниб турибдики, бобокалонимиз IX асрдаёқ (Монтескье ва Гегелдан тўққиз-ўн аср аввал) фуқаролик жамияти ғоясини илмий асослаб берган<sup>2</sup>.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973—1048 й.й.) таълимотида халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонийлик, инсон ва унинг аҳволи, унинг жамиятдаги бурчи, жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий адолат масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Беруний қадимги Рим ва Юнон тарихи, давлат бошқарувини ўрганиш асосида давлатни демократик усулда бошқариш мавжудлиги, давлатни бошқариш ҳукмдорга юклатилган вазифа ва бурч эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, халққа раҳбарлик қилиш учун аҳоли томонидан сайлаб қўйиладиган ҳукмдор одил ва халқпарвар бўлиши зарур. Шундай подшоҳ бўлгандагина халқлар тинч, мамлакат озод ва обод бўлади.

Беруний кишилик жамияти, инсонлар уюшмасининг вужудга келиши тўғрисида Афлотун таълимотини ёқлайди. Унинг фикрича, инсонлар эҳтиёж туфайли бирга яшашга иштиёқ сезадилар. «Ҳамма гап шундаки, (инсон) эҳтиёжларининг қўплиги ва ҳимоя воситаларидан маҳрум бўлганда чидамсизлиги ҳамда душманларнинг сероблиги орқасида, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳар бири ўзини ҳам, бошқаларни ҳам таъминлайдиган ишни қилиш мақсадларида ўз ҳамтовоқлари билан жамият бўлиб бирлашишга ... мажбур бўлган эди»<sup>3</sup>.

Беруний эзгулик, яхшиликка интилишни улуғлайди. «Яхшиликка интилиш, унинг олижаноблиги ўсган сари кучаяверади. Эзгулик жамият одамларига, хусусан қариндош-уруғларга яхшилик тилашдан иборат»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.—Тошкент, 1993.—Б.187

<sup>2</sup> Қаранг: Тошкент давлат юридик институти Аҳборотномаси.—Тошкент, 2007, №5. —Б.15

<sup>3</sup> Беруний. Танланган асарлар. 3-том. —Тошкент, 1966. —Б.83

<sup>4</sup> Турақулов Э., Рахимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. —Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. —Б.62

**Меҳнатсеварлик**, маълумот олишга иштиёқ ва ҳунар ўрганиш инсон камолотининг пойдеворидир. Берунийнинг фикрича, инсон ақли ва маърифатпарварлиги билан барқамол ва расодир. Гўзал, кўркем, олижаноб, мард, ҳаммага яхшилик қила оладиган, одамларга муҳаббатлик, она ерни эъзозлай оладиган, ватанпарвар, ботир киши — комил инсондир.

Абу Али ибн Сино (980—1037 й.й.) ўрта асрнинг энг йирик файласуфларидан биридир. Ибн Синонинг жамият ва давлат тўғрисидаги қарашлари Абу Наср Форобий қарашларига яқин. У худди Форобийдек маърифатли, адолатли ҳукмдор бошқарадиган фозил жамиятни ёқлаб чиқади. Мутлақ монархияни энг яхши давлат шакли, деб билади.

Худди Арасту каби, Ибн Сино инсонни ижтимоий мавжудот, деб ҳисоблайди. Инсонларни жамиятда мавжуд бўлишининг асосий шартин уларнинг ҳамкорлигидир. Бунинг учун эса жамиятнинг барча аъзолари учун бир хилда онгли қонунлар ва одил судлов зарур. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлишлари шарт<sup>1</sup>.

Онгли инсонлар биладики, агарда барча кишилар подшо ва ҳукмдор бўлганда эди, уларнинг барчаси ҳалокатга учрарди. Агарда барча инсонлар ёлланма меҳнаткашлар ва қарам авомга айланганда на улар орасида ҳукмдор ва султонлар бўлмаганда эди, уларнинг барчаси мавжуд бўлмасди ва ҳалок бўларди. Ҳамда барча бойлик ва мулк бўйича тенг ва бир хил бўлганда эди, баъзилар бошқа кишилар учун ишламасди ва бир-бири учун ёрдам ва рағбат бўлмасди. Агарда барча инсонлар камбағал ва муҳтож бўлганда эди, қашшоқлик ва камбағалликдан ҳалок бўларди. Демак, мулкий жиҳатдан ва эгаллаган лавозими бўйича фарқнинг бўлиши кишилар ижтимоий ҳаёти мавжудлигининг зарур шартидир<sup>2</sup>.

Инсон ўз эҳтиёжларини фақат бошқа кишилар билан уюшган ҳолда қондириши мумкин. Инсонлар ўртасида вужудга келадиган айирбошлаш ва ўзаро муносабат жараёнида, ҳар бир киши бошқанинг зиммасидан қандайдир етишмовчиликни бартараф этади. Агарда бир киши барчанинг яшаши учун зарур неъматларни тайёрлашни ўз зиммасига олганда эди, унда мутлақо ҳал этиб бўлмайдиган ҳолат юзага келарди. Шу туфайли, ҳукмдор томонидан умуммажбурий тус берилган адолат ва қонун асосида ўрнатилган қоидалар инсонлар ўртасида келишув мавжуд бўлишини таъминлаши керак.

**Фозил жамият барпо этиш масаласи Юсуф Хос Ҳожиб Балони**

<sup>1</sup> Қиринг: Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. — Ташкент: «Фан», 1977. — С.136-137

<sup>2</sup> Қиринг: Ушн асар. — С.137

соғуний таълимотида ҳам ўзига хос тарзда ифодаланган. Унинг 1069 йилда ёзилган «Кутадғу билиг» («Саодатга бошловчи илм») асарида инсон камолоти, илмни эгаллаш, маърифатли давлат, эзгулик жамияти тўғрисидаги ғоялар мужассамланган. Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Кутадғу билиг» асари асрлар давомида халқнинг орзу умидларини ифодаловчи, инсон ва унинг хулқи, маърифатни улуғловчи маёқ каби элда ардоқланиб келди. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда ҳанузга қадар ушбу асарга такрор-такрор мушоаха этиб келинмоқда. «Давлатни идора қилиш усули, сиёсати, қонун-қоидалари, шунингдек халқнинг расму одатларини, ахлоқни ўзида мужассамлаштирган низомнома – қомус сифатида «Кутадғу билиг» майдонга келди»<sup>1</sup>.

Юсуф Хос Ҳожиб эзгулик жамияти ва унга эришиш йўллари-ни кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, инсонда тўрт ҳолат мужассамланади: «абдий тириклик» – бу инсон руҳининг мумтоз бир руҳга айланиши (комиллашиши); «абдий ёшлик» – кўнгилнинг ҳамийша сир-асрор учун уйғоқ туриши; «доимий соғлиқ» – инсоннинг ҳамийша барча масалада ўз фикрига, қарашига эга бўлиши; «туганмас бойлик» – чексиз бир маънавиятга эга бўлиш»<sup>2</sup>.

Юсуф Хос Ҳожибнинг давлатчилик концепциясида адолат, давлат ва ақл ёнма-ён келади, бири-иккинчисини тақозо этади. Унга кўра, Ўғдулмиш (Ақл) подшо Кунтуғди (Адолат)га хос вазир ҳисобланади. Унинг отаси давлат (Ойтўлди) Адолат (Кунтуғди) жамиятни тасарруфига олгандан кейин, давлатни (Ойтўлдини) тақозо этади. Давлат эса ўз ўрнини Ақлга тақдим этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, ҳукмдорлар ва унга бўйсунувчилар (амалдорлар ва бутун халқнинг) ахлоқий камолоти давлатнинг сиёсий мустақамланиши, унинг обрўсини юксалишига олиб келади. Бундай давлатда бошқарувнинг асосий қоидаси бўлиб, онг ва адолат ҳисобланади. Ўз навбатида, бошқарувнинг бундай тизими умумбахтиёрлик ва инсонларнинг фаровонлигига олиб келади. Жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларда тўғрилиқ, адолат, содиқлик, ҳақиқат, муҳаббат, дўстлик каби умуминсоний ахлоқ нормаларини сингдириш лозим.

Бунда ҳукмдор ва халқнинг ўзаро муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Агар ҳукмдор эл, халқ тўғрисида қайғурса, унинг аҳолиси жуда бой бўлади. Агарда аҳоли бойиса, ҳукмдорнинг барча истакларига эришилади»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов Қ. Илк бадиий дoston.—Тошкент, 1976. —Б.7

<sup>2</sup> Ёкубов А. «Кутадғу билиг»да давлатчилик концепсияси // Масъул муҳаррир: Ф. Ас-Салом. —Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1997. —Б.18

<sup>3</sup> Қаранг: Юсуф Хос Ҳоджиб. Кутадғу билиг. Комментарийи и перевод на узб. язык К.Каримова. Изд. 2-е, —Ташкент, 1972. —С.309

Алишер Навоий (1441–1501 й.й.) фозил жамият ва унинг унсурлари тўғрисида бой илмий мерос қолдирган мутафаккирдир. А.Навоийнинг фозил жамият тўғрисидаги қарашларининг негизини инсонпарварлик, инсонга бўлган муҳаббат ташкил этади.

Навоий инсонлар ўртасида ижтимоий фарқ борлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир кишини ҳам шакли ва ҳам моҳияти бўйича инсон, деб аташ мумкин эмас: ҳам тафаккури бўйича ва ҳам ижтимоий мавжудлиги бўйича инсонлар бир хил бўлмайдилар. Агарда халққа яхшилик қилсанг, бундан сенинг ўзингга фойда бўлади. Навоий инсонга меҳр-мурувватли бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Навоийнинг фикрича, ҳукмдорлар халқ ва давлат фаровонлиги учун зарур бўлган тартибни ўрнатиш ҳамда унга риоя этиш учун яратилган ва шунинг учун мавжуддир.

Юртимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим қонунчилик асоси бўлиб майдонга чиқаётган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам ўтмишда ижод қилган улуг аждодларимиз меросини, хусусан, инсонпарварлик, ижтимоий адолат, демократияга мойиллик, бағрикенглик каби нодир қадриятларни ўз мазмунига сингдирган.

Конституциямизнинг 15, 16-моддаларидаги Конституция ва қонун устунлиги тамойилининг ғоявий-тарихий илдизлари аллома аждодларимизнинг ижтимоий-ҳуқуқий қарашларини ифодаловчи асарларида акс этган. Масалан, Хўжа Самандар Термизий ўзининг «Дастур ал-мулук» асарида: «Кимки зўрлик болтаси билан адолатсизлик пайини қирқмас экан, у замон боғида ёш умид дарахтини ўстира олмайди... Магар мамлакатни бошқарувчи қонунлар заво́л топса, дунёнинг асоси барбод бўлади»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Жалолиддин Давоний фикрига кўра: «Ҳар қандай давлат ташкилоти ўзининг муътадиллиги билан ажралиб туради, қонунлар эса ўз тартиби билан ижро этилади. Бу қонундан четга кетиладиган бўлса, ҳар бир қоида қарама-қаршилик манбаига айланади ҳамда у дўстлик муносабатларининг бузилишига, ёмонлик ва парокандаликка сабаб бўлади. Зеро, ҳар қандай давлатнинг асосини аъзолари қонун олдида тенг бўлган жамиятнинг иттифоқи ва фикри ташкил этади»<sup>2</sup>.

Биз юқорида шарқ алломаларининг адолатли жамият, давлат ҳокимиятини амалга оширишда инсонпарварлик ғоялари билан боғлиқ қарашларни муайян даражада таҳлил қилишга ҳаракат қил-

<sup>1</sup> Қаранг: Ходжа Самандар Термизи. Назидание государям.—М., 1971. —Б.27-28

<sup>2</sup> Қаранг: Жалалиддин Давани. Ахлоки жалоли. Рукопись. ИВ. АН. РУз. Инв. 7703.

дик. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти тўғрисидаги илк тасаввурлар Қадимги Юнон ва Рим сиёсий-ҳуқуқий ғояларида ҳам мужассамлашган. Антик Дунё мутафаккирлари ўзларининг асарларида «фуқаролик жамияти» тушунчасини бевосита қўлламаганлар. Улар томонидан ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётнинг шундай қирралари яхлит таълимот сифатида шакллантирилдики, бу ҳозирги замон фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти учун мустақкам асос бўлиб хизмат қилади.

Қадимги Европа сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари учун инсон эркинлиги олий мақсад бўлиб ҳисобланади. «Инсонларни эркин ва қулларга бўлиниши шароитида вужудга келиб, антик сиёсий-ҳуқуқий фикр — эркин шахсларнинг мафқураси сифатида шаклланди ва ривожланди. Эркинлик — қадимги Юнон сиёсий назарияси ва амалиётининг олий қадрияти, интилишларининг бош мақсади ва ҳаракатининг асосий йўналишидир»<sup>1</sup>.

Қадимги Юнон мутафаккирларидан Солон (эр.ав. 638—559 й.й.), Пифагор (эр.ав. 580—500 й.й.), Гераклит (эр.ав. 530—470 й.й.), Демокрик (эр.ав. 460—370 й.й.), Протагор (эр.ав. 481—411 й.й.), Сукрот (эр.ав. 469—399 й.й.), Афлотун (эр.ав. 427—347 й.й.), Арасту (эр.ав. 384—322 й.й.) таълимотларида инсон ва унинг эркинлиги, фаровонлиги, бахту-саодати масаласи олий мезон бўлиб ҳисобланган.

Улар инсон эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни барпо этишда турли-туман, баъзан бир-бирини инкор этадиган йўлни танлаганлар. Лекин бу уларнинг фозил жамият тузиш тўғрисидаги ғоялари қимматини асло пасайтирмайди.

Қадимги Афинада «Етти донишманд»лардан бири, Афинанинг таниқли ислохотчиси, давлат арбоби Солон фуқаролик жамияти унсурларини нафақат тавсифлаб берган, шу билан бирга у ўз ғояларини ҳаётга муваффақият билан татбиқ эта олган ҳам. У жамиятда бир-бири билан келиша олмайдиган табақалар, Афина халқи ва зодагонлари, бойлар ва камбағалларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга эришган. Солон ғоясига кўра, давлат, энг аввало, қонуний тартибга муҳтож бўлади. Давлат учун қонунларнинг амал қилмаслиги ва ўзаро низолар ўта хатарлидир. Тартиб ва қонун эса энг олий эзгулик ҳисобланади.

Эрамиздан аввалги VI—V асрларда Пифагор ва Гераклит каби мутафаккирлар ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий тартибларни фалсафий асосларда қайта тузиш тўғрисидаги ғояларни илгари сурган-

---

<sup>1</sup> История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е, стереотип. / Под общ. ред. члена — корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсесянца. — М.: Издательская группа Норма — Инфра, 1999. — С. 23.

лар. Пифагор ва унинг тарафдорлари ҳуқуқ ва адолат муаммоларини ёритишда биринчилардан бўлиб «тенглик» тушунчасига назарий жиҳатдан ёндашганлар.

Пифагор ва унинг тарафдорлари таълимотига кўра, адолат — бу тенгларга тенг тақсимлашни англатади. Инсонлар ўзаро турлитуман муносабатларда адолатнинг тегишли шаклига амал қилишлари лозим.

Пифагорчилар идеал давлат ғоясини илгари сурадилар. Адолатли қонун ҳукмронлик қиладиган давлат тузумини ёқлаб чиқадилар. Улар қонунларга итоаткорликни ниҳоятда қадрлайдилар. Уларнинг фикрича, илоҳлардан кейинги ўринда ота-она ва қонунларни ҳурмат қилиш лозим. Бу итоаткорлик фақат ташқи, юзаки бўлмасдан, чин эътиқод билан бўлиши талаб этилади.

Жамиятда қонунларнинг амал қилиши масаласи, Гераклит таълимотида ҳам муҳим ўрин тутаяди. Қонунлар ҳукмронлигини ўрнатиш халқнинг фаол ҳаракати билан амалга ошади. Унинг фикрича, халқ ўз уйини муҳофаза этганидек, қонунлар учун курашмоғи керак. Ёнғинни ўчиргандек, ҳар қандай ўзбошимчаликка ҳам тезда барҳам бериш лозим<sup>1</sup>.

Инсон, унинг вужудга келиши ва жамиятнинг юзага келишини дунё ривожи табиий жараёнининг таркибий қисми сифатида талқин этиш қадимги юнон файласуфларидан Демокритга тегишли. Инсонлар ушбу жараён натижасида табиат ва ҳайвонларга тақлид қилиб, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган барча асосий билим ва кўникмаларга эга бўлганлар. Кишилиқ жамияти илк табиий ҳолатнинг ижобий ўзгариши натижаси сифатида узоқ давом этган тадрижий тараққиёт туфайли вужудга келган. Шу маънода жамият, давлат, қонунчилик табиатдан берилмаган бўлиб, субъектив фаолият маҳсули сифатида яратилган. Лекин улар тасодифан эмас, балки табиий зарурат натижасида келиб чиққан.

Демокритнинг фикрича, давлатда умумий эзгулик ва адолат мужассамлашган. Қонунлар инсонларнинг фаровон турмуш кечиришларини таъминлашга хизмат қиладди. Унинг учун эса кишиларнинг ўзи саъй-ҳаракат кўрсатишлари ва қонунларга бўйсунтишлари лозим.

Қадимги юнон мутафаккирларидан Афлотун ҳокимиятни ақлли, онгли донишманд инсонлар бошқариши, нодон ва жоҳиллар эса уларга бўйсунтишини табиатга мос, деб ҳисоблайди. Унинг фикри-

<sup>1</sup> История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е, стереотип. Под общ. ред. члена — корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсесянца. — М.: Издательская группа Норма — Инфра. 1999. — С.41



ча, нодон, жоҳил фуқароларга ҳокимиятга тааллуқли ҳеч қандай вазифа юклаб бўлмайди, уларга дашном бериш зарур. Фитратли одамларни донишманд сифатида қараб, уларга бошқарув ишларини топшириш керак. Етарли билими йўқ одамнинг онгли, ақлли одамнинг раҳбарлигига бўйсунуши ва унинг ҳукмронлиги остида бўлиши зарурлиги табиатга мос келади<sup>1</sup>.

Афлотун ҳукмдорларнинг қонунларга бўйсунушини тарғиб этади. У ҳукмдорларнинг қонунлардан устун туришга интилишини, ўзлари қасамёд қилиб ва сўзда маъқулланган нарсалар борасида бир-бирлари билан келишмаслигини қоралайди. Мутафаккир эркинликнинг ҳаддан ташқари чекланишини, халққа зулм ўтказишни, ҳукмдорлар эса роҳат-фароғатда яшаб, бойлик тўплашга муккасидан кетишини қоралайди. Афлотун форс давлати қурилишини танқид қилади. Унинг фикрича, форс давлатида «... ҳокимлар кенгашида фуқаролар ва халқнинг фаровонлиги эмас, фақат ўзларининг ҳокимиятларинигина назарда тутадилар. Агар улар ўзлари учун озгина фойда топсалар шаҳарларни вайрон этадилар, шафқатсиз нафрат уругини ҳамма ёққа сепиб, ҳатто қабилаларга ўт қўядилар, шунинг учун уларни ҳамма ёмон кўради»<sup>2</sup>.

Қонунларга бўйсунуш, уларни таъминлаш, жамиятда тартиб ва интизомни ўрнатиш масаласи Афлотун таълимотида муҳим ўрин тутади. Тўлиқ эркинлик ва ҳеч қандай ҳокимиятга бутунлай бўйсунмасликни, бош-бошдоқликни танқид қилади. Қонунларга бўйсунушнинг аҳамияти беқиёс эканлигини уқтиради. Унинг фикрича, фақат ўрнатилган қонунларга сўзсиз бўйсунуш орқалигина жангда галаба қозониш мумкин. Мутафаккир қонунларнинг ижроси фақат алоҳида мансабдор шахсларнинг эмас, шу билан бирга ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлигини таъкидлайди.

Мутафаккир қонунларга бўйсунуш ҳиссини инсонларга синдириш лозим, деб билади. Унинг фикрича, қонунларга бўйсунуш илоҳий характерга эга бўлиб, худога бўйсунуш билан тенг ҳисобланади. У ҳокимлик қилиш санъатидан ҳам устун туради. «Аввал тобе бўлмаган одам мақтовга сазовор хожа бўла олмайди: шунинг учун яхши ҳукмронлик қилиш укувидан кўра кўпроқ, яхши бўйсунуш укуви билан мақтанмоқ маъқулдир: аввали — қонунларга бўйсунуш укуви, бу худоларга бўйсунушни англатади; кейин — ёшларнинг, бутун умри бўйи яшаган катталарга бўйсунуш укуви»<sup>3</sup>.

Қонунларга бўйсунушни таъминлашда ҳокимият ва унинг идораларининг тартиб асосида бўлиши катта аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Афлотун. Қонунлар. — Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. — Б.90-91

<sup>2</sup> Ўша асар. — Б.100

<sup>3</sup> Афлотун. Қонунлар. — Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. — Б.175-176

«... қонунчилик — буюк иш. Аммо яхши тартибот берилган давлат, яхши ўрнатилган қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни қўядиган бўлса, у ҳолда бу қонунлар ҳеч қандай фойда келтирмайди ва анча кулгили ҳолат юзага келади; энг ёмони, давлат учун улкан зарар келтиради ва уни ҳалокатга олиб боради»<sup>1</sup>.

Афлотун ўз даври талабларидан келиб чиқиб, идеал давлат тузумини тасвирлайди. Бу давлатларда барча лавозимлар сайлов йўли билан эгалланади. Қуйидан токи олий мансабдор шахсларга қадар сайлаб қўйиладилар. Ҳар бир мансабдор шахс қаттиқ танлов ва текшириш асосида сайланади. Ҳар бир хоҳлаган одам халқ йиғинлари ва мажлисларида иштирок этиши мумкин. Иккинчи ва биринчи синфлар аъзолари бундай мажлисларга қатнашишлари мажбурий. Учинчи ва тўртинчи синф аъзолари қатнашиши ихтиёрий равишда бўлади.

Афлотуннинг «Қонунлар» асарида ташкил этилиши белгилаб берилган идеал давлат бошқаруви ҳам сайлов орқали яратилади. Ушбу давлат олий ҳокимияти кўп поғонали сайлов йўли билан сайланган 37 кишига тегишли бўлади. Уларни сайлашда барча фуқаролар иштирок этмасдан, фақат қуролга эга ва урушларда қатнашган фуқаролар қатнашадилар. Бошқарув билан шуғулланадиган кишиларнинг ёши чегараси ҳам аниқ белгиланган. Улар 50 ёшдан кичик ва 70 ёшдан катта бўлмасликлари керак. Ҳокимият тепасида лавозимли шахс фақат 20 йил туриши мумкин. Шунинг учун агар 60 ёшга тўлган шахс олий ҳокимиятга сайланса, у 70 ёшга тўлгунга қадар, яъни фақат 10 йил ушбу лавозимда бўлиш ҳуқуқига эга. Афлотун 37 нафар мансабдор шахсларни қонун нигоҳбонлари, деб ҳисоблайди.

Ушбу давлат бошқарувида ҳар бир табақанинг манфаатини ифодалайдиган Кенгаш ташкил этилади. Унда ҳар бир табақадан 90 нафардан вакил, жами бўлиб эса 360 нафар аъзо сайланади. Ушбу сайловларнинг аҳамиятли жойи шундаки, алоҳида табақалардан вакиллар сайлашда барча аҳоли иштирок этади. Сайловлар бир вақтда эмас, балки ҳар бир табақа учун алоҳида-алоҳида кунда ўтказилади. «Шу тарзда ўтказилган сайловлар мутлақ ҳукмдорлик (монархик) билан демократик тартибот орасини эгаллайдилар: давлат тартиботи умуман ҳамма вақт ўрталикни тутиши керак»<sup>2</sup>.

Унинг идеал давлати тузумида қонун билан барча инсонларнинг турмуш тарзи аниқ белгилаб қўйилган. Мулкнинг умумийлиги, оиланинг йўқлиги, яъни хотин ва болаларнинг умумийлиги ёқлаб чиқилади. Албатта, Афлотуннинг кейинги идеал давлат тўғри-

<sup>1</sup> Ўша асар. —Б.161

<sup>2</sup> Ўша асар. —Б.168

сидаги ғояларида ушбу ҳолат ўзгаради.

Ушбу давлатда мансабдор шахслар жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли масалаларни ёлғиз ўзлари ҳал қила олмайдилар. Барча ишлар кўпчилик иштирокида муҳокама этилиб, сўнг қарор қабул қилинади. «Битта ҳам судья (қози) ва битта ҳам мансабдор шахс назоратсиз иш юрита олмайди, олмасликлари зарур, бундан худди подшоҳлар каби сўнгги қарорни қабул қила оладиганлар истиснодир»<sup>1</sup>. Бу ерда фуқаролик жамиятига хос жамоатчилик назорати ғояси илгари сурилмоқда.

Одил судлов, судьяларни сайлаш, суд ишларини юритиш масаласи ҳам Афлотун таълимотида багафсил ёритилади. Унинг фикрича, ҳар қандай давлат, агар унда судлар лойиқ тарзда таркиб топмаган бўлса, давлат бўлмай қолади. Судьялар ҳам қатъий синовдан ўтказилиб, сайлаб қўйилади. Судлар бир неча погонадан иборат этиб ташкил этилади. Ҳар бир филада (қишлоқда) ҳам суд мавжуд бўлади.

Давлат ва халқ фаровонлиги, жамиятда адолатли тузумни ўрнатиш, инсон эркинлиги, давлатни самарали бошқарувини ташкил этиш масалалари Қадимги Юнон файласуфи Арасту таълимотида ҳам марказий ўринни эгаллаган. Арастунинг фикрича, давлат фаровонлиги, унга эришиш ва уни сақлаб қолиш, бир инсоннинг фаровонлигидан кўра муҳимроқдир. Бир инсоннинг ҳам фаровонлигини таъминлаш муҳим, лекин халқ ва давлат фаровонлиги ундан кўра гўзалроқ ва илоҳий аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Арасту таълимотида жамиятнинг яхлит, бир бутунликка интилиши, бутун жамиятнинг бир оиладек фаолият кўрсатиши танқид қилинади. Арасту Афлотуннинг давлатни ўта марказлаштириш ғояларини рад этади. Унинг фикрича, давлат кўплаб унсурлардан ташкил топган. Давлатни Афлотун каби ўта марказлаштириш ғояси уни йўқ қилинишига олиб келади.

Европада ўрта асрларда ижтимоий турмуш, адолат, инсоний муносабатлар ва давлат масалаларини тадқиқ этган мутафаккир Жан Боден (1530–1596 й.й.) ҳисобланади. Унинг таълимотида давлат ва ҳуқуқ бир-бирини тақозо этади. У давлатнинг ҳуқуққа бўйсунинини ёқлаб чиқади. Унинг фикрича, давлат – кўпчилик оилалар ва суверен ҳокимият остида уларнинг умумий томонларини ҳуқуқ асосида бошқарувдир. Давлат тўғри, адолатли, ҳуқуқий характерга эга. Яъни давлат ҳуқуқ, адолат ва қонунчилик асосида фаолият кўрсатади. Худди шуниси билан давлат қонунсизлик, адолатсизлик амал қилган ташкилотдан, қароқчилар тўдаси каби жи-

<sup>1</sup> Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. –Б.174

<sup>2</sup> Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т4. –М., 1983. –С.55

ной гуруҳлардан фарқ қилади.

Мутафаккир ҳокимият муносабатларига алоҳида эътибор қаратади. Сиёсий ҳокимият муносабатларига киришишда фуқаро эркинлигини сақлаб қолиш унинг таълимотида марказий ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, кўп оилаларнинг давлатга бирлашиши, оила бошлиқларининг давлат фуқароларига айланишини, яъни давлатга ҳокимият ва бўйсунуш муносабатлари билан боғланишини англатади. Лекин бу сиёсий бўйсунуш инсон эркинлигини йўқ қилмайди, у чекланади, лекин бутунлай йўқолмайди. Давлат аъзоси — бу давлат ҳокимиятига бўйсунган эркин инсондир.

Ўрта асрларда халқлар ҳуқуқини яхлит таълимот даражасида тадқиқ этган Гуго Гроций (1583—1645 й.й.) асарларида фуқаролик жамияти ғояси ва унсурлари ўз ифодасини топган. У инсон ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритар экан, табиий ва позитив ҳуқуқни фарқлайди. Табиий ҳуқуқ — бу одамларга уларга аллақачон тегишли бўлган нарсаларни бериш ва уларга нисбатан юклатилган мажбуриятларни бажариш демакдир. Бу ҳуқуқнинг манбаи бўлиб, кимнингдир иродаси, манфаати эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатидаги инсоннинг онгли табиати ҳисобланади<sup>1</sup>.

Аллома инсон ҳуқуқларини шартли равишда учга бўлади: биринчиси, давлатнинг ички ҳуқуқи (у фуқаролик ҳокимиятидан келиб чиқади); иккинчиси, давлат ички ҳуқуқига нисбатан тор маънодаги инсонлар ҳуқуқи (бунга оилада ота ва хўжайин ҳуқуқи, давлатда ҳукмдор фармойишлари); учинчиси, давлат ички ҳуқуқига нисбатан кенг маънодаги инсонлар ҳуқуқи (бу халқлар ҳуқуқи)<sup>2</sup>.

Давлат ҳокимиятининг қонуний асосларда ташкил этилиши, давлатнинг бирор органи ўз ҳокимиятини суиистеъмом қилмаслигининг олди олиниши масаласи азалдан файласуфларни ўзига жалб этиб келади. Ушбу масалалар буюк француз мутафаккири Шарль Луи Монтескье (1689—1755 й.й.) таълимотида ўз ечимини топади. Файласуф асарларида шахснинг камолоти, оилавий ва ҳокимият муносабатлари, инсон эркинлигини таъминлашга катта эътибор қаратилади.

Оилаларда кишилар ўртасидаги муносабатлар ахлоқ, одат, оталарнинг болалар устидан табиий ҳокимлигидан келиб чиқувчи нормалар билан тартибга солинган. Жамият эса оилалардан келиб чиқса ҳам, унинг амалда бўлиши учун барча кишиларнинг шу жамият

---

<sup>1</sup> О праве войны и мира. Три книги, в которых объясняется естественное право и право народов, а также принципы публичного права: Перевод с латинского / Гроций Г.; Под общ. ред.: Крылов С.Б.; Пер.: Сакетти А.Л. — М.: Юрид. лит., 1956. — С.12

<sup>2</sup> Ўша асар: —Б.17

аъзолари бўлишга розилиги зарур бўлади.

Жамиятнинг вужудга келиши билан, улар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳақиқат юзага чиқади. Ҳақиқат — онгли кишиларнинг бир-бири билан умумий муносабатидир. Ҳақиқат жамиятдаги кишиларнинг келишувига боғлиқ эмас. Агарда жамият ҳақиқат асосларига қурилмас экан, у парчаланadi<sup>1</sup>.

Монтескье ҳокимият муносабатларига, халқ ва ҳукмдор муносабатларига алоҳида эътибор қаратади. Ижтимоий шартнома халқ билан ҳукмдор ўртасидаги битим эмас, балки фақат халқнинг ўз ҳокимиятини ҳукмдорга топширишидир. Монтескье Т.Гоббснинг халқ «ўзининг яшашга бўлган ҳуқуқидан ташқари» барча ҳуқуқларини халққа топширган, деган таълимотини танқид қилади. Унинг фикрича, халқ ҳукмдорни шартнома билан тайинлайди ва бу шартнома бажарилиши керак. Ҳукмдор халқ нимани хоҳласа ўшани бажариши лозим. Ваколат олувчининг ваколат берувчидан кўпроқ ваколатларга эга бўлиши мукин эмас, деб таъкидлайди.

Жамиятда қонунларнинг устунлиги, унга амал қилиш масаласи Монтескье таълимотида муҳим аҳамиятга эга. Давлатни одамлар эмас, балки қонунлар бошқариши керак. Ҳукмдорларни қонунга бўйсунмайдиган ва у муқаддас, деб эълон қилиш керак эмас. Балки улар ҳам оддий фуқаролар каби қонунларга бўйсунуши лозим.

Мутафаккир давлат институтини муфассал тавсифлайди. Унинг таълимотига кўра — давлатнинг бош вазифаси — жамиятнинг алоҳида аъзоларини, умумманфаатини акс эттирувчи қонунларни бажаришга мажбур этиш, жамиятда вужудга келадиган ижтимоий қарама-қаршилиқларни, кишиларнинг бир-бирига душманлик ҳолатини қонун йўли билан бартараф этишдан иборатдир.

Давлат ўз табиатига кўра — адолатли институт. Жамиятда содир этиладиган адолатсизлик, ўзбошимчалик давлатнинг камчилиги бўлмай, балки унда хизматда бўлган ҳукумат ва мансабдор шахсларга тааллуқли қусурдир.

Ш. Монтескье сиёсий эркинликни қонунлар билан руҳсат берилган барча нарсани қила олиш ҳуқуқи, деб ҳисоблайди. Агарда фуқаро фақат қонун билан тақиқланган нарсани қила олганида эди, бу пайтда унда эркинлик бўлмасди. Барча муносабатлар ҳуқуқ билан белгиланган давлатдагина эркинликка эришиш мумкин. Эркинликнинг ўлчови бўлиб ҳуқуқ ҳисобланади.

Мутафаккир таълимотининг марказий қисмини эркинлик ва уни таъминлаш муаммоси эгаллайди. Унинг фикрича, ҳуқуқнинг

---

<sup>1</sup> Монтескье Ш.Л. *Размышления о причинах и величия и гибели римлян* // Избранные сочинения. — М., 1955. с.34

устунлиги, фақат ўзаро бир-бирини тутиб туриш ва мувозанат сақлаш тарзида ҳокимият тақсимоли туфайлигина таъминланиши мумкин. Ҳар бир давлатда уч турдаги ҳокимият: қонунчилик ҳокимияти, ижроия ҳокимияти ва фуқаролик ҳуқуқи масалаларини олиб борадиган суд ҳокимияти мавжуд бўлади.

Ҳокимиятлар ўртасида мувозанатни тутиб туришнинг асосий шарти ушбу ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бири билан бирикиб кетмаслигининг олдини олишдир. Қонунчилик ҳокимиятининг ижро ҳокимияти билан ёки суд ҳокимияти билан бирикиб кетиши охиروقибатда эркинликнинг чекланишига олиб келади.

Эркин давлатда ҳар бир эркин инсон ўз-ўзини бошқара олиши лозим бўлганидек, қонунчилик ҳокимияти бутун халққа тегишли бўлиши лозим. Йирик давлатларда барча халқнинг бевосита қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириши имконияти бўлмаганлиги сабабли, ушбу масала вакиллик идоралари орқали ҳал этилади. Вакиллик идораларини шакллантириш сайловлар орқали амалга ошади. Сайловларда ижтимоий ҳолати ўта паст бўлган фуқаролардан ташқари барча иштирок этади.

Маърифатпарвар олим адолат, ҳуқуқ ва қонунларнинг жамият ҳаётида тугган ўрнини юксак баҳолайди. Унинг фикрича, адолат абадий бўлиб, у инсонларнинг ўзаро келишуви ҳамда қонунларга боғлиқ эмас.

Ш.Монтескье ғоясига кўра, адолатли ҳуқуқ ижобий қонунчиликнинг негизини ташкил этиши керак. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун кишиларга билим асослари, адолатли муносабат усуллари ва йўллари ўргатиш лозим. Мазкур вазифа аста-секинлик билан, инсон ва жамиятни тарбияли ҳамда маърифатли этиш билан амалга оширилади.

Монтескье «Қонунлар руҳи» асарида қонунларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтар экан, инсонлар томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг табиатига жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳолатининг таъсири, об-ҳаво, тупроқ, аҳоли миқдори, мамлакат ҳудуди ва дин катта таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Унинг фикрича, «қонунлар руҳи»ни аниқлашда турли давлатларда мамлакатнинг физикавий хусусиятлари: унинг об-ҳавоси, ҳудуди, миқдори, ландшафти муҳим бўлади. Об-ҳаво инсон характери, иштиёқи, ақл ва лаёқатига таъсир этади.

Жан Жак Руссо (1712–1778 й.й.) фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган француз мутафаккиридир. У инсонни эркин мавжудот сифатида таърифлайди. У табиий ҳолатда яшаган даврда, бирор бир мулкка эга

бўлмаган. Шу туфайли ҳам ҳеч кимга қарам бўлмаган. Инсон характеридаги ўзибўларчилик ҳиссиёти хусусий мулкчиликка ва ижтимоий тенгсизликка олиб келди. Ижтимоий тенгсизлик табиий ҳолатда мавжуд бўлган тенгликка зиддир. Табиий ҳуқуқдаги тенглик билан мулкчилик ҳуқуқи орасидаги зиддият мулккий тенгсизликка олиб келган.

Фуқаролик концепциясининг асосини эркинлик ва тенглик ғояси ташкил этади. Унинг фикрича, ўзининг ғаразли хусусий манфаатини умумманфаати йўлида қурбон қилган шахсгина гражданин, деб аталишга лойиқ. Ҳар бир индивид каби халқ ҳам шундай ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, ғоявий даражага етиши керакки, у қонун чиқарувчи халққа айлансин. Халқ онги сифат жиҳатдан ўзгариши лозим.

Европада XVIII асрга келиб фуқаролик жамияти концепцияси сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бу Георг Гегель каби немис файласуфларининг фуқаролик жамияти таълимотига қўшган ҳиссалари билан боғлиқдир. Г.Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида фуқаролик жамияти тўғрисида яхлит таълимот ярата олди. Унинг фикрича, ҳуқуқ тушунчаси асосида алоҳида шахс иродаси эмас, балки қандайдир ўзида ва ўзи учун бўлган объектив онгни ифодаловчи ва замондан мустақил бўлган умум иродаси ётади. Алоҳида шахснинг иродаси орқали умумиродаси намоён бўлади.

Г.Гегель таълимотида мулк ва мулкчилик жамиятни ҳамда алоҳида олинган инсоннинг турмуш тарзини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади. Мутафаккир инсон эркинлиги унинг мулкка эгаллиги билан белгиланишини уқтиради. Унинг фикрича, моддий буюмлар шахс учун ўз эркинлигини ташқи дунёда намоён этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шахс ўз эркинлигини ифодалаш ва тасдиқлаши учун ўз иродасини буюмга мужассамлантириши керак. Мулкчилик онгли равишда амалга ошириладиган ҳодиса бўлиб, у инсон эркинлигини реал таъминлашга хизмат қилади.

Гегель мулккий тенгсизлик тарафдори. У бу ҳолатни кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатидан, деб ҳисоблайди. Мулккий тенг-ликни амалга ошириб бўлмайди. Инсонлар фақатгина расмий жиҳатдан тенгдирлар. Олим фуқаролик жамиятини икки белги билан характерлайди: *биринчидан*, унда алоҳида шахс ўз-ўзи учун мақсад бўлиб ҳисобланади, яъни унинг фаолияти ўзининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилади; *иккинчидан*, алоҳида шахс, фақат бошқалар билан муносабатда бўлиш орқалигина ўз эҳтиёжларини қондириши мумкин. Шу билан фуқаролик жамиятида «умумий» ва «махсус» алоқа ва боғлиқлик ўрнатилади. Алоҳида шахс ўз фаолияти билан умумманфаатини қондиришга хизмат қилса,

ўз навбатида, умумманфаат алоҳида шахс мақсадларини амалга оширишга имкон яратади<sup>1</sup>.

Давлат қонунларида ва одил судловни амалга оширишда умумиродаси ўз ифодасини топади. Хусусий мулкчилик фуқаролик жамияти аъзоларининг манфаатини қондириш имкониятининг зарурий шартидир. Эҳтиёжлар тизимини тартибга солувчи давлат қонунлари иккиламчидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, Европа ва Шарқ мутафаккирлари фуқаролик жамияти таълимотининг шаклланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар томонидан яратилган ғоялар фақат онг маҳсули бўлиб қолмай, балки улар кўплаб мамлакатларда самарали равишда ҳаётга татбиқ этилди ва этилмоқда. Улар томонидан фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг бош устунлари, яъни фуқаролик жамияти тушунчаси, унинг аҳамияти, шакллантириш йўллари, унинг тизим ташкил этувчи хусусиятлари ва бошқалар кўрсатиб берилган.

Юқорида номлари зикр этилган мутафаккирлар таълимотида инсон ҳуқуқлари, унинг таъминланиши, халқ ва ҳукмдорлар муносабати, ҳокимиятни шакллантиришда халқнинг иштироки, ҳокимият идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан халқнинг назорати масалалари ўзининг чуқур ифодасини топган.

### **1.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг энг янги тарихи миллий истиқлол ғояси билан йўғрилган сиёсий-ҳуқуқий таълимот, яъни адолатли жамият барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган пухта фалсафаси билан узвий боғлиқдир. Давлатимиз раҳбари ўзининг кўплаб маъруза ва асарларида мамлакатимизда шакллантирилаётган инсонпарвар демократик фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини, мазмуни ва хусусиятларини, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар йўналишларини аниқ белгилаб берди. Айниқса, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарлари, «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маъ-

<sup>1</sup> Г.Гегель. Философия права. –М.: «Наука», 1995. –С.36



рузалари халқимиз табиати, тарихий қадриятлари ва менталитетини инобатга олган ҳолда юртимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини аниқ белгилашда улкан методологик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқимизнинг эзгу мақсад ва орзу-умидларини ифодалар экан, жумладан қуйидагиларни таъкидлайди: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боғгани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»<sup>1</sup>. Албатта, фуқаролик жамиятини шакллантириш босқичма-босқич амалга ошадиган, узоқ давом этадиган мураккаб жараён дур. Илгари сурилаётган мазкур устувор вазифа жамиятда давлат раҳбарлигининг, умуман давлат бошқарувининг мазмунини тубдан ўзгаришига олиб келади. Бунда халқ оммаси билан ҳокимият ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосидаги яқинлашув содир бўлади. Давлат жамоат бирлашмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нафақат «ҳокимият»ни беради, балки улар зиммасига демократик жамият барпо этишда фаол иштирок қилиш масъулиятини ҳам юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик жамияти моҳиятига оид қуйидаги фикри ҳам муҳим методологик аҳамиятга эга: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади»<sup>2</sup>. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим<sup>3</sup>. Ушбу талаб, аввало, эркин иқтисодий фаолият, хусусий тадбиркорлик, фуқароларнинг шахсий номулкий муносабатлари соҳасига оиддир.

Ҳозирги босқичда давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ янги вазифалар ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. / Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т.3.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1995. —Б.11

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. —Б.173

<sup>3</sup> Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2005, —Б.52

билан боғлиқ бўлиб, у энг аввало, сиёсий институтлар ва нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ранг-баранглигида ҳамда уларнинг ролини мустақкамлашда ўз ифодасини топади. Айнан шунинг учун ҳам «Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг гоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар... билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шаклларини излаб топишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки кунлариданоқ янги давлатчилик ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий (қонунчилик) асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда тарихан қисқа муддатда Асосий қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Айниқса, инсон ва жамият ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди<sup>2</sup>. Айни пайтда, барпо этилажак янги жамиятнинг иқтисодий асосларини ташкил этувчи хусусий мулкнинг барча мулк шакллари қатори тенглиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланганлиги конституциявий даражада мустақкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз моҳияти, ички мазмунига кўра, мамлакатда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Асосий қонун ўзида том маънодаги демократиянинг асл мазмунини тўла-тўқис акс эттириб, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни оқилона уйғунлаштирмоқда. Шунингдек, демократик институтларни ҳамда уларга мос янги ижтимоий муносабатларни мустақкамлаш, уларни самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда<sup>3</sup>. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «фуқаролик жамияти»нинг тушунчаси, таърифи берилмаган, ушбу ибора қўлланилмаган. Аммо ундаги ҳуқуқий давлатга хос хусусият ва тамойиллар, демократик жамиятга хос қоидалар,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. Т.6. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. —Б.141

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йули.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. —Б.10

<sup>3</sup> Одилқориев Х. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдевори. // «Халқ сўзи» газетаси. 2002 йил 1 ноябрь

инсон (фуқаро)нинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тегишли барча нормалар мамлакатимизда айнан ижтимоий адолатни ифодаловчи фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилгандир.

Конституция фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашувчи ҳуқуқий асос сифатида муҳим ижтимоий-юридик функцияни бажаради. Бизнинг фикримизча, Конституциянинг бу борадаги вазифаси, ижобий роли қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни юксак савияда ҳуқуқий тартибга солади;
- давлатнинг инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилиш мақоми (мажбуриятлари)ни норматив мустаҳкамлайди;
- фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг юксак ҳуқуқий мақомини белгилайди;
- жамият ҳаёти тартибли, маърифий-маданий тарзда кечишига, яъни фуқаролик жамияти қарор топишига шароит, ҳуқуқий майдон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисмлари ва институтлари: жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шу жумладан, маҳалла), жамғармалар, уюшмалар ва бошқаларнинг ҳуқуқий мақоми асослари қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Конституцияда фуқаролик жамиятини қуришга йўналтирилган муҳим тамойиллар мустаҳкамланган. Мазкур тамойиллар аввало, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг устувор таъминланиши; демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда) тамойилла-ридир. Ўзбекистонда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги (2-модда), шунингдек, давлат ҳокимиятининг халқ манфаатларини кўзлаб, Конституция ва қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилиши (7-модда) айни фуқаролик жамиятининг хусусиятларини акс эттирувчи қоидалардир.

Асосий қонундаги муҳим демократик институтлар қаторида давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши нормасини алоҳида эътироф этиш лозим. Мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги (плюрализм ва кўппартиявийлик) асосида ривожланиши ҳам илк бор конституциявий да-

ражада мустақкамлаб қўйилган<sup>1</sup>. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга ошириши (14-модда), кундалик турмушда Конституция ва қонуннинг устунлиги; давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши (15-модда) мамлакатимиз ва халқимиз демократик фуқаролик жамияти сари илдам бо- раётганлигининг далилидир.

Фуқаролик жамиятининг яна бир тамойили – фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги ҳамда барча ижтимоий тафовуларидан қатъи назар, уларнинг қонун олдида тенглигидир (18-модда). Навбатдаги конституциявий тамойилнинг мазмуни қуйи- дагича: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз, улардан суд қарорисиз маҳрум этиш мумкин эмас»<sup>2</sup>. Яна бир та- мойил: «фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатла- ри, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт»<sup>3</sup>.

Инсон ҳуқуқлари фуқаролик жамиятининг олий қадрияти ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари – адолатнинг, шахс эркинлиги- нинг меъёрини, қўламини ифодалайди. Улар инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларни тартибга солишнинг, бу борада юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этишнинг норматив шакли ҳисобланади<sup>4</sup>. Инсон ҳуқуқлари тизимининг му- каммаллиги давлатнинг демократиклиги ҳамда ҳуқуқийлигини ифо- даловчи кўрсаткичдир. Конституцияда фуқароларнинг шахсий, сиё- сий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафо- латланган. Шу билан бирга, барча фуқаролар Конституция ва қонун- да белгиланган бурчларни бажаришлари шарт (47–52-моддалар).

Иқтисодий жиҳатдан қараганда, фуқаролик жамияти кенг шаклланган хусусий мулкчиликка таянади. Асосий қонун хусусий мулк дахлсизлигини ва унинг давлат томонидан қўриқланишини ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини мустақкам- лайди. Хусусий мулкчиликнинг конституциявий даражада мустақ- камланиши иқтисодий фаолият эркинлигига, тадбиркорлик риво- жига кенг йўл очади. Фақат хусусий мулкка эга бўлган шахсгина

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбе- кистон», 2008. – 40 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда. – 40 б.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша жойда. – 40 б.

<sup>4</sup> Таджикханов У., Одиқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикаси кон- ституциявий ҳуқуқи. – Тошкент, 2001. – Б.334-335

Ўзини мустақил, эркин ва муҳофазаланган ҳис этиши мумкин.

Конституцияда фуқаролик жамиятининг институтлари бўлмиш сиёсий партиялар ва ижтимоий тузилмалар, шунингдек оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги (56–63, 67-моддалар) алоҳида диққатга сазовор.

Конституциямиз шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, фуқароларнинг демократик сайлов ҳуқуқи, мустақил суд ҳокимиятини қарор топтиришга йўналтирилган тамойилларни мустақамлайди, жумладан, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилган.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври давомида янги давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ниятида амалга оширилган бутун фаолиятимизга, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳадаги ислоҳотларимизга амалда ўзини оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди: *биринчидан* — иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги; *иккинчидан* — давлатнинг ўтиш даврида бош ислоҳотчи бўлиши; *учинчидан* — қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; *тўртинчидан* — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши; *бешинчидан* — ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тамойиллар фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий заминини ташкил этиб келаётган қонунчилигимизнинг мазмунига сингдирилди. Демократик жамиятга хос ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ва такомиллаштирувчи баъзи қонунларни мамлакат ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа жабҳаларига кўра гуруҳлаб, санаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

*Биринчи гуруҳ* — фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини, бозор муносабатларини қарор топтиришга хизмат қиладиган қонунлар қаторида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Мулк тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги, «Ли-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. —Б.5-6

зинг тўғрисида»ги, «Санация тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар мавжуд. Ушбу гуруҳга оид қонунлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Меҳнат кодекси кабилар алоҳида ўрин тутади.

**Иккинчи гуруҳ** — жамият ҳаётининг ижтимоий масалаларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар бўлиб, улар тоифасига қуйидагиларни киритиш лозим: «Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Сугурта тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида»ги, «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек Оила кодекси ва бошқалар.

**Учинчи гуруҳ** — фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунлар бўлиб, улар қаторига: «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар киради.

**Тўртинчи гуруҳ** — маънавият ва маданият жабҳаси, тинчлик-осойишталик, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган қонунлар — «Таълим тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларни таъсис этиш тўғрисида»ги қонунлар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Солиқ кодекси, Жиноят кодекси ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ—107 сонли Қарори мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришда муҳим

сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлди. Қарорда эътироф этилишича, мустақил, барқарор, аҳоли кенг қатламлари мададига сазовор бўладиган ва халқ орасида чуқур илдиз отган фуқаролик жамиятининг жуда хилма-хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ғоят муҳим вазифа ҳисобланади<sup>1</sup>. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилишига рағбат берилди, унинг вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди. Шубҳасиз, давлатнинг бу борадаги сиёсати ва Жамғарманинг ташкил топиши ҳамда фаолият юритиши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг жадал шаклланиши ва самарали иш олиб бориши учун кўшимча ишончли кафолат сифатида майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 июлдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 404-сонли Қарори<sup>2</sup> Минтақавий сиёсат жамғармаси ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига ўз фаолиятларини самарали олиб боришга кўмаклашувчи катта мадад берди. Бу эса ўз навбатида, мазкур жамоатчилик тузилмалари томонидан мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши жараёнларини илмий таҳлил этиш ишларини фаоллаштиришга жиддий ёрдам бериши тайин.

Аниқ мақсадга йўналтирилган туб ислохотлар орқали фуқаролик жамияти сари изчил одимлаб бориш ҳамда кўзланган мақсадга эришиш учун зарур бўлган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий чора-тадбирларни ўзида жамлаган мукамал дастур яратиш зарурлиги англаб етилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида ушбу дастурда ўз ифодасини топиши лозим бўлган вазифалар хусусида чуқур таҳлил юритиб, юртимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг қуйидаги етти устувор йўналишини<sup>3</sup> белгилаб берди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. —Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. —Б.3-52

**Биринчи устувор йўналиш**, энг муҳим мақсад, олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш. Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш демакдир.

Бу ўринда мустақиллик нафақат ҳуқуқ-имконият, балки айна вақтда, улкан масъулият эканлигига эътибор қаратиш лозим. Мустақиллик ўз тақдиримиз учун масъулликдан ташқари, биздан халқро ҳамжамият олдида зиммамизга олган мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни талаб этади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди<sup>1</sup>. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доимо интилади ва курашади. «Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодийтни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезони, деб билишимиз керак»<sup>2</sup>.

**Иккинчи устувор йўналиш** — мамлакатимизда хавфсизлик ва бар-қарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Маълумки, тинчлик ва хотиржамлик бўлган юртда юксалиш ва тараққиёт бўлади. Шу боис тинчлик ва осойишталикка раҳна солувчи ҳар қандай уриниш тараққиётимиз учун душманликдир. Экстремизм, халқро террорчилик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имконият ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазирамиз бўлмоғи лозим.

Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга ички хавфсизлик муаммолари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ерда гап жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, айниқса, жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби салбий ҳодисаларга қарши курашни қатъият билан давом эттириш хусусида бормоқда.

**Учинчи устувор йўналиш** — бозор ислоҳотларини янада чуқур-

<sup>1</sup> Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Тошкент: Шарқ, 2002. — Б.311

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл—демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.—Тошкент:«Ўзбекистон», 2003. —Б.20



лаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустақкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Хусусий мулк, у билан боғлиқ муносабатлар (мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш) тизимини ривожлантириш ҳамда шу асосда иқтисодиётда хусусий сектор мавқеини мустақкамлаш ниҳоятда муҳимдир. Кичик ва хусусий бизнес ҳамда тадбиркорликни мунтазам ривожлантириш – долзарб масала. Айнан мазкур стратегик йўл орқали мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фуқароларнинг даромадларини орттириш, мустақил мулкдорлар синфини шакллантириш мумкин бўлади.

Иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этиш, инвесторлар учун шарт-шароит ва ҳуқуқий кафолатларни яратиб бериш, улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва барқарор бозор муносабатларини қарор топтиришдек мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлар билан, шунингдек барча хорижий давлатлар билан шу соҳадаги ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

**Тўртинчи устувор йўналиш** – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек ошкораликни, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилишдан иборат. Мамлакат Президенти И.А.Каримов инсон ҳуқуқларини устувор тарзда таъминлаш, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимият» сифатида мавқеини мустақкамлаш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим шартларидан эканлиги хусусида такрор-такрор таъкидлаб келади. Бу бежиз эмас, чунки инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ислохотларимиз дастурининг муҳим тамойили саналади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида таъкидлаб ўтганидек: «Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур»<sup>1</sup>.

Мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ёрқин келажакка интилишимиз жараёнида эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б.23

барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши ниҳоятда муҳимдир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Матбуот эркинлигининг кафолати ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Барча оммавий ахборот воситаларига... мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир»<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, фуқаролик жамияти демократик тарзда уюшган, ошкоралик ва очиқлик ҳукм сурадиган эркин жамиятдир. Бу жамиятда сиёсий-ҳуқуқий ҳодисаларга ижтимоий баҳо бериш, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш устувор мавқега эга бўлади. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгудир. Шунингдек, таъкидлаш жозикки, бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам ҳали етарли даражада эмас, сабаби бундай ёндашув ҳали сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига, таркибий жиҳатига айланаб улгурмаганидадир.

Жамиятни муттасил демократлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, биринчи навбатда, аҳоли кенг қатламлари сиёсий фаоллигининг оширилиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Мазкур вазифани ижобий ҳал этишда бош-қа омиллар қатори мамлакатимизда чинакам кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими ва ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтирилиши муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг парламенти – Олий Мажлиси икки палатали қилиб ташкил этилиши, қуйи палатага асосан сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга туртки бериши шубҳасиз.

**Бешинчи устувор йўналиш** – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б.24-25

ташкilotларининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Нодавлат ва жамоат ташкilotларининг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳаёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ. «Бу масалада давлатнинг роли, — деб кўрсатади ИАКаримов, — аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шартшароитлар яратишга қаратилмоғи даркор»<sup>1</sup>.

Ушбу йўналишда жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутди. Демократик жамиятда бутун ижтимоий-сиёсий ҳаёт ошкора, жамоатчилик кўз ўнгида ва унинг фаол иштирокида рўй бериши назарда тутилади. Шу боис қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятни демократлаштиришнинг яна бир муҳим йўли марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришдир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва нодавлат ташкilotларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат марказидаги масаладир. Шунингдек, бу соҳадаги муҳим йўналиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, бундай алоқаларнинг самарали усул ва шакллари-ни вужудга келтиришдан иборат.

**Олгинчи устувор йўналиш** — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини амалда таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фикрига кўра, судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар. «Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, фуқаролик жамияти

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл—демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. —Б.28

ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий тизимимизда либераллаштириш жараёнларининг бошланганлиги ислохотларнинг муҳим натижасидир. Бугунги кунда қонунчиликни, ҳуқуқий нормалар мазмунини демократия тамо-йиллари асосида эркинлаштириш ва янгилашдек ижобий тенденция вужудга келди. Бизнинг фикримизча, ушбу масалалар алоҳида илмий тадқиқотлар учун долзарб мавзудир.

Суд тизими фаолиятини (амалиётини) демократлаштиришда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам эътибордан четда қолмаётир. Суд-ҳуқуқ тизими-ни ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилиши зарурдир. Чунки оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти беқийёсдир.

**Еттинчи устувор йўналиш** — барча ислохотларнинг пировард натижаси инсон манфаатларига йўналтирилганлиги, уларга баҳо беришнинг асосий омили ва мезони инсон эканлигидир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок инсонпарвар кучли ижтимоий сиёсат олиб бормоқда. Ушбу сиёсатнинг мазмунига чуқурроқ кириб борилса, шунга амин бўлиш мумкинки, мамлакатда ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини жадал ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизими-ни такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, одамларнинг социал соҳа бўйича талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлида мунтазам равишда иш олиб борилмоқда. 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 йилни «Ёшлар йили», 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили» деб эълон қилинганлиги ва унда катта кўламдаги ижтимоий мазмундаги тадбирларнинг амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Инсон эҳтиёжлари нафақат иқтисодий соҳа билан, балки маънавий қадриятлар билан ҳам боғлиқдир. Шу боис фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасидаги узлуксиз фаолиятдан иборат. Ушбу фаолиятнинг марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Мазкур уч буюк қадриятни халқимиз чуқур англаб, асрлар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. —Б.31

давомида ҳамиша эъозлаб келган. Мана шундай чинакам фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилаётган инсон нафақат демократия неъматларининг соҳиби, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади. Ана шундай вазиятдагина фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш мумкин бўлади.

Юқоридаги баёнимишни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан белгиланган етти устувор йўналиш ва бу хусусда билдирилган теран фикр-мулоҳазалар мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг стратегик дастуридир. Бу дастурни қанчалик чуқур англаб етиб, унда белгиланган вазифаларни собитқадамлик ва қатъият билан амалга оширсак, Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини шунчалик муваффақият билан қарор топтириш мумкин бўлади.

Фуқаролик жамиятидаги (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий) ўзгаришлар, албатта, юридик шаклда бўлиши даркор. Қабул қилинаётган қонунлар жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келиши ва жамият демократик ривожланишининг узоқ муддатли истиқболлари учун, фуқаролик жамиятининг тикланиши ва ўзини ўзи тартибга солиш жараёнларини жадаллаштириш учун, шахс ҳамда жамиятнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратган ҳолда, ундан бир оз олдинда бормоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида асосий диққат-эътибор ҳокимият ваколатларининг бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига бериш борасидаги мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш, уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролари йиғинларининг аҳамияти ва мавқеини амалда кучайтириш масалаларига қаратилди<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим З.М.Исломовнинг фикрича, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг стратегик йўли: а) сиёсий плюрализмни ривожлантиришга; б) давлатнинг ижтимоий ролини кучайтиришга; в) шахснинг мустақиллигини таъминлашга; г) давлатнинг иқтисодий ролини ўзгартиришга йўналтирилган бўлиши лозим<sup>2</sup>. Биз ҳам ўз навбатида бу

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 –Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. –Б.174-222

<sup>2</sup>Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.–Т.: «Ўзбекистон», 2005. –Б.96-97

фикрларни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

«Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда, — деб ҳисоблайди Президент Ислом Каримов, — у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур»<sup>1</sup>. Президент ушбу йўналишда қандай фаолиятни амалга оширишни тавсия этади?

*Биринчидан*, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш лозим. *Иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак. *Учинчидан*, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун давлат органлари масъулиятини ошириш.

Сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш лозим. Бунинг учун партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш борасида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва ўзининг доимий сайловчиларига эга бўлиши зарур. Бу борада аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шакл-ланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор берилаётгани тараққиётимизнинг муҳим тенденциясидир.

2006 йил 9 ноябрда матбуотда Президентимиз ташаббуси ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига мувофиқ, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

Мазкур Конституциявий қонун 2007 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва 3 апрелда Сенат томонидан маъқулланди<sup>2</sup>.

Қонунлардаги энг асосий янгилик — сиёсий партияларга қатор

<sup>1</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. — Б. 391

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007. — №4. — 161-модда

муҳим ҳуқуқлар берилганлигидир. Амалдаги қонунларимизда сиёсий партияларнинг ижро ҳоқимиятини шакллантиришдаги иштирокига оид нормалар мукамал эмас эди. Янги қонунларда эса сиёсий партияларнинг ижро ҳоқимиятини шакллантиришдаги иштирокини таъминловчи нормалар киритилди. Биринчи маротаба «сиёсий партия фракцияси», «мухолифат», «қўпчилиқни ташкил этувчи партия» каби тушунчаларга таъриф берилиб, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан:

а) сиёсий партия фракцияси янги ҳукуматнинг йўли ва дастурига қўшилмаса, ўзини ҳукуматга нисбатан «мухолифат»да, деб эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлди;

б) сиёсий партия фракцияларининг Спикер ўринбосари лавозимига эга бўлиш ҳуқуқи мустақкамланди;

в) сиёсий партия фракцияларига Бош вазир номзоди бўйича Президент билан маслаҳатлашувлар олиб бориш ҳуқуқи берилди ва бошқалар.

Шу билан бирга, сиёсий партияларга давлат ижроия органлари устидан назорат олиб бориш ҳуқуқи берилди. Қонунда сиёсий партиянинг маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари ви-лоят, Тошкент шаҳар ҳоқимларини лавозимидан озод этиш бўйича Президентга асослан-тирилган ташаббус билан чиқишлари мумкинлиги мустақкамлаб қўйилди.

Бизнинг фикримизча, ушбу Конституциявий қонуннинг ҳаётга жорий этилиши сиёсий партияларни депсиниш, нофаол ҳолатидан халос этади ҳамда уларнинг давлат ҳоқимияти учун курашдаги фаолиятини рағбатлантиради. Шунингдек, фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириб, халқнинг давлат ҳоқимиятига бўлган ишончини мустақкамлайди.

Фуқаролик жамиятини ҳуқуқий контекстда ўрганиш давлат ва унинг бошқарувчи таъсири масаласи билан узвий боғлиқ. Бу ерда гап фуқаролик жамиятини давлатга қарши қўйиш тўғрисида эмас, балки жамият, унинг аъзолари манфаатлари бошқарув аппарати-нинг ҳаракатлари билан ўзгартириладиган ёки бузиладиган буйруқ-бозлиқ амалиётини сиқиб чиқариш тўғрисида бормоқда.

Ривожланган фуқаролик жамиятининг вазифаси инсоннинг эркинлигини таъминлаш, инсон ҳаёти хусусий жабҳаларини давлатнинг нооқилона ва маъмурий тартибга солишидан ҳимоя қилиш, умуман ижтимоий ҳимояланганлик ҳолатини барқарор этишдан иборат.

Фуқаролик жамияти ижтимоий-ҳуқуқий назариясини миллий заминга татбиқан ривожлантириш ҳақида мулоҳаза юритишда у миллий ёки миллатлараро жамиятда ҳуқуқий давлат муаммоларига

қараб мўлжал олган ёки олмаганини англаб етиш муҳимдир. Бунда либерал андозанинг Ўзбекистон шароитида амал қилиш хусусиятини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўтказилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ижтимоий тизимда кескинликни юзага келтирувчи ижтимоий муносабатларнинг айрим жиҳатларини тузатиш, ҳокимият ва бошқарувнинг муайян муаммоларини ўз вақтида ечиш, иқтисодий ва сиёсий тизимларда танглик кучайишига йўл қўймасликка қаратилган босқичма-босқич жараён сифатида тавсифланади.

Фуқаролик жамиятининг янги ижтимоий шакл-тамоийилларини шакллантиришда маданий плюрализм ҳам муҳим рол ўйнайди. У маънавий ҳаётнинг барча элементларини ўзида мужассамлаштиради ва унда барча индивидлар тенг ҳуқуқли иштирок этишини таъминлайди. Маънавий қадриятлардан фойдаланиш имкониятининг чекланмаслиги шахснинг жамиятдан узоқлашишига чек қўйишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қарор топтириш билан боғлиқ демократик ислоҳотлар жараёни муаммосиз, силлиқ кечади, деб ўйлаш ҳам тўғри бўлмайди, албатта. Хусусан, академик М.Шарифхўжаев бу борада учраётган қуйи-даги учта сабабни кўрсатади:

Биринчидан, ҳокимият табиатидаги жамият ва фуқароларни бошқариш унга ўз таъсирини ўтказишга, аниқроғи, ҳукмронлик қилишга мойиллиги билан боғлиқ. У ҳамиша ҳукмронлик қилишга... ҳаракат қилади. Шунинг учун у ўзининг, ҳатто энг кичик функциясини нодавлат ёки жамоат ташкилотларига «ол энди, сен бошқар», деб осонликча бериб қўявермайди.

Иккинчидан, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ташаббуси ҳамда уюшиши натижасида вужудга келган бўлса ҳам, ҳокимият томонидан бериладиган функцияларни қисқа вақт ичида бошқариб кетолмайди. Чунки у ҳали бошқарув тажрибасига эга бўлмаганлиги сабабли ҳокимиятдан мустақил равишда фаолият кўрсатишда иккиланиш ва ишончсизлик билан қарашдан қутила олмайди.

Учинчидан, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онг ҳамда маданияти юксалиши учун давлат қанчалик тadbирлар ўтказмасин ёки ҳуқуқий база яратмасин, барибир, уни давлатдан кўра тўртинчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотлари бу борадаги ташаббускорликни ўз қўлига олмас экан, қутилган натижага эришиб бўлмайди<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онги

<sup>1</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Тошкент: «Шарқ», 2003. — Б.308-309



Ўзгариши асносида демократик янгиланишларнинг даражаси ва суръати ўсиб бормоқда. Конституция ва қонунлар ҳуқуқий ҳаётнинг бош мезонига айланди. Давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги конституциявий мақоми, функцияси қатъий назорат асосида миллий тараққиёт стратегиясини узлуксиз белгилаб бориш орқали ҳаётда жорий этишдан иборат, деб белгиланди.

Янгича тафаккур қонуний равишда Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартига айланди, мутлақо янгича моҳият касб этди. Ўз ўрнида, республикамиз раҳбарияти янгича тафаккурга кенг йўл очиб беришга интилмоқда. Ислоҳотлар халқ ҳаётини ўзгартира бошлади. Ҳаётдаги ўзгаришлар эса, ўз навбатида, одамларни янгича фикрлашга ўргатди, улар онгининг ўсишига хизмат қилмоқда. Миллий руҳ, онг ва тафаккурда рўй бераётган ўзгаришлар Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ҳал қилувчи омилига айланаётгани, шубҳасиз, ўз самарасини бериши муқаррар.

# II БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 2.1. Ҳуқуқий маданият — жамият ҳуқуқий ҳаётининг инъикоси сифатида

Жамиятнинг маънавий-маданий, маърифий қиёфасини тавсифлаш ижтимоий фаннинг энг мураккаб, сермашаққат, шунингдек ўта масъулиятли вазифаларидан бири ҳисобланади. Аввалги таҳлилимизда фуқаролик жамиятини уч муштарак жиҳатнинг, яъни етук иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларнинг ҳамоҳанглиги, деб таъриф қилган эдик. Бундай жамиятнинг иқтисодий пойдевори барпо этилди, сиёсий тизими (ҳуқуқий давлатчилик) қарор топтирилди ҳам дейлик, аммо унинг маънавий-маданий жаб-ҳаси шакллантирилмаса, белгиланган эзгу мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий меросининг йиллар давомида Ватанимиз ривожини учун қудратли маънавий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу жиҳати таҳсинга лойиққи, «мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»<sup>2</sup>.

Маълумки, жамиятнинг маънавияти, маданияти, шу жумладан, ҳуқуқий маданияти ниҳоятда мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодисадир. Жамиятнинг маданияти умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тарихан шаклланган тизими бўлиб, унга мувофиқ равишда ҳаёт тарзи қарор топади ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинади.

Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Шу боис, ҳуқуқий маданият деганда, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти, унинг ҳуқуқий воқелиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг ривожига эришилган даражасини ифодаловчи маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими ҳамда унга муво-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. — Б.137

<sup>2</sup> Ўша асар: —Б.137

фиқ тарзда қарор топадиган қонунга итоатгўйлик ва мамлакатда ҳуқуқий-тартибот муҳитини ўрнатиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг амалга оширилиши тушунилади<sup>1</sup>. Ҳуқуқий маданият алоҳида муҳим ижтимоий ҳодисадир. Уни ташкил этувчи аниқ жиҳатларни тасаввур этмоқчи бўлсак, бу моҳиятан, ҳуқуқий тафаккур, юридик техника ва ҳуқуқий амалиёт ютуқларини қамраган ҳаракатдаги барча ижобий ҳуқуқий ҳаёт ҳодисаларнинг йиғиндиси эканлигини англаш лозим<sup>2</sup>.

«Ҳуқуқий устқурма», «ҳуқуқ тизими» ва «ҳуқуқий маданият» тушунчаларини уларнинг назарий юки ва белгиланган ижтимоий вазифасига кўра фарқлаш зарур. Ҳуқуқий устқурма категорияси ҳуқуқий ҳодисаларнинг ижтимоий тузумдаги ўрнини, биринчи навбатда, жамиятнинг иқтисодий негизига нисбатан муносабатини очиб беради. Ҳуқуқ тизимининг тушунчаси эса, аввало, ҳуқуқий ҳодисаларнинг ички боғланишларини, уларнинг вужудга келишини, тузилишини ифодалаш учун ҳамда ҳуқуқий устқурма элементларининг яхлитлиги ва уни узвий тизим, деб ҳисоблаш имкониятини берадиган ички алоқалар зарурлигининг кўрсаткичи сифатида қўлланилади. «Ҳуқуқий маданият» тушунчаси эса кўпроқ ҳуқуқий воқеликнинг аҳамиятлилик даражасини, унинг тобора ривожланиш ҳолатини, унга маданий тараққиёт ютуқлари сингиб боришини тавсифлайди. Зеро, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти шахс эркинликлари ва ҳавфсизлигини, инсон ҳуқуқларини таъминлаш шарти, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги ва фуқаровий фаоллигининг кафолати ҳисобланади, ҳокимиятни инсоннинг ҳуқуқий мақомини таъминлашга сафарбар этади. Шунингдек, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тартибга солиш механизми категорияларини улар ҳажмининг қамровига қараб фарқлаш керак бўлади.

Ҳуқуқий маданият кенг қамровли, серқирра, сермаъно ҳодиса бўлганлиги боис, уни биргина таъриф доирасига сиғдириш мушкул. Юқорида таъкидланган белги ва хусусиятлардан ташқари, ҳуқуқий маданият қуйидаги жиҳатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради:

- ҳуқуқий воқеликни англаш, яъни ҳуқуқий онгнинг муайян ҳолати;
- умумий маданий шарт-шароитлар, жамиятнинг маърифий-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. Учебник для юридических вузов. / Под общ. ред. проф. В.С. Нерсесянца. — М., 1999. — Б.406-407; Сальников В.П. Правовая культура / Общая теория права. Под общ. ред. проф. В.К. Бабаева. — Ниж. Новгород, 1993. — С.500

<sup>2</sup> Сальников В.П. Правовая культура / Общая теория права. Под общ. ред. проф. В.К. Бабаева. — Ниж. Новгород, 1993. — С.500-501

лик даражаси;

– аҳолининг ҳуқуқни, қонунларни билиш даражаси, ҳуқуқ нормаларига юқори ҳурмат даражаси, уларнинг нуфузи;

– ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларининг юқори сифати;

– ҳуқуқий фаолиятнинг, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, бошқарув ва бошқа фаолиятнинг самарали усуллари;

– фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга сўзсиз итоаткорлиги.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий маданият амалдаги қонунчилик асослари борасидаги муайян билимни, ундан фойдаланиш кўникмасини назарда тутати. Жамият ҳуқуқий тизими ҳамда амалдаги қонунчилик ҳақида зарурий билимларга эга бўлмасдан туриб, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошира олмайдилар ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдилар.

«Ҳуқуқий маданият» ибораси жамият ҳуқуқий тизимини, ҳуқуқий устқурмасини тавсифлаш учун қўлланилади. Жамият ҳуқуқий маданиятини таҳлил этишда асосий эътибор ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланиш даражасига, ҳуқуқий кадриятларнинг, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таърифи ва изоҳига, жамиятда фуқаронинг муҳофазаланганлик ҳолатига қаратилади. «Ҳуқуқий маданият» тушунчаси муайян жамиятда ҳуқуқий ҳаётнинг «сифатига» бериладиган баҳони, уни бошқа илғор ҳуқуқий андозалар, идеаллар ва кадриятлар билан қиёслашни назарда тутати.

Академик Ш.З.Ўразаевнинг талқинига кўра, «ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий тизимнинг етуқлигини, ривожланганлигини, қонунийликнинг ҳолатини, кишиларнинг ҳуқуқий талабларга, қонунга муносабатини, аҳоли кенг оммасининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини, уларнинг ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини қамраб олувчи кенг тушунча»дир<sup>1</sup>. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш, ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқий талабларни билиш ҳамда уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга оид барча масалалар кишиларнинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир.

Юқорида эътироф этилганидек, жамиятнинг ҳуқуқий устқурмасида ҳуқуқий маданият ҳодисаси, ҳуқуқий ҳаётнинг даражаси алоҳида муҳим ўрин тутати. Юридик, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий адабиётда ҳуқуқий маданиятнинг кўпгина таърифлари келтирилади. Уларнинг талқини ва таҳлилига эътибор қаратиш тадқиқот мавзуси бўйича методологик ўзакни белгилаб олиш имконини беради.

<sup>1</sup> Қаранг:Уразаев Ш.З. Перестройка и правовая культура.–Ташкент: «Фан», 1988. –С.5-6

Россиялик олимлар В.И.Каминская ва Р.А.Ратиновлар ҳуқуқий маданият тушунчасига «ҳуқуқнинг амал қилиш жабҳасига дахлдор бўлган моддий ва идеал элементлар тизими, уларнинг одамлар онги ва хулқ-атворидаги инъикоси»<sup>1</sup>, деб таъриф берадилар.

Профессор В.П.Сальников ҳуқуқий маданиятни шахс ва жамиятнинг ҳар хил ҳолатларга кўра тизимга солиниши лозим бўлган ҳуқуқий ҳолати сифатида идрок этилиши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодиса, деб тавсифлайди<sup>2</sup>. Р.И.Хачатуровнинг фикрича, ҳуқуқий маданият деганда жамият ҳуқуқий ҳаётининг бутун ижтимоий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузум билан белгиланган, ҳуқуқий фаолият, юридик ҳужжатлар, ҳуқуқий оннинг эришилган ривожланиш даражасида ва умуман субъект (инсон, турли гуруҳлар, бутун аҳоли)нинг ҳуқуқий ривожланиш даражасида, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва фуқаролик жамияти томонидан кафолатланганлик даражасида ифодаланувчи ҳолати тушунилади<sup>3</sup>. Ҳуқуқшунос олима Е.В.Аграновскаянинг фикрича, ҳуқуқий маданият — бу юридик ҳуқуқлар ва бурчларнинг муҳимлиги, зарурлиги ва ижтимоий аҳамияти хусусида ҳуқуққа, қонунийликка, ҳуқуқий тартиботга нисбатан ижобий муносабатни шакллантирувчи, ҳуқуқий жабҳада ижтимоий фойдали хулқ-атворни таъминловчи қарашлар, баҳолар, эътиқод ва мўлжаллар тизимидир<sup>4</sup>.

Ҳуқуқий маданият «ҳуқуқий борлиқнинг ўзига хос усуллари (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иши, конституциявий назорат ва ҳ.к.)»ни<sup>5</sup>, ҳуқуқий фаолияти натижаси бўлган қонунлар ва қонунчилик тизимлари ҳамда суд амалиётини ўз ичига олади. Қонунларнинг яратилиши ҳам ҳуқуқий маданият маҳсули, ҳуқуқий қадрият сифатида тушунилиши лозим. Зотан, ҳуқуқий маданият — жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва жамият томонидан кафолатланганлик даражаси, шунингдек жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқни билиши, тушуниши ва унга риоя этиши намойишидир<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник.—М.: Юристь, 2005. —С.369

<sup>2</sup> Қаранг: Сальников В.П. Социалистическая правовая культура. Методологические проблемы.—Саратов, 1989. —С.74

<sup>3</sup> Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политико-правовое исследование. Автореф. дисс. канд.юрид.наук.—Казань, 2005. —С.7-8

<sup>4</sup> Аграновская Е.В. Правовая культура и обеспечение прав личности.—М., 1988. —С.15

<sup>5</sup> Общая теория государства и права: Учебник для юридических вузов / Ю.А.Дмитриев, И.Ф.Казьмин, В.В.Лазарев и др. / Под общ.ред.А.С.Пиголкина.—М., 1996. —С.150

<sup>6</sup> Қаранг: Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Хрестоматия: Учебное пособие.—М., 1998.—С.372

«Хуқуқий маданият» тушунчасини таърифлашга нисбатан бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Бироқ барча таърифларда ҳуқуқий маданият инсон ва унинг фаолиятига, ушбу фаолиятнинг ижобий йўналиши ҳамда илғор тафаккур билан узвий боғлиқ ижтимоий ҳодиса сифатида амал қилади. Таъкидланганидек, мазкур тушунча мураккаб ва сермазмун ҳодисадир.

Таҳлилларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий маданият:

— муайян жамият ҳуқуқий институтлари, жараёнлари, фаолият шаклларига нисбатан устувор қадрият сифатида ёндашишни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, у жамиятнинг ҳуқуқий қадриятларини, ҳуқуқ жабҳасида эришилган илғор ютуқларни ифодалайди;

— мамлакат ҳуқуқий ҳаётининг сифат ҳолатини акс эттиради, шу сабабли ҳар бир давлатга ўз ҳуқуқий маданият даражаси хосдир;

— жамиятнинг ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги манфаатлари ва эҳтиёжларини англашнинг олий шакли ҳисобланади, бинобарин, ҳуқуқнинг ўзи ҳам ижтимоий қадриятдир;

— умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланади, бироқ ижтимоий-маънавий муҳитда алоҳида, мустақил ўрин эгаллайди;

— жамиятнинг ахлоқи ва ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи одамларнинг ахлоқий фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади;

— ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муқаррар шарти ва омили ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни масаласига келсак, ҳуқуқшунос олимлар орасида бу хусусда ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Масалан, В.П. Сальников ҳуқуқий маданиятнинг мазмунига жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор андозаларини, шунингдек ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик, субъектларнинг қонуний фаолиятини киритади<sup>1</sup>. Бунда у ҳуқуқий маданиятнинг функционал жиҳатига алоҳида эътибор қаратади ва ҳуқуқий жабҳадаги бевосита фаолият ҳамда ноҳуқуқий хусусиятга эга, бироқ ҳуқуқнинг амал қилиши билан боғлиқ фаолият (ҳуқуқий ғоялар, ёндашувлар, туйғуларни акс эттирувчи телевидение, журналистика, кино, адабиёт ва ҳ.к.)ни фарқлайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий маданият мазмунига шунчаки қонунийлик, ҳуқуқий онг эмас, балки уларнинг ривожланиш даражаси ҳам киради. Шунингдек, унга аҳоли ҳуқуқий онгининг ривожланиш даражаси, яъни у ҳуқуқдан қай даражада хабардорлиги, ҳуқуқий қадриятларни қай даражада ўзлаштирганлиги, ҳуқуқий фаолиятнинг ривожланиши, мазкур жамият ҳуқуқи

<sup>1</sup> Сальников В.П. Правовая культура сотрудников органов внутренних дел. — Л., 1988. — С.26-27

мустаҳкамланган юридик ҳужжатлар тизимининг баркамоллик даражаси ҳам мансуб бўлади. Уларнинг орасида давлат қонунчилиги ўта муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>. Жамият ҳуқуқий маданияти даражасини ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳам акс эттиради. Бу уч элемент бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири бош-қаларида намоён бўлади, шу сабабли уларнинг фарқлиниши шартлидир.

Муайян социологик нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти қуйидагиларни:

– ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қонун даражасига кўтарилган хоҳиш-иродасини ифодаловчи нормалар тизимини;

– ҳуқуқий борлиқнинг маънавий инъикоси тизими сифатидаги ҳуқуқий онгни;

– ҳуқуқий муассасалар, ҳуқуқий назорат ва ҳуқуқни амалга оширишни таъминловчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари тизимини;

– ҳуқуқий хулқ-атвор, ҳуқуқий фаолиятни ўз ичига олади.

Одатда, ҳуқуқий маданият мазмунида ҳуқуқ ҳақидаги билим, ҳуқуққа муносабат, ҳуқуқий хулқ-атвор кўникмалари ифодаланади. Шундай қилиб, юксак ҳуқуқий маданиятга эга инсон қонунчилик борасида мўлжал олиши, ижобий ҳуқуқий онга эга бўлиши, ҳуқуқни онгли тарзда ҳурмат қилиши, зарур ҳолда, шу жумладан, низоли вазиятларда уни тўғри амалга ошира билиши лозим. Бинобарин, ҳуқуқий маданият тафаккур услуби, меъёр, хулқ-атвор андозаси, умуман олганда — жамиятнинг ҳуқуқий менталитетидир.

Ҳуқуқий маданиятнинг намоён бўлиши уч даражада: одатдаги, касбий ва назарий даражаларда қайд этилади.

Одатдаги даражада ҳуқуқий маданият — одамларнинг кундалик ҳаёти доираси билан чегараланади. Одамлар ундан ўз кундалик фаолиятида субъектив ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, юклатилган вазифаларни бажаришда фойдаланадилар.

Касбий даражада ҳуқуқий маданият — ўз касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида юридик фаолият билан доимий шуғулланувчи шахсларга хосдир. Мазкур даража ҳуқуқни билиш ва ҳуқуқий муаммолар, ҳуқуқий фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади.

Назарий даражада — бу нафақат ҳуқуқни билиш, балки унинг теран хоссалари ва қадриятлари, амал қилиш механизми, ҳуқуқнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни тушунишнинг юксак даражасидир. Ҳуқуқий маданиятнинг учала даражаси ҳам жамият ҳаёти ривожланиши учун муҳимдир.

<sup>1</sup> Семитко А.П. Правовая культура общества.// «Правоведение». —М., 1997. — №4. —С.9

Бироқ касбий ҳуқуқий маданият алоҳида аҳамият касб этади, чунки у барча давлат муассасалари ва бутун давлат аппаратининг ишини белгилайди. Назарий ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти шундан иборатки, у ўзида юридик фаннинг ривожланиш даражасини акс эттиради. Юридик фан мамлакат юридик ҳаётининг ривожланиш стратегияси ва тактикасини белгиловчи давлат ҳуқуқий сиёсатини шакллантиришнинг илмий заминини ташкил этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қайд этганидек, «ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани, турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»<sup>1</sup>.

Ўз ўрнида, ҳуқуқий маданият турлари (шакллари)ни ҳам фарқлаш лозим. Ҳуқуқий маданият шахс, гуруҳ ва бутун жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига бўлинади. Юристарнинг касбий-ҳуқуқий маданияти гуруҳий ва индивидуал ҳуқуқий маданиятнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Шахс ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқдан лозим даражада хабардор бўлишни назарда тутаяди. Ҳуқуқий маданиятга эга шахс: 1) юридик нормаларни муайян даражада билиши; 2) ижобий ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқни ҳурмат қилиши;

3) ҳуқуқни ҳурмат қилишга асосланган хулқ-атвор билан тавсифланади.

Бинобарин, шахс ҳуқуқий маданияти — бу ҳуқуқий билимлар, ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабат ва қонуний хулқ-атвор бирлигидир. Амалий тажриба, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар ҳуқуқий билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар шахснинг маълумот даражаси, ёши, касб-кори ва шу қабиларга бевосита боғлиқдир. Қонунни билиш қонуний хулқ-атвор омили ҳисобланади. Шахснинг юксак маънавий фазилатлари, қонуний хулқ-автор кўникмалари ва ҳуқуқий фаоллигисиз юксак ҳуқуқий маданиятни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Гуруҳий ҳуқуқий маданият айрим ижтимоий гуруҳларга, аввало, профессионал юристарга хос. У мазкур гуруҳнинг ҳуқуқий онгига боғлиқ. Унга жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий қадриятлар, айрим шахсларнинг ҳуқуқий интилишлари бевосита таъсир

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3. —Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.—Б.175



кўрсатади. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти гуруҳий маданиятнинг мустақил ва жуда муҳим қисмини ташкил этади<sup>1</sup>. У ўқув юртларида ва жамоавий бирлашмаларда шаклланади. Айрим ҳолатларда мазкур ҳуқуқий маданият жамиятга нисбатан маргинал хусусият касб этади, унда умумий эътироф этилган хулқ-атвор нормаларидан четлашиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Касбий-ҳуқуқий маданият — бу махсус юридик билимга эга бўлиш, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек ҳуқуқ манбаларини чуқур билиш, ҳуқуқ принциплари ва ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини тўғри тушуниш, ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётига нисбатан касбий ёндашув, яъни муайян амалий фаолиятда ҳуқуқни англашнинг юксак даражасидир. Тегишли равишда ҳар бир юрист учун бу касбни ўзлаштириш ва махсус тайёргарлик даражаси касбий-ҳуқуқий маданиятнинг талабидир.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти — бу жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисмидир. У ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хулқ-атвор ва ҳаракатларнинг барча турларини қамраб олади. У ижтимоий онг даражаси, қонунчиликнинг ҳолати ва хусусияти, мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тартиботнинг мустақамлик даражаси билан белгиланади. У аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳоли маданиятининг сиёсий, маънавий, эстетик ва бошқа турлари билан ўзаро алоқадор ҳамда инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқлиги, ривожланганлиги ва таъминланганлиги; қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланади.

Юристарнинг ҳуқуқий, шу жумладан, касбий-ҳуқуқий маданиятига икки нуқтаи назардан: нисбий (аксиологик) категория сифатида ва мазмунли категория сифатида ёндашиш мумкин. Биринчи ҳолда у ривожланишнинг ҳар бир муайян босқичида жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифат ҳолати тарзида тушунилади. Бу умуман ҳуқуқий ҳаётни ва ҳуқуқий фаолиятнинг асосий жабҳаларини қамраб олиш ва баҳолаш имконини беради.

Ҳуқуқий маданият — бу аслини олганда, одамлар ижодий-назарий ва амалий фаолиятининг ўзига хос маданий-ҳуқуқий ифодасидир. Ўз ўрнида дунё фанида маданиятшуносликка нисбатан мавжуд бўлган барча ёндашувларни уч: антропологик, социологик

<sup>1</sup> Қаранг: Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодежи. Автореф. дисс... канд.юрид.наук—Т., 2000. —24 с.; Хамраев А.У. Правовая культура личности. Автореф. дисс... канд. юрид. наук—Т., 1999. —21 с.

ва фалсафий гуруҳга бўлиш мумкин.

Антропологик ёндашувда маданият, табиат яратганидан фарқли равишда, инсон томонидан яратилган барча неъматлар мажмуи сифатида тушунилади.

Социологик ёндашув уни маънавий қадриятлар мажмуи сифатида изоҳлайди: бунда маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида таърифланади.

Ва ниҳоят, фалсафий ёндашувда маданият ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлмаган, соф аналитик жиҳатдан (таҳлилга асосланган ҳолда) ажратиладиган ҳодиса сифатида талқин этилади.

Биринчи ёндашувнинг ижобий томони унинг кенглигидир. Чунки бунда маданият ижтимоий ҳаётнинг турли-туман томонлари ва соҳаларининг намоён бўлиши сифатида ифодаланади. Унинг қиммати «маданият» ва «ҳуқуқий маданият» тушунчаларини тор маънода ҳамда кўп ҳолларда вазиятга боғлиқ ҳолда кенг қўллашнинг бугунги кунда ҳам анча кўп тарқалган амалиёти билан таққослаганда янада яққолроқ аён бўлади. Бироқ кенг ёндашувга жиддий камчиликлар ҳам хосдир. У инсон фаолияти маҳсулида ифодаланган унинг натижаларини механик равишда қайд этишгагина қаратилгандир<sup>1</sup>. Бундан ташқари, мазкур ёндашув ана шу натижаларни қадриятлар сифатида тавсифлаган ҳолда нимани қадрият, деб ҳисоблаш лозимлигини аниқлаш учун етарлича аниқ мезонларни таърифлаш имкониятини бермайди. Фақат унинг ёрдамида ҳуқуқий қадриятларни тўла англаб етишга муяссар бўлинмайди. Бироқ, бусиз ҳуқуқий маданият назариясини ишлаб чиқиб бўлмайди<sup>2</sup>.

Маданиятни қадрият асосида таърифловчи бир бутун тасаввурларнинг ривожланиши жараёнида муайян ижобий роль ўйнаганидан кейин мазкур ижтимоий ҳодисани таҳлил қилишни иккита янги усули билан бойитиш лозим. Улардан биринчиси маданиятни ижодий фаолият жараёни сифатида, иккинчиси — инсон фаолиятининг ўзига хос тарзи сифатида англашда намоён бўлади. Маданиятнинг фаолият билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши улар учун умумий бўлса-да, лекин бундай талқин қилиш усуллари асло бир хил эмас. Биринчи ҳолда маданият шахснинг маънавий камол топиши, фаолият кўрсатиши ва юксак етуклашуви жараёнлари орқали таҳлил этилади. Иккинчи концепция вакиллари ижтимоий ҳаётнинг универсал хусусияти сифатида маданиятнинг умумий моделини таклиф этадилар.

<sup>1</sup> Сальников В.П. Правовая культура. Общая теория права / Под общ. ред. проф. В.К. Бабаева. — Ниж. Новгород, 1993. — С.496

<sup>2</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. — Б.28-29

Мазкур концепцияларнинг вакиллари эришишга интилган турли мақсадлар уларнинг илмий изланишлари хусусиятларини, шунингдек, амалий йўналишнинг ўзига хос йўсинини белгилаб берди. Мазкур йўналиш вакилларининг қарашларида тафовутлар борлигига қарамай, уларни маданиятни инсоннинг тарихан фаол ижодий фаолияти ва унинг шу фаолият субъекти сифатидаги ривожланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш бирлаштиради. Бундай ёндашувда маданиятнинг тараққий этиши шахснинг ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг исталган соҳасидаги камол топишига хизмат қилади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ушбу хулоса шахснинг ҳуқуқий маданиятини таҳлил қилиш учун методологик аҳамиятга эга. У ҳуқуқий маданиятнинг иккита кўрсаткичини (параметрини) – ижодий ва шахсий кўрсаткичларини ажратиб кўрсатишга йўналтирилган. Улар туфайли ҳуқуқий маданиятни ижтимоий ҳаётнинг бутун мажмуидан абстракт тарзда ажратиб олиш мезонлари белгиланади.

Ҳуқуқий маданият назариясини яратишга қўйиладиган бошланғич умумилмий талаблар таҳлил этилар экан, бунда унинг аксиологик йўналиши ҳақидаги масалани четлаб ўтиб бўлмайди. Ҳуқуқий маданиятнинг ушбу жиҳатини тадқиқ этмасдан, унинг умумий назарий моделини яратиш мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданиятнинг аксиологик жиҳати билангина чекланиб қолиш ҳам тўғри бўлмайди. Ҳар қандай илмий назарияни яратишнинг мантиқий талабларига риоя этилган тақдирдагина ҳуқуқий маданиятшунослик асосларини ишлаб чиқиш мумкин. Булар орасида ҳуқуқий маданият ҳодисалари жумласига киритилиши мўлжалланган ҳодисалар тоифасини ажратиш мезонларининг ҳолисона бўлиши зарурий ва асосий талаб ҳисобланади. Мезонлар, ўз навбатида, мазкур объектларга ҳолис тарзда хос бўлган умумий аҳамиятли ва ҳар қандай вазиятда ҳам амал қиладиган хусусиятларни инобатга олиши керак.

Ҳуқуқий маданиятни тушунишга фақат уни ташкил этувчи элементларнинг аксиологик (яъни, қадрият сифатида баҳолаш) нуқтаи назаридан ёндашувнинг ўзи ҳуқуқий маданиятшуносликнинг мустаҳкам назарий пойдеворини вужудга келтириш имкониятини бермайди. Чунки бу фаннинг ўрганиш объектлари уларни англовчи субъектларнинг «қадриятли» эътиқодлари билан бевосита боғлиқ бўлгани боис улар субъектив хусусият касб этади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият тушунчасини аксиологик ёндашувсиз тўғри аниқлаб бўлмайди. Ҳуқуқий маданият соҳасига киритиладиган ҳодисалар аниқланган ва танлаб олинганидан сўнг

<sup>1</sup> Общая теория права / Под общ. ред. проф. В. К. Бабаева. – Ниж. Новгород, 1993. – С. 498

ҳамда уларнинг амал қилиши ва такомиллашуви қонуниятлари билиб олинганидан кейин, албатта, аксиологик таҳлил қилиш зарур бўлади. Фақат унинг ёрдамида ҳуқуқий маданиятнинг ҳар бир ҳодисасига объектив баҳо бериш, унинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини аниқлаш мумкин<sup>1</sup>. Ушбу ҳолат жамиятнинг бугунги ҳуқуқий ҳаётини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий маданиятнинг муҳим жиҳатлари ривожланишини таъминлаш ҳамда келгусида ҳуқуқий тараққиётга кўмаклашадиган тўғри амалий мақсадларни қўйиш учун имкон беради.

Табиийки, аниқ-равшан белгилаб олинган аҳамиятли йўналишларсиз жамиятнинг илғор ҳуқуқий ривожланиши, эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шаклланиши мумкин эмас. У ёки бу объектни ижтимоий бошқариш жараёни унинг табиатини ифодаловчи хусусиятлар ва қоидалар ҳақидаги билимлардан ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари ва мақсадларига мувофиқ фойдаланиш туфайли амалга оширилади. Шу боисдан фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий маданият ҳодисаларига ижтимоий-бошқарув жиҳатидан таъсир кўрсатиш ҳақида сўз борганда аксиологик ёндашувсиз иш битмайди. Инсонпарварлик ва аксиологик (қадрият сифатида баҳолаш) ёнлашувига устуворлик бериб, — профессор С.С.Алексеев қуйидагиларни таъкидлаганда шубҳасиз ҳақ бўлиб кўринади: «Оқилона ижтимоий, ривожланган демократик ва ҳуқуқий маданият шароитида, айниқса фуқаролик жамияти шароитида, юксак демократик ва маънавий қадриятларга эҳтиром билдирган ҳокимият ўзининг маъмурий истаklarини тияди, ижтимоий манфаатлар қаршисида давлат ҳокимияти фаолиятини қатъий чегара доирасига солади»<sup>2</sup>. Бунда табиийки, қадриятлар устуворлиги тизимида жамият манфаатлари, унинг ҳуқуқий маданияти институтлари олдинги қаторга чиқади.

Кўрсатиб ўтилган асосларга таяниб ва ҳуқуқий маданият назариясини шакллантириш принципларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маданиятшуносликда мавжуд бўлган ютуқлардан тизимли фойдаланиш зарур, деган фикрга келиш мумкин. Масала фақат шундай қўйилган тақдирдагина ҳуқуқий маданият назарияси соҳасидаги олий абстракциянинг ҳаётийлигини ва кучини кўриш мумкин. Уни ҳуқуқ субъектларини, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат механизмларини шакллантириш ғоясини амалда рўёбга чиқаришга сафарбар этилган субъектларни ривожлантириш натижаси ва воситаси сифа-

<sup>1</sup> Қаранг: Сальников В.П. Правовая культура. Общая теория права / Под общ. ред. проф. В.К.Бабаева.—Ниж. Новгород, 1993.—С.499

<sup>2</sup> Қаранг: Алексеев С.С. Восхождение к праву. Поиски и решения.—М.: «Норма», 2001.—С.200

тида тушуниш имконияти пайдо бўлади.

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг ҳам, шахснинг ҳам назарий таҳлил жараёнида турли асослар бўйича ўрганиладиган сифат ҳолати тарзида идрок этилиши мумкин бўлган ўзига хос ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқий маданият назариясида тупланган материалдан комплекс фойдаланиш ҳуқуқшуносликнинг тадқиқ этилаётган масаласини маданиятшунослик нуқтаи назаридан ҳар томонлама қамраб олиш ва ёритиш учун самаралидир<sup>1</sup>. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётган ҳар бир муайян ҳолатда маданиятнинг мазкур турини тушунишда қатъий белгиланган жиҳат ўта аҳамиятли, деб ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳаётда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши-ни таъминлашда инсоннинг ролини ошириш манфаатлари биринчи навбатда, ҳуқуқий маданиятнинг амал қилиш жиҳатига эътибор қаратишни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида эътироф этилади ҳамда ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунчилик ҳужжатлари мукамаллигининг ва юридик амалиётнинг муайян даражаси тарзида намоён бўлади. Россиялик олим Р.И.Хачатуровнинг фикрига кўра, «Ҳуқуқий маданият жамият ҳуқуқий ҳаётининг маданий йўналтирилганлигидир. Қолаверса, ҳуқуқий маданият аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, юқори ҳуқуқий билимларга эгаллигини ҳамда уларни ўз фаолиятида қўллай олиш савиясини билдиради. Бу маънавий-ахлоқий категория фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий билимлари, ўқувлари, кўникмалари йиғиндисини ифодалаб, жамият аъзоларининг ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги маданий фаолияти фаоллигини кўрсатади»<sup>2</sup>.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти бевосита ҳуқуқий соҳадан, соф юридик амалиёт доирасидан анча ташқарига чиқади. Шубҳасиз, ҳуқуқий маданият одамлар ҳаётининг турли томонларига таъсир кўрсатади ва умуман маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантириш — уларнинг умумий маданияти юксалишига; одамларнинг юксак уюшқоқлигига; ҳуқуқлар ва эркинликларнинг аниқлигига; қатъий тартиб ва жавобгарлик, чинакам ижтимоий адолат ўрнатилишига; инсон турмушининг ҳимояланишига; жамият ҳуқуқий ҳаётининг энг муҳим томонларига дахлдор қадрият сифа-

<sup>1</sup> Каранг: Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.Н.Марченко. Т3.—М., 2001. —С.362

<sup>2</sup> Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях формирования гражданского общества в России. Автореферат дисс... канд.юрид.наук.—Казань, 2005. —С.10

тида аҳамиятга молик бўлган хулқ-атвори қарор топишига сабаб бўлади. Ҳуқуқий маданиятнинг шу каби жиҳатлари одамларнинг умумий маданиятига қўшилади ва жамиятнинг илгор маданияти шаклланишига кўмаклашади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқнинг (объектив ва субъектив) ўзига, ҳуқуқий онга, ҳуқуқий муносабатларга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига, юридик воқеликнинг таркибий қисмлари амал қилиши ва ривожланишида уни сиёсий жиҳатдан баҳолаш мезонларига, шунингдек бошқа ҳуқуқий фаолиятга сингиб кетади. Ҳуқуқий маданият шаклланиб бораётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий устқурманинг амал қилиш механизмига тобора қўшилиб боради. Аммо уларни инсон иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий маданиятни инсонсиз ва унинг дунёқараши билан белгиланадиган фаолиятсиз, ушбу фаолият ва тафаккурининг илгор йўналишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, у ҳуқуқий воқеликнинг амал қилиши ва ривожланишида намоён бўлувчи, яққол ифодаланган ижтимоий шахс сифатида иштирок этади. Бунда эътиборни – шахс ва жамиятнинг истиқболли ривожланишига қаратиш жуда муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт билан умумий боғлиқ ҳолдагина тўла намоён бўлиши мумкин. Чинакам маданиятни ўтмишдаги энг яхши нарсаларнинг мерос бўлиб ўтишисиз ва ҳозирги вақтда унинг ижобий йўналишида амал қилишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Акс ҳолда ҳуқуқий маданият ўз мазмунидан маҳрум бўлиб қолади.

## 2.2. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти ва қадриятлари тизими

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, маънавий ва маданий соҳаларини ҳам кенг қамраб олмақда. Адолатли демократик жамиятни шакллантиришда иқтисодий ва сиёсий омилларнинг аҳамияти ниҳоятда муҳимлигини эътироф этган ҳолда мазкур ўринда маданий-маънавий омил хусусида, айниқса фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти борасида алоҳида тўхталиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида маънавий жабҳанинг аҳамиятига, мафқуранинг инсон онгига кўрсатадиган таъсирига алоҳида урғу бериб, қуйидагиларни таъ-

кидлайди: «Ахборот асри, электроника асри деб аталган ... бугунги давримизда мафкуравий кучлар таъсиридан холи бўлиш деярли имконсиз, таъбир жоиз бўлса, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга»<sup>1</sup>. Ушбу фикрлар маданий тарбия ва маънавиятнинг аҳолини улкан мақсадлар сари сафарбар этувчи таъсир кучига ҳам тўла тааллуқдир. Маънавият, маданият, шунингдек мафкуранинг жамият ривожига даги ўрни, кишиларнинг ҳаётини эҳтиёж ва мўлжалларини шакллантиришдаги аҳамияти, қудратли салоҳияти жуда қадимдан теран англаб етилган. Адолатли ғоялар, эзгу фикрлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳаминиша жамият юксалиши ва маънавий тараққиётининг муҳим омили бўлиб келганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида умуминсоний демократия тамойилларига мос янгича дунёқараш, миллий истиқлол мафкураси билан йўғрилган янгича ҳуқуқий тафаккур шакллантирилмоқда. Айнан шундай дунёқараш ва ҳуқуқий мафкура мамлакатимизда қарор топаётган фуқаролик жамиятига мос келувчи ҳуқуқий маданиятнинг ғоявий асосини, асл мазмунини ташкил этади. Шу боис, «бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазирамиз... демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>3</sup>.

Маълумки, ҳозирги замонда ғарб мамлакатларида кенг ёйилган давлат ва фуқаролик жамиятини ижтимоий ташкил этиш принциплари жорий этилиши ҳуқуқий маданиятнинг тегишли намуналари ва шакллари воситасида мустаҳкамланмоқда. Унинг негизини фуқаролар онгида шаклланган шахс эркинлиги, унинг индивидуал мустақиллиги, ҳуқуқий муҳофазаланганлиги ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланганлиги сингари қадриятлар ташкил этади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш, замонавий ҳуқуқий доктринани ҳамда янги ҳуқуқий тизимни яратиш жараёни ўзига хос йўлдан бормоқда. Бунда, бир томондан, халқимизнинг қадимий бой маънавий-маданий ҳамда тарихий-ҳуқуқий меросига, миллий қадриятларимизга таянаётган бўлсак, иккинчи то-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. —Б.86

<sup>2</sup> Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2004. —Б.3

<sup>3</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. —Б.4

мондан, умуминсоний қадриятларга, халқаро-ҳуқуқий тажрибага асосланиб иш қўрилмоқда. Кези келганда шуни ҳам эслаб ўтиш лозим, яъни ислоҳотларимизнинг дастлабки даврида фуқаролик жамияти ва миллий ҳуқуқий тизимимизни куришда баъзи ғарб қадриятлари ҳамда тамойилларидан фойдаланишга эътибор қаратган бўлсак, кейинчалик ҳуқуқий тафаккуримизда миллий ўзликни англаш, тарихий илдиэларимиз ва меросимизга қатъий таяниш, қонунчиликда ўз хусусиятларимиз ва прагматик ёндашувга устуворлик бериш асосий ўринни эгаллади. Зеро, ҳар қандай фаолиятда ва вазиятда бир томонламаликка йўл қўймаслик лозим.

Бу борада давлатимиз раҳбари И.А.Каримов асосли равишда таъкидлаганидек, «умуминсоний тамойиллар ва меъёрларни, бутун дунёда чуқур илдиз отган демократик қадриятларни ўрганмай ва улардан фойдаланмай туриб, демократик институтларни шаклантириш, фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин эмас»<sup>1</sup>. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда халқимизга хос хусусиятлар намоён бўлиши табиий. «Биз мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилар эканмиз, Ўзбекистоннинг цивилизация ва тараққиётнинг юксак, ёрқин чўққиларига эришишида маданий ва тарихий мероснинг, халқнинг инсонларварлик анъаналарининг юксак марраларини эгаллаган умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга содиқ бўлган озод ва ҳар томонлама уйғун камол топган шахс асосий таянч бўлишини қайта-қайта таъкидлаганмиз»,<sup>2</sup> — дейди Президент И.А.Каримов.

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг таркиби анча серқиррадир. Бу ерда ҳуқуқий маданиятни ифодалаш шакллари, унинг ижтимоий даражаси, мазмуни ва ҳоказолар тўғрисида сўз юритиш мумкин. Ҳуқуқий маданият жамиятнинг алоҳида ривожланиш даражаси сифатида, аввало, унинг илғор ҳуқуқий ғоялар ва қонунларни, билим ва кўникмаларни қабул қилишга тайёрлигида, шунингдек билимлар, кўникмаларнинг қўлланишида, амалдаги ҳуқуққа, мавжуд қонунчилик тизимига муносабатида ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан, у тегишли ҳуқуқий маданий мўлжалларнинг, тамойил ва меъёрларнинг шаклланганлиги билан, юксак ҳуқуқий қадриятларни ўзига сингдирганлиги билан тавсифланади.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти одамлар томо-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. — Б. 171

<sup>2</sup> Ўша асар. — Б. 176



нидан ҳуқуқ соҳасида яратилган барча қадриятларни қамраб олади. Аслини олганда, бу ҳуқуқий воқелик барча ижобий таркибий қисм-ларининг унинг реал амал қилишидаги мажмуидир. У ҳуқуқий тафаккур, юридик техника ва ҳуқуқий амалиёт ютуқларини мужассамлантиради. Ҳуқуқий воқеликнинг таркибий қисмлари инсон фаолиятининг эталонлари сифатида намоён бўлишдан иборат ўзига хос вазифа билан жамият ҳуқуқий маданиятининг элементлари бўлади.

Ҳуқуқдаги маданий эталонлар ҳулқ-атвор қоидалари, миқёслари, моделлари, кўринишида шаклланмайди. Бундай йўл билан ижтимоий нормалар, ҳуқуқ принциплари ифодаланади, ҳуқуқий маданият эталонлари эса таъсир кўрсатиш ва тартибга солишнинг юридик воситалари қаторига қўшилади. Уларнинг намоён бўлиши ҳуқуқий нормаларда, принципларда яширинган қонуниятларни билиб олиш жараёнида содир бўлади. Бунда фаолиятнинг ҳар қандай тури ва уларнинг юридик соҳадаги натижалари, агар улар қўйидаги иккита талабга жавоб берса: биринчидан, уларда ҳам ноюрidik, ҳам юридик тахлитдаги қонуниятлар теран ва тўла акс этса; иккинчидан, улар ҳуқуқий фаолият ривожланишининг муайян циклларини ҳосил қилса, ҳуқуқдаги маданият эталонлари сифатида иштирок этиши мумкин. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқнинг илмий асосланган принциплари, мукамал юридик нормалар ва бошқа шу сингарилар ҳуқуқий маданиятнинг олий ютуқлари, унинг эталонлари жумласига киради.

Ҳуқуқий маданият — бу фуқаролик жамияти аъзолари янги жамиятни барпо этиш билан боғлиқ бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида ўз ҳуқуқий билимлари ва кўникмаларини ўзлаштирувчи ёки ривожлантирувчи ижодий фаолиятнинг муайян хусусияти ва даражасидир. Ниҳоят, ҳуқуқий маданият ҳуқуқ жабҳасидаги ижодий маданий фаолият маҳсули, яъни жамият ҳуқуқий билимлари, кўникмалари ва маҳоратининг мажмуи сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий маданиятнинг ушбу намоён бўлиш усули фуқаролик жамиятининг ички маънавий салоҳияти, деб эътироф этилади.

Иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар шароитида давлатнинг мамлакат ҳуқуқий ва маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги сиёсати ва фаолияти фуқаролик жамияти, унинг сиёсий тизими, демократияни шакллантириш шартли сифатида қаралиши лозим. Фан, маданият, иқтисодиёт соҳасидаги интеграция жараёнлари жамиятнинг маънавий ва ахлоқий соғломлиги, унинг ижтимоий хавфсизлигига пухта замин яратади. Жамиятнинг инсонийлик қиёфаси, етуклик даражаси нафақат сайлов ёки референдум

жараёнида, балки кундалик ҳаётда, фуқароларнинг давлат, минтақа, жамоа, оила ва бошқа мулоқот шаклларида иштирок этиши жараёнида синовдан ўтади. Таълим, маданият, ахборот воситаларини бошқариш тузилмалари, ишлаб чиқариш ва бирламчи минтақавий тузилмаларда ўзини ўзи бошқариш, оила ва шахснинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш орқали давлат ижтимоий-маънавий соғлом муҳитини яратади.

Сўнги йилларда фуқаролик жамиятининг шахс, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий тузилмалар ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро алоқаси билан боғлиқ муаммолари олимларимиз, журналистларимиз ва сиёсатчиларимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу табиий бир ҳолдир, чунки фуқаролик жамиятининг шаклланиши демократия, бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва ҳуқуқий давлатнинг қарор топиши билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар жараёнида инсон ва жамият ўртасида икки томонлама уйғун алоқани кафолатловчи жамоатчилик назорати тузилмалари юзага келиши кузатилмоқда. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурий шартларидан бири — давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини вужудга келтиришдир<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти — бу жамиятнинг алоҳида тури, ижтимоий муносабатлар, фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг муайян шакли ва моҳият эътибори билан маданият маҳсулидир, чунки «фуқаролик» сифати иқтисодий маданият, сиёсий маданият ва ҳуқуқий маданиятнинг тарихда маълум барча кўринишларидан энг юксаги, деган маънони англатади. Ижтимоий муносабатларни ташкил этишнинг бошқа шакллари сингари фуқаролик жамияти ўзига мос маънавий маданият типни ва бадиий маданият типини яратади. Буни XIX–XX аср Европа тарихи тасдиқлайди. Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти ўз моҳиятига кўра жамиятнинг юксак даражада маданийлашганлигини англатади.

Ушбу омихта иборада маданиятнинг роли фуқаролик жамияти мавжудлиги ва ўз тарихий хусусиятларини англаб етишининг барча даражаларида — иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, сўнгра фалсафий, илмий, коммуникатив, педагогик, бадиий даражаларида ўз аксини топди. Фуқаролик жамиятини юзаки тушунишгина уни фақат биринчи учта жиҳатга боғлаши мумкин, зеро фуқаролик муносабатлари амалиётини англашнинг маънавий-маданий шакллари бу ижтимоий-тарихий феноменнинг муҳим маданий «қатлами»ни ташкил этадики, унинг ролини аниқламасдан фуқаролик жамияти ҳақида мукамал тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас.

<sup>1</sup> Миракулов М. Жамоатчилик назоратида ёшлар иштироки // «Фуқаролик жамияти». — Тошкент, 2008. — №1. — Б.27–28

Жамиятдаги (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий) ўзгаришлар, албатта, юридик шаклда амалга оширилиши лозим. Қабул қилинаётган қонунлар жамиятнинг ривожланиш даражасига мос келиши ва ҳатто ундан бир оз олдинда бўлиши, жамият демократия йўлидан ривожланишининг узоқ муддатли истиқболлари, фуқаролик жамияти ўз-ўзидан ривожланиши ва ўзини ўзи тартибга солиши соҳасидаги жараёнлар амалда фаоллашуви, шахс ва жамиятнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиши муҳимдир. Фуқаролик жамияти шунчаки расмий қонунийликни эмас, балки инсон шахсини энг олий кадрият, деб эътироф этиш ва уни тўла қабул қилишга асосланган яхлит фаол тизимни англатади.

Манфаатлар, фикрлар ва ҳаракатларнинг ижтимоий плюрализми принципини қонун йўли билан (аввало, конституциявий тартибда) мустаҳкамлаш, плюрализмнинг амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан, уни суд йўли билан ҳимоя қилиш лозим, бошқа томондан, бундай эркинлик фуқаро ўз ҳуқуқлари ва манфаатларидан фойдаланишининг муайян чегарасини ўрнатишни назарда тутаяди. Йўл танлаш эркинлигини рўёбга чиқариш жамият, давлат манфаатлари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларига зиён етказмаслиги лозим. Бошқача айтганда, эркинлик фақат қонун билан чекланиши, яъни И.Кант таъбири билан ифодалаганда, инсоннинг жамият учун хавфсиз хулқ-атворини таъминловчи ҳуқуқий табиат касб этиши даркор. Ўзгача фикрлашга нисбатан сабр-тоқатлилик демократик жамиятнинг муҳим хусусиятига айланиши лозим.

Фаоллик, узлуксиз ҳаракат фуқаролик жамиятининг хусусиятларидан биридир. Конституция бу фаолликни, Ж.Руссо таъбири билан айтганда, фуқаролик, табиийлик (ақлга мувофиқлик) ва маърифатлиликни ёки лўнда қилиб айтганда, баркамол шахсни шакллантиришни; баркамол фуқаролик муносабатларини; оқилона маърифатли ҳокимиятни таъминлаши лозим. Фуқаролик жамияти концепцияси фалсафий концепциядан сиёсий-ҳуқуқий ва ҳатто амалий, ҳаётий концепцияга айланмоқда.

Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожини ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар жипслашувига кўмаклашувчи, юрт яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи кадриятдир. Ижтимоий маънодаги «ҳуқуқий маданият» категорияси қуйидаги икки даражада талқин этилиши мумкин: бугун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва алоҳида шахснинг ҳуқуқий маданият даражаси. Ижтимоий ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий кадриятлар ва меъёрлар, ҳуқуқий

институтлар ва муассасалар, ҳуқуқий онг ва фаолиятнинг диалектик муштарак бирлигини ифодаловчи сифат ҳолати тарзида баҳоланиши мумкин. Шахсга нисбатан эса у ҳуқуқий реалликни ўзлаштириш меъёри, ташқи оламни идрок этишининг ўзига хос «ҳуқуқий кўзгуси» тарзида майдонга чиқади. Шу жиҳатдан олганда, «ижтимоий ҳуқуқий маданиятни ва шахснинг ҳуқуқий маданиятини умуминсоний қадриятларнинг алоҳида категорияси, илғор инсоният умумдемократик ютуқларининг ўта муҳим натижаси сифатида баҳолаш мумкин»<sup>1</sup>.

Демократик маърифий жамиятда, бир томондан, амалдаги қонунчилик тизими, иккинчи томондан, давлат идоралари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг фаолияти юксак ҳуқуқий маданият мезон ва талабларига тўла мувофиқ бўлиши шарт. Айни вақтда, ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тамойиллар, ҳуқуқий қадриятлар, ҳуқуқ тармоқлари ва нормалари мажмуи билан белгиланади.

Жамият ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориши, турмушнинг барча томонларига ўз таъсирини кўрсатиши демократик фуқаролик жамиятининг табиий қонуниятидир. Бунда ҳуқуқий маданиятнинг даражаси жамиятда қарор топган ҳуқуқий қадриятлар кўлами, уларнинг омма орасида тарқалганлиги ҳамда инсонлар томонидан теран ўзлаштирилганлиги билан ўлчанади. Ҳар бир алоҳида олинган инсоннинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий қадриятлар, қонунлар мазмунини ўз онгу шуурига қанчалик теран сингдирганлиги билан белгиланади. Шахс ҳуқуқий маданиятини тавсифловчи жиҳатлар, назаримизда, қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқ нормалари мазмунини мукамал билиш;
- қонунлар ва ҳуқуқий институтларни чуқур ҳурмат қилиш;
- ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан юксак фаоллик кўрсатиш;
- ҳуқуқни ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофазаловчи восита сифатида баҳолаш;
- ҳуқуқий меъёрлар талабига ихтиёрий тарзда, ички эътиқод амри билан риоя этиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқ нормалари талабларига риоя этилишига, шунингдек аҳоли ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий маданият шахснинг сиёсий-юримдик ижтимоийлашуви натижаси, унинг ижтимоий тажрибаси маҳсулидир. Бунда айниқса, шахснинг юримдик муассасалар ва ҳуқуқни муҳо-

<sup>1</sup> Сальников В.П. Правовая культура. Общая теория права. / Под общ. ред. проф. В.К.Бабаева. – Ниж. Новгород, 1993. – С.502

фаза этувчи мутасадди ходимлар фаолияти юзасидан шаклланган фикри (баҳоси) муҳим аҳамият касб этади. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи унинг ҳуқуқ соҳасидаги қадриятлар ва нормаларни эгаллаши ҳамда мақсадли фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишдир. Бундай йўл тутиш ҳуқуқий маданиятнинг йўналтирувчи вазифасини амалга оширишга ёрдам беради<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий қадриятлар ва нормалар жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳияти ҳақида кенг қамровли тасаввур ҳосил қилади. Улар жамиятда инсоннинг ҳуқуқий мақоми, унинг фаолияти чегаралари ва шакллари, шунингдек шахс эркинлигининг меъёрлари ҳақида маълумот беради. Ҳуқуқий маданиятнинг ўзи ҳам ижтимоий қадрият сифатида инсонлар фаолияти ва ривожланишининг конкрет-тарихий мезони бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий маданият кишиларнинг амалий ҳуқуқий фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий алоқалари ва муносабатлари таркибига узвий сингиб кетади. У шахснинг ижтимоий фаоллигидан, ҳуқуққа ва қонунийликка оид ижодий тарбиясидан ажралмас жиҳатдир.

Ҳуқуқий маданиятнинг амалий аҳамияти шундаки, у фуқаролар ҳамда ҳуқуқнинг бошқа соҳиблари томонидан қонунларга (ҳуқуқ нормаларига) қатъий риоя этилишига салмоқли ижобий таъсир этади. Шунингдек, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги даражасини кўтаришда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ҳуқуқий маданият ижтимоий ҳодисадир. Зеро, у жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар сирасида майдонга чиқади. Гўёки маҳсулотнинг кўрки ва сифати бозорда билингани каби, ҳуқуқий маданият ижтимоий муносабатлар уммонида кўринади. Унинг теранлиги, даражаси ва савияси жамиятда тан олинган ҳуқуқий қадриятлар ҳамда меъёрлар мазмунига қиёсан англаб етилади ҳамда баҳоланади.

Фуқаролик жамияти ўзининг юксак маънавий ривожланганлиги ва илғор қадриятлари, шу жумладан, ҳуқуқий қадриятлари тизими билан тавсифланади. Аксиологик талқин нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак, фуқаролик жамиятининг мазмунини турфа ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий қадриятлар ташкил этади, дейиш мумкин. Аслида «қадрият» категорияси қандай маънони англатади? Қадрият тушунчаси инсонийлик, адолат, фуқаролар манфаати каби ҳодисалар билан узвий алоқадор ва ҳамоҳангдир. «Қадрият деганда, — профессор Х.Одилқориевнинг фикрича, жамият томонидан эътироф этилган инсо-

<sup>1</sup>Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. —Б.147

ниягга хизмат қилувчи, унинг маълум мақсадлари замирида шаклланган эътиқоди, ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи жамики моддий ва маънавий неъматлар тушунилади»<sup>1</sup>. Биз ҳам ушбу фикрга тўла қўшиламыз.

Аксиология, яъни қадриятлар назарияси борасида ижод қилган болгариялик олим Нено Неновскининг эътироф этишича, «қадрият»лар инсоний эҳтиёжларни қондирувчи предметлар, ҳодисалар ва уларнинг хусусиятларидир. Инсонга нисбат бериб баҳоланмаган буюм, ҳодисалар ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмас. Қадриятлар инсонга хизмат қилувчи неъматлардир»<sup>2</sup>.

Қадриятлар назарияси ҳуқуқий ҳаёт соҳасида ҳам ўз амалини топади. Ҳуқуқий тартибга солиш тизими (баъзи олимларнинг фикрича, ҳуқуқий тартибга солиш механизми) ўз мазмунига турли қадриятларни, баҳолаш мезонларини, тамойилларни, қоидаларни, ижтимоий институтларни қамраб олади. Ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқий баҳолашлар ҳуқуқий онг соҳасида намоён бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятида ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларнинг нуфузи, тартибга солувчи қадр-қиммати айниқса, ортиб боради. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ воситасида ўзи учун ўта зарур ва қадрли бўлган неъматларни, яъни эркинлик, тенглик, адолат, демократия, тинчлик, тартиб-интизом, қонунийлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. Ушбу қадриятлар аслида инсоният жамияти интиладиган идеал ва реал кишилик ҳаёти амалиётидир. «Ҳуқуқсиз, — дейди профессор В.А.Туманов, — демократик қадрият ва тамойилларни, тенглик, шахс эркинлигини ва ҳоказоларни қарор топтириб бўлмайди. Ҳуқуқ ва қонунийликнинг қадр-қиммати айнан мана шундадир»<sup>3</sup>. Ҳуқуқнинг, ҳуқуқий нормаларнинг қадри шундаки, улар жамият аъзолари риюя этиши лозим бўлган фойдали хулқ-атвор вариантини мустаҳкамлайдилар<sup>4</sup>.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Ҳуқуқий қадриятлар — бу фуқаролик жамияти, давлат ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган, жамият аъзолари томонидан эъзозланадиган ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институт-

---

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва қадриятлари тизими / Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар.—Тошкент: ТДЮИ, 2005. —Б.10

<sup>2</sup> Неновски Нено. Право и ценности. / Под ред. д.ю.н. В.Д.Зорькина.—М.: «Прогресс», 1987. —С.24

<sup>3</sup> Туманов В.А. Вступительная статья./ В кн: Давид Р.Основные правовые системы современности.—М., 1967. —С.16

<sup>4</sup> Неновски Нено. Право и ценности. / Под ред. д.ю.н. В.Д.Зорькина.—М.: «Прогресс», 1987. —С.210.

лар, тамойиллар ва ҳодисалардир<sup>1</sup>. Ушбу таъриф ҳуқуқшуносликка оид адабиётлардаги қуйидаги мулоҳазаларга таянади: «Ҳуқуқий қадриятлар — ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантана қилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари собитқадамлик билан таъминланишига, юксак ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳодисалардир...»<sup>2</sup>. «Ҳуқуқий қадрият — бу муайян ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса, ҳуқуқий восита ва механизмдир»<sup>3</sup>. Ёки «Ҳуқуқий қадрият — бу ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввур ва мулоҳаза асосида ўзлаштирилган ҳуқуқий норма ва принципларнинг шахс ҳуқуқий ва умумий маданиятига уйғунлаштирилган ҳолда давлат ва жамият ривожига таъсир кўрсатиш даражасидир»<sup>4</sup>.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, ҳуқуқий қадриятнинг қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «*Ҳуқуқий қадриятлар — бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъзозланадиган, қадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, тамойиллар ва ҳодисалардир*».

Фуқаролик жамиятида, аввало, инсон эркинлиги устувор ҳодисадир. Эркинлик — инсон моҳиятини тавсифловчи беназир қадриятдир<sup>5</sup>. Эркинлик демократиянинг мақсади ва маъносини ҳам очиб беради. Ижтимоий ҳаёт соҳаларидан келиб чиқиб, сиёсий эркинлик, иқтисодий эркинлик, маданий эркинлик ва бошқа эркинликлар ҳақида гапириш мумкин. Масалан, сиёсий соҳадаги эркинлик доирасида сўз эркинлиги, эътиқод ва виждон эркинлиги, партия ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги, матбуот эркинлиги, фикрлар плюралиزمи, мажлислар, митинг ва намойишлар ўтказиш эркинлиги, давлат идораларига мурожаат этиш эркинлиги, фуқароларнинг сайлов ва референдумларда иштирок этиш эркинлигини эътироф қилиш тўғри бўлади. Мазкур эркинликлар, аynи вақтда, ҳуқуқий қадриятлар сифатида конституция ва қонунларда ўз ифодасини топади.

Фуқаролик жамиятининг яна бир қадрияти Конституция ва адолатли қонунлар тизими вужудга келтирилиб, уларнинг устунлиги таъминланганлиги ҳисобланади. Бинобарин, бунда қонунга

<sup>1</sup> Якубов Ш.У. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий қадрият ва тамойилларнинг шаклланиши. Юрид.фан.номзоди... автореф. —Тошкент, 2008. —Б.11

<sup>2</sup> Одиқориев Х. Ҳуқуқий қадрият ва шахс ижтимоий ҳимояси // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. —Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. —Б.44

<sup>3</sup> Теория права и государства / Под ред. проф. Лазарева В.В.—М.: 1996.—С.106

<sup>4</sup> Бабенко А.Н. Правовые ценности (вопросы теории).—М.: 2001.—С.35

<sup>5</sup> Қаранг: Гаджиев К.С. Размышления о свободе // Вопросы философии. —М., 1993. №2. —С.33

итоат этиш ҳамда уни ҳурмат қилиш ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилади.

Фуқаро (индивид)ларнинг тенглиги алоҳида нуфузли қадриятлардан саналади. Демократик давлат истисносиз барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигини кафолатлайди. Улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг иштирок этадилар ва тенг имкониятлардан фойдаланадилар.

Фуқаролик жамияти қадриятлари тизимида юксак **ҳуқуқий маданият** алоҳида ўрин тутади. Биз интилаётган идеал жамият асосини, ундаги муносабатлар пойдеворини юксак маънавият ва ўта ривож топган сиёсий-ҳуқуқий маданият ташкил этиши тайин. Зеро, бошқарилиш шакли ҳуқуқий давлатчиликдан иборат жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳам юксак даражада бўлади. Зеро, ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик ривожини ва ҳуқуқий тизим етуқлигинининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар жипслашувига кўмаклашувчи, юрт яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустақкамловчи қадриятдир<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятининг аксарият қадриятлари ижтимоий-ҳуқуқий онгда қарор топиши табиий ҳол. Аммо уларнинг энг муҳимлари қонунлар воситасида мустақкамланиб, ҳуқуқий қадрият мақомига эга бўлади. Шу ўринда кўплаб миллий қадриятларимизнинг қонунларимиз руҳига сингиб, янги демократик жамиятнинг қадриятларига айланаётганини айтиб ўтиш лозим.

Мустақил тараққиётимиз даврида мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимияти — Олий Мажлис, халқимизнинг миллий қадриятларини амалдаги қонун нормаларига сингдиришга тобора катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу айниқса, мустақиллик йилларида фаолият юрита бошлаган миллий парламентаризм мактабига хос жиҳатдир. Амалдаги қонунларда халқимиз тарихи, урф-одатлари, миллий қадриятлари тўла акс этган бўлиб, унинг нормаларида миллийлигимизни яққол кўриш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг<sup>2</sup> биргина «Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш», деб номланган учинчи бўлимининг қатор моддалари айнан ўзбекиона урф-одатларимизга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодек-

<sup>1</sup> Одилқориев Х.Т. Фуқаровий жамиятнинг ҳуқуқий маданияти. // Аёл ва ҳуқуқий маданият. —Тошкент: «Адолат», 1999. —Б.41

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. —№5-6, илова



сининг<sup>1</sup> қатор моддалари борки, уларнинг қабул қилиниши замирида миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни ҳимоя қилиш назарда тутилган. Масалан, мазкур кодекснинг «Қабри таҳқирлаш» деб номланган 134-моддаси, «Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш» деб номланган 136-моддаси, «Виждон эркинлигини бузиш» деб номланган

145-моддаси, «Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш» деб номланган 156-моддаси ва бошқа шу каби кўплаб нормалар борки, уларнинг деярли барчасида фақат ўзбекларга хос бўлган бафрикенглик, олижаноблик хислатлари акс этган. Фикримизча, бундай нормалар бошқа давлатларнинг Жиноят кодексларида деярли учрамаса керак. Биз буларни ҳақли равишда миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатлари, деб эътироф этишимиз мумкин<sup>2</sup>.

Ўзбекистон қонунлари мазмунида акс этган янги ўзбекона қадриятлардан яна бири «**ярашув институти**»дир. Бугунги кунда жиноят-процессуал қонунчилигига алоҳида боб сифатида киритилган ушбу институт фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилмоқда. Қонунчиликнинг миллий қадриятларга таяниши унинг нуфузи қадрини оширади ҳамда фуқаролар томонидан самарали қўлланишига асос бўлади<sup>3</sup>.

Фуқароларнинг эркинлигини, мустақил ва дахлсиз бўлишини таъминлашда хусусий мулк ҳуқуқи ва реал мулкдорлик алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, хусусий мулк ҳуқуқини фуқаролик жамиятининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий қадрияти сифатида устувор тан олиш тўғри бўлади<sup>4</sup>. Мазкур ҳуқуқ билан фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқи ва тadbиркорлик ҳуқуқи чамбарчас боглиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамланган тамойил: фуқаро билан давлатнинг ўзаро масъуллиги, бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боглиқлиги (19-модда) демократиянинг улкан ютуғи, барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг устувор қадрияти сифатида эътироф этилиши лозим. Ушбу қадриятнинг мазмуни шундаки, нафақат фуқаролар жамият ва давлат олдида юридик масъулиятга эга, бал-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. —№1. 1-модда

<sup>2</sup> Исmoilов Н.М. Қонун ижодкорлик фаолиятида миллий қадриятларнинг ўрни / Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. —Б.16-17

<sup>3</sup> Якубов Ш.У. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий қадрият ва тамойилларнинг шаклланиши. Юрид.фан.номзоди. автореф. —Тошкент, 2008. —Б.13

<sup>4</sup> Қаранг: Нудненко Л.А. Теория демократии. —М., 2001. —С.52

ки давлат ҳам ўз фуқаролари олдида талайгина мажбуриятларни ўташни зиммасига олади. Давлат ҳокимияти ваколатларига нисбатан инсон ҳуқуқларининг устун туриши фуқаролик жамиятининг моҳиятига оид беназир қадриятдир. Ушбу қадрият демократик тузум шароитида давлат билан фуқаронинг ўзаро муносабатлари мазмун ва йўналишини белгилаб беради. Фуқаролик жамиятида давлатнинг иродаси ва ҳукмронлиги инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кўлами билан чегараланади.

Фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим қадрияти шахснинг ҳуқуқий муҳофазаланганлиги, унинг суд ҳимояси билан таъминланганлиги, айбисизлик презумпциясининг амал қилишидир. Ҳеч бир гумондор, терговдаги шахс ёки судланувчи ўзининг айбдор эмаслигини ўзи исботлашга мажбур эмас. Ушбу вазифани давлатнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари ва мустақил суд амалга оширади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти кенг маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар тизимига таянади. Ушбу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир мезонга қатъий риоя этилади, яъни инсон, унинг шаъни ва салоҳияти бениҳоя улуғланади, инсоний маънавий-ахлоқий фазилатлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади.

### **2.3. Фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг типлари ва функциялари**

Ҳуқуқий маданият худди ҳуқуқ сингари дунёвий тараққиётнинг муҳим омилдир. Жаҳон ҳуқуқий маданияти ўз тарихий тараққиёти мобайнида узоқ шаклланиш босқичларини босиб ўтган ва муайян типларда намоён бўлиб келмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳодисасини теранроқ англашда унинг типологияси алоҳида аҳамият касб этади. Типология ўз мазмунига кўра эмпирик (амалий) ҳуқуқий маданиятларни саралашга, турларга ажратишга кўмаклашади ва муайян идеал, мукамал моделга нисбатан уларнинг ҳолати, хусусиятлари ҳамда мазмунини аниқлаш имконини беради. Маълумки, ижтимоий-иқтисодий формациялар таълимоти барча тарихий ҳодисаларни мукамал тушунтириб бера олмайди. Шу боис, бугунги кунда жаҳон ҳуқуқий ривожини тарихини бошқа нуқтаи назарлардан ҳам қайта кўриб чиқиш, ҳозирги замоннинг бой тарихий, илмий-назарий тажрибасини инобатга оладиган янги типология яратишга уриниб кўриш зарурияти етилди.

Шу жиҳатдан олганда, У.Таджиханов ва А.Саидовнинг «Ҳуқуқий маданият назарияси» номли китобларида юридик типо-

логия<sup>1</sup> хусусида юритган таҳдиллари ҳуқуқий маданият типларини ёритишда методологик аҳамият касб этиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, миллий ҳуқуқий тизимлар ва уларга мос ҳуқуқий маданиятларнинг типологияси турли мезонлар асосида амалга оширилади. Ўз ўрнида ушбу ҳолат ижтимоий ҳодисаларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини очиш имконини беради. Аввало, айтиш жоизки, ҳуқуқ муайян тарихий ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқ ҳар бир тарихий даврда, ҳар бир цивилизацияда, ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда намоён бўлиб, алоҳида хусусиятлари билан тавсифланади. Муайян жамиятда мавжуд бўлувчи ҳуқуқ (норматив-институциявий тузилма), нафақат бошқа ижтимоий тизимлар: иқтисодий, сиёсий, диний ва бошқа тизимлар билан чамбарчас алоқада бўлади, балки бошқа ҳуқуқий ҳодисалар, яъни ҳуқуқий онг, юридик амалиёт ва ҳуқуқий маданият (мафкура) билан ҳам ҳамоҳанг тарзда амал қилади. Шу боис, миллий ҳуқуқий тизимлар типологиясига оид илмий-назарий қоидалар ҳуқуқий маданият типларига ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир.

Бу борада профессор С.С.Алексеевнинг таъкидлашича, «миллий ҳуқуқий тизим аниқ тарихий ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятдаги бошқа тизимлар, яъни иқтисодий муносабатлар, давлат механизми, сиёсий институтлар, ахлоқ, маданият, барча ижтимоий тузилмалар ва қадриятлар билан ўзаро алоқадорликда ва ўзаро таъсир этиш муносабатларида бўлади. Ўзининг дастлабки шаклланиш даврида роман-герман ҳуқуқига оид ғоялар ҳуқуқий маданият ҳодисалари кўринишида майдонга чиққан. Ушбу турдаги «ҳуқуқ» токи у давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларида мустақамланган ҳамда юридик маъно касб этгунга қадар ҳуқуқий онг шаклида, ҳуқуқий маданият жабҳалари тарзида намоён бўлган»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Матюхин ҳуқуқий маданиятни маданий-тарихий типология асосида англашни таклиф этади<sup>3</sup>. У амалга оширган тадқиқотнинг мағзини ҳуқуқни ҳам тарихий, ҳам маданий феномен, деб тушуниш ташкил этади. Бунда гап аслида ҳуқуқий маданият хусусида боради.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий маданият тарихий ўзгарувчанлик (турланиш) хусусиятига эгаллиги билан ифодаланади. Бинобарин, ҳуқуқий маданият турли авлодлар маданиятини, хусусиятларини, қадриятларини ўзида акс эттиради. «Ҳуқуқий маданият ҳар

<sup>1</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. —Б.81-84

<sup>2</sup> Алексеев С.С. Теория права.—М.: «Бек», 1995. —С.282

<sup>3</sup> Матюхин А.А. Государство в сфере права: институциональный подход.—Алматы: ВШП. «Эділет», 2000. —С.62

сафар муайян замонда намоён бўлса-да, у ўзининг кўп қатламли-лиги билан таърифланади, ҳар бир қатлам ўзида турли ўтмиш даврлар ҳақидаги «хотирани» сақлаб қолади»<sup>1</sup>. Бундан чиқадиган хулосалардан бири шуки, ҳуқуқий маданиятнинг ҳар бир тарихий типи ўздан аввалги ва ўзига замондош бўлган ҳуқуқий маданиятларнинг муҳим қадриятлари ҳамда хусусиятлари билан боғлиқ «изларни» ифода этиб боради.

Маълумки, муайян тарихий даврдаги ҳуқуқ мавжуд тамаддунининг мазмунини, талабларини норматив тарзда расмийлаштиради ва ҳаётга татбиқ этади. Бу ўринда ҳуқуқ, аввало, маданиятнинг маҳсули ва ифодаси сифатида майдонга чиқади. Зеро, у ўз мазмунида ижтимоий ҳаётнинг бутун бойлиги ва ранг-баранглигини акс эттиради. Ниҳоят, ҳуқуқнинг ривожланиши кўп жиҳатдан умумий маданият даражаси ва ҳуқуқий маданият хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, ҳуқуқнинг қонунга ҳурмат, судга ҳурмат, қонунга итоатгўйлик, қонунни бажаришга тайёрлик каби хусусиятлари кишиларнинг умумий ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан бевосита боғлиқдир»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқнинг маданий-маънавий салоҳияти бутун ҳуқуқий материянинг мазмунидан келиб чиқади. Ҳуқуқий маданият инсоният маънавиятининг узвий таркибий қисмидир. Шу сабабли, ҳуқуқий маданият тарихан қарор топадиган ҳуқуқий қадрият сифатида баҳоланади. Ҳуқуқий маданиятни маданий-тарихий типология нуқтаи назаридан тушуниш ҳар бир даврнинг ҳуқуқий тизими кенг маънода қараганда инсоният тамаддуни яратган «маданий маконни» ташкил этади. «Дарҳақиқат, – дейди А. Матюхин, – ҳуқуқ маданий-тарихий бунёдкорлик тимсоли ва идеал тарзда ўзгариб турадиган ижтимоий макондир»<sup>3</sup>.

Ҳуқуқий маданият типи – бу ҳуқуқий маданиятнинг муайян модели ёки идеал маънода ифодаланган образи бўлиб, унда давлат-ҳуқуқий ҳодисалар муайян гуруҳининг умумий ва муҳим хусусиятлари уйғунлашади ҳамда унга аниқ ҳуқуқий маданиятларнинг (давлат-ҳуқуқ тизимларининг) муайян туркуми мос келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, типология – бу муайян давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни ўзаро боғлиқ гуруҳлар ёки тоифалар бўйича уларга хос бўлган умумий ва асосий белгиларига мувофиқ тартибга келтириш, тизимлаштириш, таснифлаш ва тақсимлашдан иборат таълимотдир.

<sup>1</sup> Матюхин А.А. Государство в сфере права: институциональный подход. – Алматы: ВШП. «Эділет», 2000. – С.64

<sup>2</sup> Лившиц Р.З. Теория права. Учебник для вузов. – М.: БЕК, 2001. – С.9

<sup>3</sup> Матюхин А.А. Государство в сфере права: институциональный подход. – Алматы: ВШП. «Эділет», 2000. – С.73

Бизнинг фикримизча, давлат-ҳуқуқ тизимлари ва ҳуқуқий маданиятларнинг маданий тараққиёт юзага келган пайтдан эътиборан тарихда зоҳир бўлган ва ҳозирда дунёнинг барча қисмлари ва ҳудудларида мавжуд бўлиб турган ҳуқуқий тизимлар ва маданиятлар «иштирок этадиган» тақсимланишини типология сифатида қабул қилиш мумкин.

Маълумки, бир мамлакатда, бир жамиятда муайян типдаги давлат ва ҳуқуқ тизими амал қилади. Демак, давлат-ҳуқуқ тизимлари ҳамда ҳуқуқий маданиятларнинг ҳуқуқ ва давлатчилик соҳасининг белгиларини жамловчи ягона типология ҳақида сўз юришиш ўринлидир.

Ҳуқуқий маданиятлар типологияси инсон ҳаёти ва фаолияти ҳамда маданияти барча асосий соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини ва сифатларини ҳисобга олишга асосланиши керак. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданиятлар (давлат-ҳуқуқ тизимлари) типологиясида инсон ҳаёти ва фаолиятининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳамда бошқа соҳалари эмас (булардан баъзилари ҳуқуқий маданиятни таҳлил қилиш учун қанчалик муҳим ва ҳатто бирламчи бўлмасин), балки аввало, ҳуқуқ соҳасининг белгилари инobatга олиниши керак бўлади. Иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва шунга ўхшаш асослар, шубҳасиз, ҳуқуқий маданият типологияси учун муҳим, бироқ унда ҳуқуқий маданият типини ҳосил қилувчи тегишли умумий ва муҳим белгиларини излаш керак бўлади. Ҳуқуқий типология бирор-бир бошқа белгилар ва кўрсаткичларга эмас, балки ҳуқуқий белгиларга асосланиши керак.

Замонавий ижтимоий-фалсафий ва юридик адабиётларда ҳуқуқий тизимлар типологиясининг асоси сифатида маданий ёндашув кенг тарқалди ва амалда барчанинг эътирофига сазовор бўлди. Айтиб ўтиш керакки, кенг жаҳоншумул-тарихий қамровни, зарурий олға бориш ва юксалишни талаб қиладиган формациявий парадигма деганда тарихий ривожланишнинг тобора юксалиб боровчи поғоналари ёки босқичлари изчиллигини, шу жумладан, жамият ва маданиятнинг социоцентризмдан персонцентристик типни сари ривожланишини тан оладиган ҳар қандай концепция тушунилади.

Н.Я.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби ва С.Хантингтонларнинг маданий тараққиётга асосланган (цивилизациявий) парадигма маданиятлар хилма-хиллиги тўғрисидаги ғоялари муайян маданий-центризмни назарда тутди. Бу икки парадигма бир-бирини тўлдиради, воқеликнинг кўп ўлчовли, ҳажмдор манзарасини, шу жумладан, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш манзарасини яратишга ёрдам беради. Чунки ўтмишда, ҳозирда ва келгуси-

да ҳар қандай давр халқлари ва маданиятлари у ёки бу макон доирасида, умумий тарихга, диний, ижтимоий-психологик, маънавий, ахлоқий ва бошқа анъаналар ҳамда андозаларга, ўхшаш иқтисодий асосларга, сиёсий-ҳуқуқий тузумга ва бошқа шу сингариларга эга бўлган муайян маданий муштараклик доирасида вужудга келган. Ҳуқуқий маданият соҳасидаги юксалиш, ривожланиш мустақил миллий ҳуқуқ тизимлари доирасида амалга ошади ва жаҳоншумул-тарихий миқёсда ҳуқуқий маданиятнинг марказида жамият турган типидан марказида шахс турган типи (формация, давр) сари боради.

Жаҳон ҳуқуқий маданиятига маданий-тарихий типология нуқтаи назаридан ёндашув тарихда, ўтмишда ва ҳозирда қанча тегишли типлар, «она маданиятлар» бўлса, шунча ҳуқуқий оилалар, ҳуқуқий маданиятлар типлари ёки турларини ажратиш кўрсатиш мумкин. О.Шпенглер саккизта маданият типини ажратган, Н.Я.-Данилевский ўн учта маданий-тарихий типни санаган, А.Тойн-би ўттизга яқин маданият типини тадқиқ этган. Шуниси ҳам борки, ҳозирги пайтда унинг нуқтаи назарида бешта маданият: ғарб, православ-христиан, ислом, ҳинд ва узоқ шарқ маданиятлари мавжуд. Айрим олимлар тамонидан турли маданиятлар ҳуқуқ тизимларининг ўзига хос туб хусусиятлари ҳам тадқиқ этилган (Р.Давид, М.Ансель, К.Цвайгерт, А.Х.Саидов, В.А.Туманов ва бошқалар).

Турли халқларнинг ҳуқуқий маданиятларини таҳлил қилишга маданиятлар (цивилизациялар) нуқтаи назаридан ёндашувнинг методологик асослари Н.Я.Данилевский тамонидан илгари сурилган. Унинг фикрича, роман-герман халқларида шахс қадр-қимматига устуворлик берилиши шахс тамонидан «ўз ҳуқуқларини қаттиқ ҳимоя қилишга» олиб келади. Инглиз миллий феъл-атворининг ўзига хос хусусиятлари барча жамоат муассасаларида, шу жумладан, парламент ва судда фаолиятнинг муҳим принципи сифатида тортишувлиликка сабаб бўлди. Турли маданий-тарихий типларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнлари тўғрисида, улар ўртасидаги ўзаро таъсир ҳақида сўз юритар экан, олим бир маданиятда бошқасидагига қараганда кейинроқ пайдо бўладиган барча қадриятлар ҳамма вақт ҳам ўзлаштирилган бўлавермаслигини қайд этган. Масалан, унинг фикрича, сўз эркинлиги ҳар қандай жамият учун унинг ривожланишининг муайян босқичида зарур бўлган табиий ҳуқуқдир. Демак, 1864 йилдан кейин Россияда фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар кенгайтирилишида, хусусан, сўз эркинлиги пайдо бўлишида, цензурадан қутулишда «аслини олганда Ғарбдан ҳеч қанақа ўзлаштириш, унга ҳеч қандай тақлид қилиш бўлиши мумкин эмас; акс ҳолда икки оёқда юриш ҳам кимгадир тақлид қилиш, деб ҳисоб-

ланиши мумкин бўлур эди»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданиятнинг маданий-тарихий, маънавий тараққиёт билан боғлиқ таҳлилини ўтказганда ўз маданияти бағридан табиий ўсиб чиқадиган ҳуқуқий ҳодисаларни, ҳатто агар улар қаердадир анча илгарироқ пайдо бўлган бўлса-да, ўзлаштирилган ҳуқуқий ҳодисалардан фарқлаш керак. Айни шу ҳар бир маданий-тарихий типда табиий йўл билан ўсиб чиқадиган ҳуқуқий ҳодисалар (ҳар қандай бошқа ҳодисалар каби) «умумбашарий маданий қадриятлар», деб аталадиган қадриятларни ташкил этади. Уларнинг ривож топиши, тўпланиши, такомиллашиши ва ҳатто ўзлаштирилиши, бир томондан, маданиятнинг ўз ичидаги, иккинчи томондан эса — маданиятлараро ёки аниқроғи, оламшумул-тарихий, ҳуқуқий тараққиётни ташкил этади. Лекин ҳатто охириги ҳолда ҳам ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тизимлар ҳар бир оиласининг уни келтириб чиқарган «она маданият»и билан узвий алоқаси мавжуд бўлади. Шу билан бир вақтда, жаҳон ҳуқуқий маданиятининг умумбашарий ютуқлари авлоддан-авлодга, бир маданий-тарихий типдан бошқасига ўтган сари тўпланиб боради.

Жаҳон ҳуқуқий маданиятининг дихотомик бўлинишини асослаш учун инсон томонидан уни ўраб турган ижтимоий муҳитни, бўлиб ўтган воқеаларни ва бўлғуси истиқболни ана шу ижтимоий муҳит ва тарихни иккита йирик, бир-биридан кескин фарқ қиладиган, ҳатто бир-бирига зид қисмларга бўлиш йўли билан изоҳлаш аънанаси ўз мавжудлигининг энг илк босқичлариданоқ оддийлик ва тушунарлилик сари интилувчи инсон онгига хос эканлигини қайд этиб ўтиш керак бўлади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий маданиятнинг дихотомик типологияси билан боғлиқ қарашларни С.С.Алексеев асарларида учратиш мумкин. У ривожланмаган ҳуқуқ ва ривожланган ҳуқуқни фарқлайди. Персоноцентризм ва системоцентризм (социоцентризм маъносида) атамаларининг ўзини, шунингдек маданиятлар ва дунёқарашларнинг икки типини ажратиш ғоясини биринчи марта америкалик олим Д.Хаммер баён қилган<sup>2</sup>.

Ижтимоий тафаккурнинг икки типи — системоцентризм ва персоноцентризм ғоясини кейинроқ А.В.Оболонский «Россия сиёсий тарихи драмаси: тузум шахсга қарши» номли китобида баён этган. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати замирида инсон эркинлигининг

<sup>1</sup> Данилевский Н.Я. Россия и Европа. — М.: Институт русской цивилизации, 2008. — С.280

<sup>2</sup> Қаранг: Оболонский А.В.Диалог с советологом Д.Хаммером о «вечных» российских вопросах // Государство и право. —М., 1992, №7. —С.120-123

ҳуқуқий тизим томонидан таъминланиши асосида фарқланадиган ҳуқуқий маданиятнинг икки ҳадли типологияси биринчи марта таклиф этилди.

Ҳуқуқий маданиятнинг инсон ҳуқуқлари мазкур ҳуқуқий маданиятда асосий, олий қадрият ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги асосида ажратилган типларини таҳлил қилиш мумкин. Таҳлилни ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича ўтказиш мумкин бўлиб, зарурий шарт-шароит, ўзига хос муҳит, баъзан у ёки бу ҳуқуқий маданият типининг асоси бўладиган омиллар ва ҳолатлар қайд этилади, лекин биринчи навбатда эътибор мазкур омиллар ва ҳолатлар ҳуқуқий соҳада қандай ўзгаришига, улар қайси ҳуқуқий белгиларда ўз ифодасини топишига қаратилади. Масалан, бозорга асосланган хўжалик-ҳуқуқий маданиятнинг марказида шахс туриши, ўз навбатида, ушбу типнинг қатъий, зарурий шартидир. Мазкур ҳолда фуқаролик жамияти манфаатларини ифодаловчи хусусий мулк ҳуқуқи, бошқа ҳуқуқлар ва эркинликлар билан бир қаторда, инсоннинг ҳуқуқий мақомини (марказида шахс турган ҳуқуқий мақомни) ташкил этадиган тадбиркорлик фаолияти эркинлиги асосий хусусият ҳисобланади.

Ҳуқуқ томонидан биринчи навбатда қайси қадриятлар ҳимоя қилиниши ҳуқуқий маданият икки типининг асосий чегараловчи белгиси ҳисобланади: агар инсон, шахс, одам қадрият бўлса — бу марказида шахс турган ҳуқуқий маданиятдир, агар бу ҳар қандай бошқа қадрият бўлса, агар бу шахс эмас, балки жамоа, жамият, давлат, миллат, ғоя ва ҳоказолар бўлса — бу марказида жамият турган ҳуқуқий маданият бўлиб, унда жамоавийлик ҳуқуқлари устувор шаклланади, амалда бўлади ва ҳимоя қилинади. Марказида шахс турган ҳуқуқий маданият ҳам уларни ҳимоя қилади, негаки ҳуқуқ шахс манфаатлари билан бир қаторда, умуман жамият манфаатларини ҳам ҳимоя қилмаслиги мумкин эмас. Масала фақат манфаатлар бир-бирига зид, ўзаро номувофиқ бўлган тақдирда нимага ва қандай доирада афзаллик берилишидадир. Яна шуни қайд этиш мумкинки, инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилиши, марказида шахс турган тузумларда бурчлар ва интизомнинг инкор этилишини англамайди.

Бугунги кунда дунё миқёсида бир қатор ўзаро фарқ қилувчи ҳуқуқий тизимлар мавжудлиги барчага маълум. Мазкур ҳуқуқий тизимларнинг ҳар бирига ўзига хос ҳуқуқий маданият типи мувофиқ келиши табиий ҳолдир. Бу борада эътирофга сазовор таснифлардан бири немис олими К.Цвайгертга тегишли. У қуйидаги асосий ҳуқуқий оилаларни (тизимларни) фарқлашни таклиф этади: роман-герман, англо-саксон, скандинавия, социалистик, ислом



ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи, Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизими<sup>1</sup>. Ана шу таснифдан келиб чиқиб, тегишли ҳуқуқий маданият типлари ҳақида гапириш мумкин. Ҳар бир ҳуқуқий тизимга хос ҳуқуқий қадриятлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий мафкура ва юридик амалиёт шаклланади ва реал намоён бўлади. Шунга қўра, англо-саксон ҳуқуқий маданияти типи роман-герман ҳуқуқий маданияти типидан фарқ қилади.

Ҳуқуқий маданият ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаётида бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Ҳуқуқий маданиятнинг функционал таҳлили унинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўта муҳим ролини янада теранроқ англашга ёрдам беради. Ҳуқуқий маданиятни функционал жиҳатдан тадқиқ этиш унинг моҳияти ва мазмунини социологик нуқтаи назардан очишга ва тавсифлашга имконият яратади.

Ҳуқуқий маданият функцияларини тадқиқ этишда «функция» тушунчасининг мазмунини аниқлаш муҳим назарий-амалий аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳодисалар функцияларининг умумий илмий талқини, ҳуқуқ ва юридик амалиёт функциялари ҳақидаги таълимотдан келиб чиқиб, ҳуқуқий маданият функциялари тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин.

Лотинча «*functio*» тушунчаси—«амалга ошириш», «бажариш», «объектнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши» деган маъноларни англатади. Бироқ айни вақтда, ташқи муҳитнинг муайян жиҳатларига тизимнинг йўналтирилган, яхлит ва турлича таъсири ҳам функция билан боғланади<sup>2</sup>.

Фалсафа ва социологияда функция деганда, ижтимоий институт юқорироқ даражадаги ижтимоий тизим эҳтиёжлари ёки уни ташкил этувчи синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг манфаатларига нисбатан бажарувчи роли, шунингдек мазкур ижтимоий тизим доирасида турли ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқлик тушунилади<sup>3</sup>. Бу ерда «рол» тушунчаси ор-

<sup>1</sup> Қаранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998, —Б.84

<sup>2</sup> Қаранг: Бюер В.М. Правовая информированность и формирование правовой культуры личности (вопросы теории): Автореф. ...дисс.канд.юрид.наук.—СПб., 1993.—С.18; Бабаев В.К., Баранов В.М., Толстик В.А.Теория права и государства в схемах и определениях.—М., 1998.—С.63; Баранов П.П., Окусов А.П. Аксиология юридической деятельности.—Ростов-на-Дону, 2003.—С.72; Вопленко Н.Н. Правосознание и правовая культура.—Волгоград, 2000.—С.41; Каминская В.И., Ратинов А.Р. Правосознание как элемент правовой культуры // Правовая культура и вопросы правового воспитания.—М., 1974.—С.19; Общая теория государства и права. Академический курс. / Отв.ред. М.Н.Марченко.Т.3. —М., 2002.—С.362

<sup>3</sup> Қаранг: Философский энциклопедический словарь. — М.: ИНФРА-М, 2001. —576 с.

қали функциянинг муҳим жиҳатларидан бири ифодаланади, бироқ унинг мазмуни бу билан чекланмайди. «Функция» ибораси «ижтимоий вазифа» тушунчаси орқали ҳам таърифланади. Ижтимоий вазифа деганда, бирон-бир фаолият орқали эришиш кўзланган мақсад, эҳтимол тутилган натижа ва имконият тушунилади. Бироқ мазкур фикр ҳамма нарсани фақат қутилган натижага боғлаб, функцияга жараён сифатида ёндашиш имконини бермайди. Бизнингча, функция деганда, мақсад ва вазифаларни тушунувчи муаллифларни қўллаб-қувватлаш қийин. Ушбу тушунчалар ўзаро боғлиқ бўлсада, лекин айнан бир эмас. Мақсад — бу қутилган натижа, интилиш ва эришиш предмети. Вазифа — бажарилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган иш. Мақсад ва вазифалар муайян функцияларнинг мавжудлиги, уларнинг аниқ мазмунини белгилайди. Фанда «функциялар деганда бошқарув циклининг кетма-кет келувчи босқичлари тушунилади», деган фикр ҳам мавжуд<sup>1</sup>.

Бундай ёндашув функция ва фаолият (процессуал шакл, ҳаракат) элементларининг тенглаштирилишига олиб келиши билан бирга, ушбу ҳолат юридик адабиётларда қайд этилганидек, фаннинг категория-тушунчалар аппаратида чалкашлик келтириб чиқариши мумкин<sup>2</sup>.

А.П.Глебов давлат-ҳуқуқий ҳодисаларининг функциялари тушунчасига уларнинг ижтимоий вазифаси ва ижтимоий вазифани бажариш борасидаги амалий фаолиятни киритади<sup>3</sup>. Бироқ ҳар қандай ҳодисанинг ижтимоий вазифаси унинг эҳтимол тутилган роли, имкониятини акс эттиради, у ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишини белгилайди. Шу сабабли, функция тушунчасига ижтимоий вазифани амалга ошириш борасидаги амалий фаолият функциянинг муҳим жиҳати сифатида киритилиши ўринли эмас.

Биз функциянинг ҳодиса моҳияти, унинг вазифаси ва ривожланиш қонуниятлари реал борлиққа таъсир кўрсатиш йўналиши сифатидаги талқинига қўшиламыз<sup>4</sup>. Ушбу таъриф бошқа тадқиқотчилар қайд этган муҳим жиҳатларни бирлаштириш, ҳодисага унинг

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Тихомиров Ю.А. Управленческое решение. —М., 1972.—С.15; Зайцев И.М. Процессуальные функции гражданского судопроизводства.—Саратов, 1990.—С.13

<sup>2</sup> Қаранг: Карташов В.Н. Профессиональная юридическая деятельность (вопросы теории и практики). —Ярославль, 1992. —С.36

<sup>3</sup> Қаранг: Глебов А.П. Сущность - субстанциональный и функциональный подходы в исследовании государственно-правовых явлений // Проблемы теории государства и права: Учебное пособие.—М., 1999.—С.144-145

<sup>4</sup> Қаранг: Глебов А.П. Сущность - субстанциональный и функциональный подходы в исследовании государственно-правовых явлений // Проблемы теории государства и права: Учебное пособие.—М., 1999.—С.144

фаолият жараёнида ҳар қандай таъсирнинг изчиллигини намоён этиш имконини беради.

Шу муносабат билан ҳуқуқ функцияларини ҳуқуқий маданият билан узвий боғлиқ бўлган, унинг моҳиятини кўп жиҳатдан белгиловчи ҳодиса сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий муносабатларга ҳуқуқнинг таъсири ўз ҳолича юз бермайди, уни бутун ҳуқуқ тизими, шу жумладан, ҳуқуқий маданият амалга оширади.

Ҳуқуқ функциялари тушунчаси хусусида турли нуқтаи назарлар мавжуд. Профессор Т.Н.Радько ва В.А.Толстикнинг: «Ҳуқуқ функциялари тушунчасининг ягона талқини ҳанузгача мавжуд эмас. Бу ҳол тадқиқотларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аниқ тушунчанинг йўқлиги ўрганилаётган ҳодисани билишни қийинлаштиради»<sup>1</sup>, деган фикрларини маъқуллаш лозим.

Ҳуқуқий маданият функциялари тушунчаси ва белгиларини тадқиқ этиш учун ҳодисанинг моҳиятини умумий назарий жиҳатдан аниқлаб олиш зарур. Функционал ёндашув тизимли тадқиқ этиш усуллари (методлари)дан бири бўлиб, унинг моҳияти, биринчидан, ҳуқуқий маданиятнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни, роли ва аҳамиятини аниқлаш; иккинчидан, ҳуқуқий маданият элементлари ва уларнинг ўзаро алоқаларини қайд этиш; учинчидан, ҳуқуқий маданиятнинг айрим типлари, хиллари ва турлари фаолиятини аниқлашдан иборат.

Бу борада ҳуқуқий маданиятнинг таркибий бўлиниши унинг функциялари дифференциал бўлиниши билан бирга амалга оширилади. Шу ўринда, Э.Дюркгеймнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: «Функция сўзи икки ҳар хил маънода қўлланилади. У ҳам ҳаёт ҳаракатлари тизимини англатади, ҳам бу ҳаракатлар ва организмнинг маълум эҳтиёжлари ўртасида мавжуд мувофиқлик муносабатини акс эттиради»<sup>2</sup>. Яъни маданият функциялари муайян эҳтиёжларни қондириш ва уларнинг «умумий уйғунлиги»ни ўрнатиш билан боғлиқдир.

Ўз навбатида, Б.Малиновский Э.Дюркгеймнинг юқоридаги гояларини ривожлантириб, маданиятнинг функционал таҳлилини институционал таҳлил билан тўлдиради ва тегишли эҳтиёжлар ҳамда манфаатларни қондириш учун муайян ижтимоий бирликларни ажратади, яъни маданият ифодачилари ажратилади<sup>3</sup>.

Р.К.Мертон маданиятнинг очиқ ва яширин функцияларини

<sup>1</sup> Радько Т.Н., Толстик В.А. Функции права. – Ниж. Новгород, 1995. – С.19

<sup>2</sup> Каранг: Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. – М.: Канон, 1996. – С.37

<sup>3</sup> Каранг: Малиновский Б. Научная теория культуры (фрагменты) // Вопросы философии. – М., 1983, №2. – С.116-124

фарқлайди. Унинг фикрича, очиқ функциялар — бу мақсадли ба-  
жарилган ва шундай деб эътироф этилган ҳаракат натижасидир.  
Яширин функцияларга субъект мўлжалланмаган ҳаракатнинг пай-  
до бўлиши билан боғлиқ барча натижалар киради<sup>1</sup>.

Адабиётларда функционал ёндашув асосида ўрганиш ҳодиса-  
нинг ички сабабий механизми ва табиатини аниқлашда муҳим экан-  
лиги қайд этилади. Бундай ҳодисалар қаторига ҳуқуқий маданият  
ҳам киради. Функционал ёндашув ҳуқуқий маданиятнинг жўшқин  
табиатини, унинг тизимлилиги, таркибий жиҳатлари, жамиятнинг  
ҳуқуқий тизимидаги ўрнини атрофлича ёритиш, ҳуқуқий мадани-  
ят борлиққа қандай таъсир кўрсатишини тавсифлаш имконини  
беради. У тизим элементлари ўртасида мавжуд функционал (ички  
ва ташқи) алоқани кўришга имконият яратади.

Ҳуқуқий маданият функцияларини тавсифлаш учун уларнинг  
мазкур ҳодиса моҳиятини ёритиш имконини берувчи қуйидаги  
*белгиларига* алоҳида эътибор бериш лозим:

— ҳуқуқий маданият функцияларида унинг жўшқинлиги ва  
жамият ҳуқуқий тизимидаги ижтимоий-бунёдкорлик роли акс этади;  
— ҳуқуқий маданият фақат ўз ифодачилари, яъни муайян одам-  
лар, уларнинг жамоалари ва ташкилотлари фаолияти орқали амал  
қилиши мумкин;

— ҳуқуқий маданият функциялари унинг шахс ва жамият ҳаёти  
турли жабҳаларига таъсир этишининг алоҳида йўналишларидир. Ҳар  
бир функция объектив ва субъектив борлиққа юридик фаолият  
таъсирининг у ёки бу жиҳатини акс эттиради;

— ҳуқуқий маданият функциялари орқали одамлар онгига,  
хоҳиш-иродаси ва хулқ-атворига, уларнинг алоқалари ва муноса-  
батларига ижобий таъсир кўрсатилади;

— ҳуқуқий маданият функциялари бу ижтимоий муносабат-  
ларга изчил таъсир кўрсатиш демакдир.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий маданият функциялари унинг  
олдида турган мақсад ва вазифалар билан узвий боғлиқ бўлади.  
Агар ҳуқуқий маданият кўп элементли ҳодиса эканлигини ҳисобга  
олсак, унинг функциялари нафақат ҳуқуқий маданиятнинг муай-  
ян мақсадлари, балки унинг айрим элементлари: ҳуқуқ, юридик  
амалиёт, ҳуқуқий онг мақсадлари билан ҳамоҳанглигини кўрамиз.  
Ҳуқуқий маданият функциялари ва мақсадларининг ўзаро нисба-  
ти ҳар хил бўлиши: функциялардан бири бир неча мақсадлар (иқти-  
содий ва ижтимоий ўзгаришлар, шахснинг ҳуқуқий мослашуви ва  
ҳ.к.)га эришишга ва айни вақтда, муайян мақсад (масалан, шахс

<sup>1</sup> Каранг Покровский Н.Е. Одиннадцать заповедей функционализма Р. Мер-  
тона // Социологические исследования. — М., 1992. — №2. — С. 116-117

хавфсизлигини таъминлаш)га эришишга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий маданият функцияларида унинг асосий хусусиятлари, элементлари, мазмуни, шакллари ва бошқа жиҳатлари намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари ушбу ҳодисани қуйидаги уч жиҳатдан таърифлайди: биринчидан, унинг келиб чиқиш ва мавжудлик манбаи; иккинчидан, ҳуқуқий маданият намоён бўлишининг асосий, доимий шакллари (бу шаклларда унинг ижтимоий моҳияти ва мазмуни, мақсади ва ҳал қиладиган вазифалари ифодаланади ва муайянлашади); учинчидан, ҳуқуқий маданият ифодаланишининг ўзига хос усуллари (унинг ижтимоий ҳаётдаги амалий таъсир кўрсатиш усуллари)<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий маданиятнинг жамият ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллиги унинг функцияларида яққол кўзга ташланади. У қуйидаги функцияларни бажаради: билиш-яратувчанлик функцияси; ҳуқуқий тартибга солиш функцияси; қадриятли-норматив функция; ҳуқуқий-ижтимоийлаштириш (социализациялаштириш) функцияси; коммуникатив функцияси ҳамда башоратлаш функцияси.

Қуйида мазкур функцияларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларни қисқача тавсиф этамиз.

Ҳуқуқий маданиятнинг билиш-яратувчанлик функцияси ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган назарий ва ташкилотчилик фаолияти билан бевосита боғлиқ. У ижтимоий тараққиётнинг марказига инсонни қўйиб, ижтимоий, гуруҳий ва шахсий манфаатларни мувофиқлаштиришга йўналтирилгандир. Шу аснода инсонлар ўртасидаги муносабатларда ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни ва уларни ҳар томонлама камол топтиришни таъминлашга хизмат қилади. «Ҳуқуқий маданиятнинг ушбу функцияси ҳалоллик ва комиллик, яхшилик ва меҳроқибатлилик, маънавий-соғломлик ва виждонлилик, инсон қадрқиммати ва эркинлиги каби умуминсоний фазилат ва қадриятлар қарор топиши учун ҳуқуқий-маънавий кафолатларни яратиш билан узвий боғлиқ»<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий тартибга солиш функцияси ҳуқуқий тизим барча таркибий бўғинларининг барқарор, баҳамжиҳат, жўшқин ва самарали фаолият юритишни таъминлашга йўналтирилгандир. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг билан узвий бир бутунликда жамиятнинг таркибий қисми сифатида майдонга

<sup>1</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. —Б.150—151

<sup>2</sup> Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс / Отв.ред.-проф.М.Н.Марченко. Т.3.—М., 2001, —С.371; Теория государства и права. / Под ред. проф.В.К.Бабаева.—М.: Юристъ, 2006. —С.338

чиқар экан, у нафақат ижтимоий воқеликни акс эттиради, балки унга фаол қайта таъсир кўрсатади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий маданиятнинг тартибга солувчи таъсири ҳуқуқий нормаларнинг тартибга солиш механизми билан бир хил эмас, албатта. Ҳуқуқий маданиятнинг тартибга солиш таъсири деганда унинг воситасида жамиятнинг умумий уюшуви тушунилади. Бу фуқаровий баҳамжиҳатлик, норматив қадриятларни аҳолига етказиш, ҳуқуқий-маънавий мезонларни белгилаш орқали бажарилади. Ҳуқуқий маданиятнинг тартибга солиш функцияси ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий нормалар воситасида амалга ошади. Мазкур функция туфайли ҳуқуқий маданият орқали одамларни ўз фаолиятида идеал маънавий мезонларга интилишига, эҳтиёж ва манфаатларнинг ҳуқуқий муносабатлар доирасида таъминланишига эришилади.

Ҳуқуқий маданиятнинг қадриятли-норматив функцияси воқеликни аксиологик (қадрият сифатида баҳолаш) тавсифлаш орқали амалга ошади. У турли ҳодиса ва фактларнинг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган шахсларнинг онгида муҳим қадрият тарзида акс этиши орқали намоён бўлади<sup>2</sup>. Аксиологик таҳлилда ҳуқуқий маданиятнинг барча элементлари (ҳуқуқий нормалар, бошқа институтлар) қадрият нуқтаи назаридан баҳолашнинг объекти ҳисобланади. Бу ерда гап аввало, ҳуқуқдаги қадриятлар ҳақида, қолаверса ҳуқуқнинг ўзи ниҳоятда муҳим маънавий-маданий қадрият эканлиги ҳақида бормоқда.

Ҳуқуқий маданиятнинг таҳлил этилаётган функцияси шахснинг атрофдаги ҳуқуқий воқеликни ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракатининг мақсади ва унинг натижасига, ҳуқуқий нормаларда белгиланган хулқ-атвор намуналари (эталонлари)га нисбатан баҳоловчи муносабатини ўрганишда ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқий маданиятнинг баҳоловчи функцияси индивид томонидан, юридик жамоатчилик томонидан мавжуд қонунийлик муҳитига, ҳуқуқий тартибга, ҳуқуқий муносабатлар ҳолатига, ҳуқуқий тартибга солиш механизмига ҳуқуқий қадриятлар «мезони» нуқтаи назаридан баҳо берилишида кўзга ташланади. Ушбу ўринда аниқ юридик ҳодисадан тортиб то бутун ҳуқуқий тизим даражасигача бўлган диапазондаги ҳуқуқий воқелик баҳоланади<sup>3</sup>. Қадриятли баҳолаш қамровига бутун қонунчилик ҳужжатлари йиғиндиси, амалдаги ҳуқуқий нормалар, фуқароларнинг хулқ-атвори, ҳуқуқни муҳофаза қилув-

<sup>1</sup> Қаранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б.32

<sup>2</sup> Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. / Отв.ред.-проф.М.Н.Марченко. Т.3.–М., 2001. –С.371

<sup>3</sup> Теория государства и права / Под ред. В.К.Бабаева.–М., 2006. –С.338

чи органларнинг фаолияти киради.

Ҳуқуқий воқеликларга (ҳодисаларга) баҳо беришда биз шаклланган қадриятларимизга, дунёқарашимизга, сиёсий-ҳуқуқий маданиятимизга таянамиз. Айтиш жоизки, ҳуқуқий қадриятлар тизимини ва уларга мос билимлар ва онг савиясини ташқаридан киритиб бўлмайди. Бунга фақат ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий билимларни изчил тарғибот-ташвиқот қилиш орқали эришилади.

Ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий ижтимоийлаштириш функцияси шахснинг ҳуқуқий сифатларини, фазилатларини шакллантириш орқали ўрганилиши мумкин. Шубҳасиз, ушбу жараёнга ҳуқуқий фаолият жиддий таъсир кўрсатади. Айни вақтда шахсни ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоийлаштириш, уни фаоллаштириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш, аҳолининг ялпи саводхонлигини таъминлашга оид чора-тадбирларни ташкил этиш, уларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш, ўз савиясини ошириш устида ишлашини фаоллаштиришни талаб этади.

Мазкур функцияни амалга оширишнинг асосий натижаси — жамиятнинг ҳар бир аъзосида ҳуқуқ нормаларига (қонунга) чуқур ҳурмат ҳамда ички ҳуқуқий эътиқодни шакллантиришдан иборат бўлади. Айнан шундай эътиқод ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга муросасиз бўлиш, қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот талабларига қатъий риоя қилиш кўникмаларини ифода этади.

Ҳуқуқий маданият коммуникатив функцияни ҳам бажаради<sup>1</sup>. У фуқароларнинг ҳуқуқий соҳадаги мулоқотини таъминлар экан, шу мулоқот орқали мавжуд бўлади ва таъсир этади.

Бу ерда фуқароларнинг фақат ҳуқуқий ҳаракат доирасидаги бевосита мулоқоти назарда тутилибгина қолмасдан, балки уларнинг бизга шахсан нотаниш бўлган, макон ва замонда биздан муайян ораликда бўлган тенгдошларимиз, ўтмиш авлодларимиз билан бевосита «мулоқоти» ҳам назарда тутилмоқда. Бундай мулоқот ёзма юридик асарлар воситаси билан таъминланади ва бугунги кунда у оммавий ахборот воситаларининг такомиллашуви билан янада ривожланади. Ҳуқуқий мулоқот субъектлараро ўзаро таъсир формуласи бўлиб, ҳуқуқ доирасида эркин ва камёб моҳият сифатида майдонга чиқади.

Ушбу функцияни ўзлаштириш ҳуқуқий маданий меросга, замонавий ҳуқуқий маданиятнинг бошқа кўринишларига нисбатан муносабатимизни белгилайдиган турли асарлардаги ҳуқуқий мада-

<sup>1</sup> Каранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Тошкент: «Адолат», 2007. — Б.566-568; Общая теория государства и права. Академический курс./ Отв.ред. проф.М.Н.Марченко. Т.3. — М., 2001. — Б.374

ниятни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий маданияти бошқа жамият ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро таъсирсиз муваффақиятли ривожлана олмайди.

Ўз ўрнида, ҳуқуқий маданият ҳозирги ва ўтмиш давр ҳуқуқий маданияти илғор ютуқлари ҳамма турларини тўплаши лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси охир оқибатда фуқароларнинг ғоявий-ҳуқуқий алоқаларини жамият такомиллашуви ва ҳуқуқий тажрибаси мерос қилиб олишини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси фақат «бугунги» ҳуқуқий бошқарув доирасида ташкил топибгина қолмайди. У ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини режалаштириш ва башорат қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш учун зарурий элемент сифатида юзага келади.

Ҳуқуқий маданиятнинг прогностик (башорат қилиш) функцияси ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни қамраб олади, қонунлар ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашни, фуқароларнинг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракати, фаоллигини, бутун ҳуқуқий тизим учун хос бўлган анъаналарни ташкил қилишни ва шу кабиларни ўз ичига олади<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда илмий прогнозлаш ва режалаштиришнинг элементлари, хусусан, қонунчилик фаолиятида кучайиб бормоқда, чунки қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни режали равишда амалга ошириш зарур.

Ҳуқуқий маданият башоратлар (олдиндан айтиб бериш) эҳтимоли бўлган ўзига хос қадриятлардан иборат. Бундай ҳолларда ҳатто маълум даражадаги ноаниқлик етарли асосланган башорат қилиш имкониятини чеклаб қўяди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқоридаги функцияларнинг барчаси ҳуқуқий маданиятга таъсир қилади. Ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқий тизимдаги мавжуд зиддият ва қарама-қаршиликларни бартараф қилмасдан, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жамиятимизнинг ҳозирги ижтимоий воқелигига мос келадиган ҳуқуқий маданият типини ҳамда функциялар доирасини аниқламасдан туриб белгиланган мақсадга эришиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Сальников В.П. Правовая культура.—В кн: Общая теория права / Под ред. проф. В.К.Бабаева.—М., 1993. —С.511; Теория государства и права. / Под. ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько.—М.: Юристъ, 2000. —С.631



## 2.4. Инсон ҳуқуқлари — фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданиятнинг муҳим кўрсаткичи

Демократик фуқаролик жамиятни барпо этишнинг устувор талабларидан бири бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг самарали механизмларига эга бўлишдир. Айни вақтда, инсон ҳуқуқларини реал ва изчил таъминланганлиги жамиятнинг юксак ҳуқуқий маданиятга ва маърифий тараққиётга эришганлигидан далолат беради. Инсон ҳуқуқлари ижтимоий-гуманитар қадриятлар тизимида марказий ўринни эгаллайди ва ўзга қадриятларга нисбатан устуворлик қилади. Ҳар қандай демократик тузумда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг мажбуриятлари ўта муҳим ижтимоий ва сиёсий-юридик институт ҳисобланади, табиий у объектив равишда ушбу жамият эришган ютуқларнинг гарови, унинг етуклиги ва маърифийлиги кўрсаткичи сифатида майдонга чиқади<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, жамият ва давлатнинг ташкил бўлишига, ҳаёт-фаолиятига ҳамда табиатига ҳуқуқий мезон («ўлчам»)лар асосида баҳо беришга интилишнинг асл мақсади инсон шахсига, фуқарога эҳтиромни таъминлашдан иборат. Инсоният интилаётган юксак маърифий жамиятга «фуқаровий» деган сифат белгиси бериб, уни «фуқаролик жамияти», деб номланаётганлиги ҳам бежиз эмас. Фуқаролик жамияти аслида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳеч қандай монеликсиз таъминланадиган, юксак даражада уюшган, маданий-маърифий жиҳатдан камолатга эришган жамиятдир. Том маънода «инсоний» қиёфага эга бўлган, ижтимоий адолат тамойиллари тўла тантана қилган жамиятгина — фуқаролик жамияти, деб аталишга лойиқ. Табиийки, бундай жамият ҳуқуқий мезонларга, ҳуқуқий қадриятларга таянган бўлиб, ҳуқуқий жамият, деб ҳам эътироф этилади.

Фуқаролик жамияти таянадиган ва эъзозлайдиган ҳуқуқий қадриятларнинг энг асосийси — инсон (фуқаро) ҳуқуқларидир. Соф юридик талқинга кўра, «инсон ҳуқуқлари инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг, улар алоқаларини тартибга солишнинг, хулқ-атворлари ва фаолиятларини мувофиқлаштиришнинг, низо, қарама-қаршилик ҳамда зиддиятларни бартараф этишнинг норматив шаклидир»<sup>2</sup>. Инсон ҳуқуқлари — адолат, тенглик ва эркинликнинг кўлами ва меъёрини ифодалайди. Улар давлат ҳоки-

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонов А.Р. Фуқаролик жамияти: ютуқлар, муаммолар, истикболлар. Ўқув қўлланмаси.—Тошкент: «Академия», 2007. —Б.123; Саидов А. Инсон ҳуқуқлари—умумбашарият муаммоси / Инсон ҳуқуқлари. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. / Х.Бобоев, А.Саидов ва бошқ.—Тошкент, 1997. —Б.5-8

<sup>2</sup> Проблемы общей теории права и государства / Под ред. проф. В.С.Нерсесянца.—М.: «Норма», 1999. —С.217

мияти билан инсон (фуқаро) ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштиради<sup>1</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқлари ғояларига сadoқат, демократия ва қонунийликни ҳурмат қилиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва ҳамжиҳатлигини кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди. Муҳими, Конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш баробарида уларга олий юридик нуфуз бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Асосий қонунимизни таърифлаб, шундай деб таъкидлаган эди: «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда ... жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, Конституциямизда мус-таҳкамланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (14-модда). Мамлакатимиз Конституцияси инсон ва жамиятнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда, юридик расмийлаштиришда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги, шунингдек ўзаро масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концеп-цияга таянгандир<sup>3</sup>.

«Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши конституцияни фақат давлат органлари тузилишини белгиловчи ҳужжат сифатидагина эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи қонун сифатида баҳоловчи янги та-саввурни ҳосил қилади. Натижада Конституция жамият билан давлат ўртасидаги шартнома сифатида майдонга чиқади. Бунда давлат — оммавий ҳокимият, умумий манфаатлар соҳасини намоён этса, фуқаролик жамияти шахс эркинлиги, хусусий манфаатлар соҳасини ифода этади»<sup>4</sup>.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистонда фуқаролик

<sup>1</sup> Одилқориев Х. Конституция—инсон ҳуқуқларининг кафолатлари. / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси—жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш асоси. Илмий-назарий анжуман материаллари. —Тошкент: ТДЮИ, 2005. —Б.55

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1996, —Б.124

<sup>3</sup> Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.—Тошкент: Шарқ, 2002. —Б.138

<sup>4</sup> Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. / Отв. ред.-проф. М.Н.Марченко, Т.3.—М., 2001, —С.9

жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга йўналтирилган туб ислохотларнинг асосий мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўйбга чиқаришнинг энг асосий шarti бўлиб қолиши керак»<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқларини қонунларда мустаҳкамлаш ва таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

1) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;

2) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

3) қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

4) одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

5) аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш.

Таъкидлаш жоизки, инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик — инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Ушбу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг иккинчи ярми ва ХХI асрнинг ўтган даври мобайнида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «янги авлоди» вужудга келди ва ривож топди. Ушбу даврда инсоннинг тинч яшаш ҳуқуқи, соф табиий атроф-муҳитга эга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. /Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. —Б.119-120

<sup>2</sup> Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи.—Тошкент, 2001. —Б.334-335

бўлиш ҳуқуқи, сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқи кабилар юридик тарзда мустаҳкамланди.

Ушбу босқичда инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланди. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин, Европа Кенгаши томонидан – 160 даң зиёд, ЮНЕСКОда – 70 дан ортиқ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотлар томонидан – 30 дан кўпроқ турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Ушбу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамоёили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шакланган. Бу борадаги қонунчиликнинг негизини, авваламбор, Конституциялар ташкил этади. Деярли барча давлатларнинг Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ҳам ўз аксини топган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қўйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқ нормалари мустаҳкамлаганлигини таъкидлаш жоиз:

**биринчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлат мажбуриятидир;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

**учинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

**тўртинчидан**, ҳаммага ва ҳар бир кишига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

**бешинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

**олтинчидан**, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

**еттинчидан**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчи-

ликнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;
- конституциявий адлия (судлов)ни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;
- янги демократик институтларни, жумладан, омбудсман институтини тараққий эттириш.

Таъкидлаш жоизки, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши, ўз навбатида барча фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига дахлдор бўлган билимларни етарли даражада эгаллашларини тақозо этади. Бугунги кунда халқаро тузилмаларнинг асосий эътибори инсон ҳуқуқларига доир халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳамда уларнинг кафолатлари механизмларини ялпи ҳолатда мустақамлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари чамбарчас узвий боғлиқ эканлиги ўз аксини топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 га яқин халқаро шартномага қўшилди ва улар бугунги кунда ҳуқуқий воқелигимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан барча меъёрларни бажариш давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва уларни тарқатиш муҳим аҳамиятга эгадир<sup>1</sup>.

Маълумки, инсоннинг олий қадрият эканлиги, шахснинг қадрқиммати фуқаролик жамиятининг асосий сифат-белгиси ҳисобланади. Ушбу ўринда муайян мулк эгаси бўлган шахсларнинг эркинлиги, тенглиги, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий мустақиллиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бинобарин, фуқаролик жамияти фуқаролардан иборат бўлганлиги учун эмас, балки

<sup>1</sup> Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. – Тошкент, 2001. – Б.336-338

фуқароларга муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаб бера олганлиги учун Ўз номини оқлайди.

Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятининг асосида қуйидаги ғоя ва принциплар ётади:

- иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги;
- инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқлари муҳофазаланиши;
- ҳокимиятнинг легитимлиги ва демократиклиги;
- қонун олдида барчанинг тенглиги;
- шахснинг ҳуқуқий муҳофазаланганлиги;
- ҳуқуқий давлатнинг қарор топганлиги;
- сўз ва матбуот эркинлиги;
- давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги, ҳуқуқлар билан боғлиқлиги;
- кучли ижтимоий сиёсатнинг юритилиши;
- ҳамкорлик ва миллий тотувлик.

Пировард натижада санаб ўтилган барча ғоя, қадрият ва тамойиллар ҳуқуқий маданиятнинг буюк ютуғидир.

Инсон ҳуқуқлари ғояси, тамойиллари ва у ҳақдаги таълимотнинг англаб етилганлиги, нафақат идрок этилганлиги, балки Конституция ва қонунчилик мазмунига сингдирилиб, амалий ҳаётга жорий этилаётганлиги жамият ҳуқуқий маданиятининг муҳим кўрсаткичидир. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти беқиёс.

Ғ.Ахмедов ва А.Сатторовнинг фикрича, ҳуқуқий маданият воқелиги – ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунчиликнинг аҳволи, ҳуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш ва албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинганлигини англатади<sup>1</sup>.

Шу ўринда, мустақил тараққиётимизнинг муайян босқичида амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий-маданий заминини кучайтириш зарурияти юзага келганлигини таъкидлаш жоиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 1997 йил 20 майда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусу-

<sup>1</sup> Ахмедов Ғ., Сатторов А. Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари ва қонунлар.—Т., 1990, Б.23

сида фикрлашилди<sup>1</sup>. Шубҳасиз, «хуқуқий маданият — хуқуқий билим, хуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдидан турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди»<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони қабул қилинди. Унда аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш ва хуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди<sup>3</sup>.

Аҳолининг хуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш борасидаги давлат сиёсати куйидаги асосий қоидаларга:

— инсон хуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятга эга эканлигига;

— Конституция ва қонунларнинг устунлигига;

— демократлашув, ижтимоий адолат, хуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлигига;

— хуқуқий маълумотларнинг очиқлигига;

— хуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлишга таянади.

Шу жиҳатдан олганда, «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» давлат сиёсатининг янги хуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги хуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи сарҳадларидаёқ инсоннинг шахсий хуқуқ ва эркинликлари баён қилинган, ундан сўнг эса сиёсий хуқуқ ва эркинликлар, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқ ва эркинликлари жой олган. Қайд этиш жоизки, бундай изчиллик ўз ички мантигига эга. Илгари ижтимоий-иқтисодий хуқуқларнинг устуворлиги таъминланган бўлса, энди эса барча тоифадаги хуқуқ ва эркинликларнинг бир маънода акс этиши кўзга ташланади, айни замонда шахсий ва сиёсий хуқуқларнинг афзаллиги кўрсатилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак хуқуқий тафаккур—демократик жамият тақозоси / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. —Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. — Б.25-31

<sup>2</sup> Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997, № 9. —227-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997, №7. — 179-модда

Зеро, Шўро тузуми даврида бундай ҳуқуқларга аксарият ҳолларда риоя қилинмаган.

Конституцияда давлатчиликнинг негизи сифатида плюрализм (хилма-хиллик), кўппартиявийлик, сўз ва фикрларни ифода этиш эркинлиги, дин ва эътиқодлар эркинлиги, жамиятда манфаатларнинг турли-туманлиги эълон қилинди. Ҳуқуқлар инсонга тегишли деб эътироф этилди. Давлат инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, уларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини олди. Асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар Конституцияда мустақкамланди, янги қонунлар қабул қилинди ва бу жараён давом этмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти кабилар жорий этилди. Ушбу ҳолат жамият ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлигининг муҳим кўрсаткичидир. Ўтган йиллар мобайнида бу демократик институтлар самарали фаолият юритиб келди. Айниқса, бунди Омбудсман институти фаолиятига оид қуйидаги маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин.

2007 йил давомида турли давлат органларига мурожаат этишдан иборат ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, 8611 фуқаро Омбудсман институтига ўз шикоят ва аризасини йўллаган. Хусусан, минтақавий вакилларга — 1244 та, марказий идорага — 7367 та шикоят ва ариза келиб тушган бўлиб, ундан 5372 та мурожаат мамлакатимиз ҳудудларидан (мурожаат этганларнинг 2848 нафари аёллар), 19 таси пенитенциар муассасалардан олинган, 17 та мурожаатда уни йўлловчининг манзили кўрсатилмаган, 1250 таси такроран йўлланган. 715 та мурожаатга «ишонч телефони» орқали юридик ва бошқа маслаҳатлар берилган. Фуқароларнинг қонуний манфаатлари бузилишлари тўғрисида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг марказий идорасига келиб тушган шикоятлардан 2053 таси назоратга олинган. Бунда 1499 таси кўриб чиқилиб, шу жумладан, 360 таси ижобий ҳал этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номига тушган мурожаатлардан 1248 таси қабул вақтида тушган, шунингдек 544 та жамоавий шикоят олинган<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳуқуқий маданиятнинг муҳим элементларидир. Бинобарин, шахсларнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари



ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари орқали ҳуқуқий маданиятнинг шахсий (хулқ-атворга доир) имкониятлари намоён бўлади. Бунда нафақат ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар, балки ҳуқуқ нормаларида қайд этилган хулқ-атвор андозалари ҳам муҳокама предметига айланади. Ҳуқуқий маданият ўзида шахсларга хос бўлган фаолият усулини ифодаласа, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари уларнинг бир-бири ва умуман жамият билан ўзаро алоқасининг норматив ифодаланган усули сифатида амал қилади.

Бундан ташқари, улар жамулжам ҳолда шахс эга бўлган эркинликнинг юридик шакли ҳисобланади. Ушбу эркинлик шакли ҳуқуқда мустаҳкамланган хулқ-атвор андозаларининг объектив аҳамиятини тушунишга асосланади. У муайян қарорни танлаш, маълум ҳаракатларни бажариш имкониятида намоён бўлади. Инсоннинг муайян қарорни танлаш ва уни қабул қилиш ҳамда шунга мос хулқ-атвор тарзини танлаш қобилияти инсон эркинлигининг шарти ва амалдаги ифодасидир.

Бироқ ички эътиқодлар ва манфаатларга ҳам, жамият талабларига ҳам жавоб берувчи хулқ-атвор вариантини танлаш учун шахс етарли маданий салоҳиятга эга бўлиши лозим. Демак, ҳуқуқ соҳасига татбиқан нафақат умумий, балки ҳуқуқий маданият тўғрисида ҳам сўз юритилиши даркор. Юксак ҳуқуқий маданият шахс ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини лозим даражада амалга оширишининг муқаррар шарти ҳисобланади. Бинобарин, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини билувчи, тушунувчи ва тўғри англовчи, ўз амалий ҳаёт фаолияти жараёнида улардан фойдаланувчи шахс (фуқаро) ҳуқуқий маданиятга эга бўлади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор янги қонунлар яратилаётганлигини ҳамда амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллаштирилаётганлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонини қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилганлигининг яна бир бор исботидир. «Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон, — дейилади ушбу фармонда, — инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши этиб белгила-

ди»<sup>1</sup>. Унда таъкидланишича: «Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, маънавий-мафкуравий ва халқаро ҳуқуқий асослари яратилган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилётган барча саъй-ҳаракатлар ...Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва асосий қонуниimiz талабларига тўлиқ мос келади»<sup>2</sup>. Шунингдек, фармонда қуйидаги вазифа назарда тутилган: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси 2008–2009 йилларда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин»<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда қонун устуворлигига асосланган ҳамда фуқаролар учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини тўла кафолатловчи ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга катта аҳамият берилмоқда. Бироқ давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларини тўлиқ ўзлаштириши ва лозим даражада бажариши муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга жиддий эътибор берилётганига қарамай, фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширмаётгани муайян даражада уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигидан далолат беради ҳамда бу борада давлат имкониятларининг чекланганлиги билан изоҳланади. Сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсишга эришилаётган бўлса-да, аксарият аҳоли турмуш даражасининг ўрта даражада эканлиги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида шаклланиш йўлида турган мураккаб муаммоларни ҳал қилишга тўсқинлик қилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, ушбу ҳолатлар демократик инсти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994 сонли Фармони // «Халқ сўзи» газетаси. –Т., 2008 йил 2 май

<sup>2</sup> Ўша жойда

<sup>3</sup> Ўша жойда

тутларнинг мустақамланишига муайян даражада монелик қилувчи омил бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида, институционал, таълим ва мониторинг бўйича яхлит тизим шакллантирилмоқда. Аммо бу тизим, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг барча ҳокимият тармоқлари, маҳаллий бошқарув органлари, оммавий ахборот воситалари, бутун жамият томонидан бирдек қўллаб-қувватланмоқда деб айтиш мушкул. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммолари аксарият сиёсий партиялар учун устувор аҳамият касб этаётгани йўқ. Улар сайлаб қўйиладиган лавозимларга номзодларнинг дастурларида кам акс этади, сайлов компаниялари жараёнида уларга иккинчи даражали муаммолар сифатида қараш ҳоллари ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда миллий давлатчилигимизнинг конституциявий модели шаклланиш босқичида. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда конституциявий институтларни ташкил этиш ва Конституцияда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизмларини белгилаб берадиган қонунларни қабул қилиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатда конституционализм, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг кучли ҳимоячиси — нуфузли, мустақил суд ҳокимиятининг вужудга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир. Мустақил суд ҳокимияти (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди) миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий жабҳасини мустақамлашга, ҳокимиятнинг дастлабки икки тармоғи ишини сезиларли даражада енгиллаштиришга, ўзаро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган кескинликни юмшатишга ҳамда уларнинг ўзаро келишилган алоқасини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий ривожланишининг манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга мойиллигидир. Асрлар оша у адолат, тенглик, яхши қўшничилик ва инсонпарварлик куртакларини асраб-авайлаб келмоқда. Бинобарин, ижтимоий воқелигимизни янада демократлаштириш ва модернизациялашдан кутилаётган олий мақсад ҳам, энг аввало, мазкур қадриятларни тиклаш, уларни янги мазмун билан бойитиш, заминимизда тинчлик, инсонпарварлик, демократия, тўқин-сочинлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир инсон камолоти учун зарур шарт-шароитларни яратишдир.

Ҳуқуқий давлат асослари қарор топаётган демократик жами-

ятда, авваламбор, амалдаги қонунчиликнинг мазмуни, қолаверса, давлат идоралари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг фаолияти юксак ҳуқуқий маданият мезонларига, талабларига тўла мувофиқ бўлиши тақозо этилади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий принциплар, ҳуқуқ тармоқлари ва нормалари мажмуи билан белгиланади. Айни пайтда қонунчиликнинг такомиллашуви ва қонунийликнинг мустаҳкамланиши аҳоли ҳуқуқий онгини, жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бориши турмушнинг барча жабҳаларида намоён бўлади. Ҳуқуқий маданият даражаси жамиятда қарор топган ҳуқуқий қадриятлар кўлами, уларнинг аҳоли орасида тарқалганлиги ва фуқаролар томонидан теран ўзлаштирилганлиги билан ўлчанади. Шу тариқа ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий қадриятларни, қонунлар мазмунини ўз онг-шуурига қанчалик сингдирганлигига боғлиқ бўлади.

# III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

## 3.1. Ҳуқуқий онг деформацияси (бузилиши)нинг ҳуқуқий маданиятга таъсири

Ҳар қандай жамиятнинг ҳуқуқий тизими, давлат-ҳуқуқий ҳаёти, энг аввало, унинг ҳуқуқий онгида мужассам инъикосини топади. Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуқ ҳақидаги, ижтимоий ҳаётда реал мавжуд бўладиган ҳуқуқий ҳодисалар юзасидан бўлган қарашлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, баҳолашлари, руҳий муносабатлари йиғиндисиدير. Шу нуқтаи назардан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқий онгнинг табиати ва моҳиятига ёндашиладиган бўлса, унинг мазмунида жамиятда қарор топаётган демократик ҳуқуқий қадриятлар ва тамойиллар, ҳуқуқий тизимдаги ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари хусусидаги фуқароларнинг қарашлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, руҳий кечинмалари мажмуи акс этганлигини қайд этиш жоиз.

Жамиятнинг муваффақиятли ҳуқуқий ривожланиши, ўз навбатида, ҳар бир шахснинг юридик аҳамиятга молик бўлган вазиятларда ўзини ҳуқуққа мувофиқ тутишига, ҳар ким эркин, етук ва соғлом ҳуқуқий онгга эга бўлишига ҳамда шу асосда тегишли ғоявий ва мафкуравий фазилатларни тарбиялашга, мустаҳкамлашга ва асрашга боғлиқ эканлигини қайд этиш лозим. Бунинг учун шахс тегишли ҳуқуқий мезонлар доирасида эркин бўлиши ва зарур ҳулқ-атвор вариантини (турини) мустақил танлаш имкониятига эга бўлиши талаб этилади. Зеро, қонунларга эркин риоя қилинган тақдирдагина шахснинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллиги, маънавий кадр-қиммати, ҳуқуқий онги намоён бўлади<sup>1</sup>. Ҳуқуқий онг инсонга хос маънавий фазилат бўлиб, унинг бутун ҳаёти мобайнида, барча ҳатти-ҳаракатларида, кундалик фаолиятида иштирок этади ҳамда ўз таъсирини кўрсатади. .

Таниқли рус олими Иван Ильин тўғри таъкидлаганидек, «ҳуқуқий онгга эга бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ, аммо кўпчилик ҳуқуқни менсимайдиганлар, тартибсиз, айниган ёки ёввойилашган ҳуқуқий онгга эга бўлган кимсалар бор. Ҳуқуқий онг инсонга худди маънавий аъзо сингари ҳамиша зарурдир»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ҳуқуқий онг инсонга унинг бутун ҳаёти мобайнида ҳамроҳлик

<sup>1</sup> Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.М.Марченко. Т.2. —М., 1998. —С.378

<sup>2</sup> Қаранг: Ильин И.А. Собрание сочинений. Т.1. —М., 1993. —С.224

қилади. Инсон ҳатто салбий хатти-ҳаракатлар (ҳуқуқбузарлик, жиноят) содир этган тақдирда ҳам унда муайян ҳуқуқий онг иштирок этади.

Ҳуқуқий онгнинг бошқа салбий ўзгаришлари моҳият ва мазмунини аниқлаш учун аввало, «ҳуқуқий онг» тушунчасининг юридик табиатини аниқлаштириб олиш зарур. Бу анча мураккаб сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, у ўз навбатида, фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг қонунийликка, ҳуқуққа, одил судловга муносабатини, уларнинг қандай хатти-ҳаракат қонунга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги тасаввурларини акс эттирувчи қарашлар, ғоялар мажмуи сифатида тушунилади.

Ҳуқуқий мафкура — ижтимоий онг шакли сифатида ҳуқуқий онгнинг жамланган ифодаси ҳамда давлат бўлиб уюшган жамият ҳуқуқий ҳаётининг асоси ва узвий таркибий қисмидир. Шу билан бирга, у ҳуқуқнинг жамият, ижтимоий гуруҳ ёки шахс онгида акс этиши ҳамда ҳуқуқни билиш, амалдаги ҳуқуқни ва ундаги ижобий ғояларни баҳолашда ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқий онг объектнинг акс этиши натижаси сифатидагина эмас, балки объектга, давлатнинг бутун ҳуқуқ тизимига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий анъаналар таъсир кўрсатади. Унда иккита асос — объектив ва субъектив асос уйғунлашади. Ҳуқуқий онг шунинг учун объективки, инсон жамиятда туғилиб, ҳаёт кечирар экан, ижтимоийлашуви жараёнида аждодлар томонидан яратилган қадриятларни ўзига сингдиради.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий онг тушунчасига ҳуқуқ нормаларини ҳам киритадилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий онгнинг шаклланган элементларидир. Шубҳасиз, норматив хусусият — ҳуқуқий онг сифати тавсифида энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Айни чоғда у, ижтимоий муносабатларнинг (ҳуқуқий муносабатларнинг) алоҳида тури сифатида тушунилади. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгнинг ўзаро алоқадорлиги мураккаб хусусиятга эгадир<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқдан олдин юради, негаки ҳуқуқ ўзида жамиятда мавжуд бўлган қарашлар ва йўл-йўриқларни ифодалайди. Бошқа томондан, муайян жамиятда амал қилаётган ҳуқуқ тизими ҳуқуқий онгга таъсир кўрсатувчи энг муҳим омил сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг амал қилиши, уларнинг қўлланилиши ва уларга риоя

<sup>1</sup> Проблемы общей теории права и государства / Отв. ред. Проф. В.С.Нерсесянц. — М., 2001. — С.387

этилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражасига бевосита боғлиқ. Бинобарин, ҳуқуқ тизимининг сифати ҳуқуқий муносабатлар хусусияти ва мазмунига ҳам, фуқаролар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам таъсир кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий онг шахснинг нафақат ижобий, саъй-ҳаракатларида, балки унинг номақбул, хато, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Бироқ охиригиси бузилган, деформациялашган (лотинча *deformatio* — ўзгариш, завол топиш<sup>1</sup>) ҳуқуқий онгнинг ифодаланишидир. Демак, ҳуқуқий онг — юридик аҳамиятли хулқ-атворнинг ички, шахсий регулятори бўлиб, у ҳам ижобий, ҳам салбий йўналишда намоён бўлиши мумкин. Бироқ ҳуқуқий онг шахс ва жамият ҳаёт-фаолиятининг зарурий шакли сифатида доимо ўзининг ижобий вариантыда рўёбга чиқиши мўлжал қилинади<sup>2</sup>.

Таассуфки, ҳар доим ҳам ҳуқуқий онг исталган ижобий кўринишда шаклланавермайди. Аксарият ҳолларда жамият ривожига турғунлик, иқтисодий қийинчиликлар, инқирозли ҳолатлар ёки давлат бошқарувидаги адолатсизлик, волюнтаризм, тоталитаризм каби салбий қусурлар жамият ҳуқуқий онгининг бузилишига (деформациясига) сабаб бўлади. Ҳуқуқий онгнинг деформацияси жамият ҳаётининг мўтадил ривожланиш ёки депсиниш ҳолатлари даражасига қараб «енгил» ёки аксинча, «оғир ва хавфли» шаклларда намоён бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқий онг бузилишини бир неча шаклларда изоҳлаш мумкин.

Ҳуқуқий онгни унинг амалдаги ҳуқуқий тизимга мувофиқлик даражаси, жамият ҳаёти ва фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларида ҳуқуқнинг ролига нисбатан бўлган муносабати юзасидан ҳам таснифлаш мумкин. Ўз ўрнида ҳуқуқнинг ривожланиш жараёнида ҳуқуқий онг даражаси ўз идеалидан сезиларли даражада ортда қолганлиги ҳуқуқий онгнинг деформацияси, деб аталишини қайд этиш жоиз. Ҳуқуқий онгнинг бузилиш (деформацияланиш) сабаблари ва унинг намоён бўлиш даражасига кўра ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий негативизм, ҳуқуқий инфантилизм ва ҳуқуқий идеализм каби шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ҳуқуқий онгнинг деформацияланиш шакллари юридик лаёқатсизлик (ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги), ҳуқуққа (унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули сифатидаги ижобий ролига) нотўғри баҳо бериш хусусиятлари, ноҳуқуқий ва ғайри-

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. — Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. — Б.222

<sup>2</sup> Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.М.Марченко. Т.2. — М., 1998. — С.378

қонуний хулқ-атвор кўникмалари ва андозаларининг тарқалганлик даражасига кўра фарқ қилади.

Ҳуқуқий онга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида, аввало, ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги воқеликни назарда тутиш лозим. Булар сирасига конституциявий нормалар билан реал ҳаёт ўртасидаги фарқни, қонун ижодкорлик жараёнидаги малакасизликни, номукамалликни, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги тўрачилик, суистеъмолчиликни, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга бепарволигини ва бошқаларни кириштириш мумкин.

Сир эмаски, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари аҳолининг ҳуқуқий онига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шубҳасиз, бунда аввало, унинг ижобий таъсирини эътироф этиш лозим. Хусусан, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулкчилик мафқурасининг ижтимоий онга сингиши, мулкий мустақиллик ва юридик тенглик, иқтисодий муносабатларда қонун устуворлиги каби илғор ғоялар ҳуқуқий онг мазмунига сингиб кетди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳуқуқий онга «ёввойи бозор»нинг салбий ғоялари ҳам кириб келди. Баъзилар учун қандай қилиб бўлса-да, бойлик орттириш ахлоқий ва маънавий қадриятлардан устун бўлиб қолди. Жумладан, шартнома муносабатларида фирромлик қилиш, бозорларда харидорларнинг ҳақидан ёки тарозидан «уриб қолиш», сифатсиз маҳсулотларни ўтказиб мўмай пул ишлаш, пул ва бойлик қаршисида инсон қадр-қимматини «ерга уриш», тижорат мақсадида олинган қарзларни вақтида қайтармаслик ёхуд қарзни ундириш учун қонунсиз усуллардан фойдаланиш ва бошқа нохуш ҳолатлар маънавиятимизга ҳамда ҳуқуқий онга анча салбий таъсир кўрсатди. Бу ерда ҳуқуқий билимсизлик эмас, балки айнан ҳуқуқий маданиятсизлик, ҳуқуқни менсимаслик, қонунга ҳурматсизлик ҳоллари намоён бўлади.

Мазкур вазиятдан халос бўлиш учун, бугунги ҳаётини қадриятларни жамият олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифалардан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қайта шакллантириш лозим. Мамлакатимизда янгидан шаклланган миллий мафкура ва миллий ғоя руҳига мос қадриятлар тизимини вужудга келтириш устида жиддий бош қотириш зарур. Бутун таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш ва омма онига синдириш вазифасига сафарбар этишлари лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ва демократик қадриятлар тизимини шакллантириш, ҳуқуқий тар-



бия ва функционал ҳуқуқий маданиятнинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ҳуқуқий кадриятлар ва нормалар жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳияти ҳақида кенг қамровли тасаввур ҳосил қилади. Улар жамиятда инсоннинг ҳуқуқий мақоми, унинг фаолияти чегаралари ва шакллари, шунингдек шахс эркинлигининг меъёрлари ҳақида маълумот беради. Ҳуқуқий маданиятнинг ўзи ҳам ижтимоий кадрият сифатида инсонлар фаолияти ва ривожланишининг конкрет тарихий мезони бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориевнинг фикрича, ҳуқуқий маданият кишиларнинг амалий ҳуқуқий фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий алоқалари ва муносабатлари таркибига узвий сингиб кетади. У шахснинг ижтимоий фаоллигидан, ҳуқуққа ва қонунийликка оид ижодий тарбиясидан ажралмас ҳодисадир<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий онгда салбий хусусиятлар бир қатор омиллар асосида юзага келиши мумкин. Улар жумласига: қонунчилик ҳужжатларининг сифати, иқтисодий, сиёсий, маънавий, диний, ташкилий омиллар, жамиятда демократик кадриятларнинг қай даражада шаклланганлиги, ҳуқуқий анъаналар, тарихий ҳуқуқий тажриба ва бошқалар кирази.

Ҳуқуқий онгда юзага келадиган салбий ўзгаришлар, аввало, жамият ҳаётининг иқтисодий шарт-шароитларидан озиқ олади. И.Исмоиловнинг фикрича, бу саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетиши, ишсизликнинг ўсиши, иш ҳақи ва нафақаларнинг пасайиши билан боғлиқ<sup>2</sup>. Шу боис, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтилиши нафақат аввалги иқтисодий тузилмаларнинг тубдан ўзгартирилишига, янги мулк шаклларининг пайдо бўлишига, балки маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ҳам изчил ўзгаришига олиб келди. Маънавий соҳадаги йўқотишларнинг аҳамияти ижтимоий-ҳуқуқий онг учун иқтисодий соҳадаги йўқотишларнинг аҳамиятидан кам эмас. Ушбу омилларнинг ҳар иккиси жамиятнинг ҳуқуқий онгига, ҳуқуқий маданият даражасига жиддий салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Юқорида таъкидланганидек, қонунчиликнинг ҳолати ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ривожига салбий таъсир этувчи, ҳуқуқий нигилизмнинг кучайишига сабаб бўлувчи жиддий омил-

<sup>1</sup> Қарант: Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.—Тошкент: «Шарқ», 2002. —Б.224

<sup>2</sup> Қаранг: Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари.—Тошкент, 2005.—Б.65

лардан биридир. Қонуннинг обрўси бугунги кунда етарли даражада юқори эмас. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда муайян қонунчилик тизимининг шакллантирилганлиги ҳали улар жамиятда тўпланиб қолган муаммолар ҳал этилишини тўла таъминлади, дегани эмас. Аксарият қонунларнинг сифати халқаро мезонлар, демократик қадриятлар ва қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга муҳтож. Баъзи қонунлар парламент қўмиталари ва палаталари мажлисларида етарлича пухта муҳокама этилмай, шошма-шошарлик билан қабул қилинган ва ҳ.к.

Аҳолининг муайян қисми қонунчилик юзасидан юзаки тушунчаларга эга, яъни баъзиларнинг тасаввурича, яхши қонун қабул қилинса кифоя ва шу қонун билан тартибга солинадиган соҳада гуё ҳамма масалалар дарҳол тартибли бўлиб қолади. Лекин амалиётда қонунларни ижро этиш билан боғлиқ масалалар анча мураккаб ҳолда татбиқ этилади. Қонун ижтимоий муносабатларнинг барча қирраларини қамраб ололмайди. Идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, улар қатор ҳолларда қонунни «бир оз тузатиб», унинг таъсирини сусайтиради. Натижада, қонунчилик тўғрисидаги ижобий тушунча кўпинча умуман ҳуқуққа ва хусусан, унинг тартибга солиш имкониятларига нисбатан ишончсизлик билан қарашга сабаб бўлади.

Демократик давлатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қиладиган, Конституцияга зид қонунларнинг қабул қилиниши эҳтимоли унча катта эмас. Қонун ҳужжатларида бунга йўл қўймасликка тегишли кафолатлар мавжуд. Энг муҳими, янги қонунларни қабул қилиш ва амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш чоғида мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларнинг мазмуни ҳамда қўлами торайишига йўл қўйилмаслиги лозим. Ҳатто Конституцияга зид қонун қабул қилинган тақдирда ҳам унинг амал қилиши Конституциявий суд томонидан тўхтатиб қўйилади. Шунга қарамасдан, қонун чиқарувчи орган томонидан шошма-шошарлик билан, ижтимоий муносабатлар эҳтиёжини инобатга олмасдан, етарлича илмий асосларсиз қабул қилинадиган нуқсонли қонунлар эса муайян вақт мавжуд амал қилиши мумкин. Бу айниқса, авторитар ўтмишдан чиққан ва жаҳон ҳуқуқий майдонига тезроқ кириб бориш, шу жумладан, ҳамиша ҳам мақбул бўлавермайдиган, тегишли мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий воқеликларига мос келавермайдиган чет эл ҳуқуқ моделларини ўзлаштирган ҳолда кириб бориш истагида бўлган мамлакатларга тааллуқлидир. Ушбу муҳитда қонун чиқарувчи орган кўпинча илгари амалда бўлган нормаларни янги қонунларга ва турмуш воқеликларига мослаштиришга интилиб, ҳар доим ҳам ижобий ҳуқуқий механизмларни ярата олмайди. На-

тижада, қонун ҳужжатлари мажмуида зиддиятлар ва номувофиқликлар, ҳуқуқ нормалари ўртасида коллизиялар ҳамда ҳуқуқни қўлловчи органлар ишида муаммолар вужудга келади, омма онгида қонун чиқарувчи идоранинг нияти ҳақида аниқ-равшан тушунча пайдо бўлмайди. Шу сабабли, фуқаролар қонунларни кўпинча аниқ бажармайдилар.

Бир томондан, қонун ва иккинчи томондан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг хусусияти ва мазмун-моҳияти тўғрисидаги масала — бу жуда мураккаб ва долзарб муаммо бўлиб, илмий жиҳатдан теран тадқиқ этишни талаб қилади. Россиялик олима С.В.Поленинанинг фикрича, «ушбу вазият қонунга итоаткор фуқароларга татбиқан «ҳуқуқий нигилизм» деган сўзлар билан, қонунларни яратиш ва қўллашга дахлдор бўлган депутатлар ва мансабдор шахсларга нисбатан «профессионал малаканинг пастлиги» деган сўзлар билан таърифланиши мумкин»<sup>1</sup>. Айниқса, қонун аҳолига таниқли шахслар томонидан, шунингдек мансабдор шахслар томонидан инкор этиладиган ҳолатлар таъбир ва тавсифга сиғмайди<sup>2</sup>. Юридик фан аҳолининг, мансабдор шахсларнинг қонунларга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўладиган омилларни таҳлилдан ўтказиши ва уларнинг мамлакат ҳуқуқ тизимида салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган асосли тавсияларни ишлаб чиқиши лозим.

Ҳуқуқий нигилизм, жамият ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги кўп жиҳатдан мамлакат ҳуқуқий қадриятлари ва анъаналарига етарлича баҳо бермаслик, уларни назар-писанд қилмаслик билан боғлиқдир. В.Н.Синюковнинг фикрича, бу қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- 1) ҳуқуқий тартибга солишнинг гарб ҳуқуқ анъаналарига кўпроқ йўналтирилганлиги;
- 2) ҳуқуқий онгнинг одамлар турмуш-фаолиятининг ижтимоий, жамоавий ташкил этилиши билан боғланганлиги;
- 3) хулқ-атвор ва юриш-туришда расмий, юридик кафолатларга эмас, балки фактик кафолатларга урғу берилиши;
- 4) норматив қоидалар билан тартибга солинмайдиган соҳанинг кенг доираси мавжудлиги;
- 5) юридик шаклнинг ўзига хос табақалаштирилганлиги, унинг ижтимоий коллизияларни ҳал этишда муайян муқобилликка эгалиги;

<sup>1</sup> Каранг: Поленина С.В. Законотворчество в Российской Федерации. —М., 1996. —С.16

<sup>2</sup> Ўша асар: —С.16-17

б) ҳуқуқнинг фақат расмий юридик меъёр сифатидагина эмас, балки ижтимоий олий мақсад (идеал) сифатида одамлар кундалик ҳаётига чуқур уйғунлашиб кетганлиги<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг тегишли механизмлари йўқлиги, ўз навбатида, ҳуқуқий маданият даражасига салбий таъсир кўрсатади ҳамда ҳуқуқий нигилизмнинг авж олишига сабаб бўлади. Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш тартиб-таомиллари ва механизмини ишлаб чиқиш ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи галдаги вазифаларидан бири бўлиши лозим. Ҳозирги шароитда, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ масалалар жиддий синовлардан ўтмоқда. Бир томондан, жамият инсоннинг туғилгандаёқ унга хос бўлган табиий ва ажралмас ҳуқуқлари муқаррар қадрият эканлигини ва муҳимлигини англаб етди, иккинчи томондан эса, жамият уларнинг тўла ва чинакам амалга оширилишини таъминлашга ҳали тўла қодир эмас. Буни ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган ҳуқуқий тарбия ишида, шубҳасиз, инobatга олиш лозим бўлади.

Маълумки, юксак гоёлар билан реал воқелик ўртасида катта фарқ мавжуд. Мақсад демократик ислохотлар жараёнида Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликларга аниқ ҳаётий мазмун бахш этишдан иборатдир. Ҳуқуқий онг номукам-маллиги кўп жиҳатдан ҳуқуқ тизимининг ҳолати билан, Конституция нормалари ва реал ҳаёт ўртасида муайян тафовут борлиги, ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш жараёнида камчиликлар мавжудлиги, амалдаги қонун ҳужжатлари самарадорлигини, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини баҳолашнинг объектив мезонлари йўқлиги билан боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини демократик асосларда ислоҳ қилиш жараёнида асосий мақсадлар сифатида, аввало қуйидагилар белгиланиши лозим:

1) конституциявий нормаларда назарда тутилган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

2) иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш;

3) мамлакат сиёсий тизимини янада либераллаштириш;

4) конституциявий ва жорий қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва янада такомиллаштириш;

<sup>1</sup> Қаранг: Синюков В.Н. Российская правовая система (вопросы теории): Автореф... докт.юр.ид.наук. – Саратов, 1995. –С.7

5) фуқаролик жамияти ва демократик давлатчилик асосларини изчил мустаҳкамлаб бориш;

6) ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини доимий равишда такомиллаштириш;

7) ҳуқуқий маданият даражасини ва фуқаролар ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш;

8) шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳуқуқий онг хусусиятининг салбий ўзгаришлари ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий инфантилизм (ғўрлик) ва ҳуқуқий онгнинг бузилиши шаклида намоён бўлади. Буларнинг охиригиси бузилган, нуқсонли ҳуқуқий онгнинг энг завол топган даражаси, деб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Н.С.Соколова ҳуқуқий онгдаги салбий ўзгаришларнинг қуйидаги шакллари кўрсатиб ўтади:

1) ҳуқуқий инфантилизм, бунда ҳуқуқий онгдаги салбий ўзгаришлар ҳуқуқий онгнинг завол топиши, ҳуқуқий қарашлар, билимлар, йўл-йўриқ ва тасавурларнинг шаклланмаганлиги ҳамда камчиликларга эгаллигида ифодаланади;

2) ҳуқуқий негативизм — бунда ҳуқуқий онгдаги салбий ўзгаришлар қонун талабларини онгли равишда инкор этишда ифодаланади;

3) жиноятчиликгача бўлган салбий томонга ўзгарган ҳуқуқий онг<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий инфантилизмнинг авж олишига Конституция ва қонун ҳужжатларида декларатив нормаларнинг мавжуд бўлиши ҳам сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасида декларатив тусдаги қонунлар ҳам борки, уларнинг асосий мазмуни тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадлари ва вазифаларини эълон қилишдангина иборат. Бундай қонунларда тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан ривожлантиришнинг жамият учун мақбул бўлган йўналишларини белгиловчи аниқ ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлмайди. Умри қисқа қонунлар сингари, улар қонун норматив кўрсатмаларининг ҳар қандай давлатда, айниқса, ҳуқуқий давлатда мутлақо зарур бўлган мажбурийлигига путур етказиб, фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳуқуқий онгига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда амалда бўлган ҳуқуқ тизими норматив матери-

<sup>1</sup> Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание / Общая теория права. Курс лекций. — Ниж. Новгород, 1993. —С.482-483

<sup>2</sup> Соколова Н.С. Правосознание, правовая культура и правовое воспитание / Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов / Под общ. ред. В.С.Нерсесянца. —М., 1999. —С.403

алнинг керагидан ортиқчалиги ва бир-бирига мос келавермаслигидан зарар кўрмоқда. Баъзи қонун ҳужжатларини, юридик маълумоти бўлмаган фуқаро у ёқда турсин, мутахассис юрист тушуниб етиши амри маҳол. Бундай шароитда аҳолининг ва алоҳида фуқароларнинг мукамал ҳуқуқий онги ҳақида сўз юритиш қийин.

Қонун чиқарувчи органнинг қонунлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг объектив қонуниятларига доим ҳам қатъий риоя этавермаслиги парламент фаолиятининг камчилиги ҳисобланади. Бу, хусусан, ишлаб чиқарувчиларнинг монополизмини, қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назорати сустигини ҳамда аҳолининг, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси пастигини инobatга олмасдан бозор муносабатларига мумкин қадар тезроқ ўтишга, айниқса, йирик саноат объектларини шошилиш тарзда хусусийлаштиришга интилишда намоён бўлиши мумкин.

Парламент томонидан жамият ва иқтисодиётнинг ички ривожланиш қонуниятларини етарлича даражада ҳисобга олмаслик, ўз навбатида, қабул қилинаётган қонунларнинг зиддиятларга эга бўлишига, уларнинг ўткинчи вазифаларни ҳал этишга қаратилишига сабаб бўлмоқда. Бундай умри қисқа қонунларга мунтазам равишда ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритишга тўғри келмоқда, бу мансабдор шахслар ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий нигилизмнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу нуқсонлар ўз навбатида ҳуқуқнинг обрўсини туширади.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, ҳуқуқни ижтимоий муносабатларнинг ҳақиқатда мавжуд тартиби билан айнан бир хил, деб ҳисоблаш айниқса хавфлидир, негаки бунда маъмурларнинг, амалдорларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатларини «ҳуқуқ», деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Бинобарин, ҳокимият эгаларининг ўзи ўзларига маъқул келадиган ва фойдали «муносабатлар тартибини» вужудга келтириб оладилар. Бундай мантиққа кўра, ҳатто қонунга хилоф равишда куч ишлатилиши ҳам «ҳуқуқ» бўлади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқни билиш, ҳуқуқ таърифи ҳақидаги кети узилмас баҳслар ҳам ҳуқуққа бўлган ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди. Натижада, фуқароларда ҳуқуқ аслида нима эканлиги ҳақидаги тасаввур хиралашади. Адабиётларда таъкидланганидек, баъзилар «ҳуқуқ» деганда қаттиқ жазо чораларини назарда тутувчи Жиноят кодекси мавжудлигини эсга олсалар, бошқалар Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясини кўз олдиларига келтирадилар. Мазкур

<sup>1</sup> Қаранг: Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М., 2001. – С.709

ҳодисани идрок этиш доираси жуда кенг ва хилма-хилдир. Ҳуқуқ таърифига доир мунозара гоҳо баъзиларнинг фикрича — ярми тўла, бошқаларнинг фикрича — ярми бўш стакан ҳақидаги машҳур баҳсни эслата бошлайди<sup>1</sup>.

Баъзан илмий адабиётларда кўзга ташланаётган мамлакат Конституцияси қоидаларига нисбатан шубҳа билдиришлар, унинг матнини тубдан ўзгартиришга даъват қилишлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашмайди. Бевосита Конституция талабларидан келиб чиқадиган айрим қонунлар ҳали тўлиқ қабул қилинмаган бир шароитда уни тубдан қайта кўриб чиқиш ҳақида гапириш ўринсиз. Бундай ёндашув конституциявий қонунийликни, конституциявий қадриятларга ҳурмат билан қарашни таъминлаши мушкул. Ўз навбатида, Конституция ва қонунларни танқид қилавериш ўта номақбул ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳуқуқий институтларга нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради.

МДҲ мамлакатларининг айрим оммавий ахборот воситаларида милиция, прокуратура органлари кескин танқид қилинади, бу тегишли равишда, мазкур органларнинг жиноятчиликка қарши курашишга бўлган иродасини сусайтиради. Ушбу ҳолат ҳуқуқий маданият қарор топиши учун мақбул вазият эмас. Ҳар қандай масалада меъёр бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, журналистлар ҳам шифокорлар сингари «шикаст етказма» деган принципга амал қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жиноятчилик, коррупция, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, шахснинг маънавий таназзули, қонунларнинг декларативлиги ва ортиқча сўзларнинг кўплиги, судга нисбатан ҳурматсизлик, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик, ҳуқуқий тизимнинг нуқсонлари каби ҳодисалар ҳуқуқий онг бузилишига ҳамда ҳуқуқий нигилизмнинг ривожланишига олиб келади. Аҳоли ўртасида ҳуқуқ нуфузининг унчалик баланд эмаслиги ҳам бунга ёрдам беради. Кўп жиҳатдан, бу қонун ҳужжатларининг беқарорлиги билан ҳам боғлиқ. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун И.Ильиннинг фикрича, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим: «халқ ўз қонунларини тушуниши, билиши ва қадрлаши, ўз бурчларига ва тақиқларга ихтиёрий равишда риоя этиши ҳамда ўз ваколатларидан қонун-қоида доирасидан чиқмай фойдаланиши учун ҳамма ишни қилиш зарур. Ҳуқуқ турмушнинг омилига, ҳақиқий хулқ-атвор меъёрига, халқ табиатининг маз-

<sup>1</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. — М., 2001. — С.709

мун-моҳиятига айланмоги лозим»<sup>1</sup>. Давлат органлари аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий нигилизмга қарши кураш юзасидан аниқ мақсадли иш олиб боришлари зарур.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳуқуқий нигилизм сифат жиҳатидан янги хусусиятларга эга бўлмоқда, унинг табиати, сабаблари, таъсир кўрсатиш каналлари ўзгармоқда. У жамият ҳаётининг барча бўшлиқларини тўлдириш хусусиятига эга. Юридик адабиётларда замонавий ҳуқуқий нигилизмнинг айрим умумий, энг ажралиб турадиган қуйидаги хусусиятлари асосли равишда кўрсатилмоқда:

1) намоёнлик, тажовузкорлик яққол акс этган, жамоатчилик фикри томонидан чегарасизлик, деб баҳоланадиган хусусиятлар;

2) кўз-кўз қилиш, оммавийлик, фақат фуқаролар, ижтимоий ва касбий гуруҳлар, табақалар, тоифалар, жамоалар орасидаги эмас, балки расмий давлат тузилмаларида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларида кенг тарқалганлиги;

3) намоён бўладиган шаклларидаги турли-туманлиги;

4) сиёсий, маънавий, иқтисодий, диний нигилизмнинг ўзаро қўшилиб кетиши;

5) эски тузум бузиб ташланиб янгиси барпо этилиши, бунинг натижасида келиб чиққан ҳолатларнинг турмуш тарзи ўзгариши жараёнида жамиятни чулғаб олган негативизм билан алоқадорлиги<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш бизнинг фикримизча, аҳолининг умумий ва ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий ва маънавий онгини юксалтириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари чинакам ҳимоя қилинишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг, аввало, жиноятларнинг олдини олиш, давлат ва жамоат интизомини мустаҳкамлаш, юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш, ҳуқуқий ислохотларни изчил ўтказиш орқали амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, М.В.Баглайнинг фикрича, «ҳуқуқий нигилизмни дарҳол тугатиб бўлмайди»<sup>3</sup>. Бу анча қийин ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти тузилмаларининг, аҳолининг куч-ғайрати бирлаштирилиши лозим. Ҳуқуқий нигилизмга қарши кураш жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий

<sup>1</sup> Ильин И.А. О сущности правосознания. —М., 1993. —С.31

<sup>2</sup> Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.А.Матузова и А.Малько. —М., 2001. —С.710-711

<sup>3</sup> Баглай М.В. Интервью журналу «Государство и право» // Государство и право. —М., 1998, №2. —С.7



таназулдан чиқиб олиши билан узвий боғлиқ фаолиятдир.

Лекин кўп нарса шахснинг ўз нуқтаи назари ва фаоллигига, унинг носоглом кучларга қарши ҳаракатига ҳам боғлиқ бўлади. Ўз вақтида Р. Иеринг бу борада шундай деб ёзган эди: «Ҳар ким ўзбошимчалик ва қонунсизлик аждарини у бош кўтаришга журъат этган жойнинг ўзидаёқ янчиб ташлаши керак ва шарт, шунингдек ҳуқуқ неъматларидан фойдаланувчиларнинг ҳар бири, ўз навбатида, қонун кучи ва обрўсини имкони борича қўллаб-қувватлаб турмоғи лозим. Қисқаси, ҳар ким жамият манфаатлари йўлида ҳуқуқ учун туғма курашчидир»<sup>1</sup>. Шу сабабли ҳам ҳар бир кишини ҳуқуқий тарбиялашга, унда фуқаролик жамияти ва давлат ишларига дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қаратилган самарали фаолият олиб борилиши зарур.

Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм ҳамда шахсий ва жамоавий ҳуқуқий онг заволи топишининг бошқа шакллари жамиятнинг барқарор ривожланиши, инсон ҳуқуқлари таъминланиши масалаларига бевосита дахлдордир. Шахс ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилиши — барқарор ривожланишнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқий нигилизм, аввало, инсон ҳуқуқларига хавф туғдиради. Амалиёт шундан далолат берадики, инсоннинг асосий ҳуқуқларини инкор қилиш муқаррар равишда ижтимоий ҳаёт беқарорлашувига, ижтимоий адолат бузилишига олиб келади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — фуқароларнинг эркинлигини, фаровонлигини, қадр-қимматини, хавфсизлигини таъминлашга, уларни ижтимоий беқарорлашувининг ҳалокатли оқибатларидан муҳофаза қилишга интилаётган ҳар қандай маърифатли ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсадидир. Демак, ҳуқуқий нигилизмнинг, ҳуқуқий онг деформациясининг бошқа шакллариининг ёйилиши шахсга, жамиятга, конституциявий тузум барқарорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш куйидаги йўналишлар асосида амалга оширилиши лозим:

- фуқароларнинг умумий ва ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий ва ахлоқий онгини юксалтириш;
- қонунчиликни демократик йўналишда такомиллаштириш;
- ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш;
- қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, давлатнинг барча ишларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш;
- инсон (шахс) ҳуқуқларига ҳурматни қарор топтириш;
- оммавий ҳуқуқий маърифатни йўлга қўйиш;

<sup>1</sup> Иеринг Р. Борьба за право. —М., 1991. —С.37

- самарали фаолият юритадиган ҳуқуқий тарбия тизимини шакллантириш;
- юқори малакали юрист-кадрларни тайёрлаш;
- ҳуқуқий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш ва бошқалар.

Тадқиқотимизнинг давомида ҳуқуқий тараққиётимизга хавф туғдираётган ҳуқуқий нигилизмнинг табиатини, озиклантирувчи манбалари масаласини таҳлил этамиз.

### **3.2. Ҳуқуқий нигилизм тушунчаси, моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари**

Маълумки, ҳуқуқий нигилизм жамият ҳуқуқий тараққиётининг тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ ривожланишига жиддий хавф туғдирувчи ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига тўсиқ бўлувчи салбий ҳодисалардан биридир. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз ҳамда МДХ олимлари томонидан ушбу ҳодисанинг турли жиҳатларига бағишланган бир қатор илмий изланишлар олиб борилаётганлигини қайд этиш жоиз<sup>1</sup>. Бироқ мазкур адабиётларда ушбу салбий ҳуқуқий феноменнинг фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига салбий таъсири билан боғлиқ барча масалалар мукамал ўрганилган, деб бўлмайди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши масалаларини тадқиқ этар эканмиз, ушбу жараёнда муайян тўсиқ ҳисобланган ҳуқуқий нигилизмнинг моҳияти, зарarli сифатлари ҳамда уни озиклантирувчи манбаларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бу борадаги муаммоларга тўхталиб ўтар экан, Президентимиз И.А.Каримов жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: «Индивидуализм ҳар бир кишининг психологиясига кириб

<sup>1</sup> Абзалов Э.М. Правовая культура и право нарушение молодёжи. –Ташкент, 1997. –С.21; Атаматов Б. Қонунга ҳурмат туйғусини тарбиялайлик // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 1998, №1. –Б.21-25.; Бушмакина О.Н. Преодоление нигилизма: тождество мышления и существования // Вест. Удм. Ун-та. 1997, №5. –С.23-32; Вороненко Д.Н. Правовой нигилизм и правовой идеализм (теоритико-правовые исследование): Автореф. дис... канд.юрид.наук. –М., 1999. –С.24; Кузнецов Э. Кризис современного правосознания // Правоведение. –М, 1994, №3; Лысенко В. Конституционный нигилизм. Как лечить? // Российская федерация. 1999, №7; Тожихонов У. Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик. – Тошкент: УзР ИИВ Акад., 1995. –Б.52; Туманов В.А. Правовой нигилизм в историко-идеологическом ракурсе // Государство и право. –М, 1993, №3. –С.32-43; Хамраев А.А. Қонунга бўйсунуш – ҳуқуқий маданият мезони. // Қалқон. –Тошкент, 1998, №3-4. –Б.4-5

боради, бевосита таъсир кўрсатади. Инсон табиатидаги онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатларнинг ҳаммасидан фойдаланади. Ёшларнинг айрим қисми ўқишга, юксак касб маҳоратини эгаллашга интилиш ўрнига енгил-елпи ҳаётни излашга, бозорда савдо-сотик қилиб, мўмай даромад орқасидан қувиб, бозор муносабатларининг ибтидоий йўлларида фойдаланиб, мол-дунё орттиришга интилаётганлиги тасодифий эмас. Нигилизм, шафқатсизлик даражасига бориб етаётган худбинлик ҳоллари юз бераётганлиги ҳам тасодифий эмас. Буларнинг барчаси, бизнинг назаримизда, яна ўша индивидуализмнинг бузилган кўриниши, тарбиядаги нуқсонлар ва атроф-муҳит таъсиридан бошқа нарса эмас»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий нигилизм ва индивидуализм каби салбий ҳолатлар ҳуқуқий онг деформациясининг типик шакллари сифатида ҳуқуққа, қонунга, умуман жамият ҳаётининг ҳуқуқий тартибга солинишининг барча шакллари менсимаслик, ишончсизлик ва хаспўшлаш нуқтаи назаридан муносабатда бўлишдир.

Нигилизм (лотинча «*nihil*» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «ҳеч нарса», «инкор» деган маънони англатади) ҳуқуқ субъектларининг, ижтимоий гуруҳларнинг муайян ҳуқуқий қадриятларга, нормаларга, белгиланган тартиб-қоидаларга салбий муносабатини, менсимаслик, беписандлик ва ишончсизлик кайфиятини ифодалайди<sup>2</sup>.

Ижтимоий хулқ-атворнинг шаклларида бири бўлган нигилизм мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш демакдир. Инкор этиш нигилизм барча шаклларида умумий белгиси ҳисобланади. Бироқ нигилистик инкор этиш билан диалектик инкор этиш ҳар хил ҳодисалар эканлигини назарда тутиш лозим. Зеро, эскилик ва турғунликни, разолат ва зулмни табиий тарзда инкор этувчи нигилизм том маънода нигилизм ҳисобланмайди. Масалан, чоризм, большевизм ва ижтимоий жабр-зулмга қарши курашган, миллий истиқлолни орзу қилган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Бобоохун Салимов ва бошқаларни тарих тараққий-парварлар сифатида баҳолаши бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд илмий адабиётларда ҳуқуқий нигилизм ҳодисаси қуйидаги хусусиятлар асосида таҳлил этилиб келинмоқда:

– нигилизм объектив ижтимоий қадриятларни ва қонуниятларни тан олмаслик ёки инкор этишдир;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. – Б.160-161

<sup>2</sup> Каранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: «Адолат», 2007. –Б.555

– ҳуқуқий нигилизм нафақат объектив ижтимоий қадриятларни ва қонуниятларни тан олмаслик ёки инкор этиш, балки ушбу инкор асосида ўзининг мустақил қарашлари, ғоялари ва мафкура-сини илгари суриш ҳамдир;

– нигилизмга ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва тизимлилигини издан чиқарувчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади;

– нигилизм мафкуравий-руҳий ҳодиса сифатида ўзининг тузилишига, мустақил шакл ва ташувчиларига эга бўлган ижтимоий онгнинг бир шаклини намоён этади;

– ҳуқуқий нигилизм ижтимоий онгнинг мустақил ҳодисаси сифатида инкор этиш объектидан келиб чиқиб, ўзининг намоён бўлиш шаклларига эга.

Ҳуқуқий нигилизм – ижтимоий нигилизмнинг кўринишларидан бири. У моҳиятан ҳуқуққа, қонунларга, норматив тартибга салбий, инкор қилувчи, ҳурматсизлик муносабатида бўлиш демакдир. З.М.Исломовнинг фикрича, ҳуқуқий нигилизм сабабият нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, бу моҳият аҳолининг юридик жаҳолати, мутаассиблиги, ҳуқуқий тарбиясизлигида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, бу ўринда гап жамиятда ҳуқуққа нисбатан талабнинг йўқлиги ҳақида бормоқда<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, ҳуқуқий нигилизмнинг юзага келиши жараёнида ҳуқуқни шунчаки билмасликнинг ўзи ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада Иван Ильин тўғри таъкидлаб ўтганидек, «ўз мамлакати қонунларини билмайдиган халқ ҳуқуқдан ташқарида ҳаёт кечиради ёки ҳуқуқнинг беқарор куртаклари билангина кифояланади... Халқ қонунларни муносиб равишда билиши зарур, чунки бу хусусият ҳуқуқий ҳаёт таркибига киради. Шунинг учун ҳам халқ ҳуқуқни билишдан маҳрум бўлган тартиб бемаъни ва хавфлидир... Маънавий мавжудот сифатида инсон ер юзида ҳуқуқдан ташқарида яшаши мумкин эмас»<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, нигилизм шаклан жуда турлитумандир. У қандай қадриятлар инкор этилаётганига, билимлар ва ижтимоий амалиётнинг қайси соҳаси – фан, маданият, санъат, этика, сиёсат, иқтисодиёт ҳақида гап бораётганига қараб ҳуқуқий, сиёсий, диний, мафкуравий, маънавий ва ҳоказо кўринишларда бўлиши мумкин. Улар орасида талай нозик жиҳатлар, сезилар-сезилмас фарқлар, бир-бирига сингиб кетишлар мавжуд. Мазкур оқим турларидан ҳар бири ўз тарихига эга<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: «Алолат», 2007. – Б.555

<sup>2</sup> Ильин И.А. О сущности правосознания. – М., 1993. – С.23-24

<sup>3</sup> Қаранг: Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.М.Марченко. Т.2. – М., 1998. – С.400-401

Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқ ва унинг имкониятларига етар-лича баҳо бермасликни билдирса, ҳуқуқий идеализм — бу ҳуқуққа ортиқча баҳо бериб юборишдир. Уларнинг ҳар иккаласи замирида юридик билимсизлик, норасо ва завол топган ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият етишмаслиги ётади.

Ҳуқуқий нигилизм — ҳуқуқий маданиятнинг тескараси (антиподи) бўлиб, унинг фуқаролар ҳуқуқий маданиятига, умуман ҳуқуқий тизимга таъсирини таҳлил қилмасдан ва лозим даражада баҳоламасдан туриб, мазкур ҳодисанинг моҳиятини тушуниб бўлмайди. У серқирра ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий мафкурада намоён бўлади, яъни назарияларда, ғояларда, шунингдек ҳуқуқий психологияда ўз аксини топади ҳамда ўзига хос ички нуқтаи назарлар, йўл-йўриқлар, андозалар, ҳуқуқий идеалларга ишонмаслик кўринишида намоён бўлади. У юридик амалиётда энг яққол намоён бўлиб, бу аҳолининг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий кўрсатмалардан чекинишининг турли шакллари, ҳуқуқий пассивлик хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий нигилизм — ҳуқуқий онг салбий ўзгаришининг асосий шаклларида биридир. Давлат ва жамият тараққиётининг ўтиш босқичи шароитида фуқаролар ҳуқуқий онгининг турли-туман қирралари салбий таъсирларга дучор бўлади. Бунда гап нафақат ҳуқуқий билимлар тўғрисида, балки ҳуқуқий мафкура ҳақида ҳам бормоқда. Ҳуқуқий онг деформацияси турли сабабларга кўра қандайдир ўзга, ноҳуқуқий тузилмаларга айланган ёхуд номигагина ёки қисман ҳуқуқий бўлиб қолган, ўз табиатида кўра ҳуқуқий қарашлар, билимлар, йўл-йўриқларнинг муайян захираси мавжуд бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари ҳуқуқий онгнинг завол топиши ўз генезисига, таркибига, намоён бўлиш шаклларига эга.

Ҳуқуқий нигилизм — бу қонун талабларини онгли равишда, лекин жиноий ниятни истисно этадиган инкор қилиш. Бу ерда жиноий мақсад йўқлигининг кўрсатиб ўтилиши ҳуқуқий нигилизмни ҳуқуқий онг завол топишининг бошқа шаклларида ажратиш учун зарурдир. Бу борада П.П.Барановнинг фикрича, қонунни жиноий мақсадда инкор қилиш, шунингдек жиноий қонун ўрнатувчилик ва бошқа шу сингарилар — ҳуқуқий онг завол топишининг мустақил шакллари<sup>1</sup>. Олимларнинг таъкидлашича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ҳам баъзи салбий ўзгаришларга мойилдир. Ҳаракатсизлик ва қонун бўйича зарур чораларни кўрмаслик, маъмурий ўзбошимчалик, қонунни «эркин» талқин қилиш кабилар масалан,

<sup>1</sup> Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание / Общая теория права. Курс лекций. —Ниж. Новгород, 1993. —С.482

ички ишлар органлари ходимлари онгида учраб турадиган ҳуқуқий нигилизмнинг турлари жумласига киради. Ўзининг хизмат ваколатларини суиистеъмом қилиш ҳамда жинояткор унсурлар билан қўшилиб кетиш ҳуқуқий онг бузилишининг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бунда айблов томонига оғиб кетиш, ўз ҳужжатлари ва ҳаракатларини бенуқсон, деб ҳисоблаш, ёпиқлик ва махфийликнинг қоидага айланиши, жазони кучайтиришга мойиллик авж олади<sup>1</sup>. Касбий ҳуқуқий онгнинг ушбу ўзгаришлари, шубҳасиз, жамиятдаги ҳуқуқий вазиятга, ҳуқуқий маданият шаклланишига, қонунийлик мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади<sup>2</sup>.

Н.И.Матузовнинг фикрича, ҳуқуқий нигилизм асосида ўзаро алоқадор омиллар мажмуи ётади<sup>3</sup>. Агар ушбу омилларни шахс даражасида таҳлил этадиган бўлсак, ҳуқуқий нигилизм икки кўринишда намоён бўлишини кўрамиз: биринчидан, тафаккур, ҳистуйғу, кайфият ҳолати сифатида ва иккинчидан, хатти-ҳаракатлар тарзи, хулқ-атвор йўналиши сифатида.

Ҳуқуқий нигилизмнинг кейинги кўриниши — бу ижтимоий ҳодисанинг зарарли ва хавфли белгиси. Хатти-ҳаракатлар — ўйниятлар маҳсули. Шу сабабли, ҳуқуқий нигилизм мавжудлигининг ўзи ва унинг оқибатлари ҳақида айнан хатти-ҳаракатларга қараб хулоса чиқариш мумкин. У фаол ва лоқайд, барқарор ва ногаҳон (ўз-ўзидан юз берадиган), доимий ва муваққат бўлиши, оддий норозилик кўринишида намоён бўлиши ёки шахсий сабаблар билан белгиланган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий нигилизм субъектнинг салоҳиятига мос бўлмаган ижтимоий-ҳуқуқий мақомидан қониқмаслик натижаси сифатида ҳам юзага келади. Прокуратура-тергов ва суд амалиётидаги хатоликлар ва камчиликлар ҳуқуқий ва маънавий нигилизмнинг, ҳуқуқий онг салбий ўзгаришларининг жиддий сабаблари ҳисобланади. Н.И.Матузов бу борада миллатни пароканда қилишнинг иккита усули — айбсизларни жазолаш ва айбдорларни жазоламасликдан иборат усуллари мавжуд, деб фикр юритади<sup>4</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий нигилизм чуқур тарихий илдизларга эга. А.И.Герцен ушбу салбий ҳодисанинг Россияда намоён

<sup>1</sup> Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание / Общая теория права. Курс лекций. — Ниж. Новгород, 1993. — С.484

<sup>2</sup> Хўжаева С.О. Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий маданиятини оширайлик / Ўзбекистон юристларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган конференцияси материаллари. —Тошкент: «Адолат», 1996. —Б.92

<sup>3</sup> Қаранг: Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.М.Марченко. Т.2. —М., 1998. —С.410

<sup>4</sup> Ўша жойда. —С.410

бўлиш ҳолатларини таҳлил этар экан, жумладан, қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: «Европача ижтимоий шартнома — бу фуқаролар ва ҳокимиятнинг икки томон учун мажбурий бўлган асосий қонун тўғрисидаги битимидир, Россияга хос ижтимоий шартнома — бу уларнинг қонун бузилган тақдирда икки томон ҳам жазога тортилмаслиги ҳақидаги сукут сақлаган ҳолдаги келишувидир: рус кишиси, қайси табақага мансуб бўлмасин, қонунни қаерда жазосиз бузиш мумкин бўлса, ўша жойда четлаб ўтади ва бузади»<sup>1</sup>. У давлатнинг ҳуқуқ тизими ҳақида ҳам анча аниқ фикр баён қилган: «Халқ устида қадимдан хавф солиб турган ҳуқуққа асосланмаслик унинг учун ўзига хос сабоқ бўлган. Айрим қонунларнинг моҳият ва мазмуни адолат тамойилларига мос келмаслиги, ўз навбатида, фуқароларда бошқа қонунларга нисбатан ҳам ишончсизлик ва нафрат туйғусини юзага келтиради. Шундай бўлса-да, аҳоли ушбу қонунларнинг давлат кучи билан бажарилиши таъминланишини эътиборга олиб, уларга бўйсунушга мажбур бўлади. Ўз навбатида, суд олдидаги ўта тенгсизлик ундаги қонунийликка бўлган ҳар қандай ҳурматни сўндиради»<sup>2</sup>. Ушбу масалалар юзасидан таниқли рус тарихчиси В.О.Ключевский шундай деб ёзган эди: «Русь тарихида ҳуқуққа кам эътибор қаратишларига мен айбдор эмасман: мени бунга ҳеч қандай ҳуқуқни тан олмаган рус ҳаёти мажбур этди». П.И.Новгородцевнинг фикрича, халқнинг ҳуқуқий нигилизми адолатсиз хатти-ҳаракатларга ва адолатсиз қонунларга қарши қаратилган жавобдир. Н.А.Бердяев: «рус халқи сиёсатдан энг йироқ, ҳеч қачон ўз диёрини тартибга сола билмаган ва қонунларга итоат этмаган халқдир»<sup>3</sup>, деб эътироф этади.

Мамлакатимизда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср 20-йилларида миллий ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳамда аҳолининг кенг қатламларида ҳуқуқий нигилизм юзага келиши объектив шарт-шароит туғдирган вазиятда кечди. Бу чор маъмурияти қўллаган бошқарув усулларининг, кўп асрлик зулмининг, жазолашга қаратилган қонунчиликнинг, судловнинг номукаммаллиги, шахснинг ҳуқуқий ҳимоясизлиги натижасидир.

Собиқ тоталитар тузум даврида республикаимизда ҳуқуқий нигилизмнинг сақланиб қолишига муҳит яратувчи янги омиллар юзага келди. Булар — тарихимиз ва миллий қадриятларимизнинг хўрланиши, дин ва эътиқод эркинлигининг чекланиши, шахснинг мулкдан бегоналаштирилиши, халқнинг ҳокимиятдан ва сиёсатдан четлатилиши, қатағон ва қирғинбаротлар, «пахта ишлари», «ўзбеклар

<sup>1</sup> Герцен А.И. Собрание сочинений. В 8-ми тт. Т.7. —М., издание АН СССР, 1950. —С.301

<sup>2</sup> Ўша жойда. —С.301

<sup>3</sup> Бердяев Н. Судьба России. —М., 1990. —С.15

иши» компаниялари орқали халқимиз ғурури ва қадрининг таҳқирланиши, инсон ҳуқуқларини камситувчи бошқа кўплаб қилмишлардир. Ўз-ўзидан, халқнинг истак ва орзуларини оёқости қилувчи тузумнинг қонунлари ҳурматга сазовор бўлмаслиги табиий ҳолдир.

Аслида ҳуқуқий нигилизмдек қусурнинг пайдо бўлиш сабаблари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Юридик адабиётларда ҳуқуқий нигилизмдан ҳуқуқий идеализмгача бўлган қарашларнинг кенг доираси акс этган. «Қонун ғояси узоқ асрлар давомида юридик нормалардан кўра кўпроқ давлат бошлиғи, монарх шахси билан боғланган. Ижтимоий онгда ҳуқуқни фақат давлат ҳокимиятининг буйруғи сифатида тушуниш мустаҳкам қарор топган»<sup>1</sup>. Ҳуқуқни «бошлиқларнинг» кўрсатмалари сифатида тасаввур қилиш, яъни юқоридан, маъмурлардан чиққан нарса ҳуқуқдир, деб қараш қатъият билан халққа сингдириб борилган<sup>2</sup>. Ҳатто В.А.Кистяковскийдек ҳуқуқ фидойиси ва тарғиботчиси ҳуқуқ ҳимоясига багишланган машҳур мақоласида: «ҳуқуқ илмий ҳақиқат, руҳий баркамоллик, диний зиёратгоҳ каби маънавий қадриятлар билан бир қаторга қўйилиши мумкин эмас. Унинг аҳамияти нисбийдир»<sup>3</sup>, деб ёзган эди. Таъкидлаш жоизки, ушбу нуқтаи назар инсониятнинг умуммаданий меросида ҳуқуққа биринчи ва ҳатто иккинчи ўринни ҳам ажратмайди.

Агар жамиятда қонунлар эмас, балки алоҳида олинган шахслар иродаси амалда бўладиган бўлса, табиийки, жамиятда қонунга нисбатан назар-писанд қилмай муносабатда бўлиш шаклланади. Шу жиҳатдан олганда, А.Герценнинг Россияда яшаб қонунларни бузмаслик мумкин эмас, деган эътирофини келтириб ўтиш ўринлидир. М.Салтыков-Шедрин таъкидлаганидек, қонунларнинг шафқатсизлиги уларни лозим даражада бажарилмаслиги билан қоғланади. Ҳуқуқ ҳақида уни «маъмурларнинг қабих ёлғони», деган Л.Н.Толстойнинг ва ҳуқуқ асосида эмас, балки виждон асосида яшашга қақирган А.Солженициннинг ўта кескин фикрлари маълум.

Тоталитар совет тузуми даврида қонун ҳужжатларида, шу жумладан, конституциявий қонунларда эълон қилинган қоидалар билан мавжуд амалиёт ўртасида катта фарқ бўлиб, бу шубҳасиз, ҳуқуқий маданият, чинакам қонунийлик қарор топишига путур етказган. Ҳуқуқ кўпроқ давлатга хос бўлиши лозим

<sup>1</sup> Хойман С.Е. Взгляд на правовую культуру предреволюционной России // Государство и право. —М., 1991, №1. —С.121

<sup>2</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.М.Марченко. Т.2. —М., 1998. —С.406

<sup>3</sup> Кистяковский В.А. В защиту прав. Интеллигенция и правосознание / Вехи. Из глубины. —М., 1991. —С.122



бўлган зарурий хусусият сифатида идрок этилган ва қабул қилинган. Чунончи, 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган собиқ СССР Конституциясида ўша давр учун жуда демократик бўлган шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, хусусан, меҳнат қилиш, дам олиш, таълим олиш ҳуқуқлари мустақамлаб қўйилган, яширин овоз бериш орқали умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи эълон қилинган. Лекин ушбу демократик тамойиллар ижтимоий тартибга солишнинг «тўлиқ бўлмаган ва ҳатто заиф шакли бўлиб, аввалги эксплуататорлик даврларидан фақат вақтинчаликка ва фақат ачинарли зарурият учун ўзлаштирилган»<sup>1</sup>, деб ҳисобланган. Бу аслини олганда, ҳуқуққа унчалик муҳтож бўлмаган авторитар сиёсий тузумнинг ҳуқуқни эътироф этишга риёкорона уринишидан бошқа нарса эмас эди. Негаки, бу тузум асосан бшқарувнинг волонтаристик усулларидан фойдаланган. Бунда қонуннинг жазолаш имкониятларидан мумкин қадар кенгрок фойдаланишга зўр берилган. Маъмурий-буйруқбозлик тизими нафақат ҳуқуқий нигилизмга қарши курашмаган, балки ўзи истаб унга таянган<sup>2</sup>.

Сталинизм даврида ҳуқуқий нигилизм ҳам, ҳуқуқий тоталитаризм ҳам авж олган. «Зеро, репрессиялар ғилдираги юридик шаклларда айланган, «театрлаштирилган» процесслар ўзининг барча аломатларини қамраб олган ҳолда ўтказилган, шунга мос нормаларга, йўл-йўриқларга қатъий риоя этилган. Ҳуқуқдан «тўқмоқ» сифатида фойдаланилган бўлиб, унинг ёрдамида ҳужум қилиш ҳам, ҳимояланиш ҳам мумкин эди»<sup>3</sup>. Бу ҳуқуқ қонун кимнинг қўлида бўлишига қараб яхшилиқни ҳам, ёвузликни ҳам келтириб чиқарган. Шу ўринда, Иммануэль Кантнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: «ҳуқуқ зўравонликни чеклаш воситаси бўлиб ҳам, инсон эркинлигини поймол қилиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин»<sup>4</sup>.

Ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий маданияти яхши ривожланмаганлиги ҳам маъмурий-буйруқбозлик тизимига қўл келади. Зеро, унинг учун қонунга шунчаки итоат қилинса кифоя. Қонунга итоаткор хулқ-атвор кўпинча қўрқувга, мажбурловга, қонунни ҳурмат қилиш эса — қонунга, ҳуқуққа риоя этиш зарурлигини чуқур англашга асосланади. И.А.Ильин ёзганидек, «фақат шахсий ишонч-

<sup>1</sup> Соловьев Э.Ю. Правовой нигилизм и гуманитарный смысл права // Квинтэссенция. Философский альманах. —М., 1990. —С.164

<sup>2</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.М.Марченко. Т.2. — М., 1998. —С.407-408

<sup>3</sup> Ўша жойда. —С.408

<sup>4</sup> Кант И. Соч. Т. 4. Ч. 2. М., 1965. С. 140.

га кўра, шахсий фикрдан келиб чиққан ҳолда ҳалол, қонунга ито-аткор бўлиш мумкин. Бусиз ҳуқуқий онг ва ройишлик бўлмайди ҳамда фуқаро ҳуқуқ-тартиботда таянчга эмас, балки раҳнага айланади»<sup>1</sup>. Инсон «эркин қалб билан қонунга сажда этмоғи» муҳимдир. Шу боисдан адабиётларда «қонунга итоат қилиш» ва «қонунни ҳурмат қилиш» тушунчалари асосли равишда фарқланади<sup>2</sup>. Маъмурий-буйруқбозлик тизимида эса қонунга итоат этиш кифоя қилар эди. Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиши ҳамда фуқаролик жамиятининг институтлари ташкил топиши шароитида бунинг ўзи кифоя қилмайди. Фаол ҳуқуқий позицияга эга бўлган шахсни, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини кўрқув туфайли эмас, балки ҳуқуқ ижтимоий қадрият, жамият ва шахс учун неъмат эканлигини тушунган ҳолда бажарадиган шахсни шакллантириш зарур. Шу билан бирга, ҳуқуқий лоқайдлик ва ундан бегоналашув вазиятини ўзгартириш лозим. Аҳоли бундай вазиятда ҳуқуқни ижтимоий аҳамиятга молик институт сифатида қабул қилмайди ва шу тариқа ҳуқуқнинг обрўси тушиб кетади, унга қизиқиш ва ишонч йўқолади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда жамиятнинг ҳуқуқдан бегоналашуви рўй бермоқда. Бу ҳол кўплаб қонунлар, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган шароитда содир бўлмоқда. Бундай шароитда ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ фаолият фуқароларда фаол ҳуқуқий йўл-йўриқларни (нуқтаи назарни) шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Бунда фуқаролар қонунлар учун эмас, балки қонунлар улар учун яратилганини англаб етишлари муҳимдир. Шу боис, мазкур йўналишда аниқ мақсадни кўзлаб, аввало, бутун давлат тузилмалари қатъият ва изчиллик билан иш олиб боришлари керак.

Кузатувлар шундан далолат бермоқдаки, постсоциалистик жараёнлар кечаётган мамлакатларда ижтимоий нигилизм билан боғлиқ ҳолатлар кенг ривожланиб бормоқда. Ушбу ҳолатлар кўп нарсалар қайтадан баҳоланаётган, қайтадан мушоҳада қилинаётган, рад қилинаётган, қораланаётган, баъзан эса ёмон ниятда бадном қилинаётган пайтда, яъни ялпи негативизм тўлқинида юзага келмоқда. Бунда бир томондан, нигилизмнинг софловчилик вазифаси, иккинчи томондан эса — унинг салбий оқибатлари намоён бўлди. Албатта, бундай вазиятда омманинг юксак ҳуқуқий маданиятини таъминлаш унчалик осон эмас. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, кўпгина қадриятлар қайта тиклана-

<sup>1</sup> Ильин И.А. «Наши задачи»: Статьи 1948-1950 гг. Т.2. Кн.1. / И.А. Ильин ; (сост., вступ.ст. и коммент. Ю.Т.Лисицы). — М.: Русская книга, 1993. —С. 182.

<sup>2</sup> Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар) / Ўқув-услубий қўлланма. Қайта нашр. —Т.: ТДЮИ, 2007. —109 б.

ётган бир пайтда ижтимоий тартибга солиш тизими сифатида ҳуқуқ ҳам қайта мушоҳада этилиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий нигилизм ҳуқуққа ишонмасдан муносабатда бўлишда намоён бўлади. Бу унинг юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятларига тўла ишонмаслик даражасигача боради. Шуниси ҳам борки, бундай инкор этиш ҳам яққол акс этган, ҳам ниқобланган шаклларга эга бўлиши, ҳар бир алоҳида ҳолда хилма-хил мулоҳазалар: сиёсий вазллардан то ўз зиммасига жавобгарликни олишни истамасликкача, жазога тортилмай қолишга ишонишгача бўлган мулоҳазалар билан асосланиши мумкин.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби мажлисида сўзлаган нутқида раҳбар ходимларнинг масъулияти ва жавобгарлиги масаласига тўхталиб, шундай деганди: «Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, авваламбор, иккита нарсани талаб қилиш керак.

*Биринчи талаб* — ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг ҳаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

*Иккинчи масала* — ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни «компетентность» дейди. Яъни ўз соҳасида компетентли бўлиш — бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу икки талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий нигилизм қонунийликнинг сиёсий, мафкуравий ёки прагматик мақсадга мувофиқлик билан алмаштирилишида, давлат тузилмаларининг ҳуқуқий майдондан четда фаолият кўрсати-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан куриб бўлмайди / Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. —Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. —Б.229-230

шида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат — бу ҳуқуқ билан чегараланган ва ҳуқуқий доираларда фаолият кўрсатадиган давлатдир. Афсуски, амалиёт далолат берганидек, баъзан давлат органилари хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини етарлича қатъият билан бажармаётирлар. Бу шубҳасиз, омма онгида ҳуқуқий нигилизмнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Баъзан қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш учун маъмурий тузилмалар томонидан куч қўлланиши мумкин, деб исботлашга уринишлар мавжуд. Маълумки, қонунлаштирилган қонунсизликдан хавфлироқ ҳеч нарса йўқ. «Бу ўзига хос ҳуқуқий конформизм бўлиб, бунда ҳуқуқ ва қонунийлик ғоялари вазиятга мослаштирилади, бунда улар эзгулик учун эмас, балки унинг зарарига қўлланилади»<sup>1</sup>. Бундай фикрни И.А. Ильин жуда аниқ ифодалаб берган: «Ўзининг объектив вазифасига кўра, — деб ёзади у, — ҳуқуқ тартиб, тинчлик ва биродарлик воситасидир; амалга оширилишида эса у кўпинча ёлғон ва зўравонликни, нифоқ ва адоватни, исён ва урушни ниқоблайди»<sup>2</sup>.

Ушбу фикрнинг мантиқий давоми сифатида Р.Иерингнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз: «Ўтакетган қонунсизлик ҳуқуқ ниқоби остида ҳуқуқнинг ўзи устидан амалга оширилиши мумкин»<sup>3</sup>. Масалан, фашистик давлатларда қонунларга, қоида тариқасида, қаттиқ ва оғишмай риоя этилган. Лекин ушбу ҳолат бундай типдаги давлатларнинг демократиклиги ёки ҳуқуқий хусусиятидан далолат бермаган. Бунда «қонун диктатураси» шиоридан турли мақсадларда фойдаланилган.

Давлат ҳокимияти турли тузилмаларининг бир-бирига қарши туриши ҳуқуқий нигилизмнинг намоён бўлиши шаклларида бири ҳисобланади. Бу «номенклатурага хос», «элитар нигилизм», деб аталувчи нигилизм бўлиб, у ҳокимият фаолиятининг фалаж бўлиб қолишига олиб келади. Ҳокимиятнинг ҳар қандай фалажлиги ҳуқуқнинг, қонуннинг фалаж бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бунда давлат нигилизми ва ҳуқуқий нигилизм бирга қўшилиб кетади, айни вақтда ушбу ҳолат жамиятни бошқаришнинг таркиб топган маромини издан чиқаради. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақкамлаб қўйилган ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳали тўлақонли юзага чиққани йўқ, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизими эндигина шаклланимқда, унда кўпроқ эътибор ҳокимиятлар бўлинишига қара-

<sup>1</sup> Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.-Малько. 2-е изд. перераб. и доп. —М., 2001. —С.703

<sup>2</sup> Ильин И.А. О сущности правосознания // Ильин И.А. Собрание сочинений в десяти томах. Том 4. —М.: Русская книга, 1994. — С.225

<sup>3</sup> Иеринг Р. Борьба за право. — М.: Феникс, 1991. — С.60

тилгани ҳолда, уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши кераклиги ҳам эътироф этилмоқда.

Худди шу фикрнинг юридик тасдиғи сифатида 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан Конституцияга киритилган муҳим бир ўзгаришни эслаш кифоя<sup>1</sup>.

Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ва ҳамкорлигини таъминлайди». Шунга ҳамоҳанг қоида 93-модданинг 8-бандида ҳам мавжуд: «Ўзбекистон Республикаси Президенти: ...республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди»<sup>2</sup>.

Шу билан бирга, ҳокимиятлар тенг бўла олмаслигини, чунки улардан бири — қонун чиқарувчи ҳокимият — бошқасини — ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилишини қайд этиш жоиз. Бизнинг фикримизча, бу борада муайян тенгликни таъминлаш учун ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг мазмуни ва шаклларини белгиловчи қонунларни қабул қилиш лозим. Айни чоғда, ҳокимият ҳар қандай жамиятда яхлитдир ва бўлиниш фақат ана шу яхлитлик доирасида мавжуддир. Унинг умумий манбаи — халқ иродаси. Ҳокимиятлар бир-бирига қарши бўлиши ҳуқуқий нигилизмни озиқлантирувчи замин бўлиши мумкин. Шу сабабли конституциявий тузум барқарорлигини таъминлаш, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш учун Ўзбекистонда ҳокимият турли тармоқларининг ўзаро ҳамкорлигини таъмин этишнинг юридик механизмлари яратилди.

«Ҳокимият тармоқлари» ибораси муаммонинг моҳиятини етарлича аниқ тавсифлайди. Зеро, ҳокимият барча тармоқларининг тана ва илдизлари ягонадир. Ҳокимиятлар бўлиниши — бу меҳнатни бошқариш ва назорат қилиш мақсадида давлат механизмига нисбатан қўлланилган оддий, ишга алоқадор ҳолда бўлинишидир. Бу давлат фаолияти соҳасида вазифалар ва ваколатлар тақсимланиши, ўзига хос ихтисослашувдир, яъни улардан ҳар бири бошқасининг ваколатига дахл қилмасдан, лекин у яхлитнинг бир қисмигина

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007. №4. —161-модда

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Тошкент: «Ўзбекистон», 2008. —40 б.

эканлигини ёдда тутган ҳолда, Конституция доирасида ўз иши билан шуғулланиши керак.

Ҳуқуқий маданият ҳар бир фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга, уларни тўрачилик, бюрократия, манманлик, гайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, Республикамизда аҳоли ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган кенг ҳуқуқий-маърифий институтлар, бирлашмалар тизимлари юзага келди. Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, ҳуқуқий-тарғибот марказлари, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси, Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу давлат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича турли конференциялар, семинарлар, учрашувлар ва маслаҳатлашувлар ўтказмоқда, қонунлар тўпламларини чоп эттириш, чет эл мамлакатларининг тажрибалари билан фуқароларни таништириш каби ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, улар фуқаролар ўртасида ҳуқуқ институтларига бўлган муносабатларни кузата бориб, давлат ҳокимияти учун зарур тавсиялар, қонун лойиҳалари ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатмоқдалар. Бу ўринда Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ўтказган социологик тадқиқот натижаларига мурожаат қилишимиз мумкин.

Марказга турли ҳуқуқий муаммолар билан мурожаат қилганларни 8 та гуруҳга ажратдик. Мурожаат қилганлар ичида суд ишларида ёрдам беришни сўраганлар 37,7 %ни ташкил этади. Марказга келишдан олдин уларнинг 12,1 % республика прокуратурасига, 3,9 % вилоят прокуратурасига, 2,6 % шаҳар прокуратурасига, 10,4 % Олий судга, 3,1 % вилоят судига, 3,9 % шаҳар судига, 6,5 % туман судига, 5,2 % вилоят ҳокимлигига, 1,3 % шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилган. Бундан ташқари уларнинг 22,1 % Президент аппарати, 8 % Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га, 6,5 % Вазирлар Маҳкамасига, 5,2 % ИИВ органларига мурожаат қилган. Улар асосан прокуратура, суд ва ҳокимият органларининг гайриқонуний ҳаракатларидан норози эканликларини билдирганлар. Ушбу фуқароларнинг 4 % туман ички ишлар бўлимлари, 8 % Ички ишлар вазирлиги, 4 % эса Ҳукуматдан норозилиklarини билдирадilar.

Сўровноманинг кўрсатишича, фуқаролар, асосан, ҳуқуқ-тартибот ишлари учун масъул бўлган шахслар фаолиятдан норозидирлар. Масалан, респондентларнинг 11,7 % туман суди раиси, 9,1 % туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, 7,8 % Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, 6,5 % шаҳар прокурори, 6,5 % вилоят

прокурори, 6,5 % Олий суд раиси, 3,9 % туман ҳоқими, 3,9 % шаҳар судининг раиси, 3,9 % вилоят судининг раиси, 2,6 % туман ички ишлар бўлими ходимларига нисбатан ўз даъволари борлигини маълум қиладилар.

Респондентларнинг 38 % ушбу ходимларнинг бефарқлиги ва эътиборсизлигини; 13 % коррупция, порахўрлик, тамагирлик, 5,2 % касб-кори даражасининг етарли даражадаги савияда эмаслигини, 19,5 % Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бузилиши, 7,8 % бюрократизм каби иллатларни асосий сабаб қилиб кўрсатадилар. Мурожаат қилганларнинг 83,1 % ўз муаммосининг ижобий ҳал этилишига ишонади, 14,3 % эса ишонмайди<sup>1</sup>.

Кўришиб турибдики, респондентларнинг кўпчилиги (83,1 %) ўзини ҳақ деб билади, айнан улар (87 %) қонунлардан, Президент фармонларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан яхши хабардордирлар. Демак, қонунчиликдан яхши хабардор кишилар ўз ҳуқуқларини талаб қиладилар ва қайси идораларга мурожаат этиш йўлларини биладилар<sup>2</sup>.

Ҳуқуқий нигилизмнинг назарий шакли баъзи эски ва янги қоидалар (фаразлар)дан келиб чиқади. Улар давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги айрим қоидалар сохталаштирилиши ва моҳияти бузиб талқин қилиниши билан ҳам, давлат-ҳуқуқ воқеалиги ва унинг ривожланиши тўғрисидаги бир қатор нотўғри ёки мутлақо мафқуралаштирилган тасавурлар билан ҳам боғлиқ. Масалан, бу давлат ва ҳуқуқни бе-кор қилиш, ҳуқуқий тартибга солишни умум норматив ёки ахлоқий тартибга солиш билан алмаштириш, сиёсатнинг ҳуқуқдан, ҳокимиятнинг қонундан устунлиги, қаттиқ иқтисодий детерминизм, қарама-қарши гуруҳий ёндашув ва шу кабиларда кўринади. Ҳуқуқ ўтмишда мустақил тарихий, ижтимоий ва маданий қадрият сифатида эмас, балки сиёсий қарорларни расмийлаштириш воситаси, усули сифатида талқин қилинган. Бундай талқин қилиш жамоатчилик онгида ҳуқуққа нисбатан чинакам қадрият сифатида муносабатда бўлишни шакллантира олмаган. Аксинча, ҳуқуқнинг иккинчи даражадалиги ҳақидаги фикрга урғу берилган, қадимдан шаклланган ҳуқуқий қадриятлар эмас, балки иқтисодиёт, сиёсат, мафқура асосий, деб ҳисобланган<sup>3</sup>.

Лекин кейинги вақтда ҳуқуқий нигилизмни назарий-илмий даражада кучайтира оладиган янгиликлар ҳам пайдо бўлди («ўзганики» ва «ўзиники», «ёзиб қўйилган» ва «ёзиб қўйилмаган» ҳуқуқ;

<sup>1</sup> Қаранг: Мониторинг прав человека // Бюллетень Национального Центра Республики Узбекистан по правам человека. 1999. №2.

<sup>2</sup> Қаранг: Халқ ҳокимияти // Ш.О.Мамадалиев. —Тошкент, 2003. —Б.182-184

<sup>3</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.—Тошкент: «Адолат», 2007. —Б.708

ҳуқуқ ва қонунни қарама-қарши қўйиш, олий ҳуқуқий мақсадлар учун қонунни бузиш мумкинлиги; табиий ва ижобий ҳуқуқнинг, нормативизм ва социологизмнинг ҳаддан ташқари фарқланиши ва ҳоказо). Айрим назарий концепциялар муаллифлари жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида унинг чин демократик ва маънавий-гуманистик интилишларини ифодалашга даъват этилган ҳуқуқ унинг марказида туриши керак, деб таъкидламоқдалар. Лекин ушбу ўринда савол туғилади, яъни қонун ўша гоёлар ва қадриятларни мужассамлантира олмайдими? Қонунга нисбатан менсимай муносабатда бўлиш аслини олганда унинг салбий қиёфасини ва унга мос ҳуқуқий нигилизмни юзага келтиради<sup>1</sup>.

Одатдаги ва назарий ҳуқуқий нигилизмдан ташқари идоравий нигилизм ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосида умумдавлат, идоравий, маҳаллий манфаатлар ва эҳтиёжлар ўртасидаги тафовут ётади. Бундай номувофиқлик, кўпинча қонунга нисбатан ўзига хос идоравий муносабатни келтириб чиқаради, яъни оғизда ҳурмат, амалда эса нигилизм намоён бўлади. Идоравий нигилизмга хос хусусият инсон ҳуқуқларига ҳурматсизлик билан бир қаторда, ҳуқуқнинг олий манбаи сифатидаги қонунга ҳурматсизликдир. Бу қонунчиликнинг ўзида ҳам, қонунга бевосита эмас, балки идоравий тартибда мослаштирилгани, аниқлаштирилгани, изоҳланганидан кейин амал қиладиган умумий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қарашдан иборат йўл-йўриқда ҳам ифодасини топади.

Модомики, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий инфантилизм юридик кадрлар орасида ҳам намоён бўлар экан, уларнинг касбий онги ҳолати жиддий ижтимоий муаммога айланади ва ташвиш уйғотади. Бунда гап, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, судьялар, ички ишлар идоралари ва прокуратура ходимлари, терговчилар ҳақида бормоқда. Турли сабаблар туфайли, уларнинг ҳуқуқий қарашлари, кўникмалари, туйғулари, эътиқодлари салбий таъсирланади, бу юристларнинг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятига ҳам таъсир кўрсатади.

Шу боис, ҳуқуқий нигилизмнинг барча шаклларига шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари онгидаги нигилизм пайдо бўлишининг сабаблари ва илдизларига зарба бериш лозим. Мазкур вазифани муваффақиятли бажариш учун «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да белгиланган тадбирларни собитқадамлик билан бажариш талаб этилади. Маълумки, дастурда «Давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш», деб номланган алоҳида бўлим мавжуд. Унда ёзилишича: «Ҳуқуқни пи-

<sup>1</sup> Ўша асар.—С.709



санд қилмасликка барҳам бериш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олиш имкониятини амалда таъминлашни талаб қилади». Шунингдек, дастурда «талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлигининг оқибатидир», деб кўрсатилган<sup>1</sup>. Шу боис, «давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий билим асосларини, албатта, ўқитиш мақсадга мувофиқдир»<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда давлат идоралари ходимлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида қатор институтлар ва марказлар фаол иш олиб бормоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика юристлар малакасини ошириш Маркази, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Олий курслари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси қошидаги Ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш Олий академик курслари, Ўзбекистон Республикаси Божхона ва Солиқ академиялари шулар жумласидандир.

Ҳукумат томонидан раҳбар ходимлар ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга йўналтирилган тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майда қабул қилинган 235-сонли «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 январдаги «Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳадаги малакаларини ошириш чоралари ҳақида»-ги 3-Ф сонли фармойиши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мансабдор шахслар, давлат органлари ходимлари ва фуқаролар ҳуқуқий онгидаги ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш учун жамиятда ҳуқуқий онгни янгилаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий саводхонликни мунтазам ошириб бориш учун барча воситалардан комплекс тарзда фойдаланган ҳолда тизимли фаолият олиб бориш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №9. – 277-молда

<sup>2</sup> Ўша жойда.

### 3.3. Ҳуқуқий идеализм тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборилиши билан ажралиб турадиган ҳуқуқий онг ҳолатидир. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм битта илдиздан, яъни юридик билим-сизликдан, ривожланмаган ва бузилган ҳуқуқий онгдан, сиёсий-ҳуқуқий маданият етишмаслигидан озиқ олади. Мазкур ҳолатда ҳуқуқий онг деформациясининг юқоридаги шакллари бир-бирига нисбатан қарама-қарши йўналишга эгадек кўринса-да, пировард натижада улар бирлашади ва ҳуқуқий онгнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Россиялик олим Н.И.Матузовнинг таъбири билан айтганда, бизнинг олдимизда «битта медалнинг» икки томони намоён бўлади<sup>1</sup>. Гарчи ҳуқуқий идеализм ижтимоий воқеликда нисбатан камроқ намоён бўлса-да, ушбу ҳодиса давлат ва жамиятга худди ҳуқуқий нигилизм сингари зиён етказди. Ҳуқуқий нигилизмга қарши кураш олиб борилар экан, бунда бошқа томонга, яъни ҳуқуқий идеализм, волонтаризмга берилиб кетмаслик лозим. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва маънавий вазият кўп ҳолатларда ижтимоий амалиётда юзага келаётган муаммоларни қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида осонгина ҳал этиш мумкин, деган сохта тасаввурларни келтириб чиқаради.

Ўз ўрнида, жамиятни оқилона қонунлар ёрдамида жиддий ўзгартириш мумкинлиги тўғрисидаги ғоялар узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этиш жоиз. Хусусан, юнон файласуфи Афлотун оқсуяклар ва аслзодаларнинг яхши қонунлар амал қиладиган, давлат ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қиладиган ва қайғурадиган адолатли бошқарув сифатида идеал давлат моделини кўриб чиқишда айнан ушбу ишонч асосида фикр юритган<sup>2</sup>. Лекин ўтган тарих тажрибаси ижтимоий муносабатларни фақат қонунлар ёрдамида ўзгартириш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларнинг нотўғри эканлигини исботлаб берди. Хусусан, Ф.Энгельс 1874 йилдаёқ Ламартин манифестини танқид қилар экан, унда таклиф қилинган чоралар, масалан, умумий бепул таълим «йўқсилларнинг инқилобий куч-қувватини заифлаштириши мумкин холос; бу соф саховат ёхуд фавқулудда қонун билан қашшоқликни тугатиш, қонунчилик йўли билан ижтимоий офатларни бартараф этиш, халқ турму-

<sup>1</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М., 2001. – С.712

<sup>2</sup> История политических и правовых учений. Хрестоматия для юридических вузов и факультетов / Состав. и общая ред. Г.Г.Демиденко. – Харьков, 1999. – С.26

ши вазирлигини таъсис этиш ва бошқа шу сингари маъно-мазмундан маҳрум баландпарвоз жумлалардир»<sup>1</sup>, деб ёзган эди. Шу сабабли, ҳуқуққа ҳаддан ташқари умид боғламаслик керак, чунки унинг қудрати ҳамма нарсага ҳам етавермайди. Бинобарин, ҳуқуқнинг объектив имкониятларидан келиб чиқадиган ўрни ва вазифасини ажратиш зарур. Ҳаддан зиёд вазифалар ҳуқуқнинг обрўсини тўкиши мумкин, холос.

Нафақат оддий, балки касбий онг даражасида ҳам қонунлар қабул қилинса бас, ҳамма нарса маромида бўлади, ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасидаги барча қийинчилик ва муаммолар барҳам топади, деган фикр юради. Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллари мобайнида парламент томонидан қарийб 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинди, кўпгина ижтимоий муносабатлар концептуал жиҳатдан янги асосларда тартибга солинди. Аммо қонунчилик соҳасидаги ушбу ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги аҳволни буткул яхшилади, барча муаммоларни ҳал этди, дегани эмас. Шу сабабли, ҳуқуқий нормаларнинг «тезкор» яратилишидан умидвор бўлиш, у барча муаммоларни ҳал қилади, деб ўйлаш ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди.

Яхши қонун тегишли иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа шарт-шароитлар бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин. Ўз навбатида, «Қонунларнинг заифлиги яна ўша нигилизмни, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг чинакам аҳамиятига, уларнинг вазиятни ўзгартира олишига ишончсизликни келтириб чиқаради. Қонунлар ишламаса, демак уларга нисбатан муносабат ҳам жуда совуқ бўлади, уларнинг нуфузи ҳокимият нуфузи билан биргаликда пассив кетади»<sup>2</sup>. Ҳар қандай қонун муайян фактни (ҳолатни) расмий эътироф этишдир. Ҳуқуқ иқтисодий тузумдан ва жамиятнинг у билан боғлиқ равишдаги маданий тараққиётидан юқори бўлиши мумкин эмас. Ш.Монтескье ўз даврида шундай деб ёзган эди: «Қачонки мен бирон-бир мамлакатга жўнаб кетаётган бўлсам, у ернинг қонунлари яхши-ёмонлигини эмас, балки улар қандай амалга оширилаётганини аниқлайман, чунки яхши қонунлар ҳамма жойда бор»<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, кишилиқ тараққиёти исботга муҳтож бўлмаган ушбу ҳақиқатни бир неча бор исботлаган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий идеализм аҳолининг талай қисмида етилган муаммоларни ечишнинг қонунчилик йўлларига, анча кенгроқ миқёсда эса — парламент-конституциявий йўлларига, янги прогрессив институтларига ишончсизликни келтириб чиқаради.

<sup>1</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т.4. —С.346

<sup>2</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. —М., 2001. —С.713

<sup>3</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. —М., 1955. —С.318

Қайта қуришнинг, кейин эса ислохотлар даврининг ҳам баъзи шиорлари (ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражасини кескин юксалтириш, ичкиликбозликни тугатиш, демократияни аста-секин ва безарар кенгайтириш, ошкоралик ва ҳоказо) аввал бошдан оқ идеализм касалига дучор бўлган эди. Ушбу шиорларни қонунларда иложи борича тезроқ мужассамлаштириш, юридик жиҳатдан мустақкамлаб қўйиш, конституцияларда эълон қилиш истагида бўлинган эди. Амалда эса жамиятнинг бир ҳолатдан бошқасига жадал ўтиши юз бермади, қутилган натижага осонлик билан эришиб бўлмайди.

Идеалистик (ортиқча баҳо бериб юборилган), шошиб-пишиб тайёрланган қонун лойиҳаларининг оқибати, одатда, ачинарли бўлади. Оқибатда тесқари нигилизмга олиб келади ва унинг зарари ҳам асл нигилизмдан кам бўлмайди. Бунда узок вақт давомида бизда ҳуқуққа нисбатан соф прагматик ёндашув устунлик қилгани ва ҳуқуққа ижтимоий ислохотлар қуроли, воситаси сифатида қаралгани ҳам ҳуқуқий идеализмнинг кенг ёйилишига кўмаклашганлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Шу аснода келгусида ўзини оқламаган жуда катта умид боғланган. «Ислохотлар даврида қабул қилинган кўпгина қонунлар кам самарали бўлиб чиққанлигини ва қутилган натижани бермаганлигини, айримлари эса салбий натижа берганлигини жамият равшан англаган кейинги йилларда ҳуқуқий ишончсизлик, айниқса, кучайди»<sup>1</sup>.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Н.И.Матузов сиёсий ва ҳуқуқий идеализм инерцияси турли-туман «тарихий», «истикқболга дахлдор», «улуғвор» режалар, дастурлар, қарорларга ўзига хос сифиниш ҳукм сурган коммунистик даврдан давом этиб келаётганлигини асосли равишда қайд этади. Уша пайтларда бундай режалар ва қарорларнинг мўъжизавий кучига кўр-кўрона ишонч туйғуси синдириб борилган. Уларнинг барчаси, қоида тариқасида, қонунларга кўчирилган бўлиб, шу туфайли қонунлар партия қарорларига жуда ўхшаб кетган. Амалга ошмайдиган, бўрттириб юборилган дастурлар ва ваъдалар, ёрқин келажак ҳақидаги шиорлар «омма» билан олиб бориладиган ишнинг энг яхши усуллари эди. А.Герценнинг таъбири билан айтганда мафкура, фактологиядан устун қўйилган. Хомхаёлга берилиш пуч орзу-умидлар оламига етаклаган. Бироқ воқелик бу умидларни тезда пучга чиқарар ва аччиқ ҳақиқат дунёсига қайтариб қўяр эди. Жозибали мақсадлар тобора амалга ошмайдиган бўлиб қолаверар, «ёрқин истикқбол» йироқлашиб бораверар эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. —М., 2001. —С.714

<sup>2</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. —М., 2001. —С.714

Таассуфки, бундай муносабат Ўзбекистон давлат-ҳуқуқий ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳам тўла барҳам топганича йўқ. Бу баъзан пухта ўйланмаган қонунчилик ечимлари қабул қилинишида, популизмда, сайёз концепциялар қабул қилинишида, сунъий оптимизмда намоён бўлмоқда. Амалга оширилиши учун моддий-молиявий маблағлар, тегишли шароитлар йўқлиги сабабли бажарилмаслиги олдиндан маълум бўлиб турган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш амалиёти бартараф этилгани йўқ. Зеро, ҳар қандай қонун, фармон, қарор муайян муҳитда амал қилади ва агар қонунчиликда «вақтдан илгарилаб» кетиш юз берса, бундан ҳеч бир яхшилик чиқмайди. Шунга кўра, наинки яхши қонунни ишлаб чиқиш, балки уни рўёбга чиқаришнинг амалий имкониятларини ҳисобга олиш, унинг амал қилиши билан боғлиқ ижобий ва салбий оқибатларни олдиндан башорат қилиш муҳимдир.

Жиноятчиликка қарши кураш собиқ советлар ҳудудида жуда жиддий муаммо ҳисобланган. Лекин коррупция ва жиноятчиликка қарши курашга доир норматив ҳужжатлар аллақачон хомхаёллик деб баҳоланган. Улар мазкур соҳада нафақат олға силжишга олиб келди, аксинча аҳволни мураккаблаштирди, қонун ва ҳокимиятга бўлган ишончга путур етказди, бамисоли «дуд парда» бўлиб хизмат қилди. Газеталарда «Жиноятчилар жазодан қочиб қутила олмайди», «Жиноятчиликка қарши кураш, айниқса, қоғозда яхши кўринади» сингари истехзоли иборалар ва сарлавҳалар кўриниб қолади. Жиноятчилик ва коррупция авж олгани хусусида вақти-вақти билан аҳолига дарғазаблик намоёиш этилади, «шафқатсиз кураш», «жанг», «ёппасига ҳужум» ва ҳоказо эълон қилинади, бироқ чинакам сиёсий ирода, афтидан, намоён этилмайди, энг муҳими — бундай чора-тадбирлар учун моддий асос йўқ.<sup>1</sup>

Масалан, Россия Федерациясида 1999 йил январь ойида уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни кучайтириш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинган, 2001 йилгача бўлган давр учун тегишли дастур тасдиқланган. Уни амалга ошириш учун 3 млрд. сўм талаб қилинар эди, лекин бу маблағ манбаи кўрсатилмаган. Шу боисдан «жиноят қонунининг тиғи давлат аппаратининг коррупция дардига мубтало бўлган тўқималарини кесиб ташлашга ҳозирча улгурмаяпти»<sup>2</sup>.

Матбуотда тобора кўпроқ, бизда пастда — ҳуқуқий нигилизм, юқорида эса — ҳуқуқий фетишизм мавжудлиги ҳақида фикрлар

<sup>1</sup> Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. —М., 2001. — С.715

<sup>2</sup> «Парламентская газета». —М., —18 марта 1999 года

билдирилмоқда. Кўпинча орзу қилинган ҳолат ҳақиқатда мавжуд ҳолат деб қабул қилинади. Бу амалга ошган ҳолатдан кўра кўзда тутилган мақсад, истиқболдир. Ҳуқуқий давлатни «юқоридан», буйруқ бериб ўрнатиб бўлмайди. У аста-секин фуқаролик жамиятининг узоқ давом этадиган ва машаққатли ривожланиш жараёнида вужудга келтирилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаётнинг турли хил соҳалари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар йўлининг ўзи кўпгина тасаввурларни — яхши турмушга, адолатга, юксак маънавий мақсадларга, инсонпарварликка, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига, жамиятнинг барқарор ривожланишига бўлган ишончи ва умидини синовдан ўтказмоқда. Бундай шароитда ҳокимиятнинг халқдан, халқнинг эса ҳокимиятдан узоқлашувига йўл қўймаслик лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий идеализм худди ҳуқуқий нигилизм каби қуйидаги бир қатор шаклларда намоён бўлади:

*Биринчидан*, қонунчиликнинг олдин кетиши, яъни жамият ҳаётида ҳали юзага келмаган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ нормаларининг яратилиши. Жамият ҳаётида мавжуд бўлган объектив ва субъектив шарт-шароитларни эътиборга олмаган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларни олдиндан нотўғри қўллашга ёки умуман уларга амал қилмасликка олиб келади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқий идеализмнинг кейинги шакли юридик нормаларни амалга ошириш учун зарур бўлган реал механизмларнинг йўқлиги натижасида юзага келади. Агар қонуншунос ўзи қабул қилаётган қонуннинг ижросини таъминлаши лозим бўлган давлат органини аниқ белгилаб қўймаса ҳамда ушбу орган қонун нормаларининг ижросини таъминлаш механизмлари назарда тутилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмаса, ушбу қонун қоғозда қолиб кетади.

*Учинчидан*, юридик нормаларни қабул қилишда жамиятда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларни эътиборга олмаслик оқибатида ҳам ҳуқуқий идеализм ҳолатлари юзага келиши мумкин. Қонуншунос тегишли ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш жараёнида бу борадаги жаҳон амалиётини атрофлича таҳлил этиши, илмий жамоатчиликнинг мазкур масалалар бўйича илгари сураётган таклиф ва тавсияларни эътиборга олиши ҳамда юридик техниканинг барча талаб ва мезонларига амал қилиши лозим бўлади.

Демократия жамиятни тоталитар асоратдан холос қилгани ҳолда унинг олға қараб боришини таъминлаши зарур. Ҳуқуқий тартибга

солишга жуда муҳтож бўлган ижтимоий ҳаётнинг кўпгина энг муҳим соҳалари ҳанузгача бундай тартибга солиш доирасидан четда қолаётган бир вақтда талай қонунлар қабул қилинмоғи лозим.

Хавфли жиҳати шундаки, ҳатто яхши ва зарур қонунлар, бир ҳолда, уларни амалга оширишнинг зарур механизмлари йўқлиги учун, бошқа ҳолларда эса улар амал қиладиган ва ўз вазифасини бажарадиган муҳит норасолиги сабабли (бу асосий сабаб) ишламайди.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: «биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қиладиган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу ўзини нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта. Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўляпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди»<sup>1</sup>.

Бундай ҳолатларда давлат ҳокимиятининг энг муҳим вазифаси — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, тартиб-интизом, барқарорлик ва қонунийликни таъминлашдан иборат. Юқоридан туширилган кўрсатмалар кўп ҳолларда уларни бажариши керак бўлганлар томонидан сидқидилдан қабул қилинмаяпти. Бундай шароитда қонунлар ўзича, реал ҳаёт эса ўзича мавжуд бўлади. Бу ҳам, Н.И.Матузов тўғри қайд этганидек, идеализмдир. Негаки қонун чиқарувчилар ўзларининг юксак мақсадлари, ғоялари, режаларидан келиб чиққан ҳолда, қонунларни яратишга интилоқдалар. Шунингдек, қонунларнинг ижроси устидан назоратни ҳам йўлга қўймоқдалар. Аммо баъзан муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижрочиларига ўз вақтида етиб бормай қолади. Бу эса ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъсири ва самарасини камайтиради.

Фақат янги қонунларни қабул қилиш йўли билан ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга интилиш, одатда тўла самара бермайди. Бундай мисоллар оз эмас ва улардан сабоқ чиқариб олиш керак бўлади. Акс ҳолда қонунларнинг нуфузи тушиб кетади. Улар беҳуда ишлай бошлайди, муаммолар гўёки ҳал этилаётгандек тую-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. —Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. —Б.98

лавереди, аммо натижа кўринмайди.

Шу боисдан ҳам биз Россиялик олим П.П.Барановнинг қуйидаги фикрларига тўла қўшилаемиз. Ҳуқуқни мутлақлаштириш, уни мўъжизакор хусусиятга эга деб ҳисоблаш мантиқсизликдир. Унга сигиниш — бу хомхаёллик денгизига фарқ бўлиш демак. Қонунлар ва фармонлар кўплаб қабул қилинавериши, айнан улардан нажот излаш шундан келиб чиқади. Лекин қадим замонлардаёқ мутафаккирлар энг кучсизлашган давлатда қонунлар кўп бўлишини айтиб ўтганлар. Бугунги кунда барчага аён бўлмоқдаки, юзлаб ва ҳатто минглаб қонунлар, агар улар бошқа чора-тадбирлар билан мустақкамланмаса, аҳволни ўзгартира олмайди. Буларнинг барчасини давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти тузилмалари, халқ тобора кўпроқ англаб етмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш мустақкам ҳуқуқий негизни тақозо этади. Ўзбекистоннинг икки палатали янги парламенти Конституцияга мувофиқ давр ва ислохотлар талабларига жавоб берувчи қонунлар мажмуини қабул қилиши лозим. Бунда халқ вакиллари қонунларнинг амалдаги имкониятлари ва уларнинг чегаралари, бу қонунларни амалга татбиқ этиш йўллари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари муҳим. Акс ҳолда, жамият яна умидлар оғушига қайтиши ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бир-бирини озиқлантирувчи ҳуқуқий нигилизмга ҳам, ҳуқуқий идеализмга ҳам барҳам бериш муҳим ва зарурдир. Зеро, ҳуқуқий нигилизм ҳам, ҳуқуқий идеализм ҳам ҳуқуқий маданиятсизликнинг умумий нохуш кўринишидир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам: 1) қонунлар назар-писанд қилинмайди, очиқ-ойдин бузилади, ижро этилмайди, қадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди; 2) аксинча қонунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўъжизакор кучга эга бўлган ҳужжат сифатида қаралади. Демак, уларни баргараф этмасдан туриб ҳуқуқий давлат ғоясини рўёбга чиқариш мумкин эмас.

<sup>1</sup> Баранов П.П. Деформация правосознания граждан / Общая теория права. Под общ. Ред. В.К.Бабаева. —М., 1999. —С.483

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8 —Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. —Б.344



Айни чоғда шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатнинг тараққиёти аҳолининг ҳуқуқий маданияти ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Зеро, давлат ва ҳуқуқ жамиятда пайдо бўлган икки ўзаро боғлиқ тушунча ҳисобланади. Жамиятга хизмат қилиш эса ижтимоий мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий-маданий тизим ривожланишининг барқарорлигига эришиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш, шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби фаол саъй-ҳаракатларда ўзининг ифодасини топади. Бундай демократиясиз, фуқаролик жамиятисиз ҳуқуқий давлат амал қилиши мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқади. Чунки фуқаролик жамияти давлатда ялпи фаровонликка эришиш вазифасини бажаради. З.М.Исломовнинг фикрича, давлатни бундай тушуниш кенг маънодаги онгнинг моҳиятини ташкил қилади<sup>1</sup>.

Демак, бир томондан жамият эҳтиёжига мос пухта, сифатли қонунларни яратиш фаолиятини такомиллаштириб бориш, иккинчи томондан эса жамият ривожининг ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий-маънавий жиҳатларини ҳам юксалтириш орқали қонунларнинг ишлаши учун муътадил моддий ва молиявий асосларни яратиш бериш лозим. Қонунчилик жараёнлари билан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнлари ўзаро мутаносиб ривожланиб боришига эришиш ҳамиша муҳимдир.

### **3.4. Жиноятчилик — ҳуқуқий онг деформациясининг салбий оқибати**

Ҳуқуқий онгнинг амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий нормаларга зид даражада бузилиши фуқаролар ҳуқуқий онги салбий ўзгаришининг энг хавfli шаклидир. Кўпгина хусусиятларига кўра бундай салбий ўзгариш ҳуқуқий нигилизмга ўхшаш бўлади, негаки ҳар икки ҳолатда ҳам ҳуқуқий асос онгли равишда инкор қилинади. Бу борада ҳуқуқшунос олим И.Исмоиловнинг фикрича, кескин бузилган онг ижтимоий хавфлилик даражаси билангина эмас, балки келиб чиқиш сабаблари билан ҳам ажралиб туради, чунки у таъмагирлик, шафқатсизлик, очкўзлик замирида қонунни онгли равишда инкор қилишга асосланади<sup>2</sup>. Зеро, «индивидлар томонидан турли жиноятлар содир этилиши улар ҳуқуқий онги айнишининг асосий шакли ҳисобланади»<sup>3</sup>. Бунда инсон ва фуқаронинг

<sup>1</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. —Тошкент: «Адолат», 2007. —Б.563

<sup>2</sup> Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. —Тошкент, 2005. —Б.10-11

<sup>3</sup> Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание / Общая теория права. Курс лекций. —Ниж. Новгород, 1993. —С.483

ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам бузилишини эътироф этиш керак бўлади.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчилик ҳуқуқий нигилизмнинг кучайишига кўмаклашади. Кейинги йилларда жиноятчиликнинг зўравонлик билан амалга ошириладиган шакллари кўпроқ учраётгани ҳолда ҳуқуқий деформациянинг ушбу шакли уюшган хусусият касб этиб бормоқда. Уз навбатида, жиноятчилик ҳуқуқий нигилизмнинг кучли катализатори эканлигини қайд этиш жоиз. Бинобарин, ушбу салбий ҳолат янги таъсир кўрсатиш доираларини қамраб олган ҳолда тобора кенгайиб бормоқда. Айрим пост-социалистик давлатларда хуфия иқтисоддан ташқари хуфия сиёсат, хуфия жамоалар ва тазйиқ ўтказадиган гуруҳлар юзага келди. Ушбу гуруҳлар россиялик олим Н.С.Соколованинг фикрича, қонунлардан қўрқмайдилар, турли хилдаги ҳуқуқий «кемтик жойлар» ва «бўшлиқлардан» фойдаланиб, қонунларни усталик билан четлаб ўтадилар, ошкора ёки ярим ошкора ҳаракат қиладилар<sup>1</sup>.

Шу жиҳатдан олганда, тадқиқотнинг ушбу қисмида ҳуқуқий онг деформациясининг жиноятчилик кўринишида намоён бўлишининг барча жиҳатларини очиб беришни мақсад қилиб олмаган ҳолда кўпроқ ҳозирги кунда учрайдиган шаклларида бири уюшган жиноятчилик билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг ўсиб бораётганлиги – ҳозирги замоннинг энг жиддий муаммоларидан биридир. Бундай нохуш ҳодисалар мамлакатимиз ҳаётига, ижтимоий муносабатларнинг барча жиҳатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга бевосита хавф туғдирмоқда, беқарор вазият юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Уюшган жиноятчилик ва коррупция ҳуқуқий маданият шаклланишига энг катта зиён етказувчи омилдир. Бизнинг фикримизча, уюшган жиноятчилик пайдо бўлишининг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: хуфия иқтисоднинг авж олиши, жамиятнинг салбий ўзгариши, унинг иллатлари, ҳуқуқий чегарасизлик, қонунга риоя қилмаслик, ҳуқуқий нигилизм, ахлоқий жиҳатдан айнишлар, тўрачилик, жамиятнинг юқори даражада индустриал ривожланганлиги ва бошқалар. Россия Федерацияси воқелиги асосида фикр юритган В.Соловьёвнинг таъкидлашича, жиноятчиликнинг мазкур турларига қуйидаги аломатлар хосдир:

<sup>1</sup> Соколова Н. С. Правосознание, правовая культура и правовое воспитание / Проблемы общей теории права государства. Учебник для вузов / Под общей ред. В.С. Нерсесянца. –М, 1999. –С.404

1) жинойй фаолиятнинг доимий, барқарор, режалаштирилган хусусиятга эгаллиги ҳамда ягона мақсадлар ва ҳаракатлар дастурининг мавжудлиги;

2) ташкилий-бошқарув тузилмалари, бошқариш иерархияси, гуруҳ хулқ-атворининг (жиноятчилар ўзига хос «ахлоқининг») ягона нормалари мавжудлиги;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳақида ахборот олишнинг махсус услублари қўлланилиши, уларнинг бир қатор аъзоларини, шунингдек давлат ва ҳўжалик органларининг маъсул ходимларини моддий манфаатдорлик асосида ўз томонига оғдириб олиш ва уюшган жинойй гуруҳларга жалб этиш, айрим ҳолларда «рақобатчиларни» ва гуруҳ аъзолари учун хавfli бўлиши эҳтимол тутилган шахсларни бартараф этиш учун ноқонуний йўллардан фойдаланишни ўз ичига олган махсус назорат тизимининг яратилганлиги;

4) жинойй фаолиятнинг турли соҳаларига (аввало хуфия иқтисодга) сарфланадиган, шу жумладан умумжинойй ва ҳўжаликка оид ғаразли жиноятчиликнинг қўшилиб кетиши ҳисобига тўлдириб бориладиган марказлаштирилган пул жамғармаларининг мавжудлиги;

5) фаолият соҳасининг доимий кенгайиб боришга мойиллиги (мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида иш кўраётган уюшган жинойй гуруҳлар бирлашуви), товарлар ва хизматларнинг «чайқов бозори» устидан назорат ўрнатилганлиги ва бошқалар<sup>1</sup>.

Уюшган жиноятчилик ўз фаолиятини қаттиқ сир тутати, жуда катта пул маблағларига, давлат аппаратида, жамоат тузилмаларида тармоқланган алоқалар тизимига эга бўлади ҳамда фаолиятининг кенг миқёсдалиги билан ажралиб туради. У демократик ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклланишига катта зарар етказди, фуқароларнинг тенглиги принципини жиддий равишда бузади, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиб яшашга (иккиюзламачиликка) мажбур этади.

Бизнингча, объектив ижтимоий ҳодиса сифатида уюшган жиноятчиликка қуйидаги асосий хусусиятлар хосдир:

1) яққол намоён бўлган ташкилий-бошқарув тузилмалари, гуруҳларнинг ўзи қатъий поғонама-поғоналиги, гуруҳ аъзолари учун бир хил хулқ-атвор ва жавобгарлик нормалари, жазолаш ва тақдирлаш тизими мавжудлиги, уларнинг амалда қўлланилиши;

2) жинойй фаолиятнинг, айниқса, талон-тарож қилишлар, мансабдор шахсларни пора бериб ўзига оғдириб олишнинг дои-

<sup>1</sup> Соловьев В.Ю. Правовой нигилизм и гуманитарный смысл права / Квинтэссенция. Философский альманах. — М., 1990. — С.8-10

мий, режалаштирилган, яшириш тусга эгалиги; умумий мақсадлар борлиги, энг кам таваккал қилган ҳолда энг кўп даромад орттиришга интилиш;

3) айғоқчиликдан фойдаланган ҳолда ижтимоий назоратнинг барча шакллари режали асосда таъсири ўтмайдиган қилиб қўйиш тизими мавжудлиги; жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи органларнинг режалари аниқланиши, қарши ҳаракат чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органларнинг ходимларини пора бериб ўзига оғдириб олиш, давлат аппаратига суқилиб кириш);

4) жиний фаолиятнинг турли соҳаларига сарфланадиган катта пул маблағлари мавжудлиги – талон-тарож қилиш, нафи тегадиган амалдорларга пора бериш, уюшган тўда аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш миқёсини кенгайтириш имкониятини беради; жиноятчиларнинг хизматларига ҳақ тўлаш умумжиний ва ғаразли-хўжалик жиноятчилиги қўшилиб кетишига олиб келади;

5) фаолият соҳасининг кенгайтирилиши: халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги уюшган жиний гуруҳларнинг бирлашуви; гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаш ва сотиш, порнобизнес ташкил этилиши;

6) уюшган жиноятчилик раҳнамолари томонидан жамият манфаатларига зид мафқуранинг кенг тарқатилиши, шу жумладан, озодликдан маҳрум этиш жойларида тарқатилиши; уюшган жиний тўданинг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларига тушиб қолган аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш ташкил этилиши, амалга оширилиши ва бошқалар.

Шу ўринда, уюшган жиноятчиликнинг юқорида қайд этиб ўтилган тавсифловчи аломатларига қўшимча сифатида В.Ю.Соловьев томонидан келтирилган қуйидаги жиҳатларни ҳам келтириш мумкин:

1) жиний ва бошқа ғайри ижтимоий фаолият соҳалари монополаштирилиши;

2) иқтисодиётда тақчиллик келиб чиқишига олиб борадиган шароит вужудга келтирилиши ва сақлаб турилиши;

3) жиний йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириб олиш учун қонуний йўллардан фойдаланилиши;

4) жамиятнинг кучлари иккинчи даражали (уюшган жиноятчиликка нисбатан) муаммоларни ҳал этишга чалғитилиши<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кейинги йилларда содир

<sup>1</sup> Соловьев В.Ю. Правовой нигилизм и гуманитарный смысл права / Квинтэссенция. Философский альманах. –М., 1990. –С.31

этилаётган жиноятларнинг умумий ҳажмида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг сони анча миқдорни ташкил этмоқда. Айниқса, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг ўсаётганлиги ташвишлидир. Уюшган жиноий гуруҳлар қонуний тижорат тузилмалари ичига кириб бормоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва божхона органларининг таъмагир ходимларини ўз фаолиятига жалб этмоқда, ўнлаб ҳўжалик объектларини назорат қилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг муайян даражада криминаллашуви ҳодисасининг ҳам юзага келаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Кўпгина корхоналар ташқи иқтисодий операциялар бўйича қарздордирлар. Бу сохта фирмалар ва чет эл фирмалари ўртасидаги ўзаро ғайриқонуний ҳисоб-китоблар оқибатидир. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари молия ва банк соҳасида қонунийликнинг жиддий бузилишларига йўл қўймоқдалар, сохта фирмалар ташкил этилиб, қонунга хилоф даромадлар улар орқали қонунийлаштириб (легаллаштирилиб) олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу ноҳуш иллатларнинг асосий сабабларидан бири ҳақида гапириб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради»<sup>1</sup>.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос олим И.Исмоиловнинг ушбу мавзуга оид қуйидаги тадқиқот натижаларини келтириб ўтиш жоиз бўлади: «Уюшган жиноий тузилмалар таркибида жиноят содир этган шахсларнинг манфаати, эҳтиёжини аниқлаб, қуйидаги сабабларнинг устунлигини эътироф этиш мумкин: ўзи ва оиласининг эртанги кунини моддий таъминлашга интилиш истаги – 38,3 %; дабдабали, ҳеч бир нарсадан чекланмаган ҳолда яшашга интилиш истаги – 36 %; теварак-атрофдагилар орасида ҳурмат-эътибор қозониш, уларга ўзининг кучлилигини, бойлигини, кўрқмаслигини кўрсатишга интилиш истаги – 18 %; ҳаётда ва хизматда ўзини кўрсатиш, синаб кўришга интилиш истаги – 14,8 %; аҳмоқлик, бекорчилик ва ўз хоҳиш-истагини аниқ билмаслик – 17,2 %; бошқаларнинг мажбур қилиши – 3,1 %; жамиятдаги адолатсизликлар-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Тошкент, 1998. –Б.91-92

га ўз норозилигини билдириш — 13,3 %»<sup>1</sup>.

Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг доимо диққат марказида турибди. Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи қўмита ана шу ҳодисага қарши курашнинг етилган масалаларини мунтазам таҳлил этиб боради, вазирликлар ва идоралар олдига вазифалар қўяди. Шу билан бирга, ушбу соҳадаги муаммолар ҳалигача тўла ўз ечимини топганича йўқ.

Уюшган жиноятчилик — бу жиноятчиликнинг янги сифати (тарзи) ва жиддий жиноий оқибатларга эга бўлган алоҳида ижтимоий хавфли ҳодисадир. Бу қонунга хилоф равишда фойда орттириш мақсадида таркиб топган ижтимоий алоқалар ва муносабатлар тизимидир. Уюшган жиноятчилик — аввало, иқтисодий, аниқроғи, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса. Бу ғаразли мақсадларда биргаликда жиноий фаолият олиб бориш ва муайян ижтимоий муҳитда ёки муайян ҳудудда ҳокимият устидан назорат қилишга эришиш учун уюшган шахсларнинг барқарор бирлашмасидир. Уюшган жиноятчилик мавжуд бўлишининг ўзи мамлакатнинг миллий хавфсизлигига жиддий хавф туғдиради. Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашга бағишланган халқаро ва республика конференцияларида ана шу нарсага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда, коррупцияга қарши кураш юзасидан қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ҳокимиятнинг барча поғоналарида коррупцияга қарши курашни кучайтириш, бунда барчанинг қонун олдида тенглиги конституциявий принципига қатъий амал қилиш;

иккинчидан, давлат органлари томонидан иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли қарорларнинг ошқора ва очиқ-ойдин қабул қилинишини таъминлаш;

учинчидан, коррупцияга қарши курашда унга қарши курашувчи тузилмаларнинг, бутун жамиятнинг кучларини бирлаштириш зарур.

Бозор иқтисодиёти, эркин савдо ва демократия шароитида коррупция оддий порахўрликдан, яъни пул бериб ўзига оғдиришдангина иборат бўлиб қолмаслигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Коррупцияга асосланган лоббизм, протекционизм (ошна-оғайнигарчилик), сиёсий мақсадларга, сайловларни ўтказишга бадаллар тўла ниши, махфий ахборот тақдим этилиши, давлат амалдорлари-

<sup>1</sup> Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. —Тошкент, 2005. —Б.85

нинг катта-катта акциядорлик кампаниялари, корпорациялар ва хусусий фирмаларнинг норасмий раҳбарлари ёки акционерлари сифатида фаолият юритиши анъана тусини олиши, бюджет ҳисобидан тижорат тузилмалари инвестицияланиши, давлат мол-мулкнинг акциядорлик жамиятларига ўтказилиши, болаларнинг ҳомийлар ҳисобидан чет элда ўқитилиши ва бошқа шу сингарилар коррупциянинг энг кенг тарқалган хавфли ниқобланган шакллари ҳисобланади.

Ҳуқуқий нигилизм ҳамда ҳуқуқий онгнинг жиноятчиликда намоеън бўладиган салбий ўзгариши ҳодисасига қарши кураш — бу Ўзбекистоннинг ҳозирги давлат-ҳуқуқий тараққиётининг ҳамда фуқароларнинг, давлат тузилмалари ходимларининг ҳуқуқий маданияти масалалари билан бевосита боғлиқ энг муҳим вазифадир.

Қайд этиш жоизки, жамият ҳаётида жиддий иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларнинг келиб чиқиши тегишли қонунчилик негизи ҳамда инфратузилманинг мукамал эмаслиги билан ҳам изоҳланади. Аксарият ҳолларда бозор муносабатларининг вужудга келиши чуқур таназзул жараёнлари, «хуфия иқтисодиёт» унсура-рининг юзага келиши асносида кечади. Бунда гап иқтисодиётнинг хуфиялаштирилиши, коррупция ва иқтисодий жиноятчиликнинг юқори даражада бўлиши, банкдан ташқари пул айланиши ҳажмларининг кўпайиши, хўжалик алоқалари бартерлаштирилиши ҳамда бошқа салбий ҳодисалар ҳақида бормоқда.

Тараққий топган хорижий давлатлар амалиётини таҳлил этиш шундан дарак берадики, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурларни қабул қилиш ва уни ижтимоий ҳаётда самарали татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги фаолиятнинг мақсади аниқ белгиланган устувор йўналишлар, давлат ва жамиятнинг куч-ғайратини доимо сафарбар этиб бориш, жиноятларни фош этиш усуларини такомиллаштириш асосида жиноятчиликка фаол қарши туришни таъминлашдан ва унинг ўсиш суръатларини пасайтиришдан иборат бўлиши лозим. Фикримизча, қуйидаги чора-тадбирлар юқоридаги вазифаларни ҳал этишда муайян даражада аҳамият касб этиши мумкин:

- жиноятчиликка қарши жамоатчиликнинг муросасизлиги муҳитини вужудга келтириш;
- жиноятга имконият туғдирадиган омилларнинг таъсирини камайтириш;
- криминал (жиноий) тузилмаларнинг давлат ҳокимияти органлари билан қўшилиб кетишига, жиноятчиликнинг уюшган ва бош-

қа энг хавфли шакллари янада кенгайиб кетишига ҳамда бирлашиб олишига тўсқинлик қилиш, қарши курашиш;

– коррупцияни тугатиш мақсадида, унга нисбатан мурасасиз кураш олиб бориш, унинг иқтисодий муносабатларга тазйиқини камайтириш;

– жиноий зўравонлик кучайишига қарши ишончли механизмларни вужудга келтириш;

– қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланishiга чек қўйиш.

Албатта, бунда юқоридаги йўналишлар бўйича тегишли вазифаларни ўз ичига қамраб олган дастур моддий ва ташкилий жиҳатдан таъминланиши ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этилишини самарали кафолатлайдиган мукамал механизмларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданиятнинг билим олиш-маърифий, коммуникатив, қадриятлилиқ-нормативлик ва тартибга солиш билан боғлиқ имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозим.

Жиноятчилик устидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш ўта муҳим вазифа бўлиб, бу иқтисодиётни, ижтимоий муносабатларни соғломлаштириш учун зарурдир. Бунда гап, аввало, энг оддий тартибни ўрнатиш ҳақида бормоқда.

Бинобарин, жиноятчиликка қарши қаратилган аниқ мақсадли кураш – бу ижтимоий ривожланишнинг туб муаммоларидан биридир. Бунда гап жиноятчиликнинг иқтисодий зарари ҳақидагина бораётгани йўқ. У етказадиган зарар беқиёс даражада жиддий ва кенг миқёслидир, негаки у жамият ҳаётининг асосларига дахлдордир. Аслини олганда, гап жамият тараққиётининг криминал (жиноий) эмас, балки демократик йўналишдан кетиши ҳақида бормоқда. Жиноятчилик, айниқса, уюшган жиноятчилик фуқаролар ҳуқуқий онгига завол етказди. У миллий манфаатларга жиддий хавф туғдиради. Жиноий капитал иқтисодиётдаги раҳбарлик лавозимларини эгаллаб олади ва сиёсий тизимда ҳам шундай қилишга уринади. Бу хавфга қарши жуда жиддий эътибор қаратилиши лозим. Олигархияга ва жиноий капиталга қарши қаратилган, пухта ўйланган узоқ муддатли стратегия бўлиши зарур.

Ҳуқуқий давлат барпо этилиши учун барча фуқаролар қонунга хилоф ва жиноий тажовузлар кимдан келиб чиқмасин, улардан ҳимоя қилинишда тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти вакилларининг одил судловдан четда қолишга қаратилган, расмийлаштириб олинган кенг дахлсизлиги жиддий равишда чеклаб қўйилиши лозим. Бу



эса ўз навбатида, мазкур соҳадаги амалиётни жаҳонда эътироф этилган нормаларга мувофиқлаштиришга олиб келади, амалдорларнинг биринчи навбатда, қонунларни бузганлик учун жавобгарликдан бўйин товлаётган амалдорларнинг мавжуд имкониятлари чекланади.

Шу ўринда, фуқаролар ижтимоий гуруҳларининг муайян муҳитда ҳуқуқий маданияти даражаси турлича бўлиши юзасидан қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

- ҳуқуққа, қонунга, ҳокимиятнинг конституциявий органларига эргашишга мойил (легалистик) муҳит;
- ғайриҳуқуқий хулқ-атвор нормаларига ва уюшган жиноятчилик раҳнамоларига — криминал кучларга барқарор равишда эргашишга мойил криминал муҳит;
- вазиятга ва ҳал этилаётган муаммолар хусусиятига қараб хулқ-атворнинг мутлақо тескари нормаларига ва турли раҳнамоларга эргашишга мойил оғувчан (оралик) муҳит.

Жиноятчиликнинг ўсиши ва унинг хусусиятлари чуқурлашувига қуйидаги омиллар алоҳида таъсир этишлигини таъкидлаш жоиз:

- ислоҳотларнинг ижтимоий ва бошқа оқибатларига етарлича аҳамият берилмаган ҳолда жамиятнинг ноизчил ислоҳ қилиниши;
- мамлакатдаги қайта қуришдан ва ислоҳотлардан олдинги криминал вазиятнинг инкор қилинганлиги. Аҳоли қайта қуришни ҳам, ислоҳотларни ҳам маъқуллади, лекин ўзгартиришларнинг ҳақиқий жараёни жинойий ва ўзга хуфия манфаатдорликларнинг тобора кучайиб борган таъсири остида кеча бошлади;
- бозор муносабатларига ўтишнинг жадаллиги, ривожланишда изчилликнинг таъминланмаганлиги.

Айни вақтда, бир томондан, бозор муносабатлари муҳити ва бозор психологияси тантана қила бошлаган, иккинчи томондан, аҳолининг барча омонатлари қадрсизланган пайтда ҳалол тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратадбирлар етарли бўлмаган. Бундай аҳвол жинойий капитални рақобатсиз қилиб қўяди, бир вақтнинг ўзида фуқароларни ҳар қандай йўл билан тезда шахсий капиталини тўплашга мажбур этади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, уюшган жиноятчилик кучайиши учун қулай шарт-шароит яратди, айни пайтда демократик ҳуқуқий маданият шаклланишига салбий таъсир кўрсатди.

Замонавий ҳаётнинг одатдаги ҳодисалари сифатида аҳолининг ўғирликлар, зўравонликлар, босқинчиликлар, қотилликларга кўникиши жамиятда муайян даражада қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот-

га нисбатан ишончсизлик келтириб чиқариши мумкин. Бу гарчи билвосита бўлса ҳам, ҳуқуқий маданият «кўрсаткичи» пасайганидан далолат беради. Буларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини бўшаштиради, ижтимоий муаммолар ҳал этилишини қийинлаштиради.

Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий онг деформациясининг ушбу шакли натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатларни бартараф этишда давлат томонидан аниқ мақсадли сиёсат олиб борилиши ниҳоятда муҳимдир. Бунда айниқса, аҳолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини замон талаблари асосида муттасил ошириб бориш масалалари алоҳида аҳамият касб этиши зарур. Шу ўринда, ушбу масалалар юзасидан ҳуқуқшунос олим С.О.Хўжаеванинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: давлат органларининг ҳуқуқий-тарбиявий ишининг самарали тизимини яратиш, мазкур йўналишда ҳуқуқий ва ташкилий воситалардан комплекс фойдаланиш бўйича илмий асосланган, изчил ва мунтазам фаолият олиб боришдан иборат бўлиши лозим<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, ушбу тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳуқуқий давлатчиликни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши муқаррар.

---

<sup>1</sup> Хўжаева С.О. Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий маданиятини оширайлик / Ўзбекистон юристларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган конференцияси материаллари. —Тошкент: «Адолат», 1996. —Б.92-93

# IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 4.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари

Юксак ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тафаккур демократик жамиятнинг асосий хусусиятларидан бири, унинг маърифий-маънавий ривож ифодасидир. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ҳуқуқий камолоти мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан белгиланади. Республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув чоғида давлатимиз раҳбари И.А.Каримов фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантириш шу куннинг долзарб мавзуси эканлигини таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Мамлакатда фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги ҳамда ҳуқуқий саводхонлиги халқ фаровонлиги ҳамда жамият тараққиётининг гаровидир. Бинобарин, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини англамаса ҳамда ўзини ҳимоя эта олмаса, у ўз келажагидан маҳрум бўлади. Шу боис, мамлакатимиз Президенти «Мустақиллик – бу энг аввало, ҳуқуқдир» деган фикрни дастурий шиор сифатида ўртага қўйишида чуқур рамзий маъно бор.

Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бу борадаги халқаро стандартларни ижтимоий воқелигимизга жорий этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. «Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди... Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топди»<sup>2</sup>. Шу билан бирга, республикамызнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ошгани сари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурияти ҳаёт талабига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг

<sup>1</sup> Асқаров Ҳ. Ҳуқуқий маърифат жарчилари. // «Инсон ва қонун». –Тошкент, 1997 йил 17 июнь

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994 сонли Фармони // «Халқ сўзи». 2008 йил 2 май

«Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси» номли маърузасида янги жамият барпо этишга йўналтирилган ислоҳотлар жараёнини чуқур таҳлил этиб, уларнинг самарасини таъминлаш учун халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳолига янада теранроқ етказиш долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. «Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этмоқдамиз. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш ва шу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилмоқда. Башарти, юксак ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Айнан юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки ўсиб-униб келаётган кейинги авлод учун ҳам зарурдир<sup>2</sup>.

Шу жиҳатдан олганда, аҳолининг, хусусан ёшлар ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш ва юксалтириш «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида<sup>3</sup>, шунингдек «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунда<sup>4</sup> марказий мавзулардан бирини эгаллаганлиги эътиборга сазовордир. Ушбу ҳужжатларда мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этилиши жамиятнинг маънавий янгиланиши билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида»ги 1994 йил 13 июнда қабул қилинган қарориди ёшлар ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.—Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. —Б.25

<sup>2</sup> Ўша асар: —Б.26

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. №9. —225-молда

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. №11-12. —259-молда

<sup>5</sup> Қаранг: Қурбонов Ш. ва бошқ. Баркамол авлод орзуси.—Тошкент: «Шарқ». 1998. —Б.73

фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шарти, муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланган<sup>1</sup>. Қарорда мамлакатда ёшларга ҳуқуқий таълим беришнинг мукамал тизимини вужудга келтириш масаласи кун тартибига қўйилган.

Мамлакатда ижтимоий адолат тантана қилиши, тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бинобарин, мазкур субъектлар ўртасидаги муносабатларда уйғунликка, уларнинг манфаатлари мутаносиблигига эришилсагина адолатли жамият барпо этилади. Улар бир-бирининг ваколатларини, ҳуқуқларини яхши билиши ва ҳурмат қилиши ижтимоий барқарорлик, осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омили бўлади.

Ушбу ўта муҳим ҳамда залворли вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони<sup>2</sup> алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур фармондаги марказий ғоялардан бири «аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш — давлат сиёсатининг асосий йўналиши» этиб белги-ланганлигидир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш борасидаги давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, демократлашув, ижтимоий адолат, ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлиги, ҳуқуқий маълумотларнинг очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларига таянади<sup>3</sup>.

Аҳолининг замонавий, фуқаролик жамиятига хос янги ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини шакллантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий мазмундаги бир қатор қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 1997 йил 10 июлда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликни бузилиши юзасидан шикоят ва ари-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами. 1994. №6. —Б.204-205

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №7. —179-модда

<sup>3</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. —Б.55

заларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида», 1997 йил 21 июлда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида», 1997 йил 22 июлда «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги Қарорлар шулар жумласидандир.

Бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг вужудга келиши, ҳаётга жорий этилиши, бир томондан, жамиятимиз тобора маърифийлашиб, юксалиб, ҳуқуқий савияси ошиб бораётганлигининг ёрқин кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан, мазкур ҳужжатлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш борасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун ишончли ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилганлигини англатади.

Шу ўринда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қонун даражасида қабул қилинган ўта нуфузли ва муҳим ҳужжат эканлигини ҳамда унинг ҳуқуқий маданиятни шакллантириш соҳасида доимий фаолият кўрсатувчи кенг қамровли тизим яратишга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжиҳатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутати. Дастур барчани ва ҳар бир инсонни юридик тараққиётнинг истиқболи ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришга даъват этади.

Мазкур миллий дастур мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия борасида юридик билимларни тест синови ва давлат имтиҳонлари тарзида жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, илмий ноширликни, илмий-оммабоп юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия кампания тарзида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича ўтказилаётган илмий изланишлар етарли, деб бўлмайди. Ҳуқуқий давлат, қонун ва Конституция талаби нуқтаи назаридан

мавжуд юридик ҳужжатлар ҳаммаси ҳам ҳали талабга жавоб бермайди. Шу боис, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини яхшилаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда ҳуқуқий ахборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг тузилиши ва унинг шаклланиши бевосита ҳуқуқий ахборот билан боғлиқдир. Ҳуқуқий ахборотнинг индивидлар, шахслар гуруҳи, давлат органлари ва бошқа ҳуқуқ субъектлари орасида айланиши ҳуқуқий онг шаклланишининг зарурий шарти ҳисобланади. Бинобарин, ижтимоий субъектлар айнан ахборот-ҳуқуқий жараёнлар орқали фаолиятларига тегишли бўлган ҳуқуқий маълумотларга эга бўлишлари ва уларга ўз муносабатларини билдиришлари мумкин.

Бугунги кунда ҳуқуқий ахборот олиш мумкин бўлган асосий манбалар сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш жоиз: оммавий ахборот воситалари; электрон ҳуқуқий ахборот тизимлари; ўқув муассасаларида ва махсус курсларда ҳуқуқий масалалар юзасидан ўтказиладиган машғулотлар; ҳуқуқий муносабатлар; ҳуқуқий маслаҳатхоналар; шахслараро ҳуқуқий алоқалар ва бошқалар.

Россиялик олим П.Коротич ҳуқуқий ахборотни тарқатиш тизими ҳуқуқий давлат инфратузилмасининг асосий элементларидан бири бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Олининг ушбу фикрларига қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, шу билан бирга, жамият тараққиёти давомида қонунчиликнинг мунтазам ўзгариб туриши ҳуқуқ субъектлари учун муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай шароитда жамиятда ҳуқуқий ахборот етказиш билан боғлиқ хизматларга бўлган эҳтиёж доимо ўсиб боради.

Бу борадаги ижтимоий воқеликни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фуқаролар ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжларини кўпроқ матбуот ва ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланиш орқали қондирадилар. Ушбу ҳуқуқий ахборот манбаларининг кенг тарқалганлигини фуқароларда мазкур манбалардан фойдаланиш кўникмаларининг узоқ вақт давомида шаклланиб келганлиги ва бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг барча қатламларида замонавий компьютер технологияларига эга бўлиш имкониятлари-

<sup>1</sup> Каранг: Коротич П. О развитии системы электронного распространения правовой информации в России. // Юрист. –М., 2000, №11. –С.54

нинг бир хил эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий ахборот етказишнинг турли механизмлари шакллантирилиб, ҳаётга жорий этиб келинмоқда. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 августда «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди<sup>1</sup>. Мазкур Қарор билан тасдиқланган «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида Низом»га асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан, электрон маълумотлар базаси орқали эълон қилиш тартиби белгиланди.

Ушбу қарорнинг манتيқий давоми сифатида ҳамда бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида 2005 йил 18 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда юридик журналларнинг асосий вазифаси – фуқароларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий онгини, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек кишиларнинг онгида демократик қадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни чоп этиш, деб белгиланган<sup>2</sup>.

Бинобарин, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини оширишда ҳамда фуқаролар учун хилма-хил ҳуқуқий ахборотлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратишда ҳуқуқий даврий матбуот алоҳида ўрин тутаяди. 2007 йил 1 апрель ҳолатига кўра, тегишли давлат органлари муассислигида ҳуқуқий йўналишдаги 33 та газета (26 та ўзбек тилида, 2 та рус тилида, 4 та ўзбек ва рус тилларида, 1 та ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида) рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг умумий тиражи 248 минг нусхани ташкил этади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2000. №8. –Б.27-34

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №41-42(177-178). 315-модда



Таъкидлаш жоизки, яқин ўтган йилларда бундай нашрлар умуман йўқ эди. Шу билан бирга юқорида кўрсатиб ўтилган нашрларнинг ҳаммаси ҳам (уларнинг баланд нархларда эканлиги сабабли) кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёшларга етиб бормаяпти. Шунинг учун мактаб ва бошқа ўқув юртларини газета ва журналлар билан бепул таъминлаш имкониятлари тизимини ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқдаки, бу нарса, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини беради. Бунда ўқувчилар учун мана шу нашрлардан кутубхоналар орқали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Хуқуқий мавзуга радио ва телевидение ҳам алоҳида эътибор қарата бошлади. Телевидениенинг қонунчилик ва хуқуқни тарғиб қилувчи, юридик саволларга жавоблар берувчи кўрсатувлари аҳоли орасида борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда. Аммо бу ишларни нафақат мунтазам давом эттириш, балки кўрсатувларнинг рангбаранглигига, барчани ўзига жалб этувчи юксак бадиий-маънавий савияга эга бўлишига эришиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиздаги демократиянинг даражасини, инсон ҳуқуқларининг аҳволини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни акс эттирувчи кўзгудир<sup>1</sup>. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, ҳуқуқий билим савиясини янада юксалтириш, фуқаролик жамиятини барпо қилишга доир жараёнларда иштирок этиш фаоллигини кучайтиришга туртки бўлди. Фармойишнинг бош мақсади – Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини ҳалқ, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига синдириш, шу тариқа жамиятда конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқори даражага кўтариш; энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқаро ўзининг конституцияда мустақамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукамал англаб етишига эришишдир<sup>2</sup>.

Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг марказий ўзагидир. Аёнки ҳуқуқий тизим ривожланишининг стратегик йўналишини белгиловчи ҳуқуқий сиёсатнинг негизида Конституция туради. У

<sup>1</sup> Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б.58-60

<sup>2</sup> Конституциявий ҳуқуқ. / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, 2005. – Б.4

ҳуқуқий тизим, унинг барча элементлари ривож топишининг демократик жиҳатларини, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилганлигини белгилайди. Бу хусусият фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти вужудга келиши ва такомиллашуви учун ниҳоятда муҳимдир.

Фуқаролик жамияти демократик асослари шаклланишининг ҳозирги босқичида фуқаролар ҳамда давлат хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини билишларинигина эмас, балки ўз амалий фаолиятида Конституция ва қонунларнинг нормаларига қатъий амал қилишларини ҳам назарда тутувчи юксак конституциявий маданиятни шакллантириш вазифаси ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Конституциявий қоидалардан хабардорлик даражасини таҳлил қилиш аҳоли Конституция нормаларини яхши билмаслигидан далолат бермоқда. Бу давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги фаолияти етарлича эмаслигини кўрсатади.

Конституциявий маданият хилма-хиллик хусусиятига эга ҳодиса сифатида аҳоли, юристлар, конституция матнини ишлаб чиқувчи шахсларнинг ҳуқуқий маданияти билан узвий алоқададир. У ҳуқуқий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлатнинг конституцияси, унинг аҳоли турли қатламлари томонидан идрок этилиши, конституцияни олий юридик кучга эга бўлган ва мамлакат ҳуқуқий тизимининг ўзаги ҳисобланувчи ҳужжат сифатида тушунилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистонда конституционализмнинг шаклланиши аҳоли ва давлат аппарати ходимларининг, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлишини талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳали кўп фуқаролар учун олий ижтимоий қадриятга айланганича йўқ, шу сабабли юксак конституциявий маданиятнинг шаклланишини таъминлаш муҳимдир. Бу ҳал этилиши кўп вақтни талаб қиладиган анча мураккаб вазифадир. Фуқаролик жамиятида Конституция ёрдамида барча муаммоларни ҳал этиш мумкин деган ишончда намоён бўлган конституциявий эйфория, конституциявий инфантилизм, конституциявий нигилизм, конституциявий қадриятларга ҳурматсизлик баргараф этилмоғи зарур.

Ижтимоий муносабатлар демократлаштирилиши туфайли конституциявий нормаларни яхши билиш ва ҳуқуқий билимларни амалда қўллай олиш юристлар учун айниқса, муҳимдир. Ҳуқуқ принциплари, аксиомалари ва энг кўп қўлланиладиган (зарур) ҳуқуқ нормаларини билиши кифоя қиладиган аҳолидан фарқли равишда,

юрислар ўзлари фаолият юритаётган ҳуқуқ соҳаларининг асосий принциплари ва нормаларини жуда мукамал ўзлаштиришлари лозим бўлади.

Конституциявий нормалар, ўз навбатида, фуқаролар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ривожланишига, уларда конституциявий-ҳуқуқий принциплар ва нормалар, ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек конституциявий жавобгарлик ҳақида тўғри тасаввурлар шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнида, юридик муносабатларни ҳал этишда тартибга солиш вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда судлар ўз фаолиятида тобора кўпроқ конституциявий нормаларни асос қилиб кўрсатаётгани муҳимдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижтимоий қадрият сифатида идрок этила бошланганидан далолат беради<sup>1</sup>. Ҳуқуқий онгининг тартибга солувчилик роли ҳуқуқий нормалар, шу жумладан, конституциявий нормаларнинг бажарилиши онгли равишда амалга оширилишида намоён бўлади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар, шахс ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакатда конституциявий қонунийлик даражаси шунчалик юқори ва ҳуқуқий тартибот шунчалик мустақкам бўлади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори<sup>2</sup> муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлди. Ушбу қарорда таъкидланишича, фуқаролик жамиятининг хилма-хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, қарорга биноан «Нодавлат ноижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси» ташкил этилди<sup>3</sup>. Унинг вазифалари қаторида фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фаол иштирокига рағбат беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Фуқаролик жамияти барпо этиш ғояси туфайли мустақиллик йиллари давомида ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ.—Тошкент, 2001; Одилқориев Х. Беназир ҳуқуқий қадрият.// «Халқ сўзи». —Тошкент, 2002 йил 29 ноябрь

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари

<sup>3</sup> Ўша жойда

таълимга бўлган муносабат тубдан ўзгарди<sup>1</sup>. Уларни шакллантириш, тизимли ривожлантириш жамият манфаатига бевосита дахлдор масалага айланди. Юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролик жамияти плюралистик, серқирра, ижтимоий таркибига кўра мураккаб жамиятдир. Фуқаролик жамиятининг, айниқса, шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш осон кечмаслиги аён. У бир чизиқли тарзда, бир йўналишда амалга ошадиган оддий жараён эмас. Жамият турли-туман қатламлар, ижтимоий гуруҳлардан ташкил топганлиги боис, жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий маданияти ҳам кўп қатламли, плюралистик таснифга эга бўлиши табиий.

Ижтимоий-ҳуқуқий маданиятни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш борасида адабиётларда мавжуд фикрларни умумлаштириб, унинг қуйидаги илмий таснифини таклиф этиш мумкин:

Биринчи тоифа давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқий маданияти; иккинчи тоифа фуқаролик жамияти (институтлари) тузилмаларининг ҳуқуқий маданияти; учинчи тоифа жамият турли ижтимоий гуруҳлари, қатламлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти\*.

**Биринчи тоифага** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- парламентнинг ҳуқуқий маданияти;
- ижроия ҳокимият органларининг ҳуқуқий маданияти;
- одил судловнинг ҳуқуқий маданияти;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (улар ходимлари)нинг ҳуқуқий маданияти.

**Иккинчи тоифага** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, адвокатлар уюшмаси, хотин-қизлар ташкилоти ва ҳ.к.) ҳуқуқий маданияти;
- сиёсий партияларнинг ҳуқуқий маданияти;
- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий маданияти;

— нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий маданияти.

**Учинчи тоифага** қуйидаги шаклларни жамлаш мумкин:

- ёшларнинг ҳуқуқий маданияти;
- аёлларнинг ҳуқуқий маданияти;
- талабаларнинг ҳуқуқий маданияти;
- тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти ва бошқалар.

Юридик адабиётларда ижтимоий фаолиятнинг турларига кўра,

<sup>1</sup> Аёл ва ҳуқуқий маданият.—Тошкент: «Адолат», 1999. —Б.16

\* Илмий таҳлил юритиш қулай бўлиши учун умумий таснифимизнинг гуруҳларига, турларига урта тоифани беришни маъқул топдик.

қонунчилик маданияти, ҳуқуқни қўллаш маданияти каби турлари мавжуд. Бу табиий ҳол бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга.

Давлат идоралари тизимида амалга ошириладиган фаолият жараёнида жамиятнинг ижтимоий ҳуқуқий маданияти замирида шакл-ланадиган ўзига хос ҳуқуқий маданият намоён бўлиши табиий. Давлат механизмида нуфузли ўрин тутувчи парламент фаолияти ҳам муайян ҳуқуқий маданиятни, яъни парламент маданиятини ифода этади. Бунда қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий маданият, депутатлик этикаси ва қонун лойиҳалари юзасидан муҳокама, баҳс-мунозара юритиш маданияти, партиявий фракцияларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш маданияти даражаси ва бошқалар назарда тутилиши мумкин<sup>1</sup>.

Ижроия ҳокимият идоралари тизимида қатъий ижро интизомига риоя этиш асосида Конституция ва қонунларнинг ижросини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш маданияти қарор топади. Бу ҳуқуқий маданиятнинг алоҳида тури сифатида эътироф этилиши лозим. Чунки ҳуқуқни татбиқ этиш, қўллаш жараёни ҳуқуқий амалиётнинг ўта жўшқин жабҳаси бўлиб, унга муайян касбий ҳуқуқий маданият «ҳамроҳлик» қилади. Бунда давлатнинг ижроия идоралари, уларда фаолият юритувчи мансабдор шахсларнинг, халқ вакиллари, фуқаролар билан бевосита муомала маданияти намоён бўлади.

Қонун ижодкорлиги жараёни ҳамда қонунчилик ҳужжатлари мазмунида акс этадиган ҳуқуқий маданиятга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Уни қонунчилик маданияти, деб номлаш ва талқин этиш мумкин. Бунда қонун чиқариш жараёни субъектларининг ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий маданият, шунингдек қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг сифати, уларнинг етуклик ҳолати, халқчиллиги, демократиклиги ҳамда улар мазмунида ҳуқуқий қадриятлар ва маданий меъёрларнинг акс эттирилганлик даражаси намоён бўлади.

Ижтимоий ҳуқуқий маданият тизимида одил судлов ҳуқуқий маданияти алоҳида муҳим ўрин тутади. Ушбу борада судларда иш юритиш маданияти, суд жараёнини ташкил этиш, уни олиб бориш, судловдаги аниқ ишни кўриш маданияти, ҳукм (қарор) чиқариш ва унинг мазмунини иштирокчиларга, жамоатчиликка етказиш, тушунтириш каби барча масалалар одил судлов маданияти таркибига киради.

Россиялик олим А.Л.Ликаснинг таъкидлашича, одил судлов

<sup>1</sup> Аёл ва ҳуқуқий маданият—Тошкент: «Адолат», 1999. —Б.45-46

маданияти назарий-ҳуқуқий доктрина билан суд амалиётининг бирикмаси бўлиб, унда судлов фаолияти инсонпарварлик, инсонни камол топтириш манфаатига хизмат қилади. Шунингдек, судловнинг сифатини, малакаси ва савиясини баҳолаш мезонларини акс эттиради<sup>1</sup>.

Юқорида зикр этилган аҳоли қатламлари ва тоифаларининг ҳуқуқий маданияти мазмунини, даражасини, савиясини ва ўзига хос хусусиятларини батафсил очиш учун конкрет-социологик тадқиқот услубларидан кенг фойдаланиш лозим. Бу тадқиқотлар мазкур соҳадаги реал ҳолатни аниқлаш ва тегишли ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун самарали тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз интилаётган фуқаролик жамияти юксак маънавий заминга, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, чинакам ҳуқуқий маданиятга таянади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий алоқалар, шу жумладан, ҳуқуқий муносабатлар ниҳоятда адолатли бўлмоғи, ҳалоллик, поклик, инсоф, иймон ва виждон асосига қурилмоғи лозим. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари эъзозланади, улар муътабар ва муқаддас саналади. Инсоннинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат топади. Адолат ва инсонпарварлик, савоб излаш ва саховатпешалик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти демократик ва адолатли қонунлар тизими мавжудлигига, ҳуқуқ ва қонун устуворлигига, барчанинг ҳуқуқий тенглигига, ижтимоий адолат тантанасига ва инсон шахси улуғворлигига таянади.

#### **4.2. Юридик таълим ва юристлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили**

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизимнинг демократик мазмунда такомиллашиб бориши қонуний ҳолдир. Бундай шароитда ҳуқуқий муносабатлар янги савияга кўтарилиши, қонунчиликнинг жамият эҳтиёжлари даражасига мос тарзда янгиланиб бориши кузатилади. Булар ўз навбатида, «юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб боришни талаб этади. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш

<sup>1</sup> Қаранг: Ликас А.Л. Культура правосудия. — М.: «Юрид. Литература», 1990. — С.31-32

бевосита давлатимизда юридик таълимнинг аҳволи, ривожланиш даражаси, сифатига боғлиқ бўлиб, бу ҳол ушбу соҳадаги муаммоларни тадқиқ этиш ва унга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади»<sup>1</sup>.

Юридик таълим — ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг зарурий воситаси, ҳуқуқий давлатнинг таянчидир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, демак юридик таълимнинг мукамал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифа бўлмоғи лозим.

Юридик таълим ва ҳуқуқий тарбия — ҳуқуқ борасидаги билимларни (ахборотни) жамлаш, уларни муайян тизимга солиш, ўзлаштириш ва узатишдан, шунингдек ҳуқуққа, уни амалга оширишга нисбатан ижобий муносабатни, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш, чеклов (тақиқ)ларга риоя этиш ва мажбуриятларни бажаришга тегишли муносабатни шакллантиришдан иборат<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастур»ида «Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш», деб номланган алоҳида бўлимнинг мавжудлиги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда юридик таълимга катта аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Дастурда, жумладан, ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир, дейилган<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини аҳолининг юксак ҳуқуқий саводхонлиги, билим даражаси ва ҳуқуқий маданиятини шакллантирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Бу борада ҳуқуқшунос олим Г.Маткаримованинг фикрича, юридик таълим таълимнинг бошқа турлари сингари давлат ва жамият томонидан амалга оширилиб, инсонни энг юксак маърифий ва илмий фазилатларга эга бўлган шахс сифатида тарбия қилишнинг муҳим усулидир<sup>4</sup>. Шу сабабли жамият ва давлат ижтимоий фаол,

<sup>1</sup> Абдуллаев И.Б. Республикада юридик таълимнинг истиқболи. Кириш сўзи./ Республикада юридик таълим самарадорлигини ошириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари.—Тошкент, 2006. —Б.3

<sup>2</sup> Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. / Под ред. проф.В.С.Нерсеянца.—М.: Инфра—Норма, 2004. —С.410

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. №9. — 227-модда

<sup>4</sup> Қаранг: Маткаримова Г. Таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари. / Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. / Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Отахонов. —Тошкент: ТДЮИ, 2006. —Б.369

ҳуқуқий жиҳатдан билимли ҳамда саводли, қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Айнан шунинг учун давлат фуқароларга ҳуқуқий таълим беришнинг самарали тизимини яратиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш хусусида тинимсиз ғамхўрлик қилади.

Юқорида номи тилга олинган миллий дастурда таъкидланишича, ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилади. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлади, маънавий ҳамда баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олади, келгусидаги таълим мобайнида мазкур билимлар кенгайтирилади, аниқ ифодаланган ҳуқуқий мазмун ва хусусият касб этиб боради.

Бизнинг фикримизча, республикамызда юридик таълимнинг сифат жиҳатдан янги андозаси (моделли) вужудга келтирилмоғи зарур. Шу боис биз ҳам ҳуқуқшунос олимлар У.Таджиханов ва А.Саидовнинг юридик таълимнинг, ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деган фикрларига тўла қўшиламыз:

– қонун ва халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларига оид нормалар ва принципларнинг устунлигидан келиб чиқадиган мунтазамлик ва илмийлик;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига асосланганлик;

– таълимнинг миллий хусусияти, ўтмиш давлатчилигимизнинг илғор тарихий ҳуқуқий аънаналарига ҳамда ҳозирги ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқини ривожлантириш тажрибаларига таяниш;

– жаҳон юридик таълими, ҳуқуқшунослиги илғор тажрибасига йўл очиш;

– юридик таълим билан мутахассис-юрист фаолиятида ҳуқуқий, ахлоқий, фуқаролик ва ватанпарварлик тарбиясининг узвийлиги;

– юридик таълим барча соҳаларининг яхлитлиги, узлуксизлиги ва ўзаро боғлиқлиги;

– юридик таълим соҳасидаги халқаро стандартларга риоя қилиш<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда давлатнинг ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тарбияни кучайтириш соҳасида амалга ошириши лозим бўлган асосий чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

<sup>1</sup> Қаранг: Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б.71-72



— давлатнинг ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши ҳамда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам бериш;

— аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш; ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

— ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг фақат таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари томонидан ҳам амалга оширилишига эришиш;

— ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни янада такомиллаштириш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

— ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллари эътиборга олган ҳолда белгилаш;

— дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг давлат таълим стандартларини соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик фикрини, уларга қўйилаётган замонавий талабни инобатга олган ҳолда белгилаш;

— таълим ва тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш;

— юридик ўқув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш.

Юқоридагиларга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, XXI аср мутахассиси, шу жумладан ҳуқуқшунос мутахассиси, мус-

тақил равишда янги ҳуқуқий доктрина асосида фикрлай оладиган, кенг ҳуқуқий дунёқарашга эга бўлган, шахслараро муносабатларни маърифий тарзда йўлга қўя оладиган, халқаро ҳуқуқнинг устувор стандартларидан хабардор бўлган, низоли вазиятларга ҳуқуқий ечим топа оладиган ҳар томонлама маълумотли ҳамда маънавий касб эгаси бўлиши лозим.

Шу ўринда, юридик таълим ва фанни ривожлантиришнинг умумдавлат дастурини ишлаб чиқиш айтилиши муҳим бўларди, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида билдирилган юридик таълимни такомиллаштириш тўғрисида илгари сурган ҳужжатлари мазкур дастурни ишлаб чиқишга туртки бўлиши лозим<sup>1</sup>. Шу муносабат билан ана шундай давлат дастурини ишлаб чиқиш, «юриспруденция» ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юр்தларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш шартлари бажарилишини текширувдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш зарур. Юридик таълим муаммолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари, Адлия вазирлиги, илмий-педагогика жамоатчилиги томонидан атрофлича кўриб чиқилиши, оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилиниши лозим.

Мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган эркинлаштириш ва модернизация жараёнлари натижасида вужудга келтирилаётган ҳуқуқий тизим ўз мазмунига янги ҳуқуқий доктринани сингдиради. Мазкур ҳуқуқий доктрина табиий ҳуқуқ таълимоти, умуминсоний, умумбашарий ҳуқуқий қадриятлар билан халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келаётган тарихий, ҳуқуқий, миллий ва маънавий қадриятларининг ҳамроҳлиги асосида яратилиши, шунингдек унинг моҳиятини адолат, эркинлик ва тенглик ҳужжатларининг узвий ҳамжиҳатлиги ташкил этиши зарур. Уларнинг ҳаётда амалий татбиғини таъминлаш эса муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, мамлакатда қарор топаётган юриспруденциянинг бугунги жамиятимиздаги ижтимоий вазифаси — ҳаётий воқелик ва ҳодисаларни адолат, эркинлик ҳамда тенглик мезонлари нуқтаи назаридан талқин этишга қаратилиши зарур.

Янги ҳуқуқий доктринанинг мазмун-моҳияти ҳуқуқшунослик илми ва юридик таълим тизимининг ўзагини, асл маъносини ташкил этиши, бошқача айтганда, юридик таълим орқали жамият аъзолари ҳуқуқнинг замонавий, инсонпарвар, маърифий талқинини ўзлаштирмоғи лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, республика таълим тизимида кечаётган

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.— Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. —Б.49-51.

кенг кўламли ислохотлар юридик таълим соҳасини ҳам тўла қамраб олган. Юридик соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи сўнгги йилларда алоҳида долзарблик касб этаётганлиги тушунарли ҳолдир. Чунки демократик тарзда янгиланаётган жамият шароитидаги устуворликлар – инсон ҳуқуқларини қатъий таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялашни ташкил этишдан иборат.

Эътиборга молик хусусият шундаки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, юридик таълим соҳасида ҳам узлуксиз ва узвий тизим вужудга келтирилди. Ўрта мактабнинг бошланғич синфлариданоқ ҳуқуқ (бурч) ҳақида дастлабки билимлар берила бошланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинган, бошланғич таълим босқичи учун – «Конституция оламига саёҳат», «Конституция алифбоси», ўрта маълумот босқичи учун – «Конституция сабоқлари», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун – «Ҳуқуқшунослик», «Конституциявий ҳуқуқ» каби фанлар бўйича дарслар жорий этилди. Мазкур таълим босқичларида инсон ҳуқуқларига оид билим асослари, қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ стандартларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча вилоятларда ҳуқуқ йўналишидаги ихтисослаштирилган лицейлар, республика пойтахтида ана шундай лицей билан бир қаторда иккита юридик коллеж самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўрта малакали юрист мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда юридик олий таълим тизимида 10 мингдан зиёд талабалар таҳсил олмоқда. Ҳар йили Тошкент давлат юридик институтига ва университетларнинг юридик факультетларига 5380100, «Юриспруденция» йўналишидаги бакалаврликка 2400 дан зиёд талаба ўқишга қабул қилинади, шулардан 2300 га яқини битириб малакали юрист дипломини олади. Шунингдек, ҳар йили магистратурага 140 га яқин талаба-тингловчи қабул қилинади. Бугунги кунда мамлакатда 770 дан зиёд «магистр» дипломига эга бўлган юрист мутахассислар фаолият юритмоқдалар.

Ҳуқуқшунос илмий-педагог кадрларни тайёрлашда аспирантура ва докторантурадан унумли фойдаланилмоқда. Юридик таълимнинг ушбу босқичларида ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ аспирант (адъюнкт) ва 20 дан зиёд докторант таҳсил олиб, долзарб мавзуларда илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

Олий юридик таълим муассасаларида 750 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар ёшларга ҳуқуқшунослик илмидан сабоқ бермоқдалар. Шундан 580 га яқини доимий асосда меҳнат қилади. Улар орасида 1 нафар академик, 65 нафар юридик фанлар доктори, 250 дан ошиқ фан номзодлари дарс беради. Ушбу илмий салоҳият соҳиблари томонидан мустақиллик йиллари мобайнида умумкасбий ва махсус юридик фанлар бўйича 135 та дарслик ҳамда 200 дан зиёд ўқув қўлланмалари тайёрланиб нашр этилган. Юридик таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, шу жумладан, ўқитишнинг техникавий воситалари ва компьютерлар билан таъминланганлик даражаси йил сайин ошиб бормоқда<sup>1</sup>.

Табиийки, юридик таълим тизимига ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан баҳо берганда, унда муайян нуқсон, камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. 2005 йилнинг тўртинчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан мамлакатда юридик таълимнинг аҳволи алоҳида ўрганиб чиқилди. Бу йўналишдаги ишчи гуруҳига «Мамлакатда юридик таълимни такомиллаштириш концепцияси», «Юридик таълимни янада ривожлантириш чора-тадбарлари комплекс дастури» ҳамда «Юрист-кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифати ва самарасини янада юксалтириш чоралари ҳақида» ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклатилди. Албатта, юридик таълимни ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан бу қадар жиддий эътибор қаратилиши бежиз эмас. Шубҳасиз, режалаштирилаётган ҳуқуқий ва ташкилий чораларнинг амалга оширилиши замонавий ўзбек ҳуқуқшунослик мактабини шакллантиришда, шунингдек юридик таълим тизимини юксак марраларга кўтарилишида ва изчил равнақ топишида муҳим тарихий босқич бўлади.

Таъкидлаш жоизки, юридик таълим сифати ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёнлардир. Шу сабабли, таълим стандарти ҳуқуқий ва умумий маданий тафаккур доираси кенг юридик кадрларни тайёрлашга қаратилиши даркор.

Юрист касби бугунги кунда мутахассисдан фақат ҳуқуқ соҳасидагина кенг савияли бўлишни талаб қилмайди. Юрист давлат ва ижтимоий ҳаёт масалаларини малакали тушуниб етиши, ниҳоятда турли-туман вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ ишларга шай туриши керак. Юрист касбининг ўзига хос хусусияти шундаки, у

---

<sup>1</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистонда юридик таълим: муаммолар ва уларни ҳал этиш истиқболлари / Республикада юридик таълим самарадорлигини ошириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.6-11, 37-38

баъзан иқтисодиёт, тиббиёт, техника, сиёсат ва бошқа шу сингарилар билан боғлиқ ишларнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан шуғулланишига тўғри келади. Бу ундан доимо янги ахборотни таҳлил қилиш ва идрок этиш, унинг асосида муҳим хулосалар қила билиш ҳолатида бўлишни талаб қилади. Шу боисдан юристнинг таълим стандарти юристда замонавий илмий-маданий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган фанни ўз ичига олган бўлиши, ҳам гуманитар, ҳам табиий-илмий соҳаларда билим олишига қўмаклашиши зарурдир.

Мамлакатнинг бугунги тараққиёти учун юридик таълим стратегияси зарур бўлиб, унда бўлғуси юристни тор ихтисосликдаги мутахассис сифатида ёки кенг доирадаги юридик билимларга эга мутахассис сифатида тайёрлаш кераклигини аниқлаб олиш лозим бўлади. Бунда барча малака даражаларидаги юристларни базавий тайёрлаш кенг ихтисосликдаги юристларни тайёрлашга асосланиши керак бўлиб, бу мутахассисларнинг академик ва профессионал (илмий ва амалий) жиҳатдан кенг қамровли фаолиятини таъминлаш, шунингдек улар томонидан тегишли ихтисосликнинг ўзлаштирилиши имкониятини беради. Бу жаҳон амалиётига, хусусан Европа юридик таълим анъаналарига жавоб беради, чунки чет элда юридик амалиётнинг асоси ҳисобланувчи лицензияларда кенг қамровли ихтисослик, албатта, кўрсатилиб, бу юристга юридик амалиётнинг бир соҳасидан бошқасига бемалол ўтиш имкониятини беради.

Замонавий юрист учун умумметодологик тафаккур маданияти, айниқса, муҳимдир. Гап баъзи фанларни – фалсафа, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ҳамда давлат ва ҳуқуқ тарихини ўқитишдаги алоҳида йўналиш ҳақида бормоқда. Ихтисосликка оид юридик фанларни ўқитиш ҳар доим ҳам шу фанлар методологияси, фалсафий жиҳатлари билан боғланавермайди. Юридик олий ўқув юртларида фалсафани ўқитиш амалиётида қўйидаги бир-бирига зид икки ҳол мавжуд: биринчиси, машғулотларда махсус ҳуқуқий фанлар бўйича материалларнинг батамом йўқлиги; иккинчиси, машғулотларда аниқ материалларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ва бу фалсафага жой қолдирмаслиги. Шу сабабли фалсафани ўқитишнинг соҳавий юридик фанлар билан боғланиши фалсафа ўқитувчиси тегишли ҳуқуқ фани бўйича чуқур назарий билимга эга бўлган ва улардан эркин фойдалана олган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин.

Шу сабабли биз ҳам бир қатор олимларнинг «юристларнинг замонавий ҳуқуқий маданиятини шакллантириш учун методоло-

гик таъминланганлик катта аҳамиятга эга бўлиб, уни шакллантиришда давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси қоидалари алоҳида ўрин тутади»<sup>1</sup>, деган фикрларини маъқуллаймиз. Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси мавзусининг ўзига хослиги туфайли давлат-ҳуқуқий воқелигининг дунёқарашга оид жиҳатларини ҳам ўз ичига олади. Унинг эътибори доирасида турган ҳар қандай масала, у қанчалик тор ихтисосликда ёки соф юридик бўлиб туюлмасин, яққол акс этган «оммавий» аҳамият касб этади.

Фундаментал фан сифатида давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси соҳавий ва махсус юридик фанларга нисбатан методологик вазифани бажаради. Ҳуқуқ ва давлат умумий назариясининг тушунчалари ва концепциялари соҳавий ва махсус юридик фанларнинг ўзига хос «таянч пунктлари» бўлади<sup>2</sup>. Буларнинг барчаси талаба-юристарда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклланиши нуқтаи назаридан муҳимдир.

Юристарнинг замонавий ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда юридик олий ўқув юртларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўқитишнинг аҳамиятини ошириш муҳимдир. Айнан ана шу ўқув фани ҳуқуқ, давлат, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий ва фуқаровий эркинликлар, ҳуқуқ ва қонуннинг устунлиги, халқ ҳокимиятчилиги, давлат тузуми шакллари, сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик ва бошқа шу сингарилар ҳақидаги асосий гоялар, назарияларнинг шаклланиш жараёнини очиб беради. Бу мавжуд давлат-ҳуқуқ жараёнларини баҳолаш, уларнинг ривожланиш истиқболларини башорат қилиш имкониятини туғдиради. Тарихий-ҳуқуқий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини жиддий ҳисобга олмасдан Ўзбекистонда юридик таълимни янгилаш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Негаки, ўтмиш сиёсий-ҳуқуқий воқеликларини тизимли равишда ҳисобга олиш ва тўғри баҳолаш давлат-ҳуқуқ соҳасида айрим салбий оқибатларни четлаб ўтиш, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларнинг моҳиятини тўғри тушунишга кўмаклашади.

Шундан келиб чиқиб, давлат ва ҳуқуқ тарихига доир ўтмишдаги мумтоз асарларни, мазкур фанга оид хрестоматияларни нашр этиш зарур, токи талаба-юристар жаҳоннинг ва ўз юртининг ҳуқуқий мероси ва тафаккури хазинасидан баҳраманд бўла олинлар. Бу талабаларда демократик дунёқарашни шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Россияда профессор В.Н.Хропанюкнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Исламов З. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). —Ташкент, 2001. —С.5-37; Давлат ва ҳуқуқ назарияси. —Тошкент: «Адолат», 2007. —Б.8-44; Общая теория права. —Ниж.Новгород, 1993. —С.7-16 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Қаранг: Общая теория права и государства. Учебник / Под ред. В.В.Лазарева. Изд. 3-е.—М., 1999. —С.20

давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича хрестоматияси чоп этилиб<sup>1</sup>, унда рус юристларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назария ва ғояларига оид ноёб асарлари тўпланган. Хрестоматияда асосан ноёб ва шу боисдан кенг китобхонлар топиши мушкул бўлган илмий асарлардан фойдаланилган. Шарқ мутафаккирларининг асарлари асосида турли ўқув фанлари бўйича бундай хрестоматияларни нашр этиш, айниқса, муҳим деб ҳисоблаймиз.

Юридик олий ўқув юртларида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини, мамлакатимизга оид ҳамда давлат ва ҳуқуқ умумий тарихини ўқитиш талаба-юристларнинг интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради. Тегишлича, турли даврлар ва маданиятларнинг назариётчилари ва амалиётчиларининг, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларининг жаҳон ҳуқуқий маданиятига қўшган ҳиссасини тўлуқлиқ тубдан яхшиланади. У ёки бу сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг инсоният маданиятининг ривожланишидаги аҳамиятини баҳолашнинг роли, тегишли назарияларни Ўзбекистондаги давлат-ҳуқуқий қурилишининг замонавий амалиётида қўлланиш имкониятлари ошади.

Афсуски, мамлакатимиз давлат-ҳуқуқий тажрибасини баҳолашга, янги бунёдкор ғояларни асосли, қатъий равишда илмий танлаб олишга ҳам вазминлик билан ёндашув етишмайди. Юристларнинг замонавий ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда мамлакатимиз юридик фани ютуқларини чуқур ўрганиш алоҳида эътиборга моликдир. Машҳур аждоларимиз томонидан билдирилган қўплаб ғоялар бизнинг давримизда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Улардан кенг фойдаланиш айни вақтда, талаба-юристларда ватанпарварликни шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда бу жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тарих шундан далолат берадики, ҳар бир авлод шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиши зарур бўлади, негаки куч-ғайратни шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш учун қаратиш талаб этилмаган ҳолат ҳали инсониятга маълум эмас. «Ҳар бир авлод тарихнинг инсон эркинлиги ва ҳуқуқларидек буюк қадриятларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ азалий ва абадий чақиригига ўзича жавоб беради»<sup>2</sup>. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлатнинг ички муаммосигина эмас, балки халқаро-ҳуқуқий муаммодир. Жаҳон ҳамжамияти инсон ҳуқуқлари бузилишларига, улар қаерда содир бўлмасин, бефарқ қараб туролмайди. Шунга кўра,

<sup>2</sup> Каранг: Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Хрестоматия. –М., 1998. –С.37

<sup>1</sup> Общая теория прав человека /Рук. авт. кол. и отв. ред. Е.А. Лукашева. Ин-т государства и права Российской Академии наук. – М.:НОРМА, 1996. –С.10

талаба-юристрларни ўқитиш фақат миллий қонунчилик ҳужжатларинигина эмас, балки инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни ҳам назарда тутган ҳолда олиб борилиши зарур.

Шу муносабат билан профессор А.Х. Саидов талабалар ҳар бир ҳуқуқ фани бўйича инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини, ана шу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда ёрдам берадиган аниқ тартиб-таомил (процессуал) механизмларини ўрганишлари зарурлигига асосли равишда эътиборни қаратади<sup>1</sup>. Бу стандартларнинг талабалар томонидан ўрганилиши уларда демократик сиёсий-ҳуқуқий тафаккур шаклланишига кўмаклашади.

Бўлғуси терговчилар, судьялар, прокурорлар, адвокатлар инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини ўрганиш натижасида жиноятчиликка ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари каби ижтимоий қадриятларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишини билиб олишлари керак. Жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни кучайтиришни талаб қилади, лекин бу шахс ҳуқуқлари кафолатларидан воз кечилишини билдирмайди. Ҳозир талабалар ҳуқуқнинг процессуал соҳаларида, чунончи жиноят процессида инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмларини ўрганиши алоҳида аҳамият касб этади. Талаба-юристрлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳам жиноят-процессуал фаолиятни норматив тартибга солиш манбалари бўлишини англаб етишлари муҳимдир. Шунинг учун жиноятга доир ишларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон томонидан бажарилиши амалиёти билан бўлғуси юристрларни мунтазам таништириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Талаба-юристрларда замонавий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш улар миллий қонунчилик ҳужжатларини ва аввало, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини чуқур билишларини талаб қилади. Юридик адабиётларда «ҳимоя қилиш» сўзнинг умумий маъносида, яъни шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг гайриқонуний бузилишларига ва чекланишларига қарши ҳаракат, бу бузиш ва чеклашларнинг олдини олиш, шунингдек агар бузиш ва чеклашнинг олдини олиш ёки бартараф этишга муваффақ бўлинмаса, етказилган зарарни қоплаш сифатида тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари,

---

<sup>2</sup> Қаранг. Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М., 2002. – С. 7-11 и др.



Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг нормалари Ўзбекистонда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик негизини ташкил этади. Конституцияда белгиланган қоидага мувофиқ, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилинади, ҳар бир шахсга давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистон ўз Конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланган давлат ҳимоясини эълон қилиб, давлат ҳокимияти органларининг имконияти билан ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Ушбу мажбуриятлар ҳар бир шахснинг ҳокимият органларидан ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини талаб қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Суд давлат ҳокимияти органи бўлиб, суд орқали муҳофазалаш шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат фаолиятининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу судьяларда демократик ҳуқуқий онгни шакллантириш зарурлиги нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Юристининг ҳуқуқий маданияти унинг умуминсоний маданиятининг бир қисмидир. Олий ўқув юртларида юридик кадрларни тайёрлашда умуммаданий ва махсус таълимнинг ўзаро узвий боғлиқ бўлиши ниҳоятда долзарб муаммодир. Юридик таълим умуминсоний маданиятнинг ягона йўналишидан четга чиқиб қолмаслиги керак. Шу сабабли, масалан, Тошкент давлат юридик институтида ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академиясида маданиятшунослик, жамиятшунослик, иқтисодий назария, фалсафа, сиёсатшунослик, ҳуқуқ фалсафаси фанлари катта ҳажмда ўқитилади. Шубҳасиз, бу ўзини тўла оқлайди, ушбу таърибани кенг оммалаштириш лозим.

Шу билан бирга, янги ахборот технологиялари ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳуқуқий майдонига уйғунлашуви ҳолатидан келиб чиққанда, яқин йилларда ҳуқуқий кибернетика, ҳуқуқ социологияси каби янги ўқув фанлари пайдо бўлади. Айниқса, аниқ иқтисодиёт, менежмент бўйича чуқур билимлар талаб қилиниши мумкин. Уларнинг ҳуқуқшунослик билан алоқаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Чамаси, юридик билим табақалаштирилиши муносабати билан махсус курслар сони тобора ошиб боради. Қолаверса, булар турдош фанлар бўйича ҳам, замонавий юристининг умуммаданий тайёргарлиги жиҳатидан ҳам билимларни орттирадиган махсус курслар бўлиши мумкин. Ҳар бир асосий ўқув фани доирасида ҳам

янги махсус курслар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бизнингча, Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқи бўйича: «Ўзбекистон Конституцияси: назария ва амалиёт муаммолари», «Ўзбекистонда конституциявий адлия», «Ўзбекистонда бевосита демократия шакллари конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш», «Фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари» каби махсус курслар жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу жиҳатдан, чет эл тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш ўринли бўлади.

Масалан, ГФРда юристнинг университет дастури бўйича ўқувнинг кундузги шаклида таълим олиши умуман олганда 5 йилдан ортиқни ташкил этади. Россия Федерациясида юридик таълимнинг давом этиш муддатини 5,5–6 йилгача узайтириш тўғрисида таклифлар киритилган. Ушбу гоё эътиборга молик (конструктив)дир, лекин унинг Ўзбекистонда ҳам, МДХдаги бошқа мамлакатларда ҳам, айниқса, бюджет асосида амалга ошириладиган юридик таълим тизимида рўёбга чиқарилиши анча мушкул.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик принципини белгилайди. Шунга кўра, юридик таълимни мафкурадан холи қилиш, уни бирон-бир расмий тарзда қўллаб-қувватладиган таълимот ақидаларидан халос этиш зарур. Хусусан, Конституциянинг 12-моддасига кўра, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Юридик таълим, айниқса, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ масалаларига татбиқан олганда, сиёсий шарт-шароитдаги (конъюнктурадаги) навбатдаги ўзгаришларни акс эттирадиган оддий тарғибот воситаси даражасига тушиб қолмаслиги керак.

Юридик таълимни ислоҳ этиш борасида мажбурий умумдавлат стандарти ва олий ўқув юрти мустақиллиги (автономлиги)нинг ўзаро нисбати жиддий муаммо ҳисобланади. Агар стандартнинг мақсади олий юридик ўқув юртларида талабалар оладиган билимларнинг кўламларини, улар томонидан юридик касб-ни эгаллашнинг ягона минимумини таъминлашдан иборат бўлса, олий ўқув юртининг мустақиллиги ўзи фаолият кўрсатаётган минтақанинг хусусиятини ва ўзининг имкониятларини ҳисобга олишга қаратилгандир. Бугунги кунда таълимда ягона умумдавлат стандартига эришиш осон эмас, негаки олий ўқув юртлари ихтисослашувида, уларнинг салоҳияти ва ўқитувчи кадрлари тажрибасида, олий ўқув юртларидаги мавжуд илмий мактаблар сони ва сифатида катта фарқ бор. Ҳозирда пешқадам юридик олий ўқув юртлари энг кўп даражада мустақилликка эга бўлиши ва аслини олганда, таълим стандартларини ишлаб чиқиши, бир томондан, олий мактаб тараққиё-

тидаги ўзгаришларга ҳамда иккинчи томондан, юридик амалиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган янги ечимларни излаб топиши ва таклиф қилиши керак.

Ҳозирги пайтда юридик кадрларни тайёрлашда талай ҳал этилмай келаётган муаммолар ва зиддиятлар мавжуд. Ўзбекистонда олий юридик таълимни ривожлантиришнинг куйидаги долзарб масалаларини муҳокамадан ўтказиш зарурияти етилди, деб ҳисоблаймиз, яъни:

1) юридик таълимнинг алоҳида мажбурий давлат стандарти ва олий ўқув юрти мустақиллигининг, ташаббускорлигининг ўзаро нисбатини аниқлаш;

2) юристларни ўқитишда умумий ижтимоий ва махсус юридик таълимнинг ўзаро нисбатини оқилона белгилаш;

3) юридик таълим беришда мамлакатимиз (шунингдек, тарихий ҳуқуқий меросимиз), умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва чет эл тажрибасини уйғунлашган ҳолда ҳисобга олиш;

4) юристларни тайёрлашда таълим стандарти қандай кўрсаткичларни назарда тутиши кераклиги (илгариги бўлганидек ўқув юртлари битирувчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлашга тайёрлаш ёки умумий академик юридик маълумотга эга қилиш нисбати)ни ҳал этиш;

5) олий юридик таълим даражаси қандай бўлиши кераклигини аниқлаш;

6) ўқув жараёнини юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминланиши муаммоларига ечим топиш;

7) ҳуқуқий ислохотлар ва модернизациялаш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юристлар тайёрлаш сифатини ошириш чораларини кўриш;

8) юридик таълим ва ҳуқуқ фанининг ўзаро нисбатини оқилона ҳал этиш;

9) юридик таълимни оқилона бошқариш тизимини вужудга келтириш;

10) юридик кадрларни дипломли бўлганидан кейинги қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини вужудга келтириш ва бошқалар.

Юридик таълимнинг барча муаммоларини таҳлил этишга даъвогарлик қилиш фикридан йироқ бўлган ҳолда, фақат мамлакатимизда юридик таълимнинг ҳолати ва ривожланишига, ҳуқуқшунослик илми ютуқларини амалиётга жорий қилиш муаммолари хусусида баъзи мулоҳазаларни баён қиламиз:

— олий юридик ўқув муассасалари ўқув дастурлари ҳамда стандартларида фан ва амалиётнинг долзарб муаммоларини ифода этишда

айрим камчиликлар мавжуд. Бу ҳолат қонунчиликда тез-тез юз берадиган ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ бўлмоқда. Ишчи дастурларига бу ўзгаришлар имкон қадар ўз вақтида киритиляпти, ammo намунавий дастурларни ҳар куни ўзгартириш имкони йўқ. Дастурларда биз демократик ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги, биринчи навбатда, жиноят қонунчилигини либераллаштириш соҳасидаги ислоҳотларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларини, миллий қонунчилик тизими ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигига оид конституциявий принципларнинг етарли ифодаланишига жиддий эътибор беришимиз лозим;

— юридик таълим тизимида электрон, мультимедияли дарсликлардан фойдаланиш, янги ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш, хорижий тилларни мукамал ўргатиш, компьютер дастурларини ўзлаштириш даражаси ҳозирги замон талабидан бирмунча орқада қолмоқда. Юридик таълим тизимида ўқитишнинг янги педагогик технологияларини кенг жорий этиш, ўқитишнинг замон талабларига жавоб бермайдиган усулларида бутунлай воз кечиш фурсати етди, деб ҳисоблаймиз;

— юридик таълимни ихтисослаштириш жараёни жуда суст олиб борилмоқда, биз ҳали ҳам умумий профилдаги юристларни тайёрламоқдамиз. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда ўта тор ихтисослик бўйича юрист мутахассислар тайёрланмоқда. Бизда тайёрланаётган юристлар асосий малака кўникмасини амалиётга боргандан кейин ўрганмоқдалар, шу боис умумий профилдаги юристларни тайёрлаш баробарида, халқ хўжалиги тармоқларининг талабидан келиб чиқиб, ўта тор ихтисослик бўйича юрист мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим;

— юридик таълим билан амалиёт бирлигини таъминлашда магистратура ва бакалавриат талабаларининг амалиёт ўташ жараёнини тубдан янгилаш ҳамда такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Талабаларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, турли вазирлик ва идораларда амалиёт ўташлари бугунги кун талаби даражасида эмас, амалиёт ўташ жараёнини такомиллаштириш зарур. Сир эмас, вилоятлардаги юридик таълим муассасаларида малакали профессор-ўқитувчиларнинг танқислиги сезилмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни маълум рағбатлантиришлар ҳисобига жалб этиш масаласини ҳал этиш керак. Акс ҳолда, қобилиятли ёшлар марказда, пойтахтда қолади, минтақаларда кадрлар етишмаслиги ҳолати давом этади. Етакчи юридик олий ўқув юртларида мақсадли аспирантура ва докторантурадан фойдаланишни янада ривожлантириш лозим. Бу масалада

Қорақалпоғистон Давлат университети тажрибасини кенг ёйиш ўринли бўлар эди. Бу университетдан ҳозирда 5 та аспирант ва 2 та докторант ТДЮИда мақсадли аспирантурада ва докторантурада ўқимоқда. Лекин СамДУ, НамДУ раҳбариятлари бу масалаларга жиддий эътибор бермаяптилар;

— ўқув юкламаларида умумтаълим фанлари сони ҳали ҳам кўплигича қолмоқда ва уларга ажратиладиган соатлар ҳажми 25% ни ташкил этмоқда. Ҳуқуқшунослик ихтисослигига бевосита алоқаси бўлмаган математикага оид, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий фанларнинг сони нисбатан кўп. Ҳуқуқшунос олим М.Рустамбоев таъкидлаганидек, юристлар тайёрлаш таълим стандартларини қайта кўриб чиқиш, ундан касбга оид ҳисобланмаган ўқув предметларини чиқариб ташлаш, юридик таълим дастурларига ҳуқуқий клиникаларни ўташ жараёнини, уларни ташкил этиш амалиётини кенгайтириш яхши самара бериши мумкин. Магистратура босқичида мутахассислик фанлари блоки ва илмий фаолият блокадаги соатлар ҳажмини кўпайтириб, умумуслubbий фанлар блоки соатлари ҳажмини камайтириш тўғри бўлар эди<sup>1</sup>.

Бугун республика юридик олий ўқув юртларида талабаларнинг замонавий демократик қадриятларга ҳамоҳанг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масаласи ниҳоятда долзарб бўлиб турибди<sup>2</sup>.

Бугунги кунда энг муҳим конституциявий қоидалардан беҳабар ҳолда юристнинг демократик ҳуқуқий маданияти шаклланиши мумкин эмас, албатта. Шу боисдан, ҳозирда юридик кадрларнинг, талаба-юристларнинг конституциявий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, айниқса, зарур. Баъзи ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг бузилишлари мавжудлиги шундан далолат берадики, бу органларда ишловчи айрим ходимлар учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддасининг инсон — бу олий қадрият эканлиги ҳақидаги қоидаси ҳали дастуриламалга, ҳуқуқий эътиқодга айланганича йўқ.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳатто судьялар фуқаролар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини устувор принцип сифатида қабул қилишга психологик жиҳатдан ҳар доим ҳам тайёр эмаслар. Масалан, сўровда иштирок этган

---

<sup>1</sup> Қаранг: Рустамбаев М. Юридик фанларни ривожлантириш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари. / «Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари». — Тошкент: ТДЮИ, 2006. — Б.83-84

<sup>2</sup> Тожихонов У., Одилкориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Тошкент, 2001. — Б.213

судьялар процессуал қадриятлар рейтинги тизимини белгилар эканлар, фуқаролар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини тортишув (71,8%), айбсизлик презумпцияси (64,8%), суд муҳокамасининг холисоналиги, ҳар томонламалиги, тўлиқлиги (54,9%) каби принципларидан кейин тўртинчи ўринга (39,4%) қўйдилар. Процессуал принципларнинг устуворлиги хусусидаги бундай тасаввур одил судловнинг мақсадларини ва судьяларнинг касбий бурчини нотўғри тушунишидан дарак беради<sup>1</sup>.

Янги қонун ҳужжатлари шахс ўзи, оила аъзолари қонун билан белгиланган яқин қариндошлари хусусида кўрсатма ёки тушунтириш беришни рад этганлиги учун жавобгар бўлмаслиги ҳақидаги қондан белгилаб қўйгани ҳолда юристлар учун янги ахлоқий-ҳуқуқий вазиятни юзага келтирди. Бинобарин, ҳеч ким инсонни ўзига қарши гувоҳлик беришга ёки ўзини айбли деб иқроор бўлишга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас. Фуқародан оила аъзолари ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришни талаб қилиш тақиқланади. Қонунчиликдаги бу янгилик шахс ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг асоссиз айбловдан ўзини ўзи ҳимоя қилиши учун хизмат қилади.

Юристарлар ўз фаолиятида Конституция нормаларини қанчалик тез-тез қўллашлари, ўз ҳаракатларини унинг қоидаларига мослаб амалга оширишлари улар демократик ҳуқуқий онгининг кўрсаткичларидан биридир. Таассуфки, судьялар ўз ҳал қилув қарорларини чиқаришда бевосита Конституция нормаларига камдан-кам ҳолларда асосланадилар. Лекин муҳими шундаки, ҳозирдаёқ бундай амалиёт аниқ-равшан ифодаланган йўналиш сифатида шакллана бошлаган бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш лозим. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қўллаш тўғрисида»ги қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқори малакали юристларнинг тайёрланиши фуқаролик жамиятининг турли жабҳаларига, шу жумладан иқтисодиётга, маданиятга, ижтимоий ва сиёсий жараёнларга жиддий таъсир кўрсатади. Бу юристлар жамият ҳаётида, шу жумладан ўтказилаётган ислохотда (парламент, суд-ҳуқуқ ислохотида) тутиши лозим бўлган ўрин билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, юридик касбга қизиқиш жуда катта ва бунинг оқибати ўлароқ, унинг вакиллари-га анча юксак талаблар қўйилмоқда.

Ҳуқуқий ҳаётнинг ҳуқуқий маданият, юридик касб ва ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Общественное мнение. Права человека. 2001. №2. —С.117-118

ислоҳот каби ҳодисалари ҳозирги босқичда тобора ўзаро боғлиқлик касб этмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистонда юридик касб бўшлиқда эмас, балки ижтимоий алоқаларнинг яхлит тизимида мавжуд бўлиб турибди ва ривожланмоқда. Бу касбнинг хусусиятлари, юристларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятлари кўп жиҳатдан қонунлар сифати, ҳуқуқнинг нуфузи билан белгиланади. Шу сабабли юридик касбнинг нафақат бугунги мавқеи, балки унинг келажаги ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар самараси билан белгиланади.

Ҳуқуқий ислоҳот, ҳуқуқий ривожланиш ҳамда юридик амалиётни ҳуқуқий давлатнинг, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган олий мақсадлари билан боғлаш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятининг эришилган ҳуқуқий юксалишини, мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни асосли баҳолаш имкониятини беради.

Юристарлар ҳуқуқий маданияти шу жиҳатдан олганда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотга нисбатан баҳолаш хусусиятига эга. Шубҳасиз, ҳуқуқий ислоҳотнинг ўзини бирдан-бир мақсад, деб ҳисоблашда маъно йўқ. Пировард натижада у жамиятнинг манфаат кўришига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш учун давлат аппарати ходимларининг, юристларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак даражада бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий ислоҳот уйғун бирликни ташкил этувчи (комплекс) хусусиятга эга, негаки у жамият ва давлат ҳаётининг турли-туман жиҳатларини, Ўзбекистоннинг чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан муносабатларини қамраб олади. Шу боисдан бугунги кунда юридик кадрларга юқори талаблар қўйилмоқда. Бу эса мазкур омил ҳисобга олинган ҳолда, юридик таълим янгиланишини, ўқитиладиган фанлар рўйхатига, ўқув жараёни мазмунига тузатишлар киритилишини тақозо этмоқда. 10-20 йилдан ва ундан кейинроқ Ўзбекистонга қандай юрист-мутахассис кадрлар керак бўлишини олдиндан башорат қилиш жуда муҳимдир. Бунда ҳуқуқий ислоҳот ўтказилиши натижасида мамлакат қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришлар жараёнинигина эмас, балки ҳуқуқий ҳаётнинг интернационаллашувини, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳуқуқий майдонига кириб боришини ҳам ҳисобга олиш аҳамиятлидир.

Юристарларда замонавий ҳуқуқий маданият юқори бўлиши зарурлиги, аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси билан боғлиқ. Жамиятимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ҳозирги босқичи ҳокимият ва инсон

Ўртасидаги муносабатларда қадриятлар нисбати ўзгараётганлиги билан ажралиб туради. Инсон – асосий қадрият, давлат эса унинг ҳуқуқларини қўриқлашга даъват этилган ташкилотдир. Ҳуқуқий маданиятнинг мазкур типи илмий адабиётларда марказида шахс турган ҳуқуқий маданият, деб аталмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларидан келиб чиққан ҳолда барча фуқароларда, шу жумладан мансабдор шахсларда инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган шахсий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бугунги кундаги энг муҳим вазифадир. Мазкур тамойил ва таълимот тарихан юзага келган, бойиб-такомиллашиб борган бўлиб, ҳозирда давлат ва фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунга кўра, юристларда замонавий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, аввало, унинг инсон ҳуқуқларига йўналтирилишини, фақат давлатнинг ички қонун ҳужжатларинигина эмас, балки инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ва аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини, 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни, 1966 йилги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ва бошқа ҳужжатларни билишга қаратилиши лозим.

Фуқароларнинг замонавий ҳуқуқий маданиятини шакллантириш вазифасининг ҳал этилиши фақат давлатга, унинг идораларигагина боғлиқ эмас. Бу йўналишда жамоатчиликнинг, ҳар бир кишининг куч-қайратини уйғунлаштириш зарур. Бизнинг фикримизча, қуйидагилар замонавий ҳуқуқий маданият вужудга келишининг асосий йўллари сифатида эътироф этилиши мумкин:

1) аҳолини қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан кенг миқёсда хабардор қилиш (ҳуқуқий тарғиботни йўлга қўйиш);

2) ҳуқуқий онгни шакллантириш (ҳуқуқий таълим);

3) қонуний хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантириш.

Ҳуқуқлар ва эркинликларни пухта билиш асосидагина улардан онгли ва аниқ фойдаланиш ҳамда уларга риоя этиш мумкин. Бу қонунийлик талабларига тўғри амал қилиш, лозим бўлган, жоиз ва ножоиз, тақиқланган нарсалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Тегишлича, ҳуқуқий таълимнинг вазифаси фуқаро томонидан у ёки бу ҳуқуқий нормаларни шунчаки билиб олишгина эмас, балки ҳуқуқни асосий тартибга солувчи тизим сифатида англаш, унинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етиш, кундалик фаолият учун унинг аҳамиятини қатъий белгилашдан иборат. Ҳуқуқий таълим жараёнида фуқаролар ҳуқуқнинг, давлат



ҳуқуқий сиёсатининг асосий принципларини, ҳуқуқ ва ахлоқнинг узвий алоқадорлигини тушуниб етишлари лозим. Бу уларга муайян ҳуқуқий норма ҳақида ахборотга эга бўлмаган шароитда ҳам тўғри хатти-ҳаракат содир этиш ҳақида тўхтамга келиш имкониятини беради. Фуқаролар бунда қонунчилик ҳужжатларининг умумий йўналишини, уларнинг вазифалари ва принципларини, ахлоқий-маънавий талабларини тўғри тушуниб етадилар.

Тегишли ҳуқуқий билимлар шахснинг ишончига, эътиқодига айланиши керак. Фақат шундагина ҳуқуқий тарбия бўйича фаолиятдан кутилган натижага эришиш мумкин. Буни психолог олимлар ҳам тасдиқлаб, эътиборни шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда эътиқод, яъни ўз ғоялари, қарашлари, принциплари, олий мақсадларининг тўғри эканлигига тўла ва қаттиқ ишонч хусусиятини касб этган билимларгина фаол иштирок этади, дейдилар. Билимлар, уларнинг ҳақиқийлиги инсоннинг кечинмалари билан боғланганда, улар мустақил равишда билиб олиш ва амалий ҳаракатлар қилиш орқали ўзлаштириб олинган тақдирдагина эътиқодга айланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос келадиган юридик таълимнинг самарали тизимини вужудга келтириш, шу билан бирга ҳуқуқий тизимни ҳаракатлантирувчи субъектив омили бўлган юрист кадрларнинг, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг профессионал ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш фуқаролик жамиятини муваффақиятли шакллантиришнинг муҳим гаровидир.

#### **4.3. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли дастурий маърузасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини чуқур таҳлил этиб, янги жамиятни қарор топтиришнинг етти асосий йўналишини белгилаб берди<sup>1</sup>. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, маърузада фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш жараёнларини жадаллаштириш, уларни янада фаоллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилди.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.–Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. –Б.19-34

Мамлакатимиз раҳбари халқимиз эришган мустақиллик неъматининг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, «мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир» деб таъкидлаган эди<sup>1</sup>. Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодийни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг бош мезони, деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли, иштироки ҳамда аҳамияти масаласи тадқиқотимизнинг асосий нуқталаридан биридир. Сабаби, мазкур мавзу икки ҳодисанинг, яъни: фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро боғлиқлигининг ифодасидир. Бу ерда чуқур диалектик алоқадорлик мавжуд: бир томондан, ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятининг маънавий пойдеворини, негизини ташкил этувчи феномен сифатида мазкур жамиятнинг шаклланиш жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнаса, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти институтлари (ташкилий тузилмалари) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш фуқаролардан сиёсий, ҳуқуқий, маънавий юксакликни талаб этади. Чунки фуқаролик жамиятида фуқаролар барча хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларида ўз манфаатларидан ҳам умумдават, умумхалқ манфаатларини юқори қўйиб фикрлаши ва иш юритиши зарур. Бундай жамиятда ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, мақсад, орзу ва ниятларини шу жамиятдаги демократик институтлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Фуқаролар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадидлар.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бундай жамиятни барпо этишнинг алоҳида устувор йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган маърузасида шундай деб таъкидланган: «Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ»<sup>2</sup>. Маз-

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б.19

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б.26

кур иқтибосда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларни фаоллаштиришга, уларнинг жамият ҳаётини демократлаштиришда тутган муҳим ролига урғу берилмоқда. Улар шубҳасиз, юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламент тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини вужудга келтиришга ва сиёсий майдонда эътирофга сазовор муҳолифат юзага келишига ижобий ҳисса қўшади.

Белгиланган устувор йўналишларнинг бешинчиси, мамлакат Президентининг таъбирига кўра, «фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шarti — бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти институтларини тобора шакллантириш ва ривожлантириш масаласи «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилида ўзининг мужассам ифодасини топган. Бу шiorда жамиятни янгилашга йўналтирилган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти яққол намоён бўлади. Зотан, худди шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу фуқаролик жамияти принципларига тўла мос келади.

Маҳаллий органлар, янги қонун қабул қилиниши билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам аллақачон бундай ваколатларни олган. Муҳими, ушбу ваколатларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизми яратилишидадир.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни рўёбга чиқаришга, жумладан, қуйидаги чора-тадбирлар самарали кўмаклашади. Сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш. Бунинг учун партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш борасида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва ўзининг доимий сайловчиларига (электоратига) эга бўлиши даркор.

«Мен шу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман»<sup>2</sup>, деб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл—демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. —Б.27

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. —Б.40

таъкидлайди Президент И.А. Каримов.

Бу ўринда гап фуқаролик жамияти ҳаёт фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсий иштирок соҳаси ҳақида бормоқдаки, унда ўз хусусий манфаатларига мувофиқ уюшган кишилар, айни маҳалда, давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этаётган фуқаролар сифатида намоён бўладилар<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши жараёнига жўшқинлик бериш, турли жамоатчилик ва нодавлат тузилмаларнинг вужудга келиш ҳамда ривожланиш жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида бир қатор ижтимоий ҳаракатлар ва ташкилотлар ташаббуси билан 2003 йилнинг апрель ойида «Фуқаролик жамиятини ўрганиш илмий-таҳлил институти» ташкил этилди. Кўп ўтмай 2003 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

Мазкур институтнинг мақсади мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнини ва фуқаролик жамияти институтларининг қарор топишини таҳлилий ўрганиш; сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар билан давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлигини кучайтириш шарт-шароитлари, шакл ва усулларини ўрганиш; аҳоли орасида фуқаролик жамияти институтлари нуфузини оширишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш; мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолияти хусусида жамоатчилик фикрини ўрганишга доир социологик сўровлар ва бошқа илмий тадқиқотларни амалга ошириш; давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг иштирокини ошириш бўйича ҳамда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий онгини ва маданиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги пайтда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида куйидаги тадқиқот лойиҳалари бўйича изланишлар олиб борилмоқда:

- илғор ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- аёллар муаммоларини ўрганиш;
- фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини шакллантириш масалаларини ўрганиш;
- фуқаролик жамиятининг давлат-ҳуқуқий муаммолари;
- сўз эркинлиги, сиёсий ва фуқаролик эркинликларининг кафолатлари;

---

<sup>1</sup> Исломов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. — Б.147

- ёшлар муаммоларини ўрганиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш;
- сиёсий партияларнинг фаолиятини ўрганиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириш муаммоларини тадқиқ этиш;
- демократик сайлов тизимининг мониторинги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши давлатимизнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасидаги стратегик муносабатини ифода этиб, унга оид жараёнларни жадаллаштиришда муҳим воқеа бўлди. Қарорда этироф этилишича, мустақил, барқарор, аҳоли кенг қатламлари мададига сазовор бўладиган ва мамлакатда чуқур илдиз отган фуқаролик жамиятининг жуда хилма-хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ғоят муҳим вазифа ҳисобланади. Юртбошимизнинг ушбу қарорига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш Фондини ташкил этиш таклифи маъқулланди. Шу билан бирга, Фонднинг вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди. Унга қўмак тарзида юз минг АҚШ доллари миқдорида пул маблағи ажратилди. Ўз навбатида, бундай Фонднинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг жўшқин шаклланиши, самарали иш олиб бориши учун ишончли кафолат яратади.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муайян қадамлар қўйилди. Мамлакатда жамиятни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шарт-шароитларини яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, кассаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланганлигини тан олиш лозим<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги 107-сонли Қарори.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари

ҳозирги кунда мамлакатимизда 5300 га яқин жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари расмий рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатмоқда. Улар қуйидагилар: сиёсий партиялар — 4 та; миллий маданий марказлар — 40 дан зиёд; жамғарма ва хайрия ташкилотлари — 69 та; жамиятлар — 77 та; уюшмалар — 22 та; ассоциациялар — 57 та; федерациялар — 53 та; тармоқ қасаба уюшмалари — 14 та; ижтимоий ҳаракатлар — 2 та; миллий қўмиталар — 5 та; аёллар ва болалар ташкилотлари — 48 та; халқаро жамоат ташкилотлари — 62 та; ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари — 70 та ва бошқалар. Мазкур ташкилотларнинг 4800 дан ортиғи вилоят адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтган. Мазкур ижтимоий тузилмалар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиб, унинг мазмунини белгилаб бермоқда. Улар фуқаролар фаоллиги, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳамда маънавияти ўсишига самарали қўмаклашмоқда<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий вазифаси, функциялари ва уларнинг фаолият кўрсатиш доираси фуқаролар манфаатлари қўлами билан белгиланади. Ушбу институтлар ичида энг мукамал уюшгани ва давлат ҳокимиятига самарали таъсир эта оладигани — сиёсий партиялардир. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларидаги сиёсий партияларнинг ўрнини уларнинг жамиятдаги функциялари ҳам белгилайди. Замонавий демократик характерга эга бўлган сиёсий партияларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

— партия жамиятдаги ижтимоий кучларнинг дастурий ёки мафкуравий мақсадлари, шунингдек уларнинг сиёсий манфаатлари ва гоёсини ифодалайди;

— партия ҳокимиятни сайловлар воситасида шакллантиришнинг муҳим ва асосий омилдир;

— партиялар қабул қилинадиган ва бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларни демократик легитимлаштириш воситасидир;

— партиялар манфаатлар умумийлигига эга бўлган ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодаловчи сиёсий оқимлардир;

— партиялар ҳокимиятни шакллантириш жараёнларидаги бошқарувчи кадрлар тизимини ҳосил қилиш омилдир;

— партиялар жамоатчилик фикрини шакллантирувчи ва жамоатчилик фикрида ифода этилган мақсадларни эътиборга олган ҳолда фаолият юритувчи демократик институтдир;

---

<sup>1</sup> Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий тамойиллари ва қонуниятлари. / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт илмий-амалий конференция материаллари. — Тошкент: ТДЮИ, 2007. — Б.32-33

– партиялар сиёсий онгнинг шаклланиши ва сиёсий маданиятнинг юксалиши учун ижтимоий ва сиёсий муҳит, фуқаролар сиёсий иштироки учун «майдон» ташкил қилувчи ташкилотдир;

– партиялар фуқароларни сиёсий жараёнларга сафарбар этувчи ва уларда фаол иштирок этган фуқароларни рағбатлантирувчи тузилмалардир;

– партия ўз ташкилий, мафкуравий ва сиёсий фаолияти билан, шунингдек жамиятдаги муаммоларни амалий жиҳатдан ҳал этиш фаолияти билан боғлиқ ҳолда сиёсий етакчиларни тайёрлаш мактабидир;

– партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари, шунингдек партиявий фракциялари воситасида парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга институтдир<sup>1</sup>.

Сиёсатшунос олим М. Қирғизбоевнинг фикрича, сиёсий партиянинг бош вазифаси – алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек бу уйғунлашган манфаатларнинг уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлашдир. Партияларнинг яна бир энг муҳим мақсади, бу – ўзи таянувчи ижтимоий табақалар ваколатларини сиёсий тизимда ифода этишдир<sup>2</sup>. Биз ҳам олимнинг ушбу фикрларини маъқуллаган ҳолда, «Сиёсий партия – ўзаро манфаатлари ва сиёсий қарашлари уйғун бўлган аҳоли ижтимоий қатламларининг бирлашмаси бўлиб, унинг асосий вазифаси – ўз аъзолари ҳамда унга таянувчи, уни қўллаб-қувватловчи фуқаролар ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлашдан иборатдир», деган таърифни билдирамыз.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси асосида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди<sup>3</sup>.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли-

<sup>1</sup> Давлат қурилиши ва бошқаруви / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. – Тошкент: НМИУ, 2007. – Б.444-445

<sup>2</sup> Қирғизбоев М. Сиёсий партиялар нега фаоллашмаяпти? // «Хуррият». – Тошкент, 1999 йил 28 июль – 3 август.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси. 2007. №4. –161-модда

нинг сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда фаоллигини оширишда, шунингдек ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, уларни давлат ишларини бошқариш жараёнига жалб этишда шубҳасиз, беқиёс рол ўйнайди. Мисол учун биргина сайлов кампаниясини оладиган бўлсак, бунда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ниҳоятда кенг қўламда тарғибот-ташвиқот ва оммавий-тарбиявий тадбирларни амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида сайлов қонунчилигининг аҳамияти ҳақида тўхталганда, сайлов жараёнларининг боришини кенг аҳоли эътиборига қандай усул ва воситалар орқали етказилиши муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ил-ғор халқаро тажрибага ва миллий сайлов амалиётига таянган ҳолда, сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини мунтазам изчил ёритиб келаётирлар. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари сайловнинг очиқ ва ошқора, тўғри ва қонуний ўтишига қўмаклашади, яъни ўзига хос жамоатчилик назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларини кенг тарғиб қилиш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва янада оширишда фаол иштирок этади.

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида белгиланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан нечоғли хабардорлиги ҳамда бурч ва мажбуриятларига виждонан амал қилишлари сайловлар жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалардан бири ўз аъзолари, электорати, қолаверса, барча сайловчиларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Сиёсий маданият, ўз навбатида, ҳуқуқий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, сайловлар жараёнида иштирок этаётган ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунлар орқали ўзига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан хабардор бўлсагина, уни ҳуқуқий маданиятли фуқаро, дейиш мумкин бўлади.

Айнан ҳуқуқий маданияти юқори шаклланган шахс сиёсий жараёнларда, яъни сайловларда иштирок этиш нафақат ҳуқуқи, балки фуқаролик бурчи ҳам эканлигини англаб етади. Сайловларда у ёки бу номзодга таваккал қилиб эмас, балки номзоднинг ёки номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг ғоялари, мақсади ва сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини онгли равишда таҳлил этиб, Ватан тараққиётини ва халқ фаровонлигини таъминлашда қайси ғоя ва дастур ўзига маъқул эканлиги тўғрисида хулоса чиқаргач, ўз муносабатини билдиради, муносиб номзодга овоз беради.

Сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг асосий вазифалари



сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган сайлов ҳуқуқига оид нормаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

– фуқаролар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;

– ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг юқорилиги – бу фақат қонунларни яхши билиш эмас, шу билан бирга, қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш эканлигини фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

– фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда таъминланганлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан бирга, Конституция ва қонунларда белгиланган бурч ва мажбуриятларига ҳам амал қилиб, уларни ўз вақтида бажаришлари фойдали бўлишини кенг тарғиб қилиш.

Сиёсий партияларнинг демократик жараёнларда, хусусан, очик ва ошқора ўтказиладиган сайловларда фаол қатнашиши уларнинг давлатни идора этиш ишларида мукамал тажриба орттиришларига кўмак беради. Сиёсий партияларга бирлашган ҳамда сайловлар жараёнида ўз ҳуқуқидан кенг фойдаланган, ўзининг бурч ва мажбуриятларини ўз вақтида бажарган, ҳуқуқий маданияти юксак бўлган фуқароларгина сайловлар натижасининг самарали бўлишига ижобий ҳисса қўшади.

Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби (ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери) Д.Тошмухамедова партиянинг IV Қурултойидаги маърузасида: «Партия ташкилотларимиз 2007 йилнинг 1 январидан шу кунгача (2007 йил ноябргача – таъкид бизники – Х.М.) мамлакат ҳаётига оид, шу жумладан, янги қабул қилинган конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва кенг ёритиш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган 700 га яқин тадбирлар ўтказди. Уларда 90 мингга яқин партия фаоллари ва фуқаролар иштирок этишди», деб маълумот беради<sup>1</sup>.

Нафақат ўз электорати, балки аҳоли кенг қатламлари орасида сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилишига доимий эътибор қаратиб келинаётганлиги ҳақида гапириб, Ўзбекистон либерал демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М.М.Тешабоев

<sup>1</sup> Тошмухамедова Д. Синов, тажриба ва маҳорат мактаби.// «Адолат». –Тошкент, 2007 йил 6 ноябрь

қуйидагиларни таъкидлайди: «2007 йил партия учун янгича сиёсий муҳитга тайёргарлик даври бўлди... О'з ЛиДеР тизимида ташкилий, мафкуравий ва қонунчилик (шунингдек, унинг тарғиботи) йўналишида қатор ишлар амалга оширилиб келмоқда... Ўтган йил давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси томонидан қонунлар ва қонун лойиҳалари тарғиботи бўйича жойларда 50 дан ортиқ турли учрашув, суҳбат ва мулоқотлар ўтказилди. Қонун лойиҳаларининг мазмун моҳияти, мамлакатни модернизация қилиш шароитида сиёсий партиялар ролини оширишнинг аҳамияти юзасидан 200 дан ортиқ чиқишлар қилинди... Партия ҳудудий тузилмалари томонидан ташкил қилинган тадбирларда 20 мингдан зиёд киши қатнашди»<sup>1</sup>.

Сайлов кампанияси жараёнида барча сиёсий партиялар, шунингдек тўртта сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари аҳоли кенг қатламлари орасида сайлов қонунчилиги асосларини тушунтириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатларини очиб бериш, сайловчилар рўйхатини тузиш, номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқотини уюштириш ва амалга ошириш тартиби каби қатор муҳим масалаларни ижтимоий онгга сингдиришга ҳамда шу орқали сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигини юксалтиришга катта ҳисса қўшдилар.

Оммавий ахборот воситалари саҳифаларида, айниқса, мамлакат телевидениеси орқали Ўзбекистон Республикаси Конституция-си ва сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари аҳолига батафсил тушунтирилди. Диққатга сазовор тадбирлардан бири — Ўзбекистон телевидениесида «Сайлов — демократия кўзгуси» рукни остида махсус кўрсатув ва теле-ток-шоулар ташкил этилди. Уларда мутахассис-юристарлар, депутатлар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сиёсатшунослар фаол иштирок этиб, сайлов қонунчилиги асослари, сайлов жараёнининг халқаро демократик мезонлари ҳамда муҳим нормалари, хорижий тажриба хусусида, миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда сайлов маданиятини шакллантириш ва намоён этиш хусусиятлари борасида қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар ўтказилди. Улар жуда катта телетомошабинлар аудиториясини қамраб олиб, сермаҳсул самара берди, деярли тўрт ой мобайнида ҳар ҳафтада икки марта эфирга чиқиб, халқимиз эътиборини сайловларни юксак маданий савияда, уюшқоқлик ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан юқори ватанпарварлик руҳида

<sup>1</sup> Каранг: «XXI аср». —Тошкент, 2008 йил 25 январь

ўтказишга салмоқли ҳисса қўшиди, деб баҳо бериш мумкин<sup>1</sup>.

Жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар мажмуаси шаклидаги фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг ижтимоий алоқаларини мустаҳкамлайди. Фуқаролик жамияти институтлари давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг қуйидан ривожланишини таъминлайди. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, жамоат фондлари муҳим рол ўйнайди. Улар айниқса, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти»га ўтишда ўзига хос қўприк вазифасини ўтайдилар. Жамоат фондлари — фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, давлат органлари билан ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишда, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этадилар<sup>2</sup>. Улар ташаббускорликни ривожлантиради, жамоатчилик фикрини шакллантириб, уни давлат ҳокимияти тузилмаларига «ўтказувчи» восита сифатида хизмат қилади. Фуқаролик жамияти институтлари жамият ишларини бошқариш борасидаги давлат фаолиятини тўлдирди, чунки улар ўз кўлами, оммавийлиги ва мослашувчанлиги туфайли ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларни аниқлаши ҳамда давлат идораларининг имкониятлари чекланган ўринларда, айниқса, маҳаллий даражаларда ҳаракат қилиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон тарихи кучли маҳалла анъаналари, турли хил уста-косиблар цех бирлашмаларини ўз ичига олган фуқаролик институтлари билан бойдир. Шунинг учун ҳам замонавий Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ушбу анъанавий тузилмалар тажрибаси ва янги демократик шаклларни излашни бириктириш жараёнидир<sup>3</sup>.

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда фуқаролар ташаббуси билан юзага келган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони ўсиб бормоқда. Касаба уюшмалари, маданият, санъат, таълим, экология, бизнес, туризм ва бошқа йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларни тузиш давом этмоқда. Мамлақати-

<sup>1</sup> Қаранг: Открытость и гласность—важные критерии выборов // «Народное слово». —Ташкент, 30 октября 2007 года

<sup>2</sup> Толибов И. Жамоат фондлари—фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида. / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.—Тошкент: ТДИОИ, 2007. —Б.39

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон: Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза.—Тошкент, 1999. —Б.60

миз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир»<sup>1</sup>.

Мамлакат парламенти нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб берди. Жумладан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги каби бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг умумий мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш; демократик кадриятларни муҳофаза этиш; ижтимоий, маданий, маърифий аҳамиятга молик фаолият мақсадларига эришиш; маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эҳтиёжларни қондириш; хайр-саховат ва ҳомийлик ишларини амалга оширишдан иборат<sup>2</sup>.

Жамиятни демократлаштириш ҳамда модернизациялашнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон фуқароларининг фаоллигини, сиёсий иштирокини кенгайтиришдек муҳим вазифани ҳал этиш кун тартибида турибди. Уни ҳал қилиш учун қуйидаги асосий шартларни бажариш зарур деб ҳисоблаймиз:

— барқарор демократик жамият асоси сифатида инсон ҳуқуқларига ҳурматни шакллантириш ва мазкур ҳуқуқларни таъминлаш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш;

— фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари фаолиятини янада кенгайтириш, давлат ва жамият ҳаёти учун фойдали ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда эркин фаолият юритишлари учун имконият яратиш;

— маънавиятни, унинг асосий элементлари бўлмиш эркинлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ижтимоий ҳамкорлик ва тенгликни ривожлантириш;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. —Б.40

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли // Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.—Тошкент: ТДЮИ, 2007. —Б.16-17

– жамият, халқ онгида миллий мустақиллик, миллий мафкура ва миллий тикланиш ҳиссини мустаҳкамлаш;

– сўз эркинлиги, ахборот олиш ва уни тарқатиш эркинлигига риоя қилиш кафолатига эга бўлган мустақил оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш;

– демократик жамиятни вужудга келтиришда кишилар фаолиги, бунёдкорлиги ва ғайрат-шижоатидан фойдаланган ҳолда қуйдан намоён бўладиган ташаббусни қўллаб-қувватлаш;

– аҳоли кенг қатламларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, саводхонлигини юксак даражага кўтариш ва уларнинг муттасил ўсиб боришини таъминлаш.

Социологик кузатишлар ичида фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалар устидан ёки уларни тузиш борасида тўсиқлар мавжудлиги ҳақида арз ҳамда норозиликлари учрамайди. Бироқ бу ҳол ушбу масалаларда муаммолар йўқ, деган хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Буни социологик тадқиқотлар ҳам кўрсатмоқда. Масалан, «Ўзингиз яшаётган ва ишлаётган жойдаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини қандай баҳолайсиз?», деган саволга респондентларнинг 71,2 фоизи – «қониқарсиз», деб жавоб берган. Уларнинг 1,3 фоизи – «яхши», 1,1 фоизи эса – «қониқарли», деб кўрсатади. Атиги 1 киши – «аъло», деб жавоб берган, холос. Ушбу жавоблар маълум бир хулосалар чиқариш ва фикрларни билдиришга ундайди.

Биринчидан, фуқароларнинг кўпчилиги нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг фаолиятдан қониқмайди ёки уларга қизиқмайди. Бироқ бу нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари мутлақо фаолият кўрсатмаяпти дегани эмас, балки уларнинг фаолияти давр талабига, кишиларнинг ўсиб бораётган қизиқишлари ва манфаатларига сушт жавоб бермоқда.

Иккинчидан, нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг ўзи янги қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларга муҳтождир. Масалан, касаба уюшмалари тўплаган маблағларининг 40 % га яқини давлат солиғига тортилишига нима дейиш мумкин? Жойлардаги касаба уюшмалари тўплаган маблағларнинг 60 % дан зиёди уларнинг марказий идораларига ўтказилади. Бу аҳволда касаба уюшмаларининг тўлақонли ишлашини таъминлаш мушкул. Айнан шунинг учун ҳам респондентларнинг 71,6 % касаба уюшмаларининг фаолиятини «қониқарсиз», деб баҳоламоқда.

Учинчидан, нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари давлат ҳокимиятига «ёрдамчи», «дастёр», деган эскича қараш давом этмоқда. Маҳаллий ҳокимиятнинг улар функцияларига тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этаётганига, уларнинг раҳбарлари маъмурий буйруқбозлик билан алмаштирилаётганига, фуқароларнинг од-

дий ҳуқуқлари бузилаётганига қатор мисоллар келтириш мумкин. Шу боисдан ҳам биз файласуф олим Ш.О.Мамадалиевнинг: «демак, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини кескин оширмай туриб, демократик ислоҳотларда зарур самараларга эришиб бўлмади»<sup>1</sup>, — деган фикрларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган оммавий ахборот воситалари бутун чоралар билан ривожлантирилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмади, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустақамланиб бормоқда»<sup>2</sup>.

«Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур. ...Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик кадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим»<sup>3</sup>.

Зотан, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун, аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур.

Президентимиз И.А.Каримов бу йўналишда қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этадилар:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

<sup>1</sup> Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. —Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. —Б.184-185

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. —Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. —Б.52-53

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. —Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. —Б.391

Учинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилонга кўриб чиқиш учун давлат органлари маъсулиятини ошириш зарур<sup>1</sup>.

Оммавий ахборот воситаларининг қонунлар доирасида фаолият кўрсатиши фуқароларни қонунлар доирасида яшашга, фикрлашга, у ёки бу қарорларни қабул қилишга ўргатади. Қонунларнинг «тўртинчи ҳокимият» томонидан бузилиши фуқароларнинг нафақат ахборот олиш ҳуқуқини менсимасликка олиб келади, балки уларда бутун ҳокимият тизимига салбий муносабатни ҳам уйғотади. Масалан, оммавий ахборот воситаларида бериладиган рекламаларни олайлик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Реклама тўғрисида» (1997 йил 18 июнда) қонун қабул қилган. Ушбу қонуннинг бажарилишини назорат қилиш бўйича ҳар йили бир неча маротаба мониторинг ўтказилади, бироқ унга риоя этиш оммавий ахборот воситаларида ҳалигача қарор топмади. Махсус кузатишлардан маълумки, газета ва журналлар нусхасининг кам бўлишига қарамай, ўз низомларида белгиланганидек, тўлиқ ҳажмининг 40 % гача эмас, балки 50 %, баъзиларида 70 % гача реклама берилади<sup>2</sup>.

Кўчалар, майдонлардаги рекламаларда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ахлоқий-тарбиявий фаолиятимизга ва мезонларга зид бўлсада, кенг намоийш қилинади. АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларда уларни реклама қилиш тақиқланган. Худди шунингдек, рекламада кенг жамоатчилик, нодавлат ва жамоат ташкилотлари деярли қатнашмайди. «Республикамизда атиги 30 та ташқи реклама тури мавжуд, уни кўпайтириш учун барча аҳоли, айниқса, корхоналар иштирок этиши лозим. Рекламага махсус маблағлар ажратиш, хусусий наشريётларнинг вужудга келишини қўллаб-қувватлаш зарур»<sup>3</sup>.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятни демократлаштириш, кишиларнинг ҳаёти, ўйи ва ташвишларини объектив ёритиш, сўз эркинлигини ҳақиқий ҳурфикрлиликка, умуминсоний қадриятлардан бирига айлантиришга интилаётганини кўрмаслик мумкин эмас. Республикамизда газета, журнал ва телеканалларнинг сони йилдан йилга ортиб, ранг-баранглашиб бормоқда. 1991 йилда Ўзбекистонда 351 та оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 723 тага

<sup>1</sup> Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. — Б.104-105

<sup>2</sup> Қаранг: Эшманов Х. Ижро ва маъсулият // «Халқ сўзи». — Тошкент, 2003 йил 27 июнь

<sup>3</sup> Раҳмагуллаев Т. Америка матбуоти — «тўртинчи ҳокимият» // «Тафаккур». — Тошкент, 2000. № 2. — Б.38-39

етди. 1991 йилда республикада 389 та газета чоп этилган бўлса, 2006 йилда 600 га яқин нсмда газета чиқди. Журналлар сони 60 тадан 165 тага, телерадиоканаллар 38 тадан 70 тага, нашриётлар сони эса 14 тадан 60 тага етди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, вазирлик ва идоралардаги кичик нашриётларни ҳам ҳисобга олсак, уларнинг сони жами 600 тадан ошиб кетади. Қолаверса, кўплаб чет эл теле ва радио каналлари ўз хабарларини узатади, бошқа давлатлардан ўнлаб газета ва журналлар кириб келмоқда. Интернет тармоғи, электрон почталар, факслар орқали олинадиган ахборотни ҳам ҳисобласак, «фуқаролар ҳам, жамият ҳам амалда жуда кучли ахборот оқими орасида қолганини кўрамыз»<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, бугун фуқароларимиз истаган ахборотни истаган тилда олиши ва ўз фикрларини истаган оммавий ахборот воситаларида эълон қилишнинг реал имкониятларига эга. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига асосан, барча оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигига, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига кафолат беради<sup>3</sup>.

Оммавий ахборот воситалари халқ оммасининг ҳуқуқий билим савияси ва маданиятини оширишда, уни ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда катта рол ўйнаётганлигини кўрсатиш учун аниқ социологик тадқиқотларнинг натижаларига мурожаат этиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази 2008 йилнинг 15–25 май кунлари мамлакат миқёсида сўров ўтказган. Унда суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштиришнинг аҳволи, ўлим жазосини бекор қилиш, шахсни ҳибсга олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонларидан фуқароларнинг хабардорлигини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган. Сўровномада, жумладан, қонунчилик ҳужжатлари ҳақидаги ахборотни аҳоли орасида тарқалишида ОАВ қандай ўрин тутишига оид саволлар ҳам бор. Сўралганларнинг 97,2 фоизи мазкур фармонлардан ОАВ (газета, журнал, радио ва телевидение) орқали хабар топганлигини таъкидлаган. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳақидаги маълумотларни жами сўралган фуқароларнинг 62,7 фоизи Ўзбе-

<sup>1</sup> Қаранг: «Ҳаёт ва қонун». –Тошкент, 2006. №5. –Б.3

<sup>2</sup> Ўша жойда. –Б.4-5

<sup>3</sup> Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами». 2007. №3. –20-модда



кистон телевидениеси орқали, 14,1 фоизи даврий матбуот орқали, 12,0 фоизи республика радиоси орқали, 4,7 фоизи яқин қариндошлардан, дўстлардан, маҳалладошлардан, ҳамкасбларидан билиб олганлар, 1,6 фоизи мустақил ТВ, радио ва матбуот орқали хабар топганликларини билдирганлар<sup>1</sup>. Суд ислоҳотларининг бориши хусусида Марказ томонидан 2007 йил 20—29 августида ўтказилган сўров натижасидаги бу кўрсаткич қуйидагича бўлган: Ўзбекистон телевидениеси орқали — 56,0 фоиз, даврий матбуот орқали — 19,2 фоиз, республика радиоси орқали — 13,0 фоиз, дўстлар, ҳамкасблар, маҳалладошлар орқали — 4,1 фоиз, мустақил ТВ, радио, матбуот орқали — 6,1 фоиз. Тегишли статистика маълумотлари ва таҳлиллар вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида берилган<sup>2</sup>. Келтирилган натижаларни таҳлил этиш баробарида аҳолининг ҳуқуқий ислоҳотлардан хабардорлигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг, айниқса, маҳаллий ахборот воситаларининг фаоллигини янада ошириш лозимлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Юқоридаги статистик маълумотлардан ҳуқуқий ахборотларни тарқатишда телевидениенинг салмоғи катталиги кўриниб турибди. Бироқ ҳуқуқий ахборотлар тарқатиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда телевидение ҳам, бошқа ОАВлар ҳам бу ишга алоҳида масъулият ва дифференциал тарзда ёндашиб аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари хусусиятини инобатга олиб, ахборот етказишнинг ранг-баранг усул ва шаклларини қўллашлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтлари аҳоли турли гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларини ифода этиш мақсадида қарор топади ва фаолият юритади. Шу боис улар аҳолининг тегишли тоифалари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг жамият ҳаётидаги муҳим воқеалардан, шу жумладан сиёсий ҳодисалар ва ислоҳотлар натижаларидан бохабар этиб боради. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда мазкур институтларнинг муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2008 йилдаги жорий архиви

<sup>2</sup> Ўша жойда.

#### 4.4. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар янги демократик жамият асосларини барпо этиш, ижтимоий муносабатларни модернизация қилиш, замонавий ҳуқуқий тизимни ҳамда унга мос ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида адолатли суд тизимини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилган. Судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон — умуминсоний қадриятлар ва умумэътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги-янги қонунлар яратилди. Уларнинг асосига қонунийлик, демократизм, одиллик, инсонпарварлик, жинсий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойиллари қўйилди<sup>1</sup>.

Бизнинг фикримизча, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва либераллаштириш назарий-амалий муаммоларини илмий тадқиқ этишнинг долзарблиги бир қатор сабаблар билан изоҳланади. Улар асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан асослаб берилган. Хусусан, Президентимиз шундай деб қайд этади: «Эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон совет тизимининг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига доир қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга борган сари мослаштирилаётган бўлса-да, афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти»<sup>2</sup>.

Маълумки, ҳокимиятлар тизимида суд ҳокимиятининг самарали фаолиятини ташкил қилиш ва ўрнини белгилаш муаммоларининг долзарблиги ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг мазкур бўғини зиммасига юкланадиган вазифа билан белгиланади. Суд ҳокимияти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва «умуман ҳуқуқ»ни ҳокимият

<sup>1</sup> Мингбоев У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди. ДИТАФ, 2001. —Б.41

<sup>2</sup> И.А.Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. —Б.32-33

ваколатларига эга мансабдор шахслар ҳамда давлат идораларининг ҳуқуққа зид бўлган ҳар қандай қарорлари, хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиши ва шу тариқа ҳуқуқнинг ҳукмронлигини таъминлаши лозим<sup>1</sup>. Ўзбекистонда мана шундай ҳокимиятни вужудга келтириш суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий вазифасидир.

Бинобарин, либераллаштириш муаммоларининг назарий ва амалий аҳамияти унинг мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг шаклланиши, ривожланиши назарияси ва амалиётининг бевосита аҳамияти билан белгиланади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнида ҳуқуқ нормаларининг талаблари қатъий ва изчил бажарилиши таъминланади, субъектив ҳуқуқлар ва демократик эркинликлар собитқадамлик билан амалга оширилади. Шу боис суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг назарий муаммоларини ўрганиш ҳуқуқий давлат концепциясини ишлаб чиқишнинг муҳим йўналишидир<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришдир. Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлат ҳокимияти бўлиниши тамойилининг амалда жорий этилиши билан чинакам суд ҳокимиятининг қарор топишига йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим масала — суд давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи сифатида қатъий ваколатларга эга эканлигининг тан олинганлигидир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўникиши лозим. Суд ҳокимияти ташкил этувчи, уюштирувчи, жамият ҳаётининг махсус соҳасини бошқарувчи ҳокимиятдир. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топ-

<sup>1</sup> Қаранг: Лебедев В.М. Судебная власть в современной России.—СПб., 2001.—С.5

<sup>2</sup> Фуломова М. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масалалари.—Т: «Fan va texnologiya», 2006. —Б.5

тириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, у мамлакат Президентининг доимий диққат марказидаги масаладир. Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқларида такрор-такрор таъкидлаб келинади. Ушбу фикрни далиллашда қуйидагиларга мурожаат этиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида (1995 йил 23 февраль) И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган эдилар: «Хуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир»<sup>1</sup>. Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари алоҳида муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эгадир: «халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган, деб билиши керак. Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони, деб билиши керак»<sup>2</sup>. Президентимизнинг ушбу ғояларини рўёбга чиқариш учун судлар қонундан оғишмай иш тутишлари, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, бу йўлдан собитқадамлик билан қатъий боришлари ва шу асосда халқнинг ишончини қозонишлари зарур бўлади.

Шу билан бирга, суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини муттасил такомиллаштириб бориш зарур. Бунда суд ва судьяларнинг ҳокимиятни бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунушини таъминлаш лозим. Ушбу ҳуқуқий асос, ўз навбатида, демократизмни, холисликни, суднинг ҳаммабоп бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши зарур. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий кимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим. Мазкур масалалар бўйича фикр юритар экан, Республикамиз Президенти қуйидаги ташаббусни илгари суради: «Олий Мажлисининг суд ислоҳоти бўйича аниқ дастурга эга бўлиши ва шу асосда қайд этилган масалаларни ҳал эта бориши мақсадга мувофиқдир»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б.22

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.186

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б.186

Белгиланган ушбу сиёсий вазифадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши 1996 йил 5 апрелда «Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш дастури тўғрисида» Қарор қабул қилди ва тегишли Дастурни тасдиқлади<sup>1</sup>. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоялашни кучайтириш ва кенгайтириш; суд тизимини демократлаштириш ва суднинг обрўсини ошириш; суд ислоҳотига оид бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар бўйича тадбирлар, уларни амалга ошириш учун масъул идора ва шахслар, тегишли муҳлатлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган XIV сессиясида мамлакатдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш масалалари таҳлил этилди. Асосий эътибор суд жараёнида адвокатларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масала юзасидан фикр юритар экан, куйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «Ҳар қандай суд жараёнида, жинсий иш кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томондан тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади. Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради.

Бундан хулоса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади»<sup>2</sup>.

Сиёсий даражада илгари сурилган вазифаларни тез ва самарали ҳал этиш, суд ислоҳотини жадаллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия хусусан, судларни ихтисослаштириш ҳамда судда апелляция тартибида иш кўриш ҳақида таклифлар киритди. Бу таклифлар 2000 йил давомида қонунчиликка киритилган кўшим-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №3. — 47-модда

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. —Б.390

чаларда ўз ифодасини топди<sup>1</sup>.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бориши иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси (2000 йил 22 январь) диққат марказида бўлди. «Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак, — деб таъкидлади Президент И.А.Каримов, суд жараёнида айблов ва ҳокимиятнинг тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор. Суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жиноят ва фуқаролик ишларини кўрувчи судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур. Бу албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди»<sup>2</sup>.

Маълумки, тез орада судларни ихтисослаштиришга қаратилган ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент Фармони (2000 йил 14 август) қабул қилинди. Фармонда таъкидланишича, суд тизимини ислоҳ қилиш ва унинг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, судда ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, шунингдек судларни ихтисослаштириш мақсадида 2001 йил 1 январидан эътиборан умумий юрисдикция судлари замирида Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судларини тузишга, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг жиноий ишлар бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судларини тузишга қарор қилинди. Мазкур суд тизими янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонунда ўз тасдиғини топди. Қонунга киритилган янгиликлардан яна бири — Адлия вазирлиги ҳузурида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича департамент тузилди.

2001 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака

<sup>1</sup> Қаранг: «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Ҳужалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001. №1-2. —11-модда

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. —Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. —Б.344

комиссияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармон билан мазкур комиссия тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида мамлакат Президенти катта дастурий маъруза қилиб, унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришни алоҳида устувор йўналиш, деб атади. Ўтган йиллар ичида суд қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалга оширилди. Судларнинг жинойий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга ошди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институти жорий этилди, тергов-суриштирув ва шахсларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чекловчи қонунчилик нормалари яратилди. Жазо тайинлаш сиёсати либераллаштирилиб, судда томонларнинг ярашуви институти жорий этилди.

Ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш мақсадида прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилди. «Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак»<sup>1</sup> деган сиёсий ирода Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан баён этилди.

Судлов тизимини, юқорида таъкидланганидек, демократик тарзда эркинлаштириб бориш бизни туб мақсад – ҳуқуқий давлатчиликнинг мукамал негизларини барпо этиш сари тобора яқинлаштиради.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида мустақил давлат тарзидаги тараққиёт давримизни икки муҳим босқичга ажратиб кўрсатди. Дастлабки босқичда (1991–2000 йиллар) халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий хусусиятлари-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. – Б.47

ни ҳисобга олган ҳолда сиёсий демократия ва эркин иқтисодиётга эришишнинг, янги давлат ва жамият барпо этишнинг оқилона стратегияси ишлаб чиқилди. Мустақил суд ҳокимиятини қарор топтириш мазкур стратегиянинг, ислоҳотлар дастурининг муҳим таркибий бўғини бўлди.

Суд ҳокимиятининг нуфузи ва аҳамияти шундаки, аввало, судлов давлат номидан амалга оширилади; судлов махсус ташкил этилган идора томонидан рўёбга чиқарилади; судья фақат қонунга бўйсунди; суд ҳокимияти сиёсий партиялар ва бошқа давлат ҳокимият органларидан мустақилдир; суд функциялари ўзига хос, фақат угина давлат номидан мажбурлов ва жазолаш функциясини адо эта олади; суд қарорлари қатъий ва барча учун мажбурийдир.

Демократиянинг улкан ютуғи сифатида биринчи босқичда мамлакатимиз тарихида илк бор Конституциявий суд қарор топди, янги мазмундаги умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари ва ҳакамлик судлари жорий этилди. «Судлар тўғрисида»ги қонун, **Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал** кодекслари қабул қилинди, одил судловга оид бошқа қонунчилик базаси вужудга келтирилди. **Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари** ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш судлар фаолиятининг асосий мазмунига айланди. Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари яратилди. **Фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқлари** кафолатланди. Суд ислоҳотлари жараёнида жиноят ва фуқаролик ишларини кўрувчи судларнинг ихтисослашувига асос солинди. **Жиноят судлов ишларини юритишга биринчи маротаба апелляция тартибида иш юритиш жорий** этилди. **Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳукм, ажрим ва қарорлар қонуний кучга киргандан кейин ҳам эркин тарзда бир йил мобайнида бундай суд ҳужжатлари устидан кассация тартибида судга шикоят қилиш имконияти яратилди.**

Одил судловнинг демократик тамойилларидан бири — судда ишларни юритишда томонларнинг тортишуви принцили жорий этилди. Бугунги кунда судларда ишни адолатли ва холисона ҳал этишни таъминлаш мақсадида тарафларга ўз позициясини ҳимоя қилиш учун тенг шароитлар яратиб берилмоқда.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни Юртбошимиз мустақил тараққиётимизнинг иккинчи босқичи деб атади. Мазкур босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, бунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, сиёсий ҳаёт, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий соҳаларни изчил ислоҳ қилиш таъминланди.



Ушбу босқичнинг муҳим вазифалари қаторида давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла кафолатлаш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини изчил шакллантириш масалалари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2001 йил 29 августда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Унинг мақсади суд ҳужжатлари (ҳукм, қарор, ажрим) мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган мулкӣ ёки номулкӣ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Шунингдек, судларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Судлар фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш Департаменти ташкил этилганлигидир.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим марраларидан бири — жиной жазо тайинлаш сиёсатини либераллаштириш бўлди. Бунда инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида суд жараёнига ярашув институти киритилди. Мазкур институтнинг жорий этилиши халқимизнинг менталитетига, бағрикенглиги ва кечиримли табиатига тўла-тўқис мос келадиган ҳолатдир. Бундай тадбирлар фуқароларнинг замонавий илғор ҳуқуқий маданияти қарор топиб боришида катта туртки бўлди.

Жиной жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидagi жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2001 йил 29 августда «Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонун қабул қилди. Мазкур қонун билан юқорида санаб ўтилган кодексларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу кодексларнинг ҳуқуқий демократик давлат принципларига мувофиқ бўлишига, жиноят ишларини судда кўришнинг асослари ҳамда асосий принципларини тубдан ўзгартиришга қаратилди. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар

тоифаси 18,7 фоиздан 42,8 фоизга етказилди: 12 турдаги жиноятлар оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турдаги жиноятлар эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Қўшимча жазо тури сифатида молмулкни мусодара қилиш чораси чиқариб ташланди. Биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш амалиётига «Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш» институти киритилди. Бундай чора ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг 26 тури бўйича қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

Давлатимизнинг ўз фуқароларига катта ишончи намунаси бўлган ушбу қонун ҳуқуқий маданият ривожига, қонун устуворлигига хизмат қилиб, жиноий жазоларни эркинлаштиришнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлади.

Айбсизлик презумпцияси принципига риоя этиш аҳоли ижтимоий онгига, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият мазмунига ва албатта, судлар фаолиятига тобора сингиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қабул қилинган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс-садо берди. Шу ўринда, мамлакатимизда юқорида қайд этилган жиноий жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноий жазолашнинг энг инсонпарвар, ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, деб эътироф этиш мумкин.

Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чеклаш, прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш долзарб масалага айланди. 2005 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу муҳим тадбир тегишли пухта тайёргарликдан сўнг 2008 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди.

Республика «Ижтимоий фикр» Маркази 2008 йил 15–25 майда «Инсоннинг яшаш ва шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини таъминлаш» мавзусида социологик сўров ўтказган. Жумладан, у санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши масалаларига жамоатчиликнинг муносабатини аниқлади. Сўровда иштирок этган фуқароларнинг 92,8 фоизи ўлим жазоси бекор қилинишини, 90 фоиздан ортиғи «санкция» ни судларга берилишини қўллаб-қувватладилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2008 йилги жорий архиви

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январидagi қўшма мажлисида қилган маърузасида Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Суд-ҳуқуқ тизими-ни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, 2005 йил 19 августда давлатимиз раҳбарининг «Жиноий жазо ва суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишлари чиқарилди. Ушбу фармойишларда қайси тармоқдаги қонун ҳужжатларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозимлиги белгилаб берилди. Мазкур ҳужжатларда аҳоли, жамоатчилик, эксперт ва мутахассислар фикрини инобатга олиш вазифаси қўйилгани ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини қабул қилишга оид ишларни пухта ўйлаб, изчил амалга ошириш имконини берди.

Ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориев суд ҳокимияти — давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлса, одил судлов — давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, фуқароларни суд ёрдамида муҳофазалаш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг олий конституциявий шаклидир, деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Ўз ўрнида одил судловни амалга ошириш судьялардан махсус билим ва тажрибадан ташқари юксак ҳуқуқий маданиятни, маънавий ёндашув ва масъулиятни талаб этади. Суднинг кичик бўлса-да, ҳар қандай хатоси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги баҳоси баробарида зарар етказди. Одил судлов — давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, жамият сиёсий ва иқтисодий негизларини ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий сиёсатининг мужассам ифодаси ва бевосита амалидир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. —Тошкент: «Ўзбекистон», —Б.46-47

<sup>2</sup> Одилқориев Х.Т. Суд ҳокимияти ва касбий ҳуқуқий маданият / Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. —Тошкент: ТДЮИ, 2007. —Б.212-213

Юқоридаги таҳлил асосида айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази сўнгги йилларда «Суд-ҳуқуқи тизими ислоҳотлари жамоатчилик фикри кўзгусида» рукнида социологик сўровлар ўтказиб келмоқда. Фуқароларнинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳолатидан хабардорлиги даражаси 2006 йилда қуйидагича бўлган: Респондентларнинг 67,9 фоизи ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан яхши хабардор эканлигини билдирган; 32,1 фоиз сўралганлар салбий жавоб қайтарганлар; тадбир билан қамраб олинганларнинг 43,4 фоизи бу соҳадаги ислоҳотлар фуқароларнинг қонун олдида тенгли принципини таъминлаган ҳолда ижобий самара бермоқда, деб ҳисоблайди; 23,6 фоизи бунда «фуқароларнинг ҳуқуқлари устувор таъминланмоқда», 19,3 фоизи «ижтимоий адолат таъминланмоқда», деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

2007 йил 20–29 августида ўтказилган сўров натижаларига кўра, суд ислоҳотларидан хабардор ва уни ижобий деб ҳисобловчи респондентлар — 74,1 фоизни ташкил этади. Аҳолининг қайси тоифалари ислоҳотлардан яхши хабардор ва уни ижобий баҳолайди, деган саволга жавоб қуйидагича: олий маълумотлилар — 80,8 фоиз, ўрта-махсус маълумотлилар — 59,7 фоиз, ўрта-техник маълумотлилар — 62,2 фоиз, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — 52,3 фоиз. Ушбу саволга давлат идоралари ва мусассасаларида ишловчи ходимларнинг 70,9 фоизи ижобий жавоб қайтарган. Ҳеч қаерда ишламайдиган фуқароларнинг 58,8 фоизи ислоҳотлардан деярли беҳабар.

Сўралганларнинг 42,7 фоизи суд ислоҳотларининг асосий мақсади тегишли қонунчилик базасини такомиллаштиришдан, 10,1 фоизи фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишдан, 13,2 фоизи судларни такомиллаштиришдан иборат, деб ҳисоблайди. Сўров натижасида 36,7 фоиз респондент ислоҳотлар судларнинг нуфузи ва мустақиллигини оширди, деб ҳисоблайди. Сўралганларнинг 54,3 фоизи судларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб тан олади. 2006 йилда эса ушбу кўрсаткич 57,0 фоизни ташкил этган<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда судлов тизими ва ҳуқуқий тизимда кенг қамровли демократик ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда одил судловнинг ҳуқуқий маданияти хусусида сўз юритиш ўринлидир.

---

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2006 йилги жорий архиви

<sup>2</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2007 йилги жорий архиви

Бинобарин, судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий маданият жамиятда тўпланган ҳуқуқий қадриятларни эътироф этиш, уларга риоя қилиш, уларни асраш ва ривож топтиришни назарда тутади. Суд эса жамият аъзоларига ҳуқуқий маданиятни сингдириш, тарбиялаш, шакллантириш ва юксалтиришда катта ўрин тутади. Ҳар бир суд жараёни катта тарбиявий, маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Фуқаролар ўзгалар хатосидан хулоса чиқариб, қонунларни бузмаслик бобида ибрат оладилар.

Суд процессининг тарбиявий аҳамияти маълум маънода, уни олиб борувчи судьяларнинг маънавий қиёфасига ҳам боғлиқлигини қайд этиб ўтиш жоиздир. Судьянинг энг муҳим касб мажбуриятлари қонунларда назарда тутилган одил судловнинг мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқади. Судья, терговчи ва прокурор юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, одил судловга садоқат билан хизмат қилиши, қонунни ҳурмат қилиши, қонунни тан олмасликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлиши, қонунни четлаб ўтишга қаратилган ҳар қандай ташқи таъсирларга қарши тура олиши, инсонга ва унинг қадр-қимматига ҳурматда бўлиши, ўз ишига танқидий кўз билан қарай олиши, келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни тез ҳал эта олиши, ҳақиқатни ёлғондан фарқлай билиши, ҳақиқатни аниқлашга қунт билан ҳаракат қилиши ва шунга ўхшаш бошқа кўп хусусиятларга эга бўлиши лозим<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, суд — инсоният бутун цивилизация даврида кашф этган низоларни ҳал этишнинг, мутаносиб жазо тайинлашнинг самарали воситаси, энг ноёб ижтимоий ҳодиса ва маънавиятимизнинг ютуғидир. Қиёсий таъбир жоиз бўлса, медикшифокор инсон вужудидаги касалликни даволаса, суд жамият вужудидаги қусур-касалликларни даволайди. Беморга — ширин сўз даво бўлса, жабрланувчи ва судланувчига — адолатли сўз даркор бўлади. Суднинг етуқлиги ва маҳорати қонун асосида ана шу адолатли сўзни айтишда намоён бўлади.

Жамиятнинг маданий қиёфасига — у тўплаган моддий ва маънавий қадриятларга, уларни одамлар томонидан ўзлаштирилганлиги даражасига, ижтимоий ва маънавий ривожланиш савиясига, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда яратилган ижтимоий-сиёсий институтларининг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон юристларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган конференцияси материаллари. — Тошкент: «Адолат», 1996. — Б.46

демократиклиги даражасига қараб баҳо берилади. Шу жиҳатдан олганда, суд ҳам маданиятимиз маҳсули, ҳам унинг ҳосиласидир.

Ўтказилаётган ислоҳотлар ва мўтадил ҳуқуқий сиёсат туфайли жамиятимизда суд нуфузи ошмоқда. «Ижтимоий фикр» Марказининг маълумотларига кўра, судларга бўлган ишонч муттасил ортмоқда: «судларга тўла ишонаман» деган жавоб 2007 йилда – 30 фоиз, 2008 йилда – 44,5 фоиз, «судларга қисман ишонаман» – 2007 йилда – 48,3 фоиз, 2008 йилда – 40,4 фоиз, «судларга ишонмайман» – 2007 йилда – 7,9 фоиз, 2008 йилда – 5,9 фоиз каби нисбатни ташкил этган. Албатта, ушбу рақамлар анчагина шартли. Аммо шу нисбат ҳам суд ҳокимиятининг нуфузини тиклаш ва юксалтириш борасида ҳали бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигини яққол исботлаб турибди. Ушбу вазият суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада сабот билан давом эттиришни талаб этади<sup>1</sup>.

Демак, биз суд маданиятини кўтаришимиз, ҳар бир суд жараёни фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришишимиз лозим. Бу борада У.Мингбоевнинг: «суд ва судьялар фуқароларда ўзига нисбатан ишонч туғдиришнинг уддасидан чиқиши, бу ишончни ҳар кунги, ҳар доим амалий ишлар билан исботлашлари лозим. Судьяларнинг ўзлари зиёли, ахлоқ-одобда, юриш-туришда, оилада, турмушда бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишлари, судлов ишларини билимдонлик билан олиб боришлари, ишларни бегараз кўриб, одиллик билан қарор ёки ҳукм чиқарсаларгина халқ ишончига сазовор бўладилар»<sup>2</sup>, деган фикрларига тўла қўшилаемиз.

Бизнинг фикримизча, судьянинг касбий ҳуқуқий маданиятини, одил судловнинг ҳуқуқий маданияти даражасини қуйидаги омиллар воситасида аниқлаш мумкин:

- 1) қонунчиликни такомиллаштириш ва малакали қўллаш;
- 2) суд ҳаракатларининг тезкорлиги, тежамлилиги, суд ҳужжатларини саводли ва пухта тузиш, суд фаолияти устидан ички ва самарали жамоат назоратининг ўрнатилиши;
- 3) судьялар ўртача иш меъёрини оқилона белгиланишини таъминлаш;
- 4) замонавий ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти ютуқларини одил судлов амалиётига сингдириш;
- 5) судлар фаолиятини халқаро ҳуқуқ стандартларига мослаштириш;

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2008 йилги жорий архиви материаллари

<sup>2</sup> Мингбоев У. Суд – фуқаролар ҳимоячиси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, ДИТАФ, 2001. – Б.21

б) суд кадрларини тайёрлаш, уларнинг билим савияси, тажрибаси, маданияти, яъни судьялар томонидан жамиятнинг илгор маънавий қадриятларини теран ўзлаштирилганлиги ва бошқалар.

Судьяларнинг ҳуқуқий маданияти қуйидаги мезонлар билан белгиланиши мумкин: олий ҳуқуқшунослик маълумоти ва тажрибасига эгаллиги; одил судлов тамойилларини пухта ўзлаштирилганлиги; юксак касбий маҳорат соҳиби бўлиши; холислик ва объективлик; адолатпарварлик ва ҳалоллик.

Ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнидаги муҳим вазифалардан бири суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларга юксак ҳуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдиришдан иборат. Суднинг маънавий савияси ва судьянинг касбий ҳуқуқий маданияти жамият аъзоларининг оддий ҳуқуқий маданиятидан тубдан фарқ қилади. Касбий ҳуқуқий маданият махсус юридик билимга таянганлиги, соҳибининг малакали юридик тажрибага эгаллиги ва асосланганлиги билан ажралиб туради. Шу боис, касбий ҳуқуқий маданият эгаларига жамиятнинг талаби катта ва масъулиятлидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ ислохотларини ижтимоий воқъелик талаблари асосида муттасил ривожлантириб бориш ва шу асосда фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни муайян даражада бартараф этиш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. —Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. —Б.186

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жа-  
раёнида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва роли, шунингдек Ўзбе-  
кистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммоларини «Дав-  
лат ва ҳуқуқ назарияси» фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда  
тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари, ўз  
навбатида, қуйидаги концептуал хулосаларга келишга ва ушбу со-  
ҳадаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган тегишли қонунчи-  
лик ҳамда механизмларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор  
амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди:

### І. Илмий-назарий хулосалар

1. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши асосан қуйидаги икки  
мезон билан ўлчанади. Биринчиси, фуқаролик жамияти ҳақидаги  
қарашлар ва таълимотларнинг ривожланиши бўлса, иккинчиси, аҳоли-  
нинг давлатчиликни қандай шаклини ўз ҳудудида бунёд этишга бўлган  
интилишида ҳамда бу борадаги амалий фаолиятида намоён бўлади.

2. Фуқаролик жамиятининг ҳозирги замон талқини қуйидаги  
хусусиятлар билан тавсифланади:

– фуқаролик жамияти — эркин инсонларнинг ҳамжамиятидир.  
Бунинг маъноси иқтисодий жиҳатдан шуни англатадики, бунда  
индивид мулкдор сифатида майдонга чиқади. У инсоннинг бема-  
лол яшаш ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган маблағларга  
эга бўлишини назарда тутади. Шахс фаолият (меҳнат) турини тан-  
лашда эркиндир. Шунингдек, фуқаро барча сиёсий ҳуқуқлар (шу  
жумладан, сайлов ҳуқуқи) соҳиби ҳисобланади. У сиёсий партия-  
лар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эга;

– фуқаролик жамияти очиқ ижтимоий организмдир. Унда сўз  
эркинлиги, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ахборот олиш  
эркинлиги, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари  
эътироф этилади;

– фуқаролик жамияти ҳурфикрлилиқ ўрнатилган жамиятдир.  
Турли манфаат ва нуқтаи назарларни ифодаловчи ижтимоий инс-  
титутлар (қасаба уюшмалари, партиялар, тадбиркорлар уюшмала-  
ри, матлубот жамиятлари, клублар ва бошқалар) мавжуд бўлади;

– фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқариш тизимига эга жа-  
миятдир. Ушбу жамият муайян даражада давлатдан мустақил ҳолда  
ўзини ривожлантира олувчи ички салоҳият ва манбаларга эгадир.

Шу боис у давлат ҳокимиятини чегаралаш воситаларига эга



бўлади. Бунда фуқаролар жамоатчилиги назоратини амалга оширади, уларнинг ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллиги рағбатлантирилади;

– фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик жамиятдир. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги таъминланади. Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти қарор топиши натижасидагина ривожланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятига қарама-қарши қўйилмайди. Улар бир-бирини тўлдиради.

3. Ҳуқуқий маданият жамият ҳуқуқий тизимининг ички маънавий жиҳатини ташкил этади ва ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва бошқа ҳар қандай юридик фаолиятга чуқур кириб боради ва халқларнинг ижтимоий-маданий, тарихий хусусиятлари билан мувофиқ тарзда ривожланиб, ижтимоий барқарорликка эришишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

4. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари фуқаролик жамияти таълимотининг шаклланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар томонидан яратилган ғоялар фақат онг маҳсули бўлиб қолмай, балки улар бугунги кунда кўплаб мамлакатларда самарали равишда ҳаётга татиқ этилган ва этилмоқда.

Бу борадаги сиёсий ҳуқуқий таълимотларда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг бош устунлари, яъни фуқаролик жамияти тушунчаси, унинг аҳамияти, шакллантириш йўллари, унинг тизим ташкил этувчи хусусиятлари ва бошқалар кўрсатиб берилган.

5. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «фуқаролик жамияти» тушунчасининг таърифи берилмаган ва ушбу ибора қўлланилмаган. Аммо ундаги ҳуқуқий давлатга хос хусусият ва тамойиллар, демократик жамиятга хос қоидалар, инсон (фуқаро)нинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тегишли барча нормалар мамлакатимизда айнан ижтимоий адолатни ифодаловчи фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилгандир.

Конституция фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашувчи ҳуқуқий асос сифатида муҳим ижтимоий-юридик функцияни бажаради. Конституциянинг бу борадаги вазифаси, ижобий роли қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

– фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни юксак савияда ҳуқуқий тартибга солади;

– давлатнинг инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилиш мақоми (мажбуриятлари)ни норматив мустаҳкамлайди;

– фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг юксак ҳуқуқий мақомини белгилайди;

– жамият ҳаёти тартибли, маърифий-маданий тарзда кечишига, яъни фуқаролик жамияти қарор топишига шароит, ҳуқуқий майдон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисмлари ва институтлари – жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шу жумладан, маҳалла), жамғармалар, уюшмалар ва бошқаларнинг ҳуқуқий мақоми асослари мустақамлаб қўйилган.

6. Инсон эҳтиёжлари нафақат иқтисодий соҳа билан, балки маънавий қадриятлар билан ҳам боғлиқдир. Шу боис, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маданият, маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасидаги узлуксиз фаолиятдан иборат. Бизнинг фикримизча, ушбу фаолиятнинг марказида юксак маданият, маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Мазкур тўрт буюк қадриятни халқимиз чуқур англаб, асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. Мана шундай чинакам фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилаётган инсон нафақат демократия неъматларининг соҳиби, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади. Ана шундай вазиятдагина фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш мумкин бўлади.

7. Таҳлилларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий маданият:

– муайян жамият ҳуқуқий институтлари, жараёнлари, фаолият шаклларига нисбатан устувор қадрият сифатида ёндашишни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, у жамиятнинг ҳуқуқий қадриятларини, ҳуқуқ жабҳасида эришилган илғор ютуқларни ифодалайди;

– мамлакат ҳуқуқий ҳаётининг сифат ҳолатини акс эттиради, шу сабабли ҳар бир давлатга ўз ҳуқуқий маданият даражаси хосдир;

– жамиятнинг ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги манфаатлари ва эҳтиёжларини англашнинг олий шакли ҳисобланади, бинобарин, ҳуқуқнинг ўзи ҳам ижтимоий қадриятдир;

– умумий маданиятнинг бир қисми ҳисобланади, бироқ ижтимоий-маънавий муҳитда алоҳида, мустақил ўрин эгаллайди;

– жамиятнинг ҳуқуқий маданияти давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда мансабдор шахсларнинг ахлоқий фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади;

– ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-

нинг муқаррар шарти ва омили ҳисобланади.

ятининг ҳуқуқий маданияти» тушунчаси ҳуқуқий воқеликнинг аҳамиятлилик даражасини, унинг тобора ривожланиш ҳолатини, унга маданий тараққиёт ютуқлари сингиб боришини тавсифлайди. Зеро, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти шахс эркинликлари ва хавфсизлигини, инсон ҳуқуқларини таъминлаш шарти, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги ва фуқаровий фаоллигининг кафолати ҳисобланади ҳамда ҳокимиятни инсоннинг ҳуқуқий мақомини таъминлашга сафарбар этади.

9. Фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланиши лозим: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги; ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг уйғунлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

10. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий кадриятлар алоҳида ўрин тутади. Тадқиқот жараёнида ҳуқуқий кадриятнинг қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: *«Ҳуқуқий кадриятлар — бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъзозланадиган, қадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, тамойиллар ва ҳодисалардир».*

11. Фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти функцияларини тавсифлаш учун уларнинг мазкур ҳодиса моҳиятини ёритиш имконини берувчи қуйидаги белгиларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

— ҳуқуқий маданият функцияларида унинг жўшқинлиги ва жамият ҳуқуқий тизимидаги ижтимоий-бунёдкорлик роли акс этади;

— ҳуқуқий маданият фақат ўз ифодачилари, яъни муайян шахслар, уларнинг жамоалари ва ташкилотлари фаолияти орқали ҳам амал қилиши мумкин;

— ҳуқуқий маданият функциялари унинг шахс ва жамият ҳаёти турли жабҳаларига таъсир этишининг алоҳида йўналишларидир. Ҳар бир функция объектив ва субъектив борлиққа юридик фаолият таъсирининг у ёки бу жиҳатини акс эттиради;

— ҳуқуқий маданият функциялари орқали одамлар онги, хоҳиш-иродаси ва хулқ-атвори, уларнинг алоқалари ва муносабатла-

рига ижобий таъсир кўрсатилади;

– ҳуқуқий маданият функциялари – бу доим ижтимоий муносабатларга изчил таъсир кўрсатиш демакдир.

12. Инсон ҳуқуқлари ғояси, тамойиллари ва у ҳақдаги таълимотнинг англаб етилганлиги, нафақат идрок этилганлиги, балки Конституция ва қонунчилик мазмунига сингдирилиб, амалий ҳаётга жорий этилаётганлиги жамият ҳуқуқий маданиятининг муҳим кўрсаткичидир. Шу сабабли бу борадаги илмий-амалий ишларни янада жонлантириш ва такомиллаштириш зарур.

13. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари – ҳуқуқий маданиятнинг муҳим элементидир. Бинобарин, шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари орқали ҳуқуқий маданиятнинг шахсий (хулқ-атворга доир) имкониятлари намоён бўлади. Бунда нафақат ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар, балки ҳуқуқ нормаларида қайд этилган хулқ-атвор андозалари ҳам муҳокама предметига айланади. Ҳуқуқий маданият ўзида шахсларга хос бўлган фаолият усулини ифодаласа, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари уларнинг бир-бири ва умуман жамият билан ўзаро алоқасининг норматив ифодаланган усули сифатида амал қилади.

14. Ҳуқуқий онг деформацияси, яъни ундаги салбий ўзгаришларнинг табиатини аниқлаш учун аввало, «ҳуқуқий онг» тушунчасининг юридик табиатини аниқлаштириб олиш зарур. Ҳуқуқий онг мураккаб сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, у ўз навбатида, фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуққа, қонунийликка, одил судловга муносабатини, уларнинг муайян хатти-ҳаракати қонунга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақидаги тасавурларни акс эттирувчи қарашлар, ғоялар мажмуи сифатида тушунилади.

15. Ҳуқуқий онгга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида, аввало, ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги воқеликни назарда тутиш лозим. Булар сирасига конституциявий нормалар билан реал ҳаёт ўртасидаги фарқни, қонун ижодкорлиги жараёнидаги малакасизликни, номукамалликни, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги тўрачилик, суиистеъмолчиликларни, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга бепарволигини ва бошқаларни киритиш мумкин.

16. Жамият ҳуқуқий тараққиётининг тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ ривожланишига, фуқаролик жамияти барпо этилишига жиддий хавф туғдирувчи ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига тўсиқ бўлувчи салбий ҳодисалардан бири ҳуқуқий нигилизмдир. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз ҳамда

хорижий давлатлар олимлари томонидан ушбу ҳодисанинг турли жиҳатларига бағишланган бир қатор илмий изланишлар олиб борилаётганлигини қайд этиш жоиз. Бироқ мазкур адабиётларда ушбу салбий ҳуқуқий феноменнинг фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига салбий таъсири билан боғлиқ барча масалалар мукамал ўрганилган эмас.

Ҳуқуқий нигилизм — ҳуқуқий онг деформациясининг типик шакли сифатида ҳуқуққа, қонунга, умуман жамият ҳаётининг ҳуқуқий тартибга солинишининг барча шаклларига менсимаслик, бепсандлик, ишончсизлик ва бўрттириш нуқтаи назаридан муносабатда бўлишдир. Ҳуқуқий нигилизм нафақат объектив ижтимоий қадриятларни ва қонуниятларни тан олмаслик ёки инкор этиш, балки ушбу инкор асосида ўзининг ҳуқуққа зид қарашлари, ғоялари ва мафқурасини илгари суришда ҳам намоён бўлади;

Ҳуқуқий нигилизмга ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва тизимлилигини издан чиқарувчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади; нигилизм мафқуравий-руҳий ҳодиса сифатида ўзининг тузилишига, мустақил шакл ва ташувчиларига эга бўлган ижтимоий онгнинг салбий бир шаклини намоён этади; ҳуқуқий нигилизм — бу қонун талабларини онгли равишда, лекин жиноий ниятни истисно этадиган инкор қилишдир. Бу ерда жиноий мақсад йўқлигининг кўрсатиб ўтилиши ҳуқуқий нигилизмни ҳуқуқий онг заволи топишининг бошқа шаклларида ажратиш учун зарурдир.

Тоталитар совет тузуми даврида қонун ҳужжатларида, шу жумладан, конституциявий қонунларда эълон қилинган қоидалар билан мавжуд амалиёт ўртасида катта фарқ бўлиб, бу шубҳасиз, ҳуқуқий маданият, чинакам қонунийлик қарор топишига путур етказган. Ҳуқуқ кўпроқ давлатга хос бўлиши лозим бўлган зарурий хусусият сифатида идрок этилган ва қабул қилинган. Чунончи, 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган собиқ СССР Конституциясида ўша давр учун жуда демократик бўлган шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, хусусан, меҳнат қилиш, дам олиш, таълим олиш ҳуқуқлари мустақамлаб қўйилган. Лекин ушбу демократик тамойиллар ижтимоий тартибга солишнинг тўлиқ бўлмаган ва ҳатто заиф шакли бўлиб, амалда улардан собиқ марказнинг амалдорлари ва уларнинг гушталари фойдаланган холос. Бу аслини олганда, ҳуқуққа унчалик муҳтож бўлмаган авторитар сиёсий тузумнинг ҳуқуқни этироф этишга риёкорона уринишидан бошқа нарса эмас эди. Негаки, бу тузум асосан бошқарувнинг волюнтаристик усулларида фой-

даланган. Бунда қонуннинг жазолаш имкониятларидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланишга зўр берилган. Маъмурий-буйруқбозлик тизими нафақат ҳуқуқий нигилизмга қарши курашмаган, балки ўзи истаган ҳолда унга таянган.

Афсуски, кейинги йилларда жамиятнинг ҳуқуқдан бегоналашуви ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу ҳол кўплаб қонунлар, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган шароитда содир бўлмоқда. Бундай шароитда ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ фаолият фуқароларда фаол ҳуқуқий йўл-йўриқларни (нуқтаи назарни) шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Бунда фуқаролар қонунлар учун эмас, балки қонунлар улар учун яратилганини англаб етишлари муҳимдир. Шу боис, мазкур йўналишда аниқ мақсадни кўзлаб, аввало, бутун давлат тузилмалари қатъият ва изчиллик билан иш олиб боришлари керак.

Таъкидлаш жоизки, мансабдор шахслар, давлат органлари ходимлари ва фуқаролар ҳуқуқий онгидаги ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш учун жамиятда ҳуқуқий онгни янгилаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий саводхонликни мунтазам ошириб боришнинг барча воситаларидан комплекс тарзда фойдаланган ҳолда тизимли фаолият олиб бориш лозим. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш қуйидаги йўналишлар асосида амалга оширилиши лозим:

– фуқароларнинг умумий ва ҳуқуқий маданиятини ҳамда ҳуқуқий ва ахлоқий онгини янада юксалтириш; ижтимоий қадриятларни мустақкамлаш ва амалдаги қонунчиликни демократик йўналишда такомиллаштириш;

– ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш; қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, давлат интизомини мустақкамлаш ишларини янада такомиллаштириш;

– жамиятда инсон (шахс) ҳуқуқларига ҳурматни қарор топтириш ишларини жонлантириш; оммавий ҳуқуқий маърифатни йўлга қўйиш;

– самарали фаолият юритадиган ҳуқуқий тарбия тизимини шакллантириш; юқори малакали юрист-кадрларни тайёрлаш сифатига эътибор қаратиш, унинг замонавий илмий асосланган, амалиётда ўз ижобий натижасини берган шаклларида кенг фойдаланиш;

– ҳуқуқий ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш.

17. Ижтимоий-ҳуқуқий маданиятни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш унинг қуйидаги илмий таснифини таклиф этиш имконини

туғдиради: давлат ҳокимияти идораларининг ҳуқуқий маданияти (биринчи тоифа); фуқаролик жамияти (институтлари) тузилмаларининг ҳуқуқий маданияти (иккинчи тоифа); жамият турли ижтимоий гуруҳлари, қатламлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти (учинчи тоифа).

**Биринчи тоифа** ҳуқуқий маданиятга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: парламентнинг ҳуқуқий маданияти; ижроия ҳокимият идораларининг ҳуқуқий маданияти; одил судловнинг ҳуқуқий маданияти; ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг (улар ходимларининг) ҳуқуқий маданияти.

**Иккинчи тоифа** ҳуқуқий маданиятга қуйидагиларни киритиш мумкин: жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, адвокатлар уюшмаси, хотин-қизлар ташкилоти ва ҳ.к.) ҳуқуқий маданияти; сиёсий партияларнинг ҳуқуқий маданияти; фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий маданияти; нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий маданияти.

**Учинчи тоифа** ҳуқуқий маданиятга қуйидаги шаклларни жамлаш мумкин: ёшларнинг ҳуқуқий маданияти; аёлларнинг ҳуқуқий маданияти; талабаларнинг ҳуқуқий маданияти; тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти ва бошқалар.

## **II. Ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммоларини ҳал этиш тегишли механизмларни ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар**

1. Таъкидлаш жоизки, юридик билим табақалаштирилиши муносабати билан тегишли ўқув режаларида махсус курслар сони тобора ошиб боради. Қолаверса, булар турдош фанлар бўйича ҳам, замонавий юристнинг умуммаданий тайёргарлиги жиҳатидан ҳам билимларни орттирадиган махсус курслар бўлиши мумкин. Бизнингча, Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқи бўйича: «Ўзбекистон Конституцияси: назария ва амалиёт муаммолари», «Фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари», «Ўзбекистонда конституциявий адлия», «Ўзбекистонда бевосита демократия шакллари конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш» каби махсус курслар жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ҳозирги пайтда юридик кадрларни тайёрлашда талай ҳал

этилмай келаётган муаммолар ва зиддиятлар мавжуд. Ўзбекистонда олий юридик таълимни ривожлантиришнинг қуйидаги долзарб масалаларини муҳокамадан ўтказиш зарурияти етилди, деб ҳисоблаймиз, яъни:

биринчидан, юридик таълимнинг алоҳида мажбурий давлат стандарти ва олий ўқув юрти мустақиллигининг, ташаббускорлигининг ўзаро нисбатини аниқлаш;

иккинчидан, юристларни ўқитишда умумий ижтимоий ва махсус юридик таълимнинг ўзаро нисбатини оқилона белгилаш;

учинчидан, юридик таълим беришда мамлакатимиз (шунингдек тарихий ҳуқуқий меросимиз) ва чет эл тажрибасини уйғунлашган ҳолда ҳисобга олиш;

тўртинчидан, юристларни тайёрлашда таълим стандарти қандай кўрсаткичларни назарда тутиши лозимлиги (ўқув юртлари битирувчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлашга тайёрлаш ёки умумий академик юридик маълумотга эга қилиш нисбатини ҳал этиш)ни белгилаш;

бешинчидан, олий юридик таълим даражаси қандай бўлиши кераклигини аниқлаш; ўқув жараёнини юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминланиши муаммоларига ечим топиш;

олтинчидан, ҳуқуқий ислохотлар ва модернизациялаш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юристлар тайёрлаш сифатини ошириш чораларини кўриш;

еттинчидан, юридик таълим ва ҳуқуқ фанининг ўзаро нисбатини оқилона ҳал этиш; юридик таълимни оқилона бошқариш тизимини вужудга келтириш; юридик кадрларни дипломли бўлганидан кейинги қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишини янада такомиллаштириш орқали самарали тизимини вужудга келтириш ва бошқалар.

3. Юристлар ўз фаолиятида Конституция нормаларини қанчалик тез-тез қўллашлари, ўз ҳаракатларини унинг қоидаларига мослаб амалга оширишлари улар демократик ҳуқуқий онгининг кўрсаткичларидан биридир. Таассуфки, судьялар ҳукм, ҳал қилув қарори ва ажримлар чиқаришда бевосита Конституция нормаларига камдан-кам ҳолларда асосланадилар. Лекин муҳими шундаки, ҳозирдаёқ бундай амалиёт аниқ-равшан ифодаланган йўналиш сифатида шакллана бошлаган бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш лозим. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қўлланиш амалиёти тўғрисида»ги қарорини қабул



қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

4. Жинойтчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда жинойтчиликнинг олдини олишга қаратилган узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурларни қабул қилиш ва уни ижтимоий ҳаётда самарали тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги фаолиятнинг мақсади аниқ белгиланган устувор йўналишлар, давлат ва жамиятнинг куч-ғайратини доимо сафарбар этиб бориш, жинойтларни фош этиш усулларини такомиллаштириш асосида жинойтчиликка фаол қарши туришни таъминлашдан ва унинг ўсиш суръатларини пасайтиришдан иборат бўлиши лозим. Фикримизча, қуйидаги чора-тадбирлар юқоридаги вазифаларни ҳал этишда муайян даражада аҳамият касб этиши мумкин:

— жинойтчиликка қарши жамоатчиликнинг муросасизлиги муҳитини вужудга келтириш; жинойтга имконият туғдирадиган омилларнинг таъсирини камайтириш чораларини қўриш;

— криминал (жиноий) тузилмаларнинг давлат ҳокимияти органлари билан қўшилиб кетишига, жинойтчиликнинг уюшган ва бошқа энг хавфли шакллари янада кенгайиб кетишига ҳамда бирлашиб олишига тўсқинлик қилиш;

— коррупцияни тугатишнинг барча зарур чораларини қўриш, унинг иқтисодий муносабатларга тазйиқини камайтириш, коррупцияга қарши курашга йўналтирилган миллий қонунчиликни яратиш;

— жиноий зўравонлик кучайишига қарши ишончли механизмларни вужудга келтириш; қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига чек қўйиш.

5. Жамиятни демократлаштириш ҳамда модернизациялашнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон фуқароларининг фаоллигини, сиёсий иштирокини кенгайтиришдек устувор вазифани ҳал этиш кун тартибида турибди. Уни ҳал қилиш учун, фикримизча, қуйидаги асосий шартларни бажариш зарур:

— барқарор демократик жамият асоси сифатида инсон ҳуқуқларига ҳурмат муҳитини шакллантириш ва мазкур ҳуқуқларни таъминлаш учун институционал механизмларни янада мустаҳкамлаш;

— маънавият, унинг асосий элементлари бўлмиш эркинлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳамкорлик ва ижтимоий тенгликни ривожлантириш;

— жамият онгида миллий мустақиллик ва миллий тикланиш ҳиссини мустаҳкамлаш;

— сўз эркинлиги, ахборот олиш ва уни тарқатиш эркинлигига

риоя қилиш кафолатига эга бўлган мустақил оммавий ахборот во-  
ситаларини изчил ривожлантириш;

— демократик жамиятни вужудга келтиришда кишилар фаол-  
лиги, бунёдкорлиги ва ғайрат-шижоатидан фойдаланган ҳолда қу-  
йдан намоён бўладиган ташаббусни қўллаб-қувватлаш;

— аҳоли кенг қатламларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти-  
ни, саводхонлигини юксак даражага кўтариш ва уларнинг мутта-  
сил ўсиб боришини таъминлаш.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## 1. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. — 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. — 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. — 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. — 394б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1997. — 384 б.
- 1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. — 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. — 413 б.
- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. — 525 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2001. — 439 б.
- 1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т. 10. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. — 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. — 320б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳам-жиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2004. — 400б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. — 448 б.
- 1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Т. 14. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2006. —280 б.
- 1.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. —320 б.
- 1.16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. —48 б.
- 1.17. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. —Т.: «Ўзбекистон», 2007. —48 б.
- 1.18. Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. —Т.: «Маънавият», 2008. —174 б.

## 2. Қонун ва қонуности ҳужжатлар

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2008. — 40 б.

- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. —№9. —225-модда.
- 2.3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. —№9. 227-модда.
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. —№11-12. —259-модда.
- 2.5. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001. —№1-2. —11-модда.
- 2.6. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007. —№1. —4-модда.
- 2.7. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007. —№4. —161-модда.
- 2.8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгашининг 1996 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш дастури тўғрисида» Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. — №3. — 47-модда.
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. —№7. —179-модда.
- 2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши // «Халқ сўзи». —Тошкент, 2001 йил 5 январь.
- 2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июндаги «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 107 сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари.
- 2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. —№41-42. 315-модда
- 2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 июлдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 404-сонли Қарори // Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг жорий архиви материаллари.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994 сонли Фармони // «Халқ сўзи». —Тошкент, 2008 йил 2 май.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июндаги «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами. 1994. —№6. —Б.204-205

2.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами. 2000. —№8. —Б.27-34

### 3. Махсус адабиётлар

3.1. Абдуллаев И.Б. Республикада юридик таълимнинг истиқболи. Кириш сўзи./ Республикада юридик таълим самарадорлигини ошириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари.—Тошкент: ТДЮИ, 2006. —200 б.

3.2. Абдусаломов М.Ю. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. —Т.:«Ўзбекистон», 2001. —591 б.

3.3. Абзалов Э.М. Правовая культура и правонарушение молодёжи. —Ташкент, 1997.

3.4. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. —Т.: «Шарқ», 2001. —383 б.

3.5. Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государтсва. —Ташкент: ТГЮИ, 2007. —129 с.

3.6. Аграновская Е.В. Правовая культура и обеспечение прав личности / Отв. ред. Е.А. Лукашева. —М.: Наука, 1988. —144 с.

3.7. Азизходжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демақдир. —Т.: «Шарқ», 1996. —226 б.

3.8. Азизходжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. —Т.: Шарқ, 1997. —212 б.

3.9. Аёл ва ҳуқуқий маданият—Т.: «Адолат», 1999. —104 б.

3.10. Алексеев С.С. Теория права.—М.: «Бек», 1995. —320 с.

3.11. Алексеев С. С. Восхождение к праву. Поиски и решения. —М.: Изд. НОРМА, 2001. —742 с.

3.12. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т. 4 / Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А. И. Доватура. —М.: Мысль, 1983. —830 с.

3.13. Афлотун. Қонунлар. —Т.:«Янги аср авлоди», 2002. —450 б.

3.14. Ахмедов Ф., Сатторов А. Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари ва қонунлар.—Тошкент, 1990. —168 б.

3.15. Бабаев В.К., Баранов В.М., Толстик В.А. Теория права и государства в схемах и определениях.—М., 1998.—256 с.

3.16. Бабенко А.Н. Правовые ценности (вопросы теории).—М., 2001. —116 с

3.17. Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание / Общая тео-

- рия права: Курс лекций под ред. проф. Бабаева В.К. Ниж. Новгород, 1993. —443 с.
- 3.18. Баранов П.П. Деформация правосознания граждан / Общая теория права. Под общ. Ред. В.К.Бабаева. —М.: Юристь, 1999. —591 с.
- 3.19. Баранов П.П., Окусов А.П. Аксиология юридической деятельности: Учебное пособие. —Ростов-на-Дону: РЮИ МВД России, 2003. —364 с.
- 3.20. Бердяев Н. Судьба России. —М., 2004. —336 с.
- 3.21. Беруний. Танланган асарлар. Т.3. —Тошкент, 1966. —Б.83
- 3.22. Бобоев Х.Б. Ўзбек давлатчилик тарихи. —Т.: Фан. 2004. —294 б.
- 3.23. Бобоев Х., Қаҳҳаров А. Демократик конституциянинг ижтимоий-ҳуқуқий қирралари. —Т.: Ўзбекистон, 2000. —77 б.
- 3.24. Варламов Н.В. Государство и гражданское общество (§2 гл. 1 раздел IX). / Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под общ. ред. члена-корр. РАН, доктора юрид. наук, проф. В.С. Нерсисянца. —М.: Издательская группа НОРМА—ИНФРА, 1999. —406 с.
- 3.25. Воротилин Е.А. Идеи правового государства в истории политической мысли / Политология: Курс лекций. —изд. 2-е; перераб. и доп. /ред. М. Н. Марченко.—М.:Зерцало, 1997. —384 с.
- 3.26. Вовленко Н.Н. Правосознание и правовая культура: Учебное пособие. — Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2000. —52 с.
- 3.27. Гегель Г. Философия права.—М.: Мысль, 1990. —524 с.
- 3.28. Генезис личности, демократической семьи, гражданского общества и правового государства. В 2-х т. — СПб., 1999. —203 с.
- 3.29. Герцен А.И. Собр. соч.: В 8-ми тт. Т.7. —М., 1950. —468 с.
- 3.30. Глебов А.П. Сущность-субстанциональный и функциональный подходы в исследовании государственно-правовых явлений // Проблемы теории государства и права: Учебное пособие.—М.: Проспект, 1999.—504 с
- 3.31. Гражданское общество. Мировой опыт и проблемы России./ ИМЭМО РАН. —М.:Эдиториал УРСС, 1998. —312 с.
- 3.32. Гражданское общество: теория, история и современность. (Сборник) / Рос. акад. наук, Ин-т социологии; Отв. ред. З.Т.Голенкова. —М.: Изд-во Ин-та социологии РАН, 1999. —385 с.
- 3.33. Гражданское общество в его практическом измерении (Материалы научно-практической конференции 27.06.01). — СПб., 2001.
- 3.34. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун /Бобоев Х.Б., Исломов З.М., Чориёров У., / проф. Ҳ. Б. Бобоев ва проф. Ҳ. Т. Одилқориевларнинг умумий таҳрири остида. —Т.:«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. —528 б.
- 3.35. Давлат қурилиши ва бошқаруви / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамяят қурилиши Академияси.—Т.:НМИУ, 2007. —576 б.
- 3.36. Данилевский Н.Я. Россия и Европа.—М.:Институт русской цивилизации, 2008. —816 с.
- 3.37. Джалалиддин Давани. Ахлоки жалол. Рукопись. ИВ. АН. РУз. Инв. 7703.
- 3.38. Древнекитайская философия. Т.1. —М.: Мысль, 1972. —195 с.
- 3.39. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. —М.:Канон, 1996. —

3.40. Ёқубов А. «Кутадғу билиг»да давлатчилик концепсияси // Масъул муҳаррир: Ф. Ас-Салом. —Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ ме- роси нашр., 1997. —58 б.

3.41. Жалилов Ш. И. Маҳалла — адолат маскани. —Тошкент, 1996. —158 б.

3.39. Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. —Тошкент, 1994.

3.40. Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан кучли жамият сари. —Тошкент, 2001. —160 б.

3.41. Жураев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. —Тошкент, 2003. —364 б.

3.43. Зайцев И.М. Процессуальные функции гражданского судопро- изводства. —Саратов, 1990. —186 с.

3.42. Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. —Тошкент, 1999. —120 б.

3.43. Иеринг Р. Борьба за право. —М.: Феникс, 1991. —64 с.

3.44. Ильин И.А. О сущности правосознания // Ильин И.А. Собрание сочинений в десяти томах. Том 4. —М.: Русская книга, 1994. —194 с.

3.45. Ильин И. А. Собрание сочинений : в 10 тт. Т.1. / И. А. Ильин ; (сост., вступ.ст. и коммент. Ю.Т. Лисицы). —М.:Русская книга, 1993. —400 с.

3.46. Ильин И.А. «Наши задачи»: Статьи 1948-1950 гг. Т.2. Кн.1. / И.А. Ильин; (сост., вступ.ст. и коммент. Ю.Т. Лисицы). —М.:Русская книга, 1993. —493 с.

3.47. Инсон ҳуқуқлари / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б. Бобоев, И.Р.Рама- зонов. —Т.:Ўзбекистон, 1997. —260 б.

3.48. Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. Ҳ.Б.Бобоев, А.Х.Саидов, Ш.Ш.Шараҳметов ва бошқ. —Т., Ўзбекистон, 1997. —260 б.

3.49. Исламов З. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). —Таш- кент: Адолат, 2001. —696с.

3.50. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. — Тошкент: ТДЮИ, 2002. —87 б.

3.51. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тарақ- қиёт сари. —Т.:Ўзбекистон, 2005. —264 б.

3.52. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. —Тошкент: «Адо- лат», 2007. —952 б.

3.53. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. —Тошкент, ТДЮИ, 2004. —138 б.

3.54. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2- е, стереотип. / Под. общ. ред. члена корреспондента РАН, доктора юри- дических наук, профессора В.С.Нерсисянца. —М.:Издательская группа Норма—Инфра: —М.:1999.—736 с.

3.55. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт му- аммолари. —Тошкент, 2005. —168 б.

3.56. Исмоилов Н.М. Қонун ижодкорлик фаолиятида миллий қадрият- ларнинг ўрни / Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш. —Тошкент:Ўзбекистон Респуб- ликаси ИИВ Академияси, 2007. —318 б.

- 3.57. Каминская В.И., Ратинов А.Р. Правосознание как элемент правовой культуры // Правовая культура и вопросы правового воспитания. — М., 1974. — 178 с.
- 3.58. Кант И. Соч. Т.4. Ч.2. — М., 1965. — 478 с.
- 3.59. Кара-Мурза. «Интеллигенция на пепелище России». — М.: «Былина», 1997. — С.264
- 3.60. Каримов Қ. Илк бадийи дoston.—Тошкент, 1976. —Б.7
- 3.61. Карташов В.Н. Профессиональная юридическая деятельность (вопросы теории и практики). — Ярославль, 1992. — 52 с.
- 3.62. Кейзеров Н.М. Политическая и правовая культура: Методологические проблемы. — М., «Юридическая литература», 1983. — 232 с.
- 3.63. Кистяковский В.А. В защиту прав. Интеллигенция и правосознание / Вехи. Из глубины. — М.: Молодая гвардия, 1991. — 551 с.
- 3.64. Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари / Илмий-назарий конференция материаллари. — Тошкент: Адолат, 2003. — 279 б.
- 3.65. Козлихин И.Ю. Идея правового государства. История и современность. — СПб.: Издательство С.-Петербургского университета, 1993. — 150 с.
- 3.66. Коэн Д.Л., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория / Пер. с англ. Общ. ред. И. И. Мюрберг. — М.: Издательство «Весь мир», 2003. — 784 с.
- 3.67. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. / Проф. Х.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида.—Тошкент, 2005. —752 б.
- 3.68. Лебедев В.М. Судебная власть в современной России: Проблемы становления и развития / С.-Петербург. гос. ун-т. Юрид. фак. — СПб.: Лань, 2001. — 382 с.
- 3.69. Лившиц Р.З. Теория права: Учебник для вузов / Р.З.Лившиц. — М.: БЕК, 2001. — 205 с.
- 3.70. Ликас, А. Л. Культура правосудия: (Практ.пособие). — М. : Юрид. лит., 1990. —176с.
- 3.71. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.—224 б.
- 3.72. Маткаримова Г. Таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари. / Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. / Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Отахонов —Тошкент: ТДЮИ, 2006. —698 б.
- 3.73. Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. — М., 2001. — 455 с.
- 3.74. Матюхин А.А. Государство в сфере права: институциональный подход.—Алматы: ВШП. «Эділет», 2000. —596 с.
- 3.75. Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник.—М.: Юристь, 2005.—С.369
- 3.76. Монтескье, Ш. Л. (Шарль Луи). Избранные произведения /Общ. ред. и вступ. ст. М.П.Баскина; Академия наук СССР. Институт философии. — М.: Госполитиздат, 1955. — 799 с.
- 3.77. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асос-



- лари. — Тошкент: «Ozbekiston», 2007. — 272 б.
- 3.78. Мингбоев У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, ДИТАФ, 2001. — 146 б.
- 3.79. Неновски Нено. Право и ценности: монография / Нено Неновски; пер. с болг. В. М. Сафронов, под ред. В. Д. Зорькина, — М.: «Прогресс», 1987. — 248 с.
- 3.80. Нерсисянц В.С. Право - математика свободы: Опыт прошлого и перспективы. — М.: Юристъ, 1996. — 160 с.
- 3.81. О праве войны и мира. Три книги, в которых объясняется естественное право и право народов, а также принципы публичного права: Перевод с латинского / Гроций Г.; Под общ. ред.: Крылов С.Б.; Пер.: Сакетти А.Л. — М.: Юрид. лит., 1956. — 867 с.
- 3.82. Общая теория прав человека / Рук. авт. кол. и отв. ред. Е.А. Лукашева; Ин-т государства и права Российской Академии наук. — М.: НОРМА, 1996. — 509 с.
- 3.83. Общая теория государства и права: Учебник для юридических вузов / Ю.А. Дмитриев, И.Ф. Казьмин, В.В. Лазарев и др.; Под общ. ред. А.С.-Пиголкина. — 2-е изд., испр. и доп. — М.: Изд.-во МГТУ им. Н.Е.Баумана, 1996. — 384 с.
- 3.84. Общая теория государства и права. Академический курс. Под ред. проф. М.Н.Марченко. Т.3. — М., 2001. — 362 с.
- 3.85. Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах. Том 2. Теория права. / Под ред: М. Н. Марченко. — М.: Зерцало, 1998. — 640 с
- 3.86. Общая теория права и государства. Под редакцией доктора юридических наук, профессора В.В. Лазарева (издание третье). — М.: Юристъ, 2001. — 520 с.
- 3.87. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Тошкент: Шарқ, 2002. — 320 б.
- 3.88. Одилқориев Х.Т. Фуқаровий жамиятнинг ҳуқуқий маданияти. / Аёл ва ҳуқуқий маданият. — Тошкент: «Адолат», 1999. — 104 б.
- 3.89. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ф. Сиёсий маданият. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. — 304 б.
- 3.90. Одилқориев Х.Т. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва қадриятлари тизими / Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммо ва ечимлар. — Тошкент: ТДЮИ, 2004. — Б.211
- 3.91. Одилқориев Х. Конституция — инсон ҳуқуқларининг кафолатлари. / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш асоси. Илмий-назарий анжуман материаллари. — Тошкент: ТДЮИ, 2005. — 380 б.
- 3.92. Одилқориев Х.Т. Суд ҳокимияти ва касбий ҳуқуқий маданият / Суд ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. — Тошкент: ТДЮИ, 2007. — Б.212-213
- 3.93. Одилқориев Х. Ҳуқуқий қадрият ва шахс ижтимоий ҳимояси // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизм-ларини такомиллаштириш. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. — 318 б.
- 3.94. Одилқориев Х. Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий прин-

- циплари ва қонуниятлари. / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.—Тошкент, ТДЮИ, 2007. —315 б.
- 3.95. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане / Под ред. И.М. Муминова, М.М. Хайруллаева.—Ташкент: «Фан», 1977. —382 с.
- 3.96. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.—Тошкент: «Ўзбекистон», 2004. —160 б.
- 3.97. Поленина С.В. Законотворчество в Российской Федерации / С.В. Поленина; Ин-т государства и права РАН. —М.: Ин-т государства РАН, 1996. —145 с.
- 3.98. Проблемы общей теории права и государства. / Под ред. проф.В.С.-Нерсисянца.—М.: Инфра—Норма, 2004. —944 с.
- 3.99. Рахмонов А.Р. Гражданское общество.—Ташкент: «Akademiya», 2007. —344 б.
- 3.100. Рахмонов А.Р. Фуқаролик жамияти: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар. Ўқув қўлланмаси.—Тошкент: «Академия», 2007. —160 б.
- 3.101. Радько Т.Н., Толстик В.А. Функции права.—Ниж. Новгород, 1995.—212 с.
- 3.102. Резник Ю.М. Гражданское общество как феномен цивилизации.—М.: Изд-во МГСУ «Союз», 1993. —559 с.
- 3.103. Рустамбаев М. Юридик фанларни ривожлантириш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари. / «Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари».—Тошкент: ТДЮИ, 2006. —698 б.
- 3.104. Сальников В.П. Правовая культура. Общая теория права / Под ред. проф.В.К.Бабаева.—Н.Новгород, 1993. —512 с.
- 3.105. Сальников В.П. Социалистическая правовая культура. Методологические проблемы.—Саратов: Изд-во Саратовского ун-та., 1989. —144 с.
- 3.106. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 1-жилд. Ҳуқуқ назарияси. —Тошкент, 2001. —560 б.
- 3.107. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. —Тошкент, 2001. —324 б.
- 3.108. Саидов А.Х. Мустақиллик қомуси. — Т., 1993. — 30 б.
- 3.109. Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. — Т., 2004. —428 б.
- 3.110. Саидов А.Х., Таджиханов У., Тошқулов Ж. Мустақиллик ва ҳуқуқий маффура. — Т., 1995. —118 б.
- 3.111. Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. — Т.: Адолат, 1998.—180 б.
- 3.112. Саидов А.Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни. — Т., 1992. —46 б.
- 3.113. Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. — Тошкент, 1993. —170 б.
- 3.114. Саидов А.Х. Международное право прав человека: Учеб. пос. / А.Х. Саидов. —М.: Академический правовой ун-т, 2002. —197 с.
- 3.115. Саидов А.Х. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли // Ўзбекистонда фуқаролик жами-

- яти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.— Тошкент: ТДЮИ, 2007. —315 б.
- 3.116. Сатибекова Г.Г. Гуманизм ал - Фараби. — А.: Наука, 1975. — 143 с.
- 3.117. Соколов А.Н. Правовое государство: идея, теория, практика. — Курск, 1994. —427 с.
- 3.118. Соловьев Э.Ю. Правовой нигилизм и гуманитарный смысл права // Квинтэссенция. Философский альманах. —М.: Наука, 1990. —312 с.
- 3.119. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. Т.1.—Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. —316 б.
- 3.120. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. Т.2. —Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. — 447 б.
- 3.121. Таджиханов У., Одилқориев Ҳ., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. —Т.: Шарқ, 2001. —752 б.
- 3.122. Тансыкбаева Г.М. Конституционное право Республики Узбекистан: учебник для студентов высших учебных заведений / Под ред. Проф. А.А.Азизходжаева. —Т.: ТГЮИ, 2003. —402 с.
- 3.123. Теория государства и права: Курс лекций / Под. ред. Н.И. Матузова, А.В. Малько. —М.: Юристь, 1999. —672 с.
- 3.124. Теория государства и права: Учебник / Под. ред. В.К. Бабаева. — М.: Юристь, 1999. —592 с.
- 3.125. Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько. 2-е изд. перераб. и доп. —М., 2001. —703 с.
- 3.126. Теория государства и права: Учебник для юридических вузов / Под общ. ред. А.Б. Венгерова. —М.: Юриспруденция, 2000. —С.543
- 3.127. Титаренко М.Л. Древнекитайский философ Мо Ди, его школа и учение. —М., «Наука», 1985. —248 с.
- 3.128. Тожихонов У. Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик. — Тошкент: ЎЗР ИИВ Акад., 1995. —52 б.
- 3.129. Толибов И. Жамоат фондлари—фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида. / Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт.—Тошкент, 2007. — Б.39
- 3.130. Тўрақулов Э., Рахимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. —Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. —Б.62
- 3.131. Уразаев Ш.З. Власть и закон. —Ташкент: Фан, 1992. —52 с.
- 3.132. Уразаев Ш.З. Перестройка и правовая культура. —Ташкент: «Фан», 1988. —43 с.
- 3.133. Файзиев М.М. Миллий давлатчилик тараққиёти. —Тошкент: ЖИДУ, 2002. —33 б.
- 3.134. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. —Т.: «Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси» нашриёти, 1993. —224 б.
- 3.135. Халилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгининг ўрни. / Правосознание в структуре общественной жизни. —Т.: Ўзбекистон, 1997. —48 б.
- 3.136. Ходжа Самандар Термизи. Назидание государям.—М., 1971. —222 б
- 3.137. Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Хрестоматия: Учебное пособие.—М., 1998.—938 с.
- 3.138. Ҳўжаева С.О. Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий маданиятини оширайлик / Ўзбекистон юристларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш

- ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган конференцияси материаллари. —Тошкент: «Адолат», 1996. —Б.92-93
- 3.139. Цицерон. Диалог. —М., 1966. —518 с.
- 3.140. Четвернин В.А. Демократическое конституционное государство: в ведение в теорию—М., 1993. —206 с.
- 3.141. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. —Ташкент, 2002. —272 с.
- 3.142. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. —Тошкент: Шарқ, 2003. —512 б.
- 3.143. Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари.—Тошкент, 2006. —Б.103-106
- 3.144. Юсуф Хос Ходжиб. Кутадгу билиг. Комментарии и перевод на узб. язык К.Каримова. Изд. 2-е, Ташкент, 1972. —684 б.
- 3.145. Ўзбекистон юристларининг «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган конференцияси материаллари.—Тошкент: «Адолат», 1996. —46 б.
- 3.146. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт илмий-амалий конференция материаллари. Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий тамойиллари ва қонуниятлари.—Тошкент: ТДЮИ, 2007. —Б.32-33
- 3.147. Ўзбекистон: Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза.—Тошкент, 1999. —116 б.
- 3.148. Ўзбекистон: Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. —Тошкент, 2000.—63 б.
- 3.149. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқура-лар, маданиятлар. —Тошкент: Шарқ, 1998. —160 б.
- 3.150. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. (Монография) —Т.: Янги аср авлоди, 2006. —204 б.
- 3.151. Курбонов Ш. ва бошқ. Баркамол авлод орзуси.—Тошкент: «Шарқ», 1998. —192 б.
- 3.152. Фуломов М. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масалалари.—Тошкент: «Fan va texnologiya», 2006. —160 б.
- 3.153. Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. —Тошкент: Ўзбекистон, 2001. —384 б.
- 3.154. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари. —Тошкент: Университет, 1994. —132 б.

#### 4. Даврий адабиётлар

- 4.1. Азизхўжаев А.А. Демократиянинг ёрқин ифодаси //Жамият ва бошқарув.—Тошкент, 2002. —№ 1. —Б.4-8
- 4.2. Асқаров Ҳ. Ҳуқуқий маърифат жарчилари.// «Инсон ва қонун». —Тошкент, 1997 йил 17 июнь
- 4.3. Атаматов Б. Қонунга ҳурмат туйғусини тарбиялайлик // Ҳаёт ва қонун.—Тошкент, 1998. —№1. —Б.21-25
- 4.4. Баглай М.В. Интервью журналу «Государство и право» // Государство и право. —Москва, 1998. —№2. —С.7

- 4.5. Бушмакина О.Н. Преодоление нигилизма: тождество мышления и существования // Вест. Удм. Ун-та. – 1997. – №5. – С.23-32
- 4.6. Гаджиев К.С. Размышления о свободе // Вопросы философии. 1993. – №2. – С.33
- 4.7. Гражданское общество, правовое государство и право. // «Государство и право». – Москва, 2002. – №1. – С.12-50
- 4.8. Гуроров В.А. Современные концепции гражданского общества // Гражданский форум. – М, 2001. – №1. – С.47-56.
- 4.9. Кузнецов Э. Кризис современного правосознания // Правоведение. – М, 1994. – №3.
- 4.10. Лысенко В. Конституционный нигилизм. Как лечить? // Российская федерация. – М, 1999. – №7.
- 4.11. Малиновский Б. Научная теория культуры (фрагменты) // Вопросы философии. М, 1983. – № 2. – С.116-124
- 4.12. Мониторинг прав человека // Бюллетень Национального Центра Республики Узбекистан по правам человека. – Ташкент, 1999. – №2.
- 4.13. Миракулов М. Жамоатчилик назоратида ёшлар иштироки // «Фуқаролик жамияти». – Тошкент, 2008. – №1. – Б.27-28
- 4.14. Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2001. – №2. – С.117-118
- 4.15. Оболонский А.В. Диалог с советологом Д.Хаммером о «вечных» российских вопросах // Государство и право. – М, 1992, – №7. – С.120-123
- 4.16. Одиқориев Х. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдевори. // «Халқ сўзи». – Тошкент, 2002 йил 11 ноябрь
- 4.17. Одиқориев Х. Беназир ҳуқуқий кадрият. // «Халқ сўзи». – Тошкент, 2002 йил 29 ноябрь
- 4.18. Открытость и гласность – важные критерии выборов // «Народное слово». – Ташкент, 30 октября 2007 года
- 4.19. Покровский Н.Е. Одиннадцать заповедей функционализма Р.Мертона // Социологические исследования. 1992. – №2. – С.116-117
- 4.20. Раҳматуллаев Т. Америка матбуоти – «тўртинчи ҳокимият» // «Тафаккур». – Тошкент, 2000. – № 2. – Б.38-39
- 4.21. Семитко А.П. Правовая культура общества. // «Правоведение», – М., 1997. – №4. – С.9
- 4.22. Соловьев В.Ю. Правовой нигилизм и гуманитарный смысл права / Квинтэссенция. Философский альманах. – М., 1990. – С.8-10
- 4.23. Ташмухамедова Д. Синов, тажриба ва маҳорат мактаби. // «Адолат». – Тошкент, 2007 йил 6 ноябрь
- 4.24. Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. – Тошкент, 2007. – №5. – Б.15
- 4.25. Туманов В.А. Правовой нигилизм в историко-идеологическом ракурсе // Государство и право. – М., 1993. – №3. – С.32-43
- 4.26. Турсунов А.С. Давлат ва суверен тенглик // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2002. – №1. – Б.7-9
- 4.27. Ҳамраев А.А. Қонунга бўйсунмиш-ҳуқуқий маданият мезони. // Қалқон. – Тошкент, 1998. – №3-4. – Б.4-5
- 4.28. Хойман С.Е. Взгляд на правовую культуру предреволюционной России // Государство и право. – М., 1991. – №1. – С.121

- 4.29. Эшманов Х. Ижро ва маъсулият // «Халқ сўзи». —Тошкент, 2003 йил 27 июнь
- 4.30. Қирғизбоев М. Сиёсий партиялар нега фаоллашмаяпти? // «Хуррият». —Тошкент, 1999 йил 28 июль-3 август
- 4.31. «Ҳаёт ва қонун». —Тошкент, 2006. —№5
- 4.32. «XXI аср». —Тошкент, 2008 йил 25 январь

### 5. Энциклопедия ва луғатлар

- 5.1. Фалсафа: қомусий луғат. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). —Тошкент: Шарқ, 2004. —496 б.
- 5.2. Философский энциклопедический словарь.—М.: ИНФРА-М, 2001.—576 с.
- 5.3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. —Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. —632 б.

### 6. Диссертация ва авторефератлар

- 6.1. Абдуллаев Ж.М. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар). Юрид. фан. ном. ... дис. автореф. —Тошкент, 2008. —27 б.
- 6.2. Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодежи. Автореф. дисс... канд.юрид.наук.—Тошкент, 2000. —24 с.
- 6.3. Адилходжаева С.М. Эволюция политико-правовых идей либерализма, проблемы их реализации на современном этапе: вопросы теории и практики.: Автореф. дис...докт.юрид.наук. —Ташкент, 2003.—51 с.
- 6.4. Боер В.М. Правовая информированность и формирование правовой культуры личности (вопросы теории): Автореф. ...дисс.канд.юрид.наук.—СПб., 1993.—22 с.
- 6.5. Вахобов Н. Ўзбекистонда ҳуқуқий мафқуранинг шаклланиш муаммолари. Юрид.фан.номзоди... автореферат.—Тошкент, 1997. —24 с.
- 6.6. Ершова Л.А. Правовая культура должностных лиц и пути его формирования. Автореф. дисс... канд. юрид. наук.—М., 1991. —21 с.
- 6.7. Рахимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан.: Автореф. дис.докт.юрид.наук. —Тошкент, 2001.—43 с.
- 6.8. Сальников В.П. Правовая культура: теоретико-методологический аспект. Автореф. дисс... д-ра юрид. наук.—Л., 1990. —35 с.
- 6.9. Синюков В.Н. Российская правовая система (вопросы теории): Автореф... докт. юрид. наук. —Саратов, 1995. —37 с.
- 6.10. Таджиханов У. Научно-теоретические проблемы правовой культуры. Автореф. дисс... д-ра юрид.наук.—Ташкент, 1995. —48 с.
- 6.11. Хамраев А.У. Правовая культура личности.: Автореф. дисс... канд.юрид.наук. —Ташкент, 1999. —21 с.
- 6.12. Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политико-правовое исследование.Автореф. дисс...канд.юрид.наук.—Казань, 2005. —25 с.
- 6.13. Якубов Ш.У. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий қадрият ва таъминларнинг шаклланиши. Юрид.фан.номзоди... Автореф. —Тошкент, 2008. —25 б.

## МУНДАРИЖА

<b>МУҚАДДИМА</b> .....	4
<b>I БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ</b>	
1.1. Фуқаролик жамияти: тарихи, тушунчаси ва юридик табиати .....	11
1.2. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши .....	27
1.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	47
<b>II БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b>	
2.1. Ҳуқуқий маданият — жамият ҳуқуқий ҳаётининг инъикоси сифатида .....	65
2.2. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти ва қадриятлари тизими .....	77
2.3. Фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг типлари ва функциялари .....	89
2.4. Инсон ҳуқуқлари — фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданиятнинг муҳим кўрсаткичи .....	104
<b>III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР</b>	
3.1. Ҳуқуқий онг деформацияси (бузилиши)нинг ҳуқуқий маданиятга таъсири .....	116
3.2. Ҳуқуқий нигилизм тушунчаси, моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари .....	129
3.3. Ҳуқуқий идеализм тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	145
3.4. Жиноятчилик — ҳуқуқий онг деформациясининг салбий оқибати .....	152

## **IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

4.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари .....	162
4.2. Юридик таълим ва юристлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили .....	173
4.3. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари .....	192
4.4. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари .....	209
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>223</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>234</b>



**ХУДОЁР МАМАТОВ**

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
МУАММОЛАРИ**

Муҳаррир: А.Ўсарова  
Техник муҳаррир: О.Исмоилов  
Мусахҳиҳ: С.Бадалбоева

«Yurist-media markazi» нашриёти  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

Босишга 26.02.2009да рухсат этилди.  
Бичими 60 x 84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Timez uz гарнитураси.  
15,5 босма табоқ. Адади - 1000 нусха.  
Буюртма рақами - 01-Н/09  
Баҳоси келишилган нархда.

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.



«YURIST-MEDIA MARKAZI»  
NASHRIYOTI

ISBN 978-9943-337-27-5

